

Т. ЮСУПОВА

СИНТАКСИСНИ  
МОРФОЛОГИЯНИ  
ТАКРОРЛАШ БИЛАН  
БОГЛАБ ҮРГАНИШ  
МЕТОДИКАСИ

81

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА ТУРСУНОЙ АҲМЕДОВНА


СИНТАКСИСНИ  
МОРФОЛОГИЯНИ ТАКРОРЛАШ  
БИЛАН БОҒЛАБ ЎРГАНИШ  
МЕТОДИКАСИ

(5-ва 8-сinf она тили дарслари мисолида)

(МОНОГРАФИЯ)

ТОШКЕНТ – 2009

4009 18465



**Т.А.Юсупова.** Синтаксисни морфологияни тақрорлаши билан боғлаб ўрганиш методикаси. Монография. Т., «Fan va texnologiya», 2009, 176 бет.

Монографияда 5-ва 8-синф она тили лареларида синтаксисни морфологияни тақрорлаш билан боғлаб ўрганиш методикаси ёритилган бўлиб, у она тили ўқитувчилари, педагогика олий ўкув юртлари талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** **Н.Маҳмудов**, филология фишлари доктори, профессор

**Тақризчилар:** **Р.Ниёзметова**, педагогика фанлари доктори;

**С.Султонсаидони**, филология фанлари номзоди, доцент

**ISBN 978–9943–10–169–2**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимидағи ўқув-тарбия матмуми, шакллари, метод ва усууларини давр талабларидан келиб чиққан холда, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мувофиқ равишда янгилаш, тақомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш буғунги кунда ёш индустрияларни шукта билим эгаси, комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилиларидан хисобланади. Юртбошимиз И.А.Каримов кадрларнинг тил билими ҳакида айтилган куйидаги сўзлари ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясига муҳим йўналишлар беради: «Ўз фикрини мутлақо мустакил, оғиз тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, ашнанамбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам кийин». «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг жорий этилиши бу соҳада туб бурилиш ясади. Улар, айниқса, она тили ўқитувчиларининг зиммасига масъулиятли нағифалар юклади. Чунончи, она тили дарсларида ўтилаётган мавзуу бўйича ўқувчиларга бериладиган билим, ҳосил қилинадиган кўникма ва миънажаларнинг «Она тили» ДТСи талаблари даражасида эгалланишини таъминлаш, ўқувчилар нутқини ўзбек тилининг бой синтактик курилмалари билан бойитиш, нутқ маданиятини шакллантириш ана шундай вазифалар сирасига киради.

8-синфда синтаксисга доир назарий маълумотлар морфологик тушунчалар асосига қурилади. Ўқувчи рангин синтактик қурилмалар табиатини англаш, ўз нутқини ана шундай қурилмалар билан бойитиш учун морфологик воситаларни яхши билиши лозим. Зоро, «Синтаксис грамматиканинг бўлимларидан бири бўлиб, сўзларнинг ва гапларнинг ўзро аюқасини, сўз бирикмалари ва гапларни ташкил этган бўлакларнинг хусусиятларини ўрганади. Бу жиҳатдан синтаксис морфологиядан фарқланади. Морфология сўзларнинг тузилиши, ясалиши, турланиши, тусланишини текширади, албатта, бу шаклий текшириш маъно асосида бўлади...».

Морфология ва синтаксис бир-бирини тўлдирувчи, ўзаро муносабатда бўлган соҳалардир<sup>2</sup>.

Маълумки, 8-синф ўқувчилари содда гап синтаксисини ўрганиш эксарайнида қуий синфларда морфологияга доир олган билимларидан кинчалик кенг фойдалансалар, улар тузадиган синтактик қурилмалар ҳам

<sup>1</sup> Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ», 1997. – 2-бет.

<sup>2</sup> Ким тили грамматикаси. II том , синтаксис., Т., «Фан», 1976. – 3-бет.

шунчалик бой ва ранг-бараң бўлади. Лекин айни шу синфда морфология бўйича эгалланган билимлар, хосил қилинган кўникма ва малакаларнинг 5-7-синфларда бўшроқ эгалланган қисми аста-секинлик билан унутила боради. Бунинг боиси шундаки, синтаксисга оид тушунчаларни ўрганишда ҳамма вакт ҳам морфологиядан ўтилган тушунчаларни жалб этишга зарурият сезилавермайди. Ана шу жалб этилмаган, ўқитувчининг дикқат-эътиборидан четда қолган ёки онда-сонда тилга олинган тушунчаларни ифода этувчи терминлар ва бир қатор қоидалар, кузатишларнинг кўрсатишича, ўқувчилар хотирасидан кўтарилимоқда, бу эса, ўз навбатида, улардаги билим, кўникма ва малакаларнинг «Она тили» ДТС талаблари дараҷасидан пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

8-синфда ўқув йили бошида такрорлаш, содда гап синтаксисига доир мавзулар билан боғлиқ равишда айрим морфологик тушунчаларни хотирага тушириш жарабёни амалиётда асосан берилган мисолларни сўз туркумларига ажратиш, сўзнинг қайси туркумга мансублигини айтиш, бирор сўз туркумига доир мисоллар келтириш, сўз бирикмалари ёки гаплар тузиш, сўзларнинг лугавий ва грамматик маъноларини изохлаш, сўз шаклларига эътибор бериш, турли беллашувларда ўз кучини синаш тариқасида амалга оширилиб келинмоқда. Такрорлашни самараали ташкил этиш учун ушбу усуллар етарли эмас. Шунга кўра ҳам синтактик тушунчалар устида олиб бориладиган морфологияга доир билимлардан кенгрок фойдаланиш йўлларини излаш, дарсларда ўрганилаётган ва машқ пайтида тузилаётган синтактик қурилмаларнинг турли-туман бўлишига эришиш, нутқ маданиятига оид тадбирларни амалга ошириш, шу аснода морфологик тушунчаларни такрорлаш шакллари, воситалари, метод ва усулларини атрофлича ишлаб чиқиши, дарсларда улардан фойдаланиш учун етарлича вакт ажратиш самарадорликни таъминловчи, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, нутқ маданиятини ошириш учун хизмат килувчи кудратли омилни вужудга келтириши мумкин.

---

## **I-боб. СИНТАКСИСНИ МОРФОЛОГИЯНИ ТАКРОРЛАШ БИЛАН БОГЛАБ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

### **I.1. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологик тушунчаларни такрорлаш методик муаммо сифатида**

5-синф она тили дарсларида «Синтаксис ва пунктуация» бўлимини, 8-синифда содда гап синтаксисини морфологик тушунчаларга таянган, уларни ўкувчилик хотрасига туширган ҳолда ўрганиш, синтаксис манзуларини ўрганиш жараёнида морфологик тушунчаларни такрорлаб бориш узлуксиз она тили таълими тизимида билим, кўникма ва малакаларни боскичма-боскич шакллантириб бориш зарурияти билан ясасланади; таълим сифати мониторинги юритилётган бугунги кунда счими таълим самарадорлигини кайси йўллар билан ошириш керак деган саволга жавоб бериши мумкин бўлган мухим методик муаммо саналади. Билимларни такрорлаш, кўникма ва малакаларни тиклаш масалалари бир катор методист олимларнинг яратган методик қўлланмаларида ўкув йили боинида такрорлаш, бўлим охирида такрорлаш тарикасида ёритилди. Чунончи, О.Розиков, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, К.Қосимова, Н.Махмудов, А. Нурмонов, Ҳ.Неъматов, А.Ғуломов, М.Абдураимова, М.Қодиров ва бошқаларнинг методик қўлланмалари, ўқитувчи китоблари, парс ишланмаларида такрорлаш масалаларига кўпроқ шу нуткаи назардан сипашилди.

Она тили таълими жараёни муайян кетма-кетликда бажариладиган инти мавзуни ўрганиш ва дастлабки мустаҳкамлаш, маълум вакт ўтгандан кетини эса такрорлаш жараёнларини ўз ичига камраб олади. Ушбу жарисидардан ўтиб она тилидан берилаётган билимлар ўзлаштирилади.

Психолог олим О.К.Тихомировнинг тушунтиришига кўра, воеакадемикаларнинг вакт жихатдан қабул қилиниш (идрок этилиш) изчиллиги ёлиб қолиш, хотирада саклаш, эслаш (хотирага тушириш), унучишнинг биринчи белгиси саналади; эсда олиб қолинмаган нарсани хотирага тушириши кийин; эсда олиб қолиш қайта ифода этишдан олдин келиши мумкин; ўзлаштирилган нарсанигина хотирада саклаш мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М., «Высшее образование», 2009.

Психолог олима И.А.Зимняининг таъкидлашича, «Янги мавзуни ўрганиш ва дастлабки мустаҳкамлаш жараёнида эслаб колиш харакати амалга ошади. Эсда олиб колинган билимларгина хотирада сакланиб туради. Ўзлаштириш деганда инсоннинг қабул қилиш, маъновий ишлов бериш, хотирада саклаш ва кайта ифода этишни таъминловчи барча ўкув-билув жараёнларини ўз ичига оладиган мураккаб интеллектуал фаолияти саналиб, ўқиши-ўрганиш ишларининг натижаси хисобланади»<sup>1</sup>. Аксинча, ўзлашмаган билим кейинги интеллектуал фаолиятда ишлатилмайди, бинобарин, хотирада сакланиб қолмайди.

О.К.Тихомировнинг фикрича, эсда олиб колиш актига жалб этилган жараёнларнинг биринчиси излар консолидацияси (вакт ўтиши билан ўзгаришга учраши), иккинчиси – реконструкция (кайта курилиши), учинчиси маъновий гурухланишидир<sup>2</sup>. Олинган билимларнинг вакт ўтиши билан хиралашуви, билимларнинг кориштирилишини шундан деб хисоблаш мумкин.

О.К.Тихомиров, И.А.Зимняяларнинг тушунтиришларидан шу нарса маълум бўладики, олинган билимлар унутила бошлаган, ўкувчиларнинг хотирасида сакланиб қолган ёки умуман сакланиб қолмаган бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳам такрорлашни уч хил англаш жоиз бўлади: 1) хотирада сакланиб қолган билимларни яна бир бор эслаш; 2) унутила бошлаган билимларни хотирада тиклаш, 3) хотирада сакланиб қолмаган билимларни янгидан ўрганиш. Кўникма ва малакалар устида олиб бориладиган ишларни ҳам юкоридаги каби уч хил даражалаш мумкин. Тикланган билим, кўникма ва малакаларни эса, ўз навбатида, мустаҳкамлаш ва такрорлаш босқичларидан олиб ўтиши лозим.

90-йилларгача бўлган даврда такрорлаш масалалари том маънода назарий маълумотларни хотирага тушириш, коидага мос мисоллар келтириш, таҳлил турларини ўтказиш тарзида амалга ошириб келинди. Бунда назорат ишлари, таҳлилнинг турли кўринишларига устувор аҳамият берилди. Ваҳолонки, она тили дарсларида билимларгина эмас, балки кўникма ва малакалар ҳам эгалланиши керак.

Бу даврда М.Омилхонованинг «Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш», «Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш» номли қўлланмалари<sup>3</sup> ўқитувчиларнинг қўлларида асосий йўл-йўріклар вазифасини ўтади. Ушбу монографик ишларда 7-(хозирда 8-) синфда содда гап синтаксисини ўрганиш методикаси ўша даврга хос тарзда алоҳида мукаммаллик билан ишлаб чиқилган. «Мактабда она тили синтаксисини ўргатиш» номли қўлланмасида синтаксиснинг муқаддима

<sup>1</sup> Зимняя И.А. Педагогическая психология. Изд. 2-е, доп. и перераб. – М., Логос, 2003. – С. 233-234.

<sup>2</sup> Тихомиров О.К. Номи курсатилган дарслик, 300–301-бетлар.

<sup>3</sup> Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш. – Т., «Ўқитувчи», 1991; Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. – Т., «Ўқитувчи», 1977.

курсини (5-синфда) ўрганиш ҳакида сўз юритилиб, бош бўлаклар юзасидан шундай тавсиялар берилган: «Гап бўлаклари ҳакидаги умумий маълумотдан кейин бош бўлаклар – эга ва кесим ҳакида куйи синфларда ҳосил қилингган билимлар кенгайтирилади: эганинг бош келишикдаги от ва кишилик олмошлари билан ифодаланиши, кесимнинг феъл билан, шунингдек, сифат ва от билан ифодаланиши, қандай?, кимдир?, нимадир? каби сўрокларга ҳам жавоб бўлиши ўргатилади»<sup>1</sup>. Синтаксисни систематик курс сифатида ўрганиш босқичи юзасидан қуидагиларни ўкишимиз мумкин: «Босқичли кетма-кетлик принципи, бунда узвийликка амал қилиниши синтаксиснинг систематик курсида куйи синфларда грамматиканинг бу бўлими юзасидан ўтилганларни такрорлаш, кенгайтириш йўли билан ўкувчилар билимини чукурлаштириш ҳамда янги назарий маълумотлар билан бойитишга қаратилади»<sup>2</sup>. Шу ерда мундарижада «Куйи синфларда ўрганилган, синтаксиснинг систематик курсида такрорланадиган, кенгайтирилайдиган мавзуулар» сирасида ўкиш мумкин: «Эга. (Эганинг от ва кишилик олмошлари билан ифодаланиши.)»<sup>3</sup>. Эга ўтилаётганда куйи синфларда берилган «Эга от ва кишилик олмошлари билан ифодаланади» деган назарий маълумот ўкувчилар ёдига туширилади. Эганинг бошка сўз туркумлари билан ифодаланиши ҳакидаги маълумот аввалги маълумотни кенгайтиради, янги билимлар билан бойитади.

Келтирилган фикрлардан маълум бўлишича, М.Омилхонованинг «Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш», «Мактабда она тили синтаксисини ўрганиши» номли қўлланмаларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш зарурлиги таълим мазмуни билан боғлиқ равища айтиб ўтилган, лекин уни ёритиш алоҳида мақсад қилиб қўйилмаган. Ҳолбуки, айни шу қўлланмалар ўтган асрнинг 90-йилларига кадар амалга оширилган йирик монографик тадқиқот натижаси санаалган. Кейинги даврларда, хусусан, истиқлол йилларида бундай изланишлар хануз ўтказилганича йўк.

«7- ва 8- синфда она тили дарслари» қўлланмасининг<sup>4</sup> методист олим Й.Абдуллаев қаламига мансуб «Ўқув йили бошида такрорлаш» кисмида сўз туркумларининг таснифи, мустақил сўз туркумларининг грамматик белгилари (жадвал асосида), феъл, равиш, ёрдамчи сўз туркумлари юзасидан куйи синфларда ўтилганларни ўкувчилар ёдига солиш юзасидан тавсиялар баён қилингган; машқ турлари, тахлилдан фойдаланиш тавсия

<sup>1</sup> Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш.- Т., «Ўқитувчи», 1977. 22-бет.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган китоб, 38-бет.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган китоб, 39-бет.

<sup>4</sup> Омилхонова М., Абдуллаев Й. ва бошкалар. 7- ва 8- синфда она тили дарслари. – Т., «Ўқигувчи», 1982.

этилган. Бунда асосий эътибор ўрганилган морфологик тушунчаларни ўкувчилар хотирасида фақат тиклашгагина каратилган.

Қўлланманинг «Гап», «Бир бош бўлакли гап» қисмлари М.Омилхонова томонидан ёзилган бўлиб, бу ерда конкрет мавзулар мисолида морфологияни тақорлаш масалалари четлаб ўтилган. Бошка бўлимлар ҳам синтаксисга доир мавзуларни ўрганиш муаммоларидан баҳс юритиш мазмунида ишлаб чиқилган.

М.Абдураимованинг «Она тили дарсларида ўкувчилар нуткини кўмакчили бирикмалар билан бойитиш» мавзусидаги методик қўлланмасида<sup>1</sup> морфологияни 5-7-синфларда синтаксис асосида ўрганиш масалалари ёритилди. Мазкур иш ўқитувчиларни 5-синфда ўтилган «Синтаксис ва пунктуация» бўлими орқали олинган билим, ҳосил килинган кўникма ва малакаларни тақорраб, чукурлаштириб бориш усуllibаридан воқиф эта олади.

Ё.Фуломов, И.Расулов, Ҳ.Рустамов, Б.Мирзааҳмедовларнинг «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» китобида билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун «тақорлаш системаси» бўлишига<sup>2</sup> катта эътибор берилиб, тил бўлимларини узвий боғланган ҳолда ўрганиш тавсия этилади. Масалан, 7-синфда сўроқ гап ўрганилаётганда, ўкувчиларга -а, -я, -чи, -ку юкламаларининг имлоси эслатилади<sup>3</sup>. Эслатиш тақорлаш йўлидаги дастлабки иш тури саналади. Албатта, бу ерда юкламаларнинг имлосигина эмас, балки юкламаларнинг ўзи (бизнингча, таснифидан ташқари, уларнинг тўлиқ рўйхати) ҳам ўкувчилар ёдига туширилиши керак. Демак, тақорлашида тўлиқлик ҳам муҳим методик муаммолардан бири хисобланади.

Тўғри, китобда таъкидланганидек, ҳали ўтилмаган мавзунинг мазмуни ва характеристига яқин материални керакли ҳажмда эслатиш янги мавзуни ўзлаштиришга тайёрлайди<sup>4</sup>. Бу ўринда тақорлашнинг тўлиқлигини талаб этиши жоиз ҳам эмас. Лекин бу каби ишларни мавзу ўтилаётганда ёки ўтиб бўлингандан кейин барибир амалга ошириш зарур.

Айрим методист олимлар истиклолгача бўлган давр она тили таълимини билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва тақорлашдан иборат бўлган деб ҳисоблайдилар. Чунончи, М.Саидов бундай ёзади: «...она тили машғулотларида, кўп ҳолларда, ўкувчи ўрганилган билимларни хотирада тиклаш, эгаллангандарни эслашдан нарига ўтмайди. Қисман ижодий ва ижодий топшириклиарни етарли даражада ишга тушира

<sup>1</sup> Абдураимова М. Она тили дарсларида ўкувчилар нуткини кўмакчили бирикмалар билан бойитиш: Методик қўлланма. – Т., «Ўқитувчи», 1985.

<sup>2</sup> Фуломов Ё., Расулов И., Рустамов Ҳ., Мирзааҳмедов Д. Ўзбек тили ўқитиш методикаси: Университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факултетларини студентлари учун кўлланма. – Т., «Ўқитувчи», 1975.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган китоб, 34-бет.

<sup>4</sup> Номи кўрсатилган китоб, 44-бет.

олмаслик натижасида улар ижодий фаолиятга тайёр була олмаётирлар. Бу тили машғулотларини тамоман янги мазмун ва йўналишида ташкил этишини, дарсда ўқитувчининг мутлоқ хукмронлигидан кутулиб, кенг ишодий майдон мухитини яратишни такозо этади<sup>1</sup>. У ўз фикрини давом этириб, бундай дейди: «Ўқувчи фаолиятида тез-тез дуч келадиган сўз ғанишоқлиги, фикрни мантиқан тўғри баён кила олмаслик, фикрни мустақил изчилликда бера олмаслик, баён қилиниши лозим бўлган фикрларни мантикий бўлакларга тўғри ажратса олмаслик, мавзу гапибидан четта чикиш сингари ҳоллар тафаккурнинг етарли даражада ринонжалмаганлиги кайта хотирлаш характеристидаги ўқув тоннисирикларидан кенг фойдаланиш натижасида юзага келади<sup>2</sup>. Мунишиф кайта хотирлаш зарурлигини инкор этаётгани йўқ. У шундай тоннисириклардан кенг фойдаланишнинг салбий окибатлари борлигига ишора килмоқда, холос.

Матлум бўладики, 90-йилларгача бўлган даврда 5-синф она тили барасирида «Синтаксис ва пунктуация» бўлимини, 8-синфда содда гап синтаксини ўрганишга бағишлиланган кўлланмаларда асосан синтактик тушунчаларни ўқувчилар онгига етказиш масалалари изланиши объекти саналган бўлиб, морфологиядан ўтилганларни мустахкамлаш ва тақрорлани аксарият ҳолатларда янги мавзулар билан боғлик равишда амалга оширилган. Бундай боғланишда ўтилганлар қисман, янги мавзуни тушуннишга ёрдам берадиган қисмигина қамраб олинган. Бинобарин, маънудан олдинги, мавзуни ўтиш ва мустахкамлаш жараёнидаги тақрорлани мавжуд методик муаммоларни, яъни БМК ларни тақрорлаш грамматикенинни хосил этиш муаммоларини ҳал этиб бера олмайди. Ваҳлонки, синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологик тушунчаларни тақрорлаш ўнта хос ёндашув ва тамойилларга амал қилишни, таълим шакллари, инструментари, методлари, иш турларидан фойдаланишни такозо этади.

Истиқлол йилларида она тилидан ўтилганларни тақрорлаш грамматизмдан (грамматика грамматика учун қолипидан) холи тарзда, яъни ишанинганий, интерфаол усуслар, янги педагогик технология, изборот технологияларини қўллаш тарзида амалга оширила бошланди.

XX асрнинг охирги ўн йиллиги, XXI аср бошлари (1990–2008 йиллар) она тили таълими мазмуни ва методикаси соҳасида амалга оширилган бирор ишаниншлар, дадил илмий тадқиқотлар, мухим ечимларда ўз инфодасини тоғлан катта бурилишлар билан тавсифланди. Чунончи, илк бори она тили таълими концепцияси яратилди, «Она тили» ДТСи хукумат тасдиғидан ўтди, мазмуни ва тузилиши тамоман янгиланган «Она тили»

<sup>1</sup> Осадов М. Убек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни развиштаворли ўзга тоннисириклири ва улардан фойдаланиш методикаси: Пед.фан. номзоди ... дисс. Узбекистон, 2000 – 178-6. Лисс.автореферат. – Т., 2000.

<sup>2</sup> Осадов М. Убек мактабларининг автореферат, 4-бет.

дастури мухокамалар ва синовларнинг машаққатли боскичларидан ўтиб, амалиётга йўлланма олди, қатор тадқикот ишлари юзага келди, методик кўлланмалар, методик тавсиялар босилиб чиқди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари она тили ўқув фани методикаси чукур ислоҳотлар даврини – она тили таълимни мазмунни ва методларининг концепция асосида жиддий янгиланиш даврини бошидан кечирди. Бу янгиланиш, бир томондан, таълим мазмунини бутунлай янгидан ишлаб чиқиши билан тавсифланди (А.К.Фуломов, Ҳ.Нематов ва б.), иккинчи томондан, ноанъянавий таълим методлари ва усуллари устидаги изланишларда ўз ифодасини топди (А.Бобомуродова, Ш.Юсупова ва б.). Шунга қарамай, XXI аср бошларида ўқув фани таълимни мазмунни ва методларида жиддий камчиликлар кўзга ташлана бошлади, бу камчиликлар кўпроқ узвийлик, узлуксизлик, мажмуавийликни таъминлаш, дидактика принципларига эътибор бериш, нутқ маданиятини ўстириш имкониятларини кенгайтириш заруриятида ўз ифодасини топди (Ҳ.Курбонова, М.Мирмаҳсудова, Т.Юсупова ва б.). Шу боис муайян қарорлар асосида узвийлашган таълим мазмунини шакллантириш, ўқув фани ўқув қўлланмалари мажмуаларини яратишга киришилди<sup>1</sup>. Ижодий методлар дидактика ютуклари билан бойитилди. Ўқитувчи – ўқувчи ҳамкорлиги педагогикаси янги поғонага кўтарилди. Янги педагогик технология, ахборот технологиялари тушунчалари она тили дарсларига ҳам кенг кириб борди.

Бугун мухим методик муаммо саналувчи ўтилганиларни такрорлаш, авваламбор, «Ўзбек мактабларида она тилини ўқитиши концепцияси» талабидир. Унда том маънодаги такрорлаш ҳакида бўлмаса-да, «Она тилидан янги мавзуни, янги тил ҳодисасини ўзлаштиришга багишланган ҳар бир машғулот ўтган билим, кўникма ва малакаларни синаш ва такрорлашдан ташқари кўйидаги тахминий қисмларни ўз ичига олади», дейилиб, 5 моддадан иборат қисмлар санаб ўтилади<sup>2</sup>. Бу ерда бизни саналган моддалар эмас, балки «ўтган билим, кўникма ва малакаларни синаш ва такрорлаш» ифодаси кизиктирди. Такрорлашни концепциянинг ҳам талаби деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Умумий ўрта таълимнинг «Она тили» давлат таълим стандартида билим, кўникма ва малакаларга нисбатан белгиланган талаблар «Ўзлаштириладиган меъёрлар» да ўз аксини топиб, ушбу меъёрларга она тили дарсларида такрорлашларни йўлга кўймасдан туриб эришиб бўлмайди. Зоро, дастлабки меъёрнинг ўзи кўйидаги тарзда таърифланган: «Фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология,

<sup>1</sup> Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси // Тузувчилар: А.А.Каримов, Э.З.Имамов ва б. Академик Т.Т.Рискиев умумий таҳрири остида. – Т., «Шарқ», 2002.

<sup>2</sup> Ўзбек мактабларида она тили ўқитиши концепцияси. – Т.: ЎзПФТИ, 1993. 14-бет.

синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, боғланишли нутқ, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчалар, уларнинг мухим белгиларини билиб олишлари, *изоҳлай билишлари* (курсив – бизники) ва шу тушунчалар билан боғлиқ грамматик терминларни ўзлаштиришлари<sup>1</sup>. Ушбу меъёрларни таълимлаш таълим методларига, биринчи навбатда, такрорлаш «ишиларни амалга оширишга боғлиқдир. Меъёрларда таъкидланган «изоҳлай билишлари» ифодаси назарий мушоҳадалар юритиш, назарий маълумотларни ўзлаштириши билан боғлиқ.

Р.Йўлдошев, Й.Абдуллаевлар томонидан тайёргранган «Она тили» давлат таълим стандартини<sup>2</sup> амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсияларда<sup>3</sup> «Она тили» ДТС ида битирувчиларнинг *тайёргарлик* даражасига кўйиладиган минимал талабларга кўра амалий кўнимка ва малакалар, ўзлаштириладиган меъёрлар бевосита таълим мазмунининг мажбурий минимумига тегишилдири.

Тавсияларда таъкидланишича, «Меъёрларнинг маълум бир қисми лингвистик тушунчаларни ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари билан боғлиқ. Булар филологик маълумотни ифода этади. Ёшлар биринчи навбатда ўзбек тиљшунослигининг асосий бўлимларига доир тушунчаларни, уларнинг мухим белгиларини билиб олишлари, изоҳлай билишлари ва шу тушунчалар билан боғлиқ грамматик терминларни ўзлаштиришлари керак. Бу деган сўз, 9-синфи битирувчи хар бир ўқувчи она тили таълим мазмунининг мажбурий минимумини ташкил этувчи термин-тушунчаларни билишлари, улар билан боғлиқ таъриф ва асосий қоидаларни эгаллаб олишлари даркор:

- 1) маънога доир қоидалар;
- 2) имлога доир қоидалар;
- 3) кўллашга оид қоидалар;
- 4) тиниш белгиларига доир қоидалар<sup>4</sup>.

ДТС ҳаммуаллифлари, шунингдек, ушбу «Тавсиялар» муаллифлари Р.Йўлдошев, Й.Абдуллаев стандартдаги меъёрларда ишлатилган «изоҳлай билишлари» ифодасини «коидалар» термини билан номлашни маъкул кўрган бўлсалар керак.

Меъёрларга кўра ўқувчилар тушунчаларни хотирада сақлашдан ташқари, уларни бир-биридан фарқлай олишлари ҳам зарур.

Мазкур талаблар, меъёрларнинг тўлиқ бажарилиши эса ўтилганлар юзасидан такрорлаш ишларининг сифатли ва самарали ташкил этилишига ҳамда назорат қилиб турилишига боғлиқ.

<sup>1</sup> Давлат таълим стандартига шарх: Она тили // Умумий ўрга таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Таълим тараққиёт. Ахборотнома, 1-максус сон. – Т., «Шарқ», 1999. – 52-бет.

<sup>2</sup> Йўлдошев Р., Абдуллаев Й. «Она тили» давлат таълим стандартини амалиётта жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т., РТМ, 2002.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган рисола, 8-бет.

Кейинги даврларда ўзлаштириш натижаларига баҳо беришда тестларга катта аҳамият берилмоқда. Стандартда тестлар икки турга даражаланган ҳолда ажратиб кўрсатилади: 1) дастлаб талаб этилаётган меъёрларнинг ўзлаштирилишида топиш, аниклаш, кўрсатиш типидаги тестлардан фойдаланиш; 2) навбатдаги босқичларда бир-биридан фарқлаш типидаги тестларни кўллаш маслаҳат берилади<sup>1</sup>.

Тестларга бўлган бундай эътиборнинг ортиб бораётганлиги уларнинг ҳам таълим бериш, ҳам назорат қилиш функцияси назарда тутилиши туфайлидир. Лекин тестлар воситасида она тилининг асосий тушунчаларидан қанчасини ўзлаштириш мумкинлиги амалий жиҳатдан асослаб берилмади.

Такрорлашда тестлардан фойдаланиш алоҳида масала. Айниқса, 8-синифда синтаксисни ўрганиш жараёнида морфология бўйича эгалланган БМК ларни ҳам назорат қилиш, ҳам такрорлашда тестларнинг ўзига хос ўрин эгаллаши мумкинлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Меъёр-ўлчовлардан яна бири фонетик, лугавий, морфологик, синтактик, имловий, услубий тахлил, тиниш белгилар юзасидан тахлил қилиш малакасига эга бўлишдир. Агар ўкувчи сўз шаклини, сўз бирикмасини, гапни, мураккаб синтактик бутунликни кўриб туриб тегишли термин-тушунчаларни ёдига келтирган ҳолда мустақил мушоҳада юритса, илмий баён этса, тахлил пайтида грамматик тушунча-ларни ўз хотирасидан ёдига келтиради, яъни билимларни тўлиқ ҳам назарий (формал), ҳам амалий ўзлаштирганликни иамоён этади<sup>2</sup>.

Тавсияларда баён этилган ушбу фикрлардан маълум бўладики, ўкувчилар она тили термин-тушунчаларидан ўз «илмий» нутқида, яъни мавзу бўйича юритадиган мушоҳадаларида фойдалана олишлари керак. Морфологияни такрорлаш ишлари ташкил этилар экан, ўкувчиларнинг морфолгик термин-тушунчаларни нутқда ишлата олишларига эришиш мақсад қилиб кўйилиши даркор.

«9-синифни битирувчилар ўзбек адабий тилининг грамматик меъёр ва имкониятларини билиб олганларни нутқда бу меъёр ва имкониятларга риоя кила олишларида кўринади. Ривожланган нутқ ўрганилган грамматик воситалардан имконият доирасида тўлиқ фойдаланишда ўз ифодасини топади. Оғзаки ва ёзма нутқда грамматик воситалар бойлиги мавжуд бўлсагина, тилнинг грамматик меъёр ва имкониятлари эгалланган бўлади. Сўз ва грамматик воситаларни танлай олиш, услубий талабларга амал кила билиш, фикрни ифодалашнинг энг мақбул шаклидан фойдалана олиш нуткнинг ривожланганлик

<sup>1</sup> Уша жойда.

<sup>2</sup> Уша жойда.

даражасини баҳолашнинг асосий ўлчовлари бўлиб майдонга чиқади<sup>1</sup>. Аён бўладики, тил ҳодисаларини ўрганиш охир-оқибатда нутқ маданиятини шакллантирища ўз ифодасини топади. Бу энди морфологиядан олинган билим, ҳосил қилинган кўнишка ва малакаларнинг меваси – натижасидир.

Матн яратиш кўнишкаси, яратилган матнларни таҳхир ва таҳлил қилиш малакаси якуний назорат обьектлари саналади. Аслида она тили таълимидан кўзланадиган мақсадлардан асосийси ҳам шулардир, яъни битирувчиларнинг оғзаки ва ёзма равишда матн яратади. Филологик маълумот ана шу мақсад учун хизмат килади<sup>2</sup>.

Стандартда белгиланган талабларга эришиш учун ўтилганларни тақрорлаш тизимини яратиш ва жорий этишга эътиборни кучайтириш зарур. Бу нарса ўтилганларни баъзан янгидан тушунтириш, баъзида эслатиш йўли билан хотирада тиклаш, ўз вақтида машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш босқичларидан иборат тақрорлашнинг бугунги кун учун ҳам жиддий методик муаммо эканлигидан далолат беради.

Тақрорлаш масалалари турли методист олимлар томонидан турли даражада тилга олинган. Масалан, Т.У.Зиёдова, У.Холматова, Х.Т.Жуманиёзоваларнинг «Ўқитувчи китоби» да - 5-синф она тили дарслиги бўйича ўқув-методик кўлланмасида<sup>3</sup> – тақрорлашга доир тавсиялар алоҳида баён этилган бўлмаса-да, бир машқ муносабати билан ўқувчиларга тақрорлашнинг аҳамияти куйидагича тушунтирилади:

«19-машқнинг холосасини 20-машқдаги «Билимлар занжири» матни билан боғланиб ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар матнни диққат билан ўкиб, билим, малака ва кўнишманинг ҳалқалардан иборат занжирга ўхшаши, занжирнинг бутунлиги ҳалқачаларнинг синмаслиги ёки узилмаслигига боғлиқлиги, онг ва хотираадаги билим ҳам занжирга ўхашлигини билиб оладилар.

Янги маълумотлар олдинги билимга улансагина билимлар занжирни ҳосил бўлишини, билимларни хотирада саклаш учун уларни тақрорлаб туриш лозимлигини англаб етадилар.

«Мулла бўлсанг тақрор қили», «Тақрор – билимнинг онаси» каби хикматли сўз ва мақоллар топадилар. Матнлар мазмунини чаққан ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида куйидаги холосага келишилари мумкин:

1. Бир ишни бошлагач, уни узлуксиз давом эттирасагина, маълум бир натижага эришиш мумкин.
2. Янги билимларни эгаллаш учун аввалгиларини эсда саклаш лозим.
3. Тўғри йўлдан оғишмай бориш – муваффакият гарови.

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган рисола, 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Зиёдова Т.У., Холматова У., Жуманиёзова Х.Т. Ўқитувчи китоби (5-синф она тили дарслиги бўйича ўқув-методик кўлланма). – Т., Халқ мероси, 2002.

#### 4. Иккинчи қават факат биринчи қават устига қурилади в.х.»<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, 5-сinf «Она тили» дарслигига доир методик кўрсатмалар тариқасида яратилган ушбу кўлланмада йил бошида бошлангич синфларда ўтилган БКМ ларни такрорлаш масалалари алоҳида саҳифалар сифатида ёки ҳеч бўлмагандан синтаксисга доир мавзулар доирасида кўриб чиқилмаган.

Хатто, «Муқаддима» бўлимида ҳам, ўкувчиларга бевосита таниш «Мустақил ва ёрдамчи сўзлар» бўлимида ҳам такрорлашга мурожаат этилмаган. Бундай муносабат куйи синфларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларга вакт ўтиши билан унтилиш эҳтимоли бор деб қаралмаганик туфайли юзага келган бўлиши мумкин.

А.Фуломов, М.Қодировларнинг «Она тили ўқитиш методикаси» да она тили дарслари куйидаги ўзича мустақил қисмлардан ташкил топиши таъкидланади: такрорлаш, янги билим бериш, билимларни кўникма ва малакага айлантириш, ўрганилганларни мустаҳкамлаш ва дарсни хуласалаш, уйга вазифа бериш<sup>2</sup>. Дарснинг янги билим бериш жараённида ҳам, мустаҳкамлаш ва такрорлаш жараёнларида ҳам ижодий-амалий ишларга кенг ўрин ажратилиши уқтирилиб, хотирлаш ҳақида фикр баён килинади. «Хотирлаш – олдин ўрганилган тил ҳодисаларини қайта хотирлашга асосланган амалий ишлардир. Хотирлашнинг: 1) тайёрловчи хотирлаш ва 2) умумлаштирувчи хотирлаш каби турлари бор.

1. Тайёрловчи хотирлаш. ...синтаксисни ўрганишда, боғловчилар ҳақида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўкувчи хотирасида тиклаш эҳтиёжи туғилади. Тайёрловчи хотирлаш янги билимларни эгаллаш учун асос вазифасини ўтайди.

2. Умумлаштирувчи хотирлаш (такрорлаш). ...боғловчиларнинг ўзи 5-6 машгулотта бўлиниб, турларга ажратилиб ўрганилади ва машгулотларнинг охирида умумлаштирувчи хотирлаш ишлари бажарилиши лозим...»<sup>3</sup>.

Маълум бўладики, кўлланмада такрорлаш икки маънода тушунилади: 1) ўтилаётган мавзудан олдин шу мавзуга алокадор билимларни эслатиш; 2) бўлим якунида шу бўлимда ўтилганларни умумлаштириб такрорлаш. Муаллифлар умумлаштирувчи хотирлаш деганда синтаксисни ўрганишда морфологияни такрорлашни эмас, балки ҳар бир бўлим охиридаги такрорлашни кўзда тутганлар. Улар боғловчилар ва уларнинг маъно турлари ўрганиб бўлингандан кейинги такрорлашни мисол қилиб келтирганлар.

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган китоб, 21–22-бетлар.

<sup>2</sup> Фуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси: Университет ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун ўкув кўлланма. – Т., Университет, 2001. – 67-бет.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган китоб, 68–69-бетлар.

Құлланмада ўрганилғанларни тақрорлаш дарслари ҳам ажратиласы<sup>1</sup>. Бунда йил бошида үтказиладиган тақрорлаш назарда тутилади.

Китоб муаллифлари она тили дарсларининг ноанъанавий шакллари ҳакида сүз юритиб, уларнинг мақсадига ҳам тұхталадилар: «Кейинги йилларда она тили ўқитувчилари иш амалиётида ноанъанавий дарсларнинг катор турлари: «Топқирлар беллашуви», семинар дарслари, баҳс-мунозара дарслари, сиртқи саёхат дарслари, юбилей дарслари кабилардан кенг фойдаланмоқда. Бу норасмий дарсларнинг ҳар бири ўзига хос курилишга зәға бұлса-да, аммо улар бир мақсадга – дарсда ўқувчиларни таълим жараёнининг субъектига айлантириш, тил ҳодисаларини мустакил изланиш орқали ўрганишини таъминлашга қаратылған»<sup>2</sup>. Бундай дарслар күпроқ «муайян бўлим ёки йирик мавзулар ўрганилганидан сўнг үтказилади»<sup>3</sup>.

Үйин турларидан фойдаланиш асос эътибори билан ўтилғанларни тақрорлаш максадига зәға бўлади. Методист олима А.Я.Бобомуродова она тилидан ўқувчиларга бериладиган үйин-топширикларни мураккаблик даражасига кўра уч турга ажратар экан, биринчи турига қайта хотиралашга асосланган үйин-топширикларни кирилади<sup>4</sup>. Факат ушбу үйинларнинг камчилик томони борлигини эслатади: «Қайта хотиралашга асосланган үйин-топшириклар ўқувчидан ҳеч кандай ижодийликни, эгаллаган билимларни янги шароитда кўллашни, яратувчанликни талаб этмайди. Бундай үйин-топширикларни бажариш ўқувчига катта мураккаблик туғдирмайди, олдин ўрганилған мавзулар ва муайян билимга зәға бўлган ўқувчи бундай топширикларни бемалол бажариши мумкин»<sup>4</sup>. Албатта, топширикларни бемалол бажариш учун билим, кўнимга ва малакалар яхши эгалланган бўлиши лозим. Бунинг учун эса ўқувчи ўзи унутган нарсаларини хотираға тушириш ҳакида ўйлаши, бирор йўл билан ўқиб олиши, синдошларидан эшитиб бўлса ҳам, била бориши даркор.

Таъкидлаш жоизки, анъанавий усулларда ҳам, ноанъанавий усулларда ҳам, яъни иккала йўналишда ҳам билим, кўникма ва малакаларни ўқувчилар хотирасига туширишда эътибор күпроқ билимларга қаратилиб, бир ёкламалиликка йўл кўйилмоқда, бугунги кунда амал қилинаётган иккинчи ҳолат ҳам билимларни ўзлаштириш сифатига эришишда баъзан ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиш баробарида етарли самара бермаётганлигини таъкидлаш лозим.

Х.Фуломова, Ш.Йўлдошева, У.Шерматовалар томонидан тайёрланган «4-синфда она тили дарслари» кўлланмасида үйинлардан фойдаланиш ўрни

<sup>1</sup> Номи кўрсатилған китоб, 70-бет.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилған китоб, 74-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.


<sup>4</sup> Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараённанда үйин-топшишмоклардан фойдаланиш. - Пед. фан.номзоди ... ёзилган дисс. - Т., 1996. – 8-бет.

куйидаги тарзда күрсатылған: «Синфда бажаришга мұлжалланған машқлар устида ишлаб бўлингач, дарснинг ўтилган мавзуни сўраш ва уй вазифасини текшириш кисмидә ўқитувчи кўшимча иш турларидан: карточкалардан, турли таълимий ўйинлардан, мустақил ишлардан, таълимий диктантлар ва тестлардан фойдаланиши мумкин»<sup>1</sup>. Юкори синфларда ҳам ўйинлар кўпинча шу таҳдитда ташкил этилади ва ўтказилади.

Н.Махмудов, А.Нурмонов ва бошқалар томонидан 5-синф «Она тили» дарслиги юзасидан тайёрланған қўлланмада «Гап бўлаклари» мавзусини ўтишдан аввалги такрорлаш ҳақида бундай дейилади: «Бошланғич синфда ўкувчилар гап бўлаклари ҳақида илк маълумот олган. Эга ва кесим бош бўлаклар эканлигини, қолганлари иккинчи даражали бўлаклар хисобланишини биладилар. Эга ва кесимни аксарият ҳолларда тўғри белгилайдилар. Бу дарсда уларнинг мавжуд билимларига суюнган ҳолда гап бўлаклари ҳақида кенгроқ маълумот берилади»<sup>2</sup>. Бу ерда 5-синфда синтаксисга доир мавзуни ўтишдан аввал бошланғич синфларда синтаксис юзасидан олинган билимларни тиклаб олиш ҳақида сўз юритилмокда. Бу ишни 8-синфда ҳам давом эттириш жоиз: ҳар бир мавзуни ўтишдан олдин шу мавзу бўйича бошланғич синфларда, шунингдек, 5-синфда «Муқаддима» бўлими бўйича ўтилган БКМ ларни тиклаб олиш тақозо этилади. Буни чизма орқали акс эттириш мумкин (1.1.1-чизмага қаранг):

### 1.1.1-чизмага

#### Синтаксисга доир янги мавзу муносабати билан ўтилганларни такрорлаш



А.Р.Сайфуллаев, Р.Р.Сайфуллаеваларнинг 8-синф материаллари асосида тайёрланған «Она тили дарсларида нутқ ўстириш» қўлланмасида<sup>3</sup> «7-синф материалларини такрорлаш жараёнида нутқ ўстириш» деган кисм ажратилған. Бу ерда Х.Неъматов, Н.Махмудов, Р.Сайфуллаева, А.Ғуломов, М.Абдураимовалар ҳаммуаллифлигига ёзилган 8-синф «Она тили»

<sup>1</sup> G'ulomova X. va boshq. 4-sinfda она тили дарслари: (Uslubiy qo'llanma). Mual. X.G'ulomova, Sh.Yo'ldosheva, U.Shermatova. – T.: «O'qituvchiv», 2003. – 3-бет.

<sup>2</sup> Mahmudov N., Nurmonov A. va boshqalar. Ona tili. 5-sinf / O'qituvchilar uchun qo'llanma. – T., «Ma'naviyat», 2004. – 48-бет.

<sup>3</sup> Sayfullayev A.R., Sayfullayeva R.R. Ona tili darslarida nutq o'stirish (8-sinf materiallari asosida metodik qo'llanma). – T., O'zPFTI, 2002.

дарслигидаги матнни таҳлил қилиш, феъл-кесим, феълларнинг майл, замон, шахс-сон шакларини тақрорлашга доир материаллар устида ишлаш юзасидан тавсиялар баён қилинган. Қулланмада келтирилган тавсиялардан бир намуна: «Феълнинг замон, шахс-сон шакларини тақрорлашни феъл замонларини эслаш билан бошлаш мумкин. Ўқитувчи ўқувчилардан феъл замонларини, уларга мисол келтиришни сўрайди. Ўқувчилар ўтган, ҳозирги, келаси замон феълларини мисол келтирадилар»<sup>1</sup>. Машқ бажаришда феълнинг замони, шахс-сони, нисбати ва бошқаларни қавс ичидаги кўрсатиш тавсия қилинади. Муаллифлар машқ материаллари асосида ўқувчиларнинг ижодий (огзаки ва ёзма) нуткини ўстиришга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Берилган феълларни уч замонда кўллаш, ҳар бирига мисоллар келтириш каби топшириклар ҳам ҳавола қиласидар.

Қулланманинг синтаксис мавзуларини ўрганиш ҳақидаги қисмларида морфологиядан ўтилганларни тақрорлаш масаласи кўйилмайди. Факат мавзуни қай тарзда тушунтириш кераклигига ишора бор. Масалан, «От кесимни ўргатишни кесимнинг от, сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўзлар билан ифодаланишини эслаш билан бошлаш мумкин»<sup>2</sup>. Бундай эслаш ҳали тақрорлаш эмас.

М.Абдураимова, М.Қодиров, Г.Абдуматовалар муаллифлигига яратилган «Она тили. 8-синф. Ўқитувчи методик қўлланмаси» йил бошида ўтилганларни юзасидан берилган йўрикларга кўра «Мустакил сўз туркумлари» мавзусини тақрорлашга доир қўйидаги иш турлари бажарилади: дарсликдаги машқ шартига ўқувчилар берилган сўзларни жадвалга жойлаштирадилар; сўзлар нимага асосланиб туркумларга ажратилганлиги хусусида сұхбат ташкил этилади; «Топқирлар беллашуви» ўтказилади<sup>3</sup>. «Топқирлар беллашуви» да ҳар бир гурух қайси сўз туркуми тушса, шу туркумга оид 10 тадан мисол топиб ёзди ва мазкур сўз туркумларининг хусусиятларини шарҳлашга тайёргарлик кўрадилар. Жавоблар тингланади, тўлдирилади.

Қулланмада 5-дарс мавзуси юзасидан юқоридаги тартибдаги ишлардан сўнг, 19-машқ топшириғи бажарилга, қўйидаги тавсия берилади: «Машқ матни шу тарзда таҳлил қилингандан сўнг ўқитувчи қўйидагиларни қўшимча қиласи. Ундов сўзлар хис-ҳаяжон, ҳайдаш-чакириш каби маъноларни ифодалаб, кўпинча ундов сифатида қўлланади, баъзан отлашиб, гап бўлаги вазифасида келиши мумкин, баъзан эса сўз ва гапларга қўшимча маъно қўшади»<sup>4</sup>. Бу ерда ўтилганлар юзасидан янги

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган рисола, 7-бет.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган рисола, 27-бет

<sup>3</sup> Abduraimova M. va b. Ona tili. 8-sinf o'qituvchi metodik 40 nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. 16-17-бетлар.

<sup>4</sup> Номи кўрсатилган китоб, 11-бет.

билим бериш кузатилади. Янги билимлар эса ўз навбатида, мустаҳкамланиши лозим.

Такрорлашда ўкувчиларнинг нималарни билишлари, нималарни унугтганликларини ҳисобга олиш муҳимдир. Шунинг учун такрорлаш билан боғлиқ таълим мазмунига иш жараёнида аниқлик киритиб бориш зарур. Бунда мавзуга доир билим доирасини кенгайтиришни ҳам кўзда тутиш максадга мувофиқ. Бизнингча, феъл мавзусида кам ўрганиладиган шаклларга эътиборни кучайтириш мумкин. Бошқача айтганда, морфологик шаклларни, айникса, феъл шаклларини тўлиқ эсга олиш такрорлаш билан боғлиқ энг муҳим, нутқ маданиятини шакллантириш санаадорлиги га даҳлдор методик муаммодир.

Р.Сафарованинг «Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари» номли монографиясида мавзуларнинг бир хил ҳажмда такрор берилиши ҳакида гапирилади: «Она тили таълимининг мазмунини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ёрдамчи сўзларни (39-§, 48-§), уларнинг маъно кирраларини ҳамда қўлланиш доирасини ўргатишга хизмат киладиган материаллар ҳам етарли эмас. Бунда турли синфларда ёрдамчи сўзларни ўргатишга қаратилган мавзуларнинг баёнида айнан бир хилдаги ифода воситаларининг такрор ҳолда берилганлигининг гувоҳи бўламиз»<sup>1</sup>. Бу ерда жуда муҳим масала қўтирилган. Зоро, мавзулар мазмунидаги бир хилликни бартараф этиш муаммоси борлигига ишора қилинмоқда. Лекин мазкур тадқикот ишида она тили дарсларида ўтказиладиган такрорлаш ҳакида фикр юритилмайди.

Юқорида тилга олинган монография тоялари Р.Ф.Сафарованинг «Теория и практика обучения родному языку в школах Узбекистана в условиях национального возрождения» мавзусидаги докторлик диссертацияси авторефератида<sup>2</sup> ўз аксини топган.

М.Ю.Собированинг «Ўзбек мактаблари юкори синф ўкувчиларига содда гап синтаксисини мунозара усулида ўргатиш» мавзусидаги тадқикот ишида<sup>3</sup> синтаксисга доир мавзулар устида олиб бориладиган ишларни мунозара усулида ташкил этиш хусусида фикр юритилди.

О.Розиқов «Ўзбек тилидан дарс типлари» китобида такрорлашнинг мақсадига кўра олти хил бўлишини уқтиради. Уларни умумлаштириб, куйидаги тарзда қисқа тасниф этиш мумкин: 1) ўкув йили бошидаги такрорлаш, 2) ўкув йили охиридаги якуний такрорлаш, 3) олдин ўрганилган билимларни ўкувчилар эсига тушириш учун такрорлаш, 4) дарсда ўрганилган янги ўкув материалини такрорлаш, 5) катта мавзу,

<sup>1</sup> Сафарова Р. Она тили таълимининг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Т., «Фан», 1995. – 14-бет.

<sup>2</sup> Сафарова Р.Г. Теория и практика обучения родному языку в школах Узбекистана в условиях национального возрождения: Автореферат дисс...докт. пед. наук. – Т., 1998.

<sup>3</sup> Собирова М.Ю. Ўзбек мактаблари юкори синф ўкувчиларига содда гап синтаксисини мунозара усулида ўргатиш: Пед. фанл. номз.... дис. автореф. – Т., 1994.

бўлим якунидаги такрорлаш, б) маълум ўқув материалини келгуси ўқув соатида такрорлаш<sup>1</sup>.

Муаллиф назарда тутган такрорлашнинг иккинчи-олтинчи хиллари ушбу синфда ўрганиладиган янги материаллар билан боғлиқдир. Қуий синфда ўтилганлар такрорлашнинг биринчى туридагина кўзда тутилади. Бундай такрорлаш билан сира ҳам кифояланиб бўлмайди ҳамда билим, кўнишка ва малакаларни (айникса, синтаксисни ўтаётганда морфологияни) йил давомида эсга олиб боришни таъминламайди, умуман ўтилганларни мунтазам қайтариб туриш ишини эътибордан четда колдиради.

Б.Тұхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиядоваларнинг «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» ўқув кўлланмасида такрорлаш эътироф этилади. «Ўқитувчи ўқувчиларга сўз туркumlари ҳакида ўрганилган билимларни такрорлаш ва текшириш учун лугат диктанти ёздириши, берилган матн устида ишлаш, сўз туркumlарини ажратиш, гурухлаш, улар билан СБ лар ҳосил қилиш, гап тузиш – МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш каби ўқув топшириклиарни беришлари мумкин»<sup>2</sup>.

Ш.Ж.Юсупованинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари» мавзусидаги докторлик тадқиқот ишида<sup>3</sup> «Тез юрар», «Бу бизники» каби ўйин усулидан фойдаланиш ҳакида сўз юритилади.

Х.Курбонова ўзининг «Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари» мавзусидаги тадқиқот ишида она тили дарсларида ўтилганларни такрорлаш масалаларининг методик адабиётларда ёритилишига тўхталиб, А.Бобомуродова, Ш.Юсупова, М.Саидов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларига мурожаат этади. Такрорлашнинг ноанъанавий дарслар, турли хил ўйинлар шаклида амалга ошириш тавсия этилаётганлигини уқтиради. Конференция дарс, семинар дарс, беллашуввлар ҳам шу мақсад учун хизмат қилишини таъкидлайди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари учун синов тариқасида тузилган, унгача кўлланниб келган дастурларнинг такомиллаштирилган вариант «Она тили» дастурида такрорлашнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган: «Такрорлаш материали пухта ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир»<sup>4</sup>. Лекин дастурнинг 8-синф қисмида ўқув йили бошидаги такрорлаш мавзулари имло

<sup>1</sup> Розиков О. Ўзбек тилидан дарс типлари: Педагогика институтларининг филология факультетлари студентлари ҳамда тил ва адабиёт ўқитувчилари учун кўлланма – Т., «Ўқитувчи», 1976. 49–50-бетлар.

<sup>2</sup> Тұхлиев Б., Шамсиева М., Зиярова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси (Ўқув кўлланма): – Т., Янти аср авлоди, 2006. 84–85–бетлар.

<sup>3</sup> Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари: Пед. фан.доктори ... дисс. автореферати. - Т., 2005.

<sup>4</sup> Ҷонниу о’рта ta’lim maktablari sinov dasturlari. Ona tili: 5-9-sinflar. /Y.Abdullayev, A.R.Sayfullayev. T.O. APETIT, 1999. – 7-бет.

коидаларини хотирага туширишдан иборат бўлиб қолган. Чунончи: «Ўкув йили бошида такрорлаш (б соат).

Ўзбек тилининг асосий имло коидалари (1995 йил 24 август).

Қўшиб, чизиқча билан ва ажратиб ёзиладиган сўзлар. Бош ҳарфлар билан ёзиладиган сўзлар, таркибий номлар имлоси. Сўз кўчириш коидалари<sup>1</sup>.

Аён бўладики, дастур талабига кўра йил бошида морфологияни такрорлаш учун мавзулар ажратилмайди.

Ш.Ж.Юсупова «Она тили таълими самарадорлигини оширишда илгор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш)» мавзусидаги номзодлик тадқиқот ишида ноанъанавий дарслар ҳақида сўз юритар экан, куйидаги фикрни илгари суради: «*Ноанъанавий дарс* синфда ёки синфдан ташқарида ўтказилиши, кўпроқ умумлаштириш, такрорлаш, мустаҳкамлаш машгулотларидан иборат бўлиши мумкин»<sup>2</sup>.

Методист олим И.М.Тошевнинг «Умумтаълим мактабларида кўшма гапнинг янгила талқини» мавзусидаги тадқиқот ишида такрорлашдан фойдаланиш ҳақида алоҳида ёритилган бўлмаса-да, куйидаги каби тавсиялар учраб туради: «Юклама воситасида боғланган кўшма гаплар» мавзусини ўтишда аввало, ўкувчиларнинг еттинчи синфда «Юкламалар» мавзуси юзасидан эгаллаган билимлари хотирада тикланди...<sup>3</sup>.

Бундай такрорлаш «эсга тушириш» деб баҳоланиши мумкин. Такрорлашда эса мустаҳкамлаш, машқлар ёрдамида фаоллаштириш каби иш турлари амалга оширилади.

Маълум бўладики, ўтилганларни такрорлаш янги билимларни ўзлаштириш учун ҳам, олинган назарий маълумотларни хотирада сақлаб туриш учун ҳам зарур.

Истиқлол йилларида «грамматизмдан воз кечиш» аксарият она тили таълими мутахассисларининг шиорига айланди. Шу муносабат билан грамматикани ўрганиш билан грамматизмдан воз кечиш тушунчаларига кенгрок тўхталиш тақозо этилади.

А.К.Ғуломов, Ҳ.Нематовларнинг «Она тили таълими мазмуни» деган китобида «Маълумки, 60-йиллардан бошлаб мактабда ўқитиладиган барча фанлар сингари она тилидан ҳам «Фан ютуқлари— мактабга» шиорига қатъий амал қилингани ҳолда бу ҳар иккала принципнинг ўзаро алоқадорлигига етарли эътибор берилмади. Бу она тилидан таълим мазмунининг ўта назарийлашишига,

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган дастур, 17-бет.

<sup>2</sup> Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илгор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усуллар ва компьютердан фойдаланиш): Пед. фан.номзоди ... дисс. – Т., 1998. – 10-бет.

<sup>3</sup> Тошев И. Умумтаълим мактабларида кўшма гапнинг янгила талқини. Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. – Т., 1999. – 12-бет.

грамматизмнинг ҳокимлиги, имло ва нутқ масалаларининг унинг соясида қолиб кетишига сабаб бўлди. Она тили машғулотларида ўкувчи фойдали амалий ишлар билан шуғуланиш ўрнига, сонсаноқсиз грамматик коидалар, таъриф ва тушунчаларни «ўзлаштириш» билан банд бўлиб қолди<sup>1</sup>.

«Кузатишлар шу нарсани кўрсатиб турибдики, ҳатто мактабда бериладиган филологик маълумот билан олий ўкув юртида бериладиган филологик маълумот ўртасида, айрим тушунча ва талқинларни ҳисобга олмаганда, деярли фарқ колмади. Шубҳасиз, мавжуд академизм она тили ўқитишишини анча мураккаблаштираётган омил бўлиб, у таълим мазмунини қайта кўриб чикиши, уни янгилашни такозо этади.

Она тили таълимидағи яна бир мураккаблик тил ҳодисаларини сунъий равишда ўта майдалаштириб ўқитишидир. Бунинг асосий сабаби дастур ва дарсликда бир парадигмани ташкил этган тил ҳодисаларининг алоҳида-алоҳида берилганлиги бўлиб, ўкувчи уни қабул қилишда жиддий қийинчилликларга дуч келади. Шубҳасиз, бирбиридан ажралган, алоҳида-алоҳида ўргатилган тил ҳодисаларини хотирада сақлаб колиш ҳам, уни амалий фаолиятда кўллаш ҳам кийин. Демак, тил материалларини йириклаштириш масаласини узилкесил ҳал қилмай туриб, таълим мазмунининг самарадорлигига эришиб бўлмайди<sup>2</sup>.

А.Гуломов ва бошқа методист олимлар ўкувчиларнинг грамматик коида, таъриф ва тушунчаларни ўзлаштириш билан банд бўлиб қолганликларини грамматикани ўрганиш нотуғри бўлган деган мақсад билан айтишгани йўқ. Улар айтмоқчиларки, ўша даврда бир томонламаликка йўл қўйилди, индуктивликдан кўра кўпроқ дедуктивликка устувор аҳамият берилди, коидаларни нутқий амалиётда етарлича кўллашга ўтилмади.

Ҳар бир ишда меъёр бўлиши кераклиги ҳаммага маълум ҳақиқат. Жумладан, грамматикани ўрганишда ҳам меъёр бўлиши даркор. Назарияни ўрганиш меъёри, амалий машқлар меъёри ва ҳоказо.

Назарий таҳлилдан маълум бўладики, мавжуд методик адабиётларда грамматикани ўрганишга нисбатан шаклланиб келаётган янгича қарашлар, грамматизмдан воз кечиш масалалари, она тили дарсларида ўтилганларни мустаҳкамлаш ва такрорлашнинг айрим муаммолари хусусида сўз юритилган.

8-синфда она тили ўқитиши методикасига доир тадқиқот ишларида, методик адабиётларда синтаксисни ўрганиш жараённда морфологиядан

<sup>1</sup> Гуломов А.К., Незматов Х. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – 1, «Ўқитувчи», 1995. – 12-бет.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган китоб, 12–13-бетлар.

ўтилганларни тақрорлаш масалалари махсус ёритилмаган. Истиқлол йилларида тил ҳодисаларини ўрганиш ва тақрорлашга бир томонлама ёндашув шаклланди: грамматизмдан воз кечиш асносида индуктив асосидаги иш усулларига устувор аҳамият берилди, натижада амалий машқ ва топшириқларга кенгрөк ўрин ажратилди, грамматикани ўрганиш билан боғлиқ машқ ва топшириқлар камроқ бажариладиган бўлди.

Аслида тақрорлаш муаммоларини ҳал этиш учун таълим мазмуни ва методлари билан боғлиқ тадқиқот ишларини амалга ошириш талаб этилади.

Умуман тақрорлаш масалалари, хусусан, 5-синфда «Синтаксис ва пунктуация» бўлимини, 8-синфда содда гап синтаксисини ўрганиш жараёнида морфологияни қайта хотирлаш, яъни тақрорлаш муаммолари она тили ўқитувчилари дуч келадиган катта кийинчиликлар сирасини ифода этади. Айниска, тақрорлаш шакллари, воситалари, метод ва усулларининг янги педагогик технология, ахборот технологиялари, инновациялар нутқати назаридан ишлаб чикилиши методик зарурият саналади.

Бунда анъанавий ва ноанъанавий усулларнинг, тестлардан фойдаланишнинг имкониятларини аниқлаш яна ҳам муҳимdir.

8-синфда шу синфга қадар морфологиядан эгалланган билимлар, кўнікма ва малакалар, бир томондан, ўкувчиларнинг филологик мушоҳада юритишлири даражасидаги оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, иккинчи томондан, матн яратишда амал килиш (нутқнинг грамматик курилишига таъсир этиш) ҳисобига амалий аҳамият касб этиши кераклиги методик адабиётларда махсус таъкидланган.

Шундай килиб, методик адабиётларда 8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологиядан 5–7-синфларда ўтилган қайси материаллар (йил бошидаги тақрорлаш бундан мустасно) қай хажмда ва қачон тақрорланиши кераклиги махсус ёритилмаган, шу туфайли бу масала жиддий методик муаммо саналади. Ушбу муаммонинг ҳал этилиши кийин бўлган томонлари шундаки, методист олимлар унинг бир хил ечимини таклиф киладилар: йил бошида тақрорлаш, бевосита синтаксисга доир янги мавзуни ўтишдан олдин тақрорлаш, ўйин турларини ўтказиш чоғида тақрорлаш. Лекин йил бошида бир дарсда бир сўз туркуми тақрорланадиган бўлса, нимага улгuriш мумкинлиги башорат килинмоғи лозим.

Синтаксисга доир янги мавзуни ўтишдан олдин ўтказиладиган тақрорлаш морфологик тушунчани қай даражада эсга олиш имконини бериши, қайси морфологик билим, кўнікма ва малакаларни тақрорлаш мумкинлиги ҳам аник эмас. Бизнингча, морфологиядан 5–7-синфларда ўтилган назарий маълумотларни етарлича хажмда тўлик тақрорлаб бориш зарур. Бунинг учун эса маълум дарслардан вақт ажратиб туриш, синтаксис

мавзуси билан боғланган ва боғланмаган ҳолда муайян тизимдаги маниклар ўтказиш зарурияти сезилади.

## 1.2. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологик тушунчалар, морфологик шаклларни фаоллаштириш имкониятлари

Синтаксисга доир янги мавзуни ўтишдан олдин ёки ўрганиш ва мустаҳкамлаш жараёнида шу мавзу юзасидан берилган назарий маълумотда ишлатилган морфологик термин-тушунчани хотирага тушириш орқали морфологиядан бошлангич синфларда ва 5-7-синфларда ўрганилган билим, кўникма ва малакаларни кай ҳажмда такрораши имконияти мавжудлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. *Такрорлаши имконияти* деганда биз биринчи навбатда **йил бошида тақрорлаши** мундарижаси, шунингдек, дарс материалларида (назарий маълумотларда, машқ ва топшириклар шартларида) кайси термин-тушунчалар тилга олинганлигини тушунамиз. Бошқача айтганда, 5-синфда «Синтаксис ва пунктуация» бўлимини ўтишда, 8-синф она тили дарсларида морфология устида бир неча хил мақсад билан иш олиб борилади:

1. Морфологияга доир айрим мавзуларни йил бошида тақрорлаш муносабати билан.

2. Синтаксисга доир маълумот таркибида гап бўлагининг ифодаланишини кўрсатиш орқали.

3. Сўз шаклига эътиборни қаратишида.

4. Грамматик шаклнинг талаффузи ва имлосини тушунтиришда.

Юқорида саналганлар нуктаи назаридан ёндашганда, тадқикот олдида турган вазифани адо этиш асосида олинадиган натижалар мавжуд методик муаммонинг бир киррасини очиб бериш, унга ойдинлик киритишида настлабки қадам саналади.

Ўкувчилар синтаксис мавзуларига доир айрим назарий маълумотларда ва машқ ҳамда топширикларда морфологик терминларга дуч келадилар. Чунончи, 5-синф «Она тили» дарслигининг<sup>1</sup> 16-64-дирсларида «Синтаксис ва пунктуация» бўлими ўтилар экан, куйидаги морфологик термин-тушунчалар, морфологик воситалар тилга олинади:

16-дарсдаги 57-машқда сўзларнинг гапда нималар ёрдамида ўзаро боғланаётганини тушунтириш, 17-дарсдаги 61-машқда берилган сўзлардан гаплар тузиш ва сўзларнинг боғланишига алоҳида дикқат килиш, 18-дарсдаги 1-топшириқда берилган сўзларни бир-бирига боғлаб гаплар тузиш, сўзларни боғлаш учун нималар қилганликларини айтиш; 2-топшириқда берилган гапдаги сўзлар орасига ва боғловчисини қўйиш;

<sup>1</sup> Онга тили Umumiyotta ta’lim maktabalarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Nurzakov va boshq. – T., «Ma’naviyat», 2004.

65-машқда нотүгри боғланган сүз бирикмаларини топиш ва улар нима сабабдан бир-бирига боғланмаслигини тушунтириб бериш; 20-дарсдаги 76-машқда тенг боғланиш усули билан ҳосил килинган сүз бирикмаларини дафтарга ёзиш ва сүзларни боғловчы воситага дикқат қилиш сүралар экан, бунда асосан келишик шакллари, боғловчилар ва күмакчилар назарда тутилади. Чунончи, 18-дарсда: «Гап таркибиде иштирок этган сүзлар бир-бири билан боғланади. Масалан: *құр ва адір*, *Ойғул билан Бахтиёр*; гүлни *хидламоқ*, мактабга *келмоқ* каби. Мисоллардан күринадики, сүзларнинг боғланиши бир хил эмас. Айрим сүзлар *ва*, *ҳам*, *ҳамда*, билан сингари боғловчы ва боғловчы вазифасидаги сүзлар ёки санаш оханды ёрдамида боғланади.

Бошқаларидан эса биринчи кисм иккинчи кисмга *-ни*, *-да*, *-дан*, *-нинг* каби күшимчалар, *томон*, *тұгерисида*, *ҳақида*, учун сингари ёрдамчи сүзлар билан боғланади.

23-дарсда: Сүроқ гаплар сүроқ олмошлари (ким?, нима?, қаер?, қанча? каби, сүроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я) ёки сүроқ оханды ёрдамида ифодаланади.

40-дарсда: Тұлдирувчи ҳоким бұлакка келишик күшимчалари ёки күмакчилар ёрдамида боғланиши таъкидланади.

Эслатиши жоизки, 4-синфда сүз туркүмларидан от, сифат, сон, феъл, кишилик олмошлари билан боғлық мавзулар үтилади. Лекин сүроқ олмоши, сүроқ юкламалари, ёрдамчи сүзлар, боғловчилар, боғловчы вазифасидаги сүзлар, күмакчилар үрганилмайды.

40-дарсда қоидадан аввал иккита топширик келган. Бириңчи топширик шартига күра нұқталар үрнига тегишли боғловчы воситани қўйиб кўчириш, 2-топширикда берилған гапда тұлдирувчининг ҳоким бұлакка нима воситасида боғланганини айтиш талаб этилған. Бириңчисида келишик, иккинчисида кўмакчи иштирок этган. Қоида шу мазмунда бўлгани учун шу боғловчы воситалар кузаттирилған.

26-дарсдаги топширикда феъл иштирокида иккита гап тузиш талаб этилади ва 5-синфда ilk бор феъл термини ишлатилади.

43-дарсдаги 156-машқда гаплар тузиш, уларда сифат, сон, олмош билан ифодаланған сифатловчы аникловчиларни қўллаш талаб этилади. Бу ерда ilk бор сифат, сон терминлари тилга олинади.

Кўриниб турганидек, 5-синф «Она тили» дарслигининг «Синтаксис ва пунктуация» бўлимида морфологиядан бошланғич синкларда үтилган материалларнинг бир кисмигина тилга олинган. Бизнингча, бўлимни үрганиш мобайнида сүз туркүмлари бўйича олинган билимлар, ҳосил килинган малакалар вакт-вактида такрорлаб борилиши, боғловчы, боғловчы вазифасидаги сўз, кўмакчи, сўроқ юкламаси, сўроқ олмоши, сўроқ юкламаси терминлари учрашига қараб изохланиши керак.

5-9-синфлар «Она тили» дастурининг<sup>1</sup> 8-синф қисмидаги йил бошида такрорлаш учун 6 соат ажратилган бўлиб, бу ерда кўрсатилган мазмунлар, асосан, имло қоидаларини ифода этади. Айтмокчимизки, турда морфологиядан куйи синфларда ўтилганларни такрорлаш кўзда тутишмаган.

Тажриба-синовга кўйилган «Она тили» дастурининг 8-синф қисмидаги йирини ва такрорлаш учун 7 соат ажратилган бўлиб, бу ерда белгиланган таълим мазмуни сирасида кўйидагиларни ўкиш мумкин: «Маърифий матнини таҳлил этиш асосида феъл турларини, уларнинг гапдаги вазифасини; кесим вазифасида келган феълларнинг майл, замон ва шахс-сон шаклларини, от, сифат ҳамда сонларнинг луғавий шакллари ва алокамуносабат шакллари мавзууларини такрорлаш»<sup>2</sup>.

Дастур асосида яратилган 8-синф «Она тили» дарслигида<sup>3</sup> йил бошида морфологиядан ўтилганларни такрорлаш учун берилган материаллар таълим мазмунидаги дастлабки иирик имкониятлар саналади. Чунончи:

8-синфда ўкув йили бошида 3-дарсда «Мустакил сўз туркumlари» (мустакил сўз туркуми, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, от сўзлар, от ўринда кўлланувчи сўз туркуми); 4-дарсда «Ёрдамчи сўз туркumlари» (ёрдамчи сўз туркуми, кўмакчи, боғловчи, юклама); 5-дарсда «Ундов, тақлид ва модал сўзлар» (ундов, тақлид ва модал сўз, маъно турлари);

6-дарсда «Олмошнинг маъно турлари» (кишилик олмоши, ўзлик олмоши, кўрсатиш олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, бўлишсизлик олмоши, гумон олмоши); 7-дарсда «Равишининг маъно турлари» (равиш сўзлар, холат равиши, микдор-даражада равиши, ўрин равиши, пайт равиши; ясама равишлар) мавзууларни такрорланади.

Кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг маъно турларини ўзлаштириш ўкувчиларнинг филологик маълумотини ошириш учун хизмат қиласди. Интактик курилмалар бойлигини эгаллаш учун эса кўмакчи, боғловчи, юкламалар рўйхатини тўлиқроқ такрорлаш зарур. Эътироф этиш беракки, куйи синфларда ҳам бундай мукаммал рўйхатлар устида иш олиб берилмайди.

Олмош ва равишларда бундай эмас. Бу ерда уларнинг вазифаларига кенгроқ тўхталиш жоиз.

Йил бошидаги такрорлаш оркали мустақил сўз туркуми, от, сифат, сон, олмош, олмошнинг маъно тури, кишилик олмоши, ўзлик олмоши, таълимчи олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, бўлишсизлик олмоши,

<sup>1</sup> Umumiy o'rta ta'lim maktablari sinov dasturlari. Ona tili: 5-9-sinflar. /Y.Abdullayev, A.R.Sayfullayev. - T., O'ZRFITI, 1999.

<sup>2</sup> Умумий ўрга таълим дастури. Она тили. - Таълим тараккиёти. Ахборотнома, -1-максус сон. - T., Sharq, 1999. 126-127-бетлар.

<sup>3</sup> Shukirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. - T., Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uch. 2006.

гумон олмоши; феъл; равиши; равишнинг маъно тури, ҳолат равиши, миқдор-даражса равиши, ўрин равиши, пайт равиши, ясама равишилар; от ўрнида қўлланувчи сўз туркуми; ёрдамчи сўз туркуми, кўмакчи, боғловчи, тенг боғловчилар, юклама, ундов, тақлид ва модал сўз термин-тушунчаларини такрорлаш имконияти юзага келтирилган.

Кўринадики, 3-7-дарсларда морфологиянинг асосий бўлимлари (таснифлар) бир сидра такрорлаб чиқилади. Лекин, кузатишларга караганда, морфологиядан 5-7-синфларда ўрганилган материалларни ўкувчиларнинг хотирасида тўлик тиклаб туриш учун уларни бу тариқа бир сидра такрорлаб чиқиш сира ҳам кифоя қилмайди. Бу ишни кейинги дарсларда ҳам бажарип бориш зарурияти мавжуд.

8-синф «Она тили» дарслигига *синтаксисга доир мавзулар юзасидан берилган маълумотлар, машқ материаларида, топшириқларда* морфологик термин-тушунчалар тилга олинган, эслаб айтиш сўралган, шу муносабат билан такрорлаш имконияти юзага келади. Ушбу имкониятнинг қай даражада эканлиги морфологияга қилинган мурожаатлар хажмига кўра аникланади. Ана шу имконият туфайли ўкувчилар хотирасида тикланиши мумкин бўлган морфологик тушунчаларни кўриб чиқамиз.

Дарсликнинг 8-15-дарслари ижодий матн, иншо ва унинг турлари билан боғлиқ равища нутқ ўстириш учун жуда муҳим масалаларга бағишинган. Чунончи, маълумотнома матни ва ижодий тавсифий матн; иншо – ижодий меҳнатнинг олий кўриниши. Иншо – ижодий меҳнат (Таълимий иншо, синов иншолари); адабий мавзудаги иншо, адабий-ижодий мавзудаги иншо (оддий ёзма тасвиirlар, хикоя, мактуб), эркин мавзудаги иншо; иншога эпиграф танлаш. (Сўрок гап, ундов гап, хикматли сўз, мақол, ибора, бадиий парча). 14- ва 15-дарсларда ёзма назорат иши ва унинг таҳлили бажарилади.

Ушбу дарсларда ўзбек адабий тилининг меъёри ҳакида гапирилади. Қўшимчалар ва уларни қўллашдаги қўпол хатолар хусусида фикр юритилади.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги 8-синф «Она тили» дарслигидаги 8-15-дарсларнинг 5-7-синфларда ўрганилган морфологик термин-тушунчаларни такрорлашда давом этишдаги имкониятлари йўқ даражада. Бундай бўлиши табиий бир ҳол, чунки бу дарслар тўлиғича иншо ёзиш масалаларидан баҳс юритади. Бундай пайтларда морфологияни такрорлашда *узилиши юзага келиб*, ўқитувчиларнинг иш тажрибасида муайян қийинчиликларни, ўзига хос методик муаммони келтириб чиқаради.

Бевосита содда гап синтаксисини ўрганиш дарсларида морфологик термин-тушунчаларга қилинган мурожаатлар ҳакида аниқ тасаввур хосил килиш мақсадида бундан кейинги дарслар ҳакида жадваллар асосида сўз

шарыншины маъкул топдик. Дастрлабки жадвалда 16–27-дарсларни акситирдик (1.2.1-жадвалга қаранг).

Жадвалдан күриниб турганидек, 16–27-дарсларда морфология курсида ўтилган грамматик таъриф ва қоидалар, шунингдек, морфологик шаклларга кам мурожаат қилинганд. Айрим қоидалар, масалан, 16-дарсда тиннинг оғзаки нутқда маълум бир оҳанг билан айтилиши, бу оҳанг ёзувда тинни белгилари билан ифодаланиши куйи синфларда ўтилган мәълумотларни ифода этади.

Умуман, ўкув йилининг биринчи чораги материалларида, яъни нигарий маълумотларда, машқ ва топшириқлар шартларида куйидаги термин-тушунчаларга мурожаат этилган: *мустақил сўз туркуми; от, сифат, сон, олмоши; олмошнинг маъно тури, кишилик олмоши, ўзлик олмоши, кўрсатиш олмоши, сўроқ олмоши, белглаш олмоши, бўлишислик олмоши, гумон олмоши; феъл; равиши, равишининг маъно турлари (ҳолат равиши, миқдор-даражаси равиши, ўрин равиши, пайт равиши, ясама равишилар; от ўрнида қўлланувчи сўз туркуми; ёрдамчи сўз туркуми, кўмакчи, боғловчи, тенг боғловчилар, юклама; ундов, тақлид ва модал сўз, ўзак, отли, феълли, қўшимча маъно, келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиши келишиги; қўшма сўз.*

### 1.2.1-жадвал

#### 16–27-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириқлар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар
16-дарс. Синтаксис хақида умумий тушунча.	Сўз, ўзак
17-дарс. Сўз бирикмаси (хосил бўлиши ва грамматик маънолари).	От, отли, феъл, феълли
18-дарс. Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш шакллари.	Қўшимча маъно, келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси, кўмакчи, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиши келишиги, от туркуми,
19-дарс. Тенг боғланиш ва тобе боғланиш.	Тенг боғловчилар,
20-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.	
21-дарс. Матн мавзуси.	
22-дарс. Сўз бирикмаси ва сўз.	Лексик ҳодиса, грамматик ҳодиса, маънодош.
23-дарс. Сўз бирикмаси ва	Қўшма сўз

күшма сүз.	
24-27-дарслар. Назорат диктанти, тест топшириқлари, ёзма назорат иши ва унинг таҳлили.	

Бу ерда келтирилган термин-түшунчаларнинг кўп кисми ўкув йили бошидаги такрорлаш зиммасига тушади. 16-27-дарсларнинг эса улуши кам. Демак, бу дарсларда морфологияни такрорлаш имконияти ҳам ниҳоятда оз.

Жадвалда акс эттиргмаган бўлсак-да, 21-дарсда келтирилган топширик шартига кўра *от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш* терминларини эслаб айтиш талаби ҳам бор.

Маълумки, келишикларни такрорлаш икки хил мақсад билан амалга оширилиши мумкин: 1) билимларни эсга тушириш; 2) амалий малакаларни тиклаш. Дарсликда бу ишдан кўпроқ билимларни эсга тушириш мақсад қилиб олинган. Амалий малакаларни тиклаш учун эса грамматик шаклларни нутқда қўллаш амаллари бажарилиши лозим.

Шуни ҳам эслатиши лозимки, морфологиядан ўтилган түшунчаларга назарий маълумот таркибида мурожаат этиш бошқа, уларни машқ ва топширикларда таҳлил муносабати билан ишлатиш бошқа. Биринчиси асл мурожаатни, иккинчиси таҳлил ва такрорлаш билан боғлик сунъий мурожаатни ифода этади.

Айрим түшунчаларга (мустакил сўз туркуми, ёрдамчи сўз туркуми, от, феъл, кўмакчи, боғловчи ва бошқалар) икки-уч мурожаат этилган. Бундай маълумотга эга бўлган, бошқа дарсларда ҳам учраши мумкинлигини билган ўқитувчи термин-түшунчаларни такрорлашда даражаланишини татбиқ этади: дастлабки эсга тушириш билан кифояланади. Шу муносабат билан морфологияга доир билим, кўникма ва малакаларни такрорлаш ҳажми, кенглиги ва чуқурлигига кўра таснифий қатламлар сифатида даражалаш муаммоси юзага келади.

Бир қатор түшунчаларга нисбатан даражаланишини қўллаш зарур булади. Масалан, таснифинг бошида турган термин-түшунчалар: мустакил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари 8-синф ўқувчилари унугидаган билимлар сирасига кирмайди. Ундов сўзлар, модал сўзлар, олмош ва равишнинг маъно турлари, келишик номлари айрим ўқувчилар томонидан унугидаган булиши мумкин.

28-38-, 39-50-дарсларнинг назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартларида илк бор ишлатилган морфологик термин-түшунчалар яна ҳам камроқ (1.2.2-, 1.2.3-жадвалларга қаранг).

## 28–38-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар
28-дарс. Сўз бирикмаси ва тургун боғланма.	Ибора (турғун боғланма), тушунча, лексик маъно,
29-дарс. Сўз бирикмалари ташжири.	
30-дарс. Матндаги асосий фикр.	
31-дарс. Сўз бирикмаси ва гап.	
32-дарс. Сўз бирикмаларини таҳлил килиш.	Сифат, равиш, феъл, тушум келишиги, от, қаратқич келишиги, эгалик қўшимчаси.
33-дарс. Гап хақида умумий маълумот.	Феъл, феъл кесимнинг майл маъноси, замон маъноси, ҳозирги замон маъноси, ўтган замон маъноси, истак-буйруқ маъноси, бош ҳарф, келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси, шахс-сон қўшимчаси, кўмакчи, морфология, сон қўшимчаси, замон қўшимчаси, шахс-сон қўшимчаси, боғловчи,
34-дарс. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари.	Феъл.
35-дарс. Гапнинг ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра турлари.	
36-дарс. Гапнинг тузилишига кўра турлари.	
37-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.	
38-дарс. Назорат диктанти ва унинг таҳлили.	

Кўриниб турганидек, 33-дарсда тилга олинган морфологик термин-тушунчалар кўп бўлиб, улар феъл замонлари билан боғлик маъно турларини, кўмакчи ва боғловчиларни, эгалик ва келишик қўшимчаларини камраб олади. Аксинча, 29–31-, 34–38-дарсларда назарий маълумот мазмуни тақозо килмагани учун ҳам феъл сўзидан бошқа бирорта термин-тушунчага мурожаат этилмаган.

## 39–50-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар.
39-дарс. Содда гап ҳакида умумий маълумот.	
40-дарс. Гапнинг бўлакларга ажратилиши.	Мустақил сўз, қайси туркум сўзи.
41-дарс. Кесим ва унинг ифодаланиши.	Феъл.
42-дарс. Феъл кесим ва от кесим.	Феъл, равишдош, сифатдош, от, сифат, сон, олмош, равиш, таклид сўз, харакат номи, модал сўз, туркум.
43-дарс. Содда кесим, мураккаб кесим.	Ёрдамчи сўз (кўмакчи феъл, нисбий сўзлар).
44-дарс. Мураккаб от кесимларнинг тузилиши.	Туркум сўзлари, боғлама вазифасида келган ёрдамчи феъл, кўмакчи феъл, от, тўлиқсиз феъл, боғлама, майл, замон, шахс-сон, сўз туркуми.
45-дарс. Кесимнинг бирикмалар ва иборалар билан ифодаланиши.	Харакат номи, ибора, тўғри маъноли турғун боғланмалар.
46-дарс. От кесим ва эга орасида тиренинг қўлланиши.	Тире, сифат, тартиб сон, харакат номи, ҳам ёрдамчиси.
47-дарс. Мустақил ва номустақил кесим шакллари.	Шарт майл, шахс-сон, замон шакли.
48-49-дарслар. Ёзма назорат иши ва унинг таҳлили.	
50-дарс. Тест топшириклари.	

Ўқув йилининг иккинчи чорагида синтаксис бўйича ўтиладиган назарий маълумотлар, машқ ва топширикларда куйидаги тушунчаларга мурожаат этилган: *От, сифат, равиш, феъл, келишик қўшимчаси, тушум келишиги, қаратқич келишиги, эгалик қўшимчаси, сон қўшимчаси; майл, феъл кесимнинг майл маъноси, шарт майл, замон, замон маъноси, замон қўшимчаси (замон шакли), ҳозирги замон маъноси, ўтган замон маъноси, истак-буйруқ маъноси; шахс-сон, шахс-сон қўшимчаси; кўмакчи, морфология, боғловчи, мустақил сўз, ёрдамчи сўз, кўмакчи феъл, боғлама, нисбий сўзлар, туркум сўзлари, боғлама вазифасида келган ёрдамчи феъл, кўмакчи феъл, тўлиқсиз феъл, харакат номи, тартиб сон, ҳам ёрдамчиси.*

Маълум бўладики, иккинчи чоракда ҳам асосан мустақил сўз туркumlари ва ёрдамчи сўз туркumlарига мурожаат кўп: от, сифат, равиш, фсъл, келишик кўшимчаси, тушум келишиги, қараткич келишиги, эгалик кўшимчаси; кўмакчи, морфология, боғловчи, тартиб сон. Бу ердаги морфологик тушунчаларнинг маълум бир кисмини биринчи чоракда хотирага туширилган деб хисоблаш мумкин.

Хуллас, 8-синфдаги ўқув йилининг биринчи ва иккинчи чоракларида морфологиядан ўтилганларни дарслек материаллари асосида такрорлаш имкониятлари катта эмас.

28–31-, 35–39-дарслар (бу ердаги назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар) куйи синфларда ўтилган морфологик тушунчаларни такрорлашда узилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Учинчи чорак материаллари 51–64-, 65–80-дарсларда ўз ифодасини тонган. Ушбу материалларнинг морфологияга доир тушунчаларни такрорлашдаги имкониятлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиш учун уларни жадвалларда келтирамиз (1.2.4-, 1.2.5-жадвалларга қаранг).

#### 1.2.4-жадвал

#### 51–64-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартла-рида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар
51-дарс. Эга ва унинг ифодаланиши.	Шахс-сон кўшимчаси, бош келишик, эгалик кўшимчаси, кўплик кўшимчаси, сўз туркуми, от, олмош, сон, сифатдош, сифат, равиш, харакат номи, тақлид сўз, модал сўз, грамматик шакл.
52-дарс. Эгали ва эгасиз гаплар.	
53-дарс. Эгаси яширган гаплар.	Шахс, бирлик.
54-дарс. Эгасиз гаплар. Шахси маълум гап.	Бўлишсиз шакл, феъл, эгалик кўшимчаси.
55-дарс. Атов гаплар.	Аниқлик майли, хозирги-келаси замон, ўтган замон.
56-дарс. Сўз-гаплар.	Ибора.
57-дарс. Ёйик атов ва сўз-гаплар.	
58-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.	Келишик шакли, қайси туркум сўzlари.
59-дарс. Содда ёйик ва содда йигик гаплар.	

60-дарс. Ҳол ҳақида умумий маълумот.	Равиш, келишик шакли, кўмакчи от, сифат, сон, тақлид сўз, ундов, феъл, тақрор сўз, ибора.
61-дарс. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли.	Макон-замон келишиклари (жўналиш, ўрин-пайт, чиқиши), кўмакчили от, ўрин равиши, от, пайт равиши, сон бирикмалари, қайси туркум сўзи.
62-дарс. Равиш ҳоли ва даражা-миқдор ҳоли.	Равиш, феъл, кўмакчи от, сон, миқдор равиши, қайси сўз туркуми.
63-дарс. Сабаб ҳоли ва мақсад ҳоли.	Сифатдош, кўмакчи курилма, равищдош, от, феъл, жўналиш келишиги, иш отлари.
64-дарс. Тест топшириклари.	
66-67-дарсларда ёзма назорат иши ва унинг таҳлили.	

Ўқув йилининг учинчи чорагида қуйидаги термин-тушунчалар тилга олинади: шахс-сон қўшимчаси, бош келишик, эгалик қўшимчаси, кўплик қўшимчаси, сўз туркуми, от, олмош, сон, сифатдош, сифат, равиши, ҳаракат номи, тақлид сўз, модал сўз, грамматик шакл; ибора; келишик шакли, тушум келишиги, белгили ва белгисиз тушум келишиги, ўрин-пайт, чиқиши келишиклари, кўмакчи, кўмакчи от, кўмакчи сифат, тақлид сўз, ундов, тақрор сўз, ибора, макон-замон келишиклари, кўмакчили от, ўрин равиши, от, пайт равиши, миқдор равиши, кўмакчи курилма; равищдош, жўналиши келишиги, иш отлари, қайси туркум сўzlари, отлашган сифат, отлашган сон, сифатдош, ҳаракат номи, ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, шахс, бирлик, бўлишсиз шакл, феъл, сўз туркуми, тақлидий сўз, отлашган сифатдош.

#### 1.2.5-жадвал.

### 65–80-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар
65-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.	
68-дарс. Тўлдирувчи ҳақида умумий маълумот.	Қайси туркум сўzlари, от, отлашган сифат, отлашган сон, сифатдош, ҳаракат номи, тақлид сўз, модал сўз.
69-дарс. Воситасиз	Ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, тушум

түлдирувчи.	келишиги, белгили ва белгисиз тушум келишиги.
70-дарс. Воситали түлдирувчи.	Үтимли феъл, үтимсиз феъл, жұналиш, үрин-пайт, чиқиш келишиклари. күмакчи, сұз туркуми, грамматик шакл.
71-дарс. Аникловчи ҳакида умумий маълумот.	
72-дарс. Сифатловчи аникловчи.	Сифат, сон, олмош, от, равищ, сифатдош, модал сұз, таклидий сұз.
73-дарс. Каратқичли аникловчи.	Эғалик құшимчаси, от, отлашган сифат, отлаш-ған сон, олмош, отлашган сифатдош, сұз туркуми,
74-дарс. Изохловчи.	От.
75-дарс. Гап бұлаклари тартиби.	
76-дарс. Гап урғуси (мантикий урғу).	Сұз урғуси.
77-дарс. Мустақкамлаш дарсі.	
78-дарс. Тест топшириклари.	
79-80-дарсларда ёзма назорат иши ва унинг таҳлили.	

Шуни ҳам эслатиш лозимки, учинчи чорак материалларида айрим түшунчалар (от, сифат, сон, феъл, олмош, равищ, сифатдош, сұз туркуми, шапик құшимчаси, үтимли феъл, үтимсиз феъл, ва бошқалар) бир неча мартадан тилга олинган.

Юкоридаги рүйхатдан бириңчи ва иккинчи чоракда назарий маълумотлар таркибіда тилга олинган морфологик түшунчалар чиқарып ташланадиган бўлса, куйидагилар қолади: *келишик шакли, бош келишик, шапик құшимчаси, белгшии ва белгисиз тушум келишиги, макон-замон келишиклари; ундов, такрор сұз, миқдор равиши, күмакчи қурылма, күмакчили от, күмакчи от; грамматик шакл; шахс, бирлік, бўлисиз шахс, равишидош, сифатдош, иши отлари, отлашган сифат, отлашган сон, үтимли феъл, үтимсиз феъл, отлашган сифатдош.*

Укув йилининг тўртингчи чорагида синтактик түшунчаларни англатиш морфологик термин-түшунчаларга оз мурожаат этилган (1-2-б-жадвалга қаранг).

## 81–102-дарслар

Синтаксисга доир мавзулар	Назарий маълумотлар, машқ ва топшириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар.
81-дарс. Тұлиқ ва тұлиқсиз гаплар.	
82-дарс. Гапнинг уюшиқ бұлаклари ҳақида маълумот.	Тенг боғловчи, тенглашиш оханги.
83-дарс. Уюшиқ кесим.	
84-дарс. Уюшиқ зға.	Боғловчи.
85-дарс. Уюшиқ ҳол.	Тенг боғловчи.
86-дарс. Уюшиқ тұлдирувчи. Уюшиқ аникловчи.	
87-дарс. Уюшиқ бұлакли гапларда умумлаштирувчи сүз.	Олмош, от, феъл.
88-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.	Тенг боғловчи.
89-90-дарслар. Ижодий баён ва уннинг таҳлили.	
91-дарс. Ажратилган бұлакли гаплар, уларда оханг ва тиниш белгилари.	
92-дарс. Ажратилган ҳол, ажратилган тұлдирувчи ва ажратилган аникловчи.	
Гап бұлаклари билан алоқага киришмайдиган бұлаклар».	Сүз туркуми, қайси сүз туркуми.
93-дарс. Киритмалар.	
94-дарс. Киритма гаплар.	
95-дарс. Үндалма.	Бош келишик.
96-дарс. Үндалмаларда тиниш белгиларининг құлланиши.	
Содда гап юзасидан үтилгандарни тақрорлаш.	Боғловчи, сүз шакллари, күмакчи, тенг боғловчи.
97-98-дарслар. Содда гап таҳлили.	
99-102-дарслар. Тест. Назорат иши... Якуний дарс.	

Күриниб турғанидек, ушбу чоракда морфологик тушунчаларга (*тенг боғловчи, боғловчи, олмош, от, феъл, сүз туркуми, бош келишик, сүз*)

нинклилари, күмакчи) бошка чоракларга қараганда яна ҳам камрок мурожаат түлгән.

Шундай килиб, 17–102-дарслар бүйіча морфологик түшунчаларга мурожаат қуидагычы бұлған:

17-дарсда от, отли, феъл, феълли; 18-дарсда қүшимча маъно, келишик қүшимчаси, эгалик қүшимчаси, күмакчи, қаратқыч келишиги, түшум келишиги, жұналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиши келишиги, от түркүми; 19-дарсда тенг бөгловчилар; 21-дарсда от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш; 22-дарсда лексик ҳодиса, грамматик ҳодиса, маънодош; 23-дарсда қүшма сүз;

28-дарсда түшунча, лексик маъно; 32-дарсда сифат, равиш, феъл, түшум келишиги, от, қаратқыч келишиги, эгалик қүшимчаси;

33-дарсда феъл, феъл кесимнинг майл маъноси, замон маъноси, ҳозирги замон маъноси, ўтган замон маъноси, истак-буйруқ маъноси, баш ҳарф, келишик қүшимчаси, эгалик қүшимчаси, шахс-сон қүшимчаси, күмакчи, морфология, сон қүшимчаси, замон қүшимчаси, шахс-сон қүшимчаси, бөгловчы;

34-дарсда феъл; 42-дарсда феъл, равишдош, сифатдош, от, сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сүз, ҳаракат номи, модал сүз, түркүм; 43-дарсда ёрдамчи сүз, күмакчи феъл, бөглама, нисбий сүзлар;

44-дарсда түркүм сүзлари, бөглама вазифасида келган ёрдамчи феъл, күмакчи феъл, от, түликсиз феъл, бөглама, майл, замон, шахс-сон, сүз түркүми; 45-дарсда ҳаракат номи, 46-дарсда сифат, тартиб сон, ҳаракат номи, ҳам ёрдамчиси; 47-дарсда шарт майл, шахс-сон, замон шакли;

51-дарсда шахс-сон қүшимчаси, баш келишик, эгалик қүшимчаси, күплик қүшимчаси, сүз түркүми, от, олмош, сон, сифатдош, сифат, равиш, ҳаракат номи, тақлид сүз, модал сүз, грамматик шакл; 54-дарсда бўлишсиз шакл, феъл, эгалик қүшимчаси;

55-дарсда аниклик майли, ҳозирги-келаси замон, ўтган замон; 60-дарсда равиш, келишик шакли, күмакчи от, сифат, сон, тақлид сүз, ундов, феъл, тақрор сүз; 61-дарсда макон-замон келишиклари (жұналиш, ўрин-пайт, чиқиши), күмакчили от, ўрин равиши, от, пайт равиши, сон бирикмалари, кайси түркүм сүзи; 62-дарсда равиш; феъл, күмакчи от, сон, миқдор равиши; 63-дарсда сифатдош, күмакчи күрилма, равишдош, от, феъл, жұналиш келишиги, иш отлари; 68-дарсда от, отлашган сифат, отлашган сон, сифатдош, ҳаракат номи, тақлид сүз, модал сүз; 69-дарсда ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, түшум келишиги, белгили ва белгисиз түшум келишиги;

70-дарсда ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, жұналиш, ўрин-пайт, чиқиши келишиклари, күмакчи, сүз түркүми, грамматик шакл; 72-дарсда сифат, сон, олмош, от, равиш, сифатдош, модал сүз, тақлидий сүз; 73-дарсда эгалик қүшимчаси, от, отлашган сифат, отлашган сон, олмош, отлашган сифатдош, сүз түркүми; 82-дарсда тенг бөгловчы; 84-дарсда бөгловчы;

85-дарсда тенг боғловчи; 87-дарсда олмош, от, феъл; 97–98-дарсларда боғловчи, сўз шакллари, кўмакчи, тенг боғловчи терминлари ишлатилган.

8-синф «Она тили» дарслигига синтаксисга доир мавзулар бўйича берилган назарий маълумотларда, машқ ва топшириклар шартларида 5-7-синфларда ўрганилган морфологик тушунчалар кам тилга олинганинига сабаб шу синфда синтаксисдан ўрганиладиган мавзуларда бериладиган назарий маълумотларнинг морфологияга зарур ҳолатлардагина мурожаат этишни тақозо қилишидир.

Шунингдек, назарий маълумотларда морфологик терминлар камроқ, машқ ва топшириклар шартларида кўпроқ ишлатилган. Бу иш ўтилганларни такрорлаш машқлари муносабати билан амалга оширилган.

Янгиланган таълим мазмуни асосида яратилган «Она тили» дарсликларида<sup>1</sup> таъриф ва қоидалар берилмаган, улар ўрнида «Билиб олинг», «Эсда тутинг» рукнидаги изохлар ҳавола қилинган. Лекин ушбу изохлар билан танишар эканмиз, уларнинг таъриф ва қоидаларга ўхшаб кетишига ишонч ҳосил қиласиз. Шунинг учун тадқикот ишимизда «Билиб олинг», «Эсда тутинг» рукнидаги изохларни шартли равишда таъриф ва қоидалар деб юритишни маъқул топдик. Чунки амалиётда аксарият ўкувчилар изохларни таъриф ва қоидалар ўрнида кўриб, уларни ҳам муаллифларнинг гоясига зид равишда ёд олмокдалар.

8-синф «Она тили» дарслигига морфология бўйича ўтилган таъриф ва қоидаларни («Билиб олинг», «Эсда тутинг» рукнидаги изохларни) қайта хотирага туширишга ундовчи машқ ва топшириклар деярли учрамайди. Аслида, X.Курбонованинг фикрига кўшилган холда, таърифни термин англансадан турган пайтдагина такрорлаган маъқул. Бошқача айтганда, таърифларни терминнинг изохи сифатида ахборот манбаи орқали (масалан, дарслик материали, лингвистик матнда) тақдим этган маъқул. Қоидалар эса пухта ўзлаштирилиши керак. Масалан, -ни қўшимчаси от билан феълни, -нинг қўшимчаси от билан отни боғлаши ҳақидаги қоида ёд олиш даражасида ўзлаштирилиши зарур, чунки ўкувчиларнинг ёзма ишларида учрайдиган –нинг ўрнида –ни ишлатиш хатолари кўп учрайди.

Умуман, такрорлаш ўкувчиларнинг китоб (дарслик, илмий-оммабон адабиётлар, луғатлар), шунингдек, техник воситалар билан мустақил ишлаш кўнижмаларини такомиллаштиришни кўзда тутади<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, *таъриф ва қоидаларга муносабат масаласи* она тили таълимидағи жиҳдий методик муаммолар сирасида кўрилиши лозим.

<sup>1</sup> Ona tili: Umumiyo'tta ta'im maktablarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov va boshq. – T., «Ma'naviyat», 2004; Ona tili: Umumtalim maktablarining 6-sinfi uchun/ N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, O.Nabiyeva.— T., «Tasvir» nashriyot uyi. 2005; Ona till: Umumtalim maktablarining 7-sinfi uchun darstlik / N. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sobirov va boshq. - T., «Ma'naviyat», 2005; Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T., Cho'lpon nomidagi nashriyot-mabba ijodiy uyi, 2006.

<sup>2</sup> Никитина Е.И. Повторение курса русского языка в VIII классе // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978.

Ниҳоят, китобда морфологиядан эгалланиши лозим бўлган кўнишка ва малакаларни тиклашга доир иш турлари ҳам етарли эмас.

Умуман олганда, 8-синф «Она тили» дарслигига ўкув йили бошидаги такрорлашни ҳам қўшганда, куйидаги морфологик тушунчаларга мурожаат этилган:

*Кўшимча, сўз, лексик ҳодиса, грамматик ҳодиса, қўшима сўз. тушунча, лексик маъно, тақрор сўз.*

*Мустақил сўз туркуми. Туркум сўzlари, Мустақил сўз, От, сифат, сон, олмош, феъл, равии. От сўzlар. Кўшимча маъно, келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси. Келишик шакли, кўплик қўшимчаси, қўмакчи, қаратқич келишиги, тушум келишиги, белгили ва белгисиз тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқши келишиги, от туркуми, от, отли, феъл, феълли. От ўрнида қўлланувчи сўз туркуми.*

*Феъл, феъл кесимнинг майл маъноси, замон маъноси, ҳозирги замон маъноси, ўтган замон маъноси, истак-буйруқ маъноси, бош ҳарф, келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси, шахс-сон қўшимчаси, қўмакчи, морфология, сон қўшимчаси, замон қўшимчаси, шахс-сон қўшимчаси, ўтимили феъл, ўтимисиз феъл.*

*Равишдоши, сифатдоши, ҳаракат номи, боғлама вазифасида келган ёрдамчи феъл, қўмакчи феъл, от, тўлиқсиз феъл, боғлама, майл, замон, шахс-сон, сўз туркуми, шарт майл, шахс-сон, замон шакли, шахс, бирлик, бўлишиш шакл, аниқлик майл, ҳозирги-келаси замон, ўтган замон.*

*Олмошнинг маъно тури. Кишилик олмоши, ўзлик олмоши, кўрсатили олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, бўлишизлик олмоши, гумон олмоши.*

*Равиши сўzlар. Равишининг маъно тури. Ҳолат равиши, миқдор-даражса равиши, ўрин равиши, пайт равиши. Ясама равишилар. Тенг боғловчилар, қўмакчи от, ундов.*

*Ёрдамчи сўз туркуми. Қўмакчи, боғловчи, тенг боғловчи, юклами. Ундов, тақлид ва модал сўз.*

*Ёрдамчи сўз (қўмакчи феъл, боғлама, нисбий сўzlар), тартиб сон, ҳам ёрдамчиси.*

*Грамматик шакл.*

*Макон-замон келишиклари (жўналиш, ўрин-пайт, чиқши), қўмакчили от, ўрин равиши, пайт равиши, сон биримлари, қўмакчи от, миқдор равиши, қўмакчи қуршила, иш отлари, отлашган сифат, отлашган сон, тақлидий сўз. Отлашган сифатдоши. Сўз шакллари.*

Бу каби тузиладиган рўйхатлардан ўқитувчи 8-синф «Она тили» царслигининг морфологияга доир ўтилган материалларни тақрорлаш учун берадиган имкониятлари хакида аниқ тасаввурга эга бўлади ва ўз режаларини тузишда унга таянади.

Юқорида ҳал этилган методик муаммо навбатдаги босқичда энди синтаксисга доир назарий маълумотлар, машқ ва топширикларда 5-7-синфларда ўрганилган қайси тушунчаларга мурожаат этилмаган, морфологик термин-тушунчаларнинг ўзи нечанчи синфда ва неча синфда ўрганилган каби саволларга жавоб топишдан иборат бўлди.

Морфологик термин-тушунчаларнинг 5-7-синф «Она тили» дарсларидағи<sup>1</sup> тақдимоти сўз туркumlари бўйича куйидаги жадвалларда хамда шу жадваллар сўнгидаги рўйхатларда<sup>2</sup> акс эттирилди (1.2.7-, 1.2.8-, 1.2.9- ва кейинги жадвалларга қаранг).

### 1.2.7-жадвал

#### От сўз туркуми

От туркумига доир термин ва тушунчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
От	+	+	+
атоқли от	+	+	-
турдош от	+	+	-
келишик кўшимчалари	+	-	+
бош келишик	+	-	+
каратқич келишиги	+	-	+
-нинг кўшимчасининг тушиб қолиши	-	-	+
тушум келишиги (44; 68),	+	-	+
жўналиш келишиги (68),	+	-	+
ўрин-пайт келишиги (68),	+	-	+
чиқиш келишиги (68),	+	-	+
эгалик кўшимчалари (67),	+	-	+
бирлик сон (66),	+	+	+
кўплик сон	+	-	+
садда от	-	+	-
такрорий от	-	+	-
жуфт от (7),	-	+	+
кўшма от (7),	-	+	+
ясама отлар (7).	-	-	+

Шахс номлари (*отлари*), ўрин-жой номлари (*отлари*), нарса номлари (*отлари*), фаолият-жараён отлари, кичрайтириши ва эркалаш отлари, аниқ отлар, мавхум отлар 6-синфда; отларнинг маънно гурухлари, сўзларнинг (исмларнинг) муносабат шакллари, нарсанинг номи, белгининг номи, миқдорнинг номи, номлар ўрида алмашиниб келувчи сўзлар, исмларнинг луғавий шакллари 7-синфда ўрганилади.

<sup>1</sup> Ona tilli: O'rta ta'lif makkablarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, V.Qodirov va boshq. – T., «Ma'naviyat», 2004. – 224-b.

<sup>2</sup> Бир синф дарслигида ишлатилган морфологик термин-тушунчаларни рўйхат тарзида ажратиб бердик.

Жадвалда акс этганидек, отнинг 6- ва 7-синфларда ўрганилган маъно турлари 8-синф «Она тили» дарслитининг йил бошида такрорлашга доир дарсларида ҳам, синтаксисни ўрганишга бағишлиланган дарсларида ҳам деярли тилга олинмаган, машқ ва топшириклар ёрдамида маҳсус такрорланмаган.

### 1.2.8-жадвал

#### Сифат ва сон сўз туркумлари

Сифат туркумига доир термин ва тушунчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
сифат	+	+	+
сифат даражалари	+	+	+
оддий даражা	+	+	+
оттирма даража	+	+	+
озайтирма даража	-	+	+
кучайтирма даража	-	-	+
киёсий даража	+	+	+
ранг-тус,	+	+	+
маза-тазъм,	+	+	+
шакл-хажм, шакл-кўриниш	+	хажм-	+
ҳид сифатлари	-	ўлчов	-
макон-замон	-	+	-
(хил) хусусият (70)	+	+	+
аслий сифатлар(8),	-	+	+
нисбий сифатлар (8),	-	+	+
садда сифат(8),	-	+	+
кўшма сифат(8),	-	+	+
жуфт сифат (8).	-	+	+
такрорий сифат	-	+	-
отлашган сифатлар	-	+	-
		+	

Кучайтирма даражса 7-синфда, ҳид сифатлари, макон-замон сифатлари, тақрорий сифат, отлашган сифат тушунчалари 6-синфда ўрганилади.

Сон туркумига доир термин ва тушунчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
Сон (72),	+	+	+
миқдор сон (72),	+	-	-
тартиб сон (72).	+	+	+
хисоб сўзлари (9),	-	+	+
садда сон(9),	-	+	+
кўшма сон(9),	-	+	+
жуфт сон (9).	-	+	+
Дона сон, санок сон , чама сон, жамловчи сон, каср сон,.таксим сон 6-синфда ўрганилади.			

Күриниб турганидек, сифат сўз туркумига доир термин-тушунчалар синфлар бўйича кўлланувчанлик хусусиятига эга.

Олмош туркумига доир термин ва тушунчалардан олмош учала синфда, кишилик олмошлари 5- ва 7-синфда, сўроқ олмошлари, кўрсатиш олмошлари, ўзлик олмоши, гумон олмошлари, белгилаш олмошлари, содда олмошлар, кўшма олмошлар, жуфт олмошлар, такрорий олмошлар 7-синфда ўрганилади.

Феъл сўз туркумига доир термин-тушунчалар кўпроқ. Уларни куйидаги жадвалда акс эттиридик (1.2.9-жадвалга қаранг).

### 1.2.9-жадвал

#### Феъл сўз туркуми

Феъл туркумига доир термин ва тушунчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
Феъл	+	+	+
феъл замонлари	+	+	+
ўтган замон феъли	+	+	-
ҳозирги замон феъли	+	+	-
келаси замон феъли	+	+	-
шахс-сон кўшимчалари	+	+	-
бўлишили феъл,	-	-	+
бўлишсиз феъл	-	-	+
замон маъноси	-	-	+
замон шакллари (кўшимчалари)	-	-	+
феъл шакллари	-	+	+
феъл нисбатлари	-	+	+
феъл майл шакллари	-	+	+
исмларни кесимга хословчи шакллар	-	-	+
содда феъл	-	+	+
кўшма феъл	-	+	+
жуфт феъл (6).	-	+	+
сифатдош (6),	-	+	+
равишидош (6),	-	+	+
ҳаракат номи	-	+	+
Ҳаракат номи, ўтимли феъллар, ўтимсиз феъллар, аниқ нисбат, ўзлик нисбат (и), маъжхул нисбат (шакли), орттирма нисбат (шакли), биргалик нисбат(и), нутқий фаолият феъллари, ақлий фаолият феъллари, жисмоний фаолият феъллари, ҳолат феъллари, хабар майли, бўйруқ-истак майли, шарт майли, кўмакчи феъллар, тўлиқсиз феъл, феълнинг вазифа шакллари, соф феъл шакли, ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари, ўтган замон сифатдоши, ҳозирги ва келаси замон сифатдошлари, мақсад равишидоши, пайт равишидоши, ҳолат равишидоши, сабаб равишидоши 6-синфда ўрганилади.			

8-синф «Она тили» дарслигидә морфологик термин-тушунчаларга килингандын мурожаатлар таҳлилидан билиш мүмкінкі, нұтқий фаолият феълари, ақлий фаолият феъллари, жисмоний фаолият феъллари, ҳолат феъллари, мақсад равишидоши, пайт равишидоши, ҳолат равишидоши, сабаб равишидоши каби феълнинг, равишидошынг маъно турлари на назарий маълумотларда, на машқ ва топшириклар шартларида тилга олинмаган.

### 1.2.10-жадвал

#### Равиш сүз түркүми

Равиш түркүміндең деңгээл термин ва түшүнчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
Равиш	+	+	+
ҳолат равиши	-	+	+
Үрин равиши	-	+	+
пайт равиши	-	+	+
микдор-дараја равиши	-	+	+
мақсад-сабаб равиши	-	+	-
содда равиши	-	+	+
құшма равиши	-	-	+
жуфт равиши	-	+	+
такрорий равиши	-	+	-
равишиларнинг ясалиши	-	+	+

Құмакчи түркүміндең деңгээл термин ва түшүнчалардан құмакчи 5- ва 7-синфда, соғ құмакчи, вазифадош құмакчилар; мақсад маъноси, йұналиш маъноси, фикр мавзуси маъноси, үхшатиши, киёслаш маъноси 7-синфда ўрганилади.

Богловчи түркүміндең деңгээл термин ва түшүнчалардан боғловчи 5- ва 7-синфда; тенг боғловчилар, әргаштируечи боғловчилар, бириктирув боғловчилари, зидлов боғловчилари, айирув боғловчилари, инкор боғловчилар, соғ боғловчилар, вазифадош боғловчилар, юклама-боғловчилар, құмакчи боғловчиси, якка боғловчилар, тақрор боғловчилар, аниқлов боғловчилар (яғни), сабаб боғловчилари, шарт боғловчилари 7-синфда ўрганилади.

Юклама түркүміндең деңгээл термин ва түшүнчалардан юклама, сүрок юкламалари, сүз-юкламалар, құшимча юкламалар 5- ва 7-синфларда үтилса, гумон юкламалари, инкор юкламалари, кучайтирув-таъкид юкламалари, айирув-чегаралов юкламалари, сүрок-таажжуб юкламалари, вазифадош юкламалар, таажжуб юкламалари 7-синфда таништирилади.

## Таклид сўзлар, модал сўзлар, ундов сўзлар, тасдиқ ва инкор сўзлар

Сўз туркumlари	5-синфда	6-синфда	7-синфда
Таклид сўзлар	+	+	+
такрор таклид сўзлари	-	-	+
Модал сўзлар	-	+	+
Соф модал сўзлар	-	-	+
вазифадош модал сўзлар	-	-	+
Ундов сўзлар	-	+	+
Бўйруқ-хитоб ундовлари	-	-	+
Ҳис-ҳаяжон ундовлари	-	-	+
Тасдиқ сўзлар	-	-	+
инкор сўзлар	-	-	+

Маълум бўладики, бир қатор морфологик термин-тушунчалар 5- ва 6, 5- ва 7-, 6- ва 7-синф «Она тили» дарсликларида берилган. Кўпгина термин-тушунчалар эса ё 5-, ёки 6-, ёхуд 7-синф дарслигига кўлланган. Албатта, икки дарсликда тилга олинган тил ҳодисаларининг ўзлаштирилиши бир дарсликда берилган материалларнинг ўзлаштирилишига қарандан яхшироқ бўлишини тахмин килиш мумкин. 5- ёки 6-синф дарслиги орқали танишилган морфологик тушунчаларга қараганда 7-синфда танишилганлари хотирада дурустроқ сақланиши мумкин.

Агар 5-7-синфлар «Она тили» дарсликлари орқали танишилган морфологик термин-тушунчалар билан 8-синфда такрорланган ва синтаксисга доир маълумотлар, машқ ва топшириқлар шартларида тилга олинган морфологик термин-тушунчалар солиштириб чиқилса, ўқитувчининг ташаббуси билан ўкувчилар хотирасида тикланиши лозим бўлганлари кўп эканлиги маълум бўлади. Фақат уларнинг аник рўйхати муаллимларнинг кўл остида бўлиши даркор.

Морфологияни такрорлашда айрим масалаларга алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Масалан, жуфт сўзларнинг кўлланиши ҳакида гапириш, такрорий сўз билан таклидий сўзни фарқлаш устида ишлаш (*дир-дир, тақ-тақ*), сифат даражаларида ифода воситаларини кенгрок санаш, сонлар билан боғлиқ имло қоидаларини бериш, замон кўшимчаларининг кўлланиши ва имлосини тушунириш ва бошқалар.

Морфологик тушунчалар сирасида кўшимчалар алоҳида ўрин тутади. Кўшимчаларнинг турлари (сўз ясовчи кўшимча, янги маъно берувчи кўшимча, кўшимча маъно берувчи кўшимча, шакл ясовчи кўшимчалар, лугавий шакл ясовчилар, синтактик шакл ясовчилар) асосан 6-синфда ўрганилиб, 7-синфда такрор тилга олинмайди.

Такрорлашда ўкувчиларнинг билим, кўнишка ва малакалари савиаси, яъни имкониятлари ҳам хисобга олиниши керак. Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигининг З-дарси «Мустакил сўз туркумлари» мавзусини такрорлаш мақсадини кўзлайди. Бу ерда 7-машқда 5 тадан аралаш ҳолда берилган мисолларни жадвал асосида б та мустакил сўз туркумига ажратиш сўралган. 8-машқда мустакил сўз туркумларига мисоллар топиш юзасидан «Топкирлар беллашуви» ўйинини ташкил этиш таклиф килинган.

2-топширик шартида «Шарафли бурч» матнидаги мустакил сўзларни туркумларга ажратиш ва ўзи боғланган сўз билан биргаликда кўчириб ёзиш ўз аксини топган.

Нихоят, такрорлаш учун саволлар ҳавола этилган:

1. От, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш нима учун мустакил сўз туркумлари дейилади?

2. Олмош қандай хусусиятлари билан бошқа туркумлардан ажралиб туради?

3. От сўзлар гапда қандай синтактик вазифаларда келади?

4. Сифат ва сон сўзлар қайси гап бўлаклари вазифасида келиши мумкин? Мисоллар келтиринг.

5. Равишлар гапда кўпинча қайси гап бўлагига боғланиб келади?

6. Феъл сўзларининг гапдаги асосий вазифаси нимадан иборат?

7. Мустакил сўз туркумларини ўрганиш нега феъл туркумидан бошланади?

8. Гапда от сўзларга боғланиб келувчи ва от ўрнида кўлланувчи сўз туркумлари кайсилар?

9. Отглашув ва сифатглашув ҳодисалари нима? Уларга мисоллар келтира оласизми?

Юкоридаги савволларга жавоб олингач, 11-машқ уйга вазифа килиб топширилади. Бу машқда ёзги таътил таассуротлари ҳакида матн тузиш, ундаги мустакил сўзларнинг тагига чизиш ва туркумини тепасига ёзib кўрсатиш сўралган.

Маълум бўладики, дастлабки такрорлаш ишлари сўз туркумларини хотирага тушириш мақсадини кўзда тутади. Бирок 8-синф ўкувчиларининг уларни қанчалик билиш-бильмасликлари хисобга олинмайди. Зоро, бирор билим, кўнишка ва малакани такрорлаш учун асос бўлиши керак. Бу асос унуганлик бўлиши мумкин. Ўқувчилар сўз туркумларини билишса, дарсда шунча вақт сарфлашнинг нима ҳожати бор деган ҳақли савол туғилиши табиий. Агар Л.Ф.Логинованинг «Повторять, не повторяясь» деган мақоласида<sup>1</sup> илгари сурилган наклга амал

<sup>1</sup> Логинова Л.Ф. Повторять, не повторяясь // Русский язык в школе. – 1989. № 3. – С. 32-34.

қилинадиган бўлса, бирор янги жиҳатларни қўшиб қайтариш маъкулроқ бўлади.

«Ёрдамчи сўз туркумлари» мавзуи бўйича ҳам юқоридаги (3-дарсдаги) каби изчилликда дарс материаллари ишлаб чиқилган.

Эслатиш жоизки, машқлар сўзларнинг туркумланиши билан боғлиқ равишда тегишли терминларни ўкувчилар хотирасида тиклайди. Терминлар жадвалда тилга олинган. Демак, бу ўринда рецептив-репродуктив жараён кечади. *Такрорлашда рецептив ва репродуктив нутқий фаолият асос қилиб олинган деб таъкидлаши ҳам мумкин.*

Сўз туркумлари бўйича ўтилган маълумотларни такрорлашнинг асосий оғирлиги такрорлаш учун хизмат қиласиган саволларга юклатилган. Лекин саволларга олинган оғзаки жавоблар ҳам морфологик термин-тушунчаларни барча ўкувчиларнинг бирдай эсга туширишларини кафолатлай олмаслиги мумкин.

Ҳатто ўкувчилардан мустакил сўз туркумларини ўрганиш нима учун феъл туркумидан бошланганини ҳам эслаш талаб этилган. У ҳолда биринчи саволда сўз туркумларини тартиб билан аташга ислоҳ киритиш (от, сифат, сон ва бошқалар эмас, балки феъл, от, сифат ва бошқалар бўлиши) керак.

Амалдаги 8-синф «Она тили» дарслигига морфологияни такрорлаш куйидаги тарзда амалга оширилган (йил бошида такрорлашни инобатга олмагандан):

1. «Мустакил сўз туркумлари», «Ёрдамчи сўз туркумлари» мавзулари бўйича берилган такрорлаш учун саволлар орқали:

—сўз туркумларининг таърифлари;

—айрим сўз туркумларини (олмош бошка туркумлардан ажратиб турадиган хусусиятлар;

—айрим сўз туркумларининг (сифат, сон) гапдаги вазифаси (қайси бўлак вазифасида келиши);

—айрим сўз туркумларининг (равиш) гапда қайси гап бўлагига боғланиб келиши;

—отлашув ҳодисасини тушунириши;

—ёрдамчи сўз туркумларининг мустакил сўз туркумларидан фаркини айтиш;

—ёрдамчи сўз туркумларининг (кўмакчи, боғловчи, юклама) маъно турлари ва вазифалари;

—ёрдамчи сўз туркумларининг гапда бошка туркумлар вазифасида келиш-келмаслиги;

—ёрдамчи сўз туркумларининг номланиши билан уларнинг гапдаги вазифаси ўртасидаги алоқадорликни изоҳлаш.

2. Синтаксисга доир мавзулар баёнида тил ҳодисаларининг ифодаланишини кўрсатиш мазмунидаги морфологик тушунчаларга мурожаат этилган.

Морфология (сўз туркуми ва б.) термин, тушунча, маънодангина иборат эмас. Морфология кисмларини ташкил этувчи тушунчалар ифодаси бўлмиш мустакил ва ёрдамчи сўз туркумларининг ўзига хос шакллари ҳамда ясалиши бор. Кўшимчалар тури, имлоси ва қўлланиш хусусиятлари морфологияни ўрганишнинг гап тузиш, матн яратиш билан боғланадиган энг муҳим жиҳати саналади. Лекин 8-синф дарслигида айни Ѣшу масала – ўқувчиларнинг кўшимчалар юзасидан 5-7-синфларда олган билимларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва чукурлаштириш, бу билимларни матн яратиш синтаксиси билан боғлаш, кўникма ва малакаларни матн яратиш жараёнинг кўчиришнинг аксарият муаммолари эътибордан четда колиб кетган. Масалан, «Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш шакллари» мавзуси (18-дарс) муносабати билан кўшимча маъно, келишик кўшимчаси, эгалик кўшимчаси, кўмакчи, каратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиши келишиги тилга олинади, аммо кўшимчаларни тақрорлаш кўзда тутилмайди. Бу табиий, албатта, чунки морфология 5-7-синфларда ўтиб бўлинган, яъни ўзлаштирилган хисоб. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларидаги кемтик ўринлар, бўшликлар, оғзаки ва ёзма нутқининг ривожланиш даражасидаги камчиликлар турли хилдаги сабабларга кўра юзага келади. Бундай сабаблар кўп. Шулардан бири дарслик бўлиши мумкин. Қолаверса, тақрорлаш, билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш она тили ўқитувчининг ташаббускорлигига боғлиқдир.

Шундай килиб, 8-синфга келган ўқувчиларнинг 5-7-синфларда морфология мавзулари бўйича олган билимлари, кўникма ва малакалари, оғзаки ва ёзма нутқларининг ривожланиш савияси «Она тили» ДТСи таълаблари даражасида ёки ундан юқори ва, аксинча, паст ҳолатларни кузатиш мумкин. ДТС таълаблари даражасидан паст бўлган ҳолатлар бутун синфга хосми ёки айрим ўқувчиларгами? Навбатдаги кисмда шу саволга жавоб бериш назарда тутилади. Буни маҳсус ташкил этиладиган назорат ишлари аниқлаб беради. Айни пайтда бундай назорат ўтказилмаган тақдирда ҳам ўқувчиларнинг тақрорлаш учун берилган саволларга қандай жавоб қайтараётганликлари ҳам кўп нарсага ойдинлик кирита олади.

### 1.3. Синтаксисни морфологияни тақрорлаш билан боғлаб ўрганишнинг ҳозирги ахволи

5-синфда «Муқаддима» бўлими, 8-синфда содда гап синтаксиси курсини ўтиш жараёнлари дастлаб дарс кузатиш йўли билан ўрганилди.

Бунда она тили ўқитувчиларининг иш тажрибасидаги ютукларни аниклаш, камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳакида маълумотлар тўплаш мақсад қилиб олинди; ўкувчиларнинг билим кўнига ва малакаларига эътибор берилди. Биз Қорақалпогистон Республикаси Беруний туманидаги, Қашқаларё вилоят Яккабоғ туманидаги, Урганч ва Тошкент шаҳарларида бир катор мактабларнинг 8-синфларида 100 ўкув соатидан ортиқ дарслар кузатдик. Шу дарслар асосида куйидаги ютук ва камчиликларни кўрсатиш имконига эга бўлдик:

1. Айрим ўқитувчилар дарслик қолипида иш олиб борадилар. Бу деган сўз, улар дарсни китобда берилган изчилликдаги материаллар асосида ташкил этадилар ва ўтказадилар. Бунда баъзилари синтаксисга доир маълумот таркибида ишлатилган морфологик термин-тушунчага эътибор бермасдан ўтиб кетадилар, баъзи ўқитувчилар эса уларни ўкувчилар хотирасига туширадилар.

2. Илфор тажрибали ўқитувчилар, методист олим А.Ғуломовнинг методик қўлланмаларида тавсия этилганидек, синтаксисга доир янги мавзуни ўтишдан аввал назарий маълумотда фойдаланилган морфологияга доир билимларни ўқувчилар хотирасига тушириш максадида қисқа такрорлаш дакикасини ташкил этадилар. Бугина эмас, вакт имкон берганда, 8-синф «Она тили» дарслигига берилган саволларга жавоб олишдан ташқари, тест назорати, турли ўйинлар (Кластер, «Тез юрар», «Бу бизники», Блиц, Қарорлар шажараси ва бошқалар), жадваллар асосидаги машқлар, тестлар асосида ўтилганларни такрорлайдилар, гоҳида морфологик тахлил ўтказадилар. Бу ўқитувчиларнинг дарсларида ўқувчилар кўпгина терминларни осонлик билан тилга оладилар. Лекин машқ бажариш жараёнида болаларнинг билимлари баъзан формал эканлиги ўзини ошкор этади. Чунки дарсларда кўпроқ морфологик тушунчалар ва уларни ифода этувчи терминлар такрорланади, нутк ўстириш учун зарур бўлган назарий маълумотларга эса (булар «Билиб олинг», «Эсда тутинг» рукни остида келтирилган маълумотлар) камдан-кам мурожаат этилади. М.М.Мирмахсудова олиб борган тадқиқотлар ҳам шуни тасдиқлайди<sup>1</sup>. Қоидаларга мурожаат этилмаган ҳолатларда ўқувчилар ўз билимларидан амалиётда фойдаланиш малакасини етарли даражада эгалламайдилар. Масалан, улар келишик номларини яхши билсалар-да, олинган ёзма ишларда келишик қўшимчаларнинг имлосига доир йўл кўйилган хатолар борлигини инобатга оладиган бўлсак, бу билимлар амалий масалаларни ҳал этиш даражасига етказиб ўзлаштирилмаган, деган хулоса чиқариш мумкин.

<sup>1</sup> Мирмахсудова М. Ўқувчилар нуткини такомиллаштиришда грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5-7-синф она тили дарслари мисолида): Пед.фн.номз. ... дисс. – Т., 2004.

Такрорлашнинг мухим жиҳатларидан яна бири куйи синфларда ўтилган қоидаларни, ифода воситаларини режали суратда ўкувчилар хотирасига тушириб бориш саналади. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияга доир ушбу материалларга камдан-кам мурожаат этилади, чунки синтактик тушунчани англаш учун морфологик тушунчани эслатишнинг ўзи кифоя килади, шунинг учун ҳам бу ўринда қоида ва ифода восигаларини такрорлаш зарурияти сезилмайди.

Кузатишлардан маълум бўлишича, аксарият она тили ўқитувчилари 8-синфда морфологияни такрорлаш ишини ташкил этиши ва ўтказиша айрим жиддий камчиликларга ҳам йўл кўймокдалар:

–улар морфологиядан нималарни кўпроқ такрорлаш кераклиги, ўкувчилар яхши ўзлаштирган термин-тушунчалар хақида аник маълумотга эга бўлмаган ҳолда, яъни режасиз иш олиб борадилар;

–шу туфайли саволларга жавоб олишда ҳам, турли хил ўйинлар ташкил этишда ҳам, тестларда ҳам, таҳлилларда ҳам сўз туркumlари таснифига оид термин-тушунчаларгина фаоллаштирилади;

–таҳлил турларига камдан-кам ҳолатларда мурожаат этилади; ўкувчиларни мустакилликка ўргатиш масаласи кўйилмайди;

–аксарият ҳолатларда савол ва топширикларни ўқитувчи беради, жавоб қайтаришда ҳам кўпинча ўзи ёрдам кўлини чўзади, ўкувчиларни 5-7-синфлар дарслеклари материалларига, лингвистик матнларга мурожаат этишга ўргатмайди;

–кўпинча синтаксисга доир мавзу ўтилаётганда назарий маълумотда тилга олинган морфологик термин-тушунчани ўкувчиларнинг тушунган-тушунмаганликлари текширилмайди.

## **Ўкувчиларнинг морфологияга доир билим ва малакалари савияси**

Биз тадқиқот олдида турган вазифаларни ҳал этишда давом этар эканмиз, навбатдаги босқичда ўқитувчиларнинг иш олиб боришининг мавжуд шароитида ўкувчиларнинг морфологияга доир билим, қўнишка ва малакалари қай савияда эканлигини аниклаш амалларини бажардик. Бунда дастлаб улардан баён ва иншолар олдик.

Қўлимизда тўпланган Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги, Урганч ва Тошкент шаҳарлари умумтаълим мактаблари ўкувчиларидан олинган 500 дан ортик ёзма ишни таҳлил этар эканмиз, асосий эътиборимизни қуидаги масалаларга қаратдик: ўкувчиларнинг қайси морфологик шакллардан фойдалан-масликлари; қайси морфологик шаклларнинг бири ўрнида бошкасини қўллашлари, яъни хато ишлатишлари; қайси сўз шаклларида имловий хатоларга йўл қўйишлари, ўкувчилар нуткидаги услубий камчиликлар,

синтактик курилмаларда гап бўлакларининг ифодаланишидаги имкониятларга қанчалик мурожаат этайдигиларни ва бошқалар.

1. Ўкувчиларнинг ёзма нуткида олмошлардан матний синонимлар сифатида кам фойдаланилади; улар айрим кўмакчилар (*sari*, *singari*, *қадар* ва бошқалар), боғловчилар (зидлов боғловчилари), юкламаларни ишлатмайдилар. Шунингдек, ёзма ишларда равишдошнинг -гач, -гунча, ҳаракат номининг -в, -ув, -моқ шакллари, кўмакчи феъли биринчилар, сифатдошнинг -р, -ар шакллари деярли учрамайди.

2. Ўкувчилар кўпинча -нинг ўрнида -ни кўшимчасини ишлатадилар.

3. Келишик кўшимчалари, ўтган замон феъли шакллари, равишдош шакллари ва бошка бир катор кўшимчаларда имловий хатоларга йўл кўядилар.

4. Ўкувчилар нуткидаги услубий камчиликлар шуларда намоён бўладики, улар айрим морфологик шаклларнинг услубий мансублигига эътибор бермайдилар. Масалан, феълнинг -моқда шакли кўпроқ тантана-вор нуткка хос бўлгани ҳолда уни ҳозирги замонни ифодалаш учун ишлатадилар. «-са бўлади» шакли сўзлашувга хос, лекин ўкувчилар баъзан уни «-(и)ш мумкин» шакли ўрнида ёзма нуткда кўллайдилар. Бир келишик кўшимчасини бир гапда бир неча марта ишлатар эканлар, улардан бирини кўмакчи билан алмаштириш мумкинлигини хаёлларига келтирмайдилар.

5. Ўкувчилар синтактик курилмаларда гап бўлакларининг ифодаланишидаги имкониятларга етарли мурожаат этмайдилар. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, улар сўз туркумларининг отлашув ҳодисасидан ўринли фойдаланмайдилар.

Ўкувчиларнинг морфологик шаклларни хато кўллашлари, баъзан ўринли ишлатмасликлари, гоҳида эса уларнинг айримларидан умуман фойдаланмасликлари бу борадаги билимларнинг бўшлиги билан изоҳланиши мумкин. Ана шуларни аниқлаш мақсадида бир катор назорат ишлари ўтказдик, тест топширикларидан ҳам фойдаландик. Натижаларини кўйидаги жадвалда акс эттиридик (1.3.1-жадвалга қаранг).

Ўкувчиларнинг морфологик терминга таяниб тегишли шакллар ва воситаларни эслай олиш малакалари текширилди. Назорат ишида катнашган 80 ўкувчи «Отларнинг чегаралаш, ўхшатиш, карашлилик шакллари» деганда 13 нафари -гача, -га қадар, -дек, -дай, -ники деб вазифани тўғри бажарган бўлса, 46 нафари қисман ва айрим хатолар билан, 21 нафари эса умуман хато бажарган. Бу ерда -динг, -нинг, -роқ, -ок, -гина (-кина) шаклларини ҳам ёзган ўкувчилар бўлди. «Отларнинг ўрин шакли» деганда -да, -дан, -никидан кўшимчаларини кўрсатганлар ҳам кўп бўлди (80 ўкувчининг 68 нафари).

Ўкувчилардан 5 та тесгда келтирилган таърифлардаги нуқталар ўрнига мос терминларни ёзиш талаб этилганда, 309 тўғри жавоб кузатилган бўлса, 98 жавоб хато, 13 холатда жавоб қайтарилимаган.

### 1.3. 1-жадвал

#### Ўкувчиларнинг термин-тушунчалар асосида грамматик шаклларни эслашлари билан боғлик назорат иши натижалари

Топширик шарти (80 ўкувчи)	Тўғри ва тўлик бажарилган	Ҳисман ва хато билан бажарилган	Хато бажарилган
Otlarning chegaralash, o'xshatish, qarashlilik shakllari	13	46	21
Otlarning o'rin shakli	12	29	39
Otlarning kichraytirish va erkalash shakli	20	48	12
Qaratqich, tushum va chiqish kelishiklari	68	10	2
jo'nalish va o'rin-payt kelishiklari	76	1	3
Egalik qo'shimchalar	23	49	8
Sifatning ortirma darajasi	18	58	4
Sifatning ozaytirma darajasi	13	42	25
Sifatning kuchaytirma darajasi	11	53	16
Sifatning qiyosiy darajasi	71	-	9
Bo'lissiz fe'l	9	69	2
o'tgan zamon fe'li	30	46	4
Hozirgi zamon fe'li	24	53	3
Kelasi zamon fe'li	27	42	11
fe'lning majhul nisbati	53	22	5
fe'lning ortirma nisbati	46	29	5
fe'lning birqalik nisbati	67	2	11
Buyruq-istik mayli	14	57	9
fe'lning maqsad mayli shakllari	1	9	70
Sifatdosh	42	36	2
Ravishdosh	47	25	8
Payt ravishdoshi	32	30	18
Harakat nomi	41	25	14
Gumon yuklamalari	9	55	16
Inkor yuklamalari	61	2	17
Kuchaytiruv yuklamalari	10	64	6
ta'kid yuklamalari	45	26	9

«Исламни бошқа сўзларга тобелантириб боғлаш учун хизмат киладиган қўшимчалар \_\_\_\_\_ шакллари саналади» тарзида бўш жой колдириб берилган таърифда 18 ўкувчи муносабат, 2 киши келишик, 6 ўкувчи кўмакчи жавобларини ёзган.

Ўкувчилар ўтимли, ёрдамчи, вазифадош сўзларини ёзиш кутилган бошка тестларда ҳам талай хатоларга йўл қўйганлар.

Маънога караб тегишли қўшимчани эслаш кутилган тестларда тўғри жавоблар катори, хатолар ҳам кўп. Масалан, нарса-ҳодиса, белги-хусусиятга ўхшатишни ифодаловчи -дек, -дай қўшимчаларини 80 ўкувчининг 15 нафари тўғри эслаган бўлса, 20 нафари хато тилга олган. 43 киши икки қўшимчадан бирини тўғри, 2 киши кисман хато билан ёдга туширган. Ўкувчиларнинг 30 нафари -дек, 13 нафари эса -дай қўшимчасини ёзган, яъни қўшимчалар тўлик кўрсатилмаган. Хато ва кисман хато жавоб кайтаргандарнинг асосий кўпчилиги (14 нафари) -м, -им, -ли қўшимчаларини келтирган. 2 киши -роқ, 2 киши гулдек сўзини, 2 киши сифат терминини, 1 ўкувчи -чи қўшимчасини ёзган.

Юқоридаги каби тестлардан бирида -ди, -б (-иб), -ган (-кан, қан) қўшимчалари ёзилиши кутилди. 5 ўкувчи фақат -ди қўшимчасини ёзган. 13 киши қўшимча ўрнида ўтган замон шаклидаги феълни ёзган, 1 ўкувчи -чи, 6 ўкувчи эди тўлиқсиз феълини, 1 ўкувчи -лар қўшимчасини, 1 ўкувчи феъл терминини ёзган.

Бошка гурӯҳ тестларда бирор туркумга оид сўзларни аниқлаш талаб этилган эди. 4-тест шартига кўра фақат от кўмакчилар берилган қаторни аниқлаш талаб этилган эди. 84 ўкувчининг 26 нафаригина вазифани тўғри бажара олди. Бу деган сўз терминга таяниб сўзлар гурӯхини фарқлашда ҳам аксарият ҳолатларда ўкувчилар қийинчилик хис этадилар. Ваҳлонки, нутқ ўстириш, оғзаки ва ёзма нутқдаги хатоларни тузатиш, бартараф этиш учун бу хилдаги топшириклар муҳим рол ўйнайди.

Тестларнинг яна бир гурӯхида терминларни фарқлаш талаб этилган эди. Фақат морфологик терминлар берилган қаторни аниқлаш сўралган тестда 82 ўкувчининг 24 нафаригина вазифани тўғри адо этган. 58 ўкувчининг жавоби нотўғри бўлган.

Морфологик ва синтактик терминлар аралаш берилган қаторни кўрсатишда ҳам юқоридаги каби ҳолат кузатилди: 44 ўкувчи вазифани тўғри уddaлаган, 38 кишининг жавоби нотўғри.

Ўкувчиларнинг она тилидан олган билимларини, ҳосил қилган қўнирма ва малакаларини такрорлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки амалда кўлланиб турилмаган, шунга эҳтиёж бўлмаган билимлар, қўнирма ва малакалар бориб-бориб унутила бошлайди. Такрорлаш орқалигини бунинг олдини олиш мумкин бўлади. «Унинг асосий вазифаси, - дейилади «Методика русского языка» китобининг Е.А.Баринова қаламига мансуб қисмида, – олинган билимларни унтулишдан саклаш ва бунинг олдини олиш ҳисобланади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Баринова Е.А., Боженкова Л.Ф., Лебедев В.И. Методика русского языка. Под общей ред. Е.А.Бариновой. – М., «Просвещение», 1974. – С. 234.

Биз 8-синф үкувчиларининг морфологияга доир билим, кўнишка ва малакалари савиясини аниқлаш мақсадида улар орасида сўровнома ўтказдик.

1. Morfologiya oidi terminlarni leksikologiya, so‘z tarkibi, so‘z yasalishi, fonetikaga doir terminlardan to‘liq ajrata olasizmi?

- a) Ha                    b) Qisman ajrata olaman                    d) Qiynalaman

2. 5-7-sinflar ona tili darslarida morfologiya doir o'rganilgan terminlarning qanchasi yodingizda?

- a) 30 tachasi                    b) 50 tachasi                    d) 75 dan ortig'i

3. 5-7-sinflarda morfologiyan olingan bilimlarga nimalar kiradi?

- #### a) morfolistik terminler

b) terminlarga berilgan ta'riflar

d) qo'shimchalarning qo'llanishi va imlosi bilan bog'liq qoidalar

e) yugoridagilarning uchalasi

4. Terminlarga oid ta'riflarning qanchasini yod olgansiz?

- a) 10 tachasini      b) 30 tachasini      d) 60 tachasini

5. Qo'shimchalarning qo'llanishi bilan bog'liq qoidalarning nechtasini bilasiz?

- a) 5 tachasini      b) 10 tachasini      c) 15 tachasini      d) 20 dan ortig'ini

6. 8-sinf ona tili darslarida sintaksisni o'rganish jarayonida 5-7-sinflarda fologiyadan egallangan bilim, ko'nikma va malakalarni to'liq takrorlayingizmi?

- a) Ha b) Qisman takrorlay oldik

d) Maxsus takrorlash kerakligi xayolimizda yo‘q edi

7. 8-sinf ona tili darslarida sintaksisni o'rganish jarayonida 5-7-sinflarda morfologiyanidan o'tilganlarni takrorlashda kim yoki nimaning xizmati katta bo'ldi?

- a) ona tili o‘qituvchimizning

b) «Ona tilj» darsligining

d) ota-onamiz iltimos qilgan repetitorlarning.

8. 5-7-sinflarda morfologiyanidan o'tilganlarga doir bilimlarning bo'shligi 8-sinf ona tili darslarida sintaksisiga oid ta'rif yoki qoidalar mazmunini tushunmaslikka sabab bo'lgan holatlarga duch keldingizmi?

- a) Ha b) Yo'q

d) Duct kelganman, lekin buning sababi morfologiyanı yaxshi bilmasligim ekanligi hacida o'ylamagan ekanman

9. 8-sinf «Ona tili» darsligida morfologiyanidan 5 – 7-sinflarda o'tilganlarni takrorlash uchun berilgan materiallarni etarlimi?

- a) Ha yetarlı b) Yetarlı emas

d) Sintaktik tushunchalarni anglatish uchungina zarur morfologik terminlar ishlatilgan.

10. 8-sinfda sintaksis kursini o'rganish jarayonida morfologiyaga doir bilim, ko'nikma va malakalarni yetarlicha takrorlash uchun nima qilish kerak?

a) testlardan foydalanish

b) 5–7-sinflar «Ona tili» darsliklari materiallarini qayta-qayta ko'rib borish

d) 5–7-sinflar «Ona tili» darsliklarda berilgan materiallarni alohida daftarga ko'chirib olish va shu daftar asosida morfologiyadan o'tilganlarni asta takrorlab borish.

Сўровнома натижалари жадвалда акс эттирилди (1.3.2-жадвалга каранг).

Биринчи саволга 50 ўқувчининг 31 нафари «Ха», 16 нафари «Қисман ажратса оламан», 3 нафаригина «Кийналаман» деб жавоб қайтаришни маъкул кўрган. Демак, аксарият ўқувчиларда морфологияга оид термин-ларни бошқа бўлимлар терминларидан ажратса олишда ўз кучига ишонч бор.

2-саволга таҳмин асосида жавоб бериш лозим эди. 50 ўқувчининг 14 нафари 5–7-синфларда морфологияга доир ўрганилган терминларнинг 30 тачасини, 26 нафари 50 тачасини, 7 нафаригина 75 дан ортигини ёдида олиб қолган. 3 ўқувчи саволни жавобсиз қолдирган. Аслини олганда, бу синflарда 300 дан зиёд термин ўрганилган. Айтиш мумкинки, терминларни билиш кутилган даражада эмас.

### 1.3.2-жадвал

#### Ўқувчилар орасида ўтказиладиган сўровнома натижаларои (50 ўқувчи)

Тест т/р	Берилган жавоблар сони	Берилмаган жавоблар сони	Тест т/р	Берилган жавоблар сони	Берилмаган жавоблар сони
1. a b d	31 16 3	-	6. a b d	30 16 2	2
2. a b d	14 26 7	3	7. a b d	46 4 -	-
3. a b d e	12 - - 35	3	8. a b d	29 7 14	-
4. a b d	7 21 18	4	9. a b d	45 2 2	1
5. a b d e	2 13 19 10	6	10. a b d	3 15 32	-

3-саволга билимларни турларга ажратган ҳолда жавоб қайтариш күттиди. Эътиборга лойик томони шундаки, 50 нафар ўкувчининг 35 таси морфологияга доир билимларни тўгри тасаввур этади. 12 ўкувчигина морфологияга доир билим деганда морфологияга доир терминларнигина кўзда тутади. 3 ўкувчи нима деб жавоб беришни билмаган.

4-саволга берилган жавоблар таърифлар устида олиб борилаётган ишларнинг даражасини кўрсатиши лозим эди. Жавоблар биз тахмин килгандек манзарани кўрсатди: 50 ўкувчининг 7 нафари 10 тагача, 21 нафари 30 тагача, 18 нафари 60 тагача таърифни ёд олганлигини тъкидлаган. 4 ўкувчи саволга жавоб қайтармаган.

Жавоблардан таърифларни ёд олиш ёки ёд олмаслик зарурми деган саволга жавоб топиш эҳтиёжи туғилади. Бизнингча, таърифларни ёд олиш шарт эмас. Морфологик категорияларни муайян белгиларига кўра ажратади олишнинг ўзи кифоя.

5-савол коидалар билан боғлик. 50 ўкувчининг 2 нафари 5 тачасини, 13 нафари 10 тачасини, 19 нафари 15 тачасини, 10 нафари 20 дан ортигини билишилгини маълум килган. 6 ўкувчи саволни жавобсиз қолдиришни маъқул кўрган.

Эслатиш жоизки, 5-7-синфлар «Она тили» дарслкларида кўшимчалар билан боғлик равишда келтирилган коидалар кўп эмас.

6-саволга берилган жавоб ўкувчиларнинг 5-7-синфларда ўрганилган билимлар ҳакидаги тасаввурларини аниқлаб кўриш мақсадини кўзда тутган эди. 50 ўкувчининг 30 нафари «Ҳа» деган. Бу, албатта, тасаввурнинг тўлиқ эмаслигидан далолат беради. 16 ўкувчи «Қисман тақрорлай олдик», 2 ўкувчи жавобларнинг «d» вариантини танлаган. 2 ўкувчи саволга жавоб қайтармаган.

7-савол тақрорлашдан фойдаланилган манбалар ҳакида мухим маълумот бера олади. 50 ўкувчининг 46 нафари «Она тили ўқитувчимизнинг» деган жавобни танлаган. 4 нафаригина «Она тили» дарслигини кўрсатган. Жавобларнинг «d» вариантини бирор ўкувчи белгиламаган.

8-савол таъриф ва коидаларни тушунишдаги кийинчиликларни аниқлашга ёрдам бериши керак эди. 50 ўкувчининг 29 нафари «Ҳа» деган. 7 нафари бундай кийинчиликка дуч келмаган. 14 ўкувчи жавобларнинг «d» вариантини танлаган.

Ўкувчиларнинг морфологияга доир билим, кўнишка ва малакаларини аниқлашга юзасидан тест назорати ҳам ўтказилди. Уларнинг натижалари ҳакида тадқиқот ишимизнинг тўртинчи бобида фикр юритамиз.

Ўкувчилар назарий маълумотлардан кўра кўпроқ уларни амалда кўллаш соҳасида кийинчилик хис этадилар. Буни бир қатор методист олимлар ҳам тъкидлаган. Чунончи, А.К.Фуломов, Ҳ.Нематовларнинг «Она тили таълими мазмуни» деган китобида бундай сўзларни ўкиш

мумкин: «Аммо, афсуски, ўрта умумтаълим мактабларида она тилининг ўқитилишини талаб даражасида деб бўлмайди. Бунинг бош сабабларидан бири шундаки, биз инсон онгини, унинг тафаккурини ривожлантиришда она тилининг тутган ўрнига нотўғри баҳо бериб келдик. Онгни, тафаккурни шакллантириш ижтимоий фанларнинг вазифаси деб билиб, мактабда она тилидан таълим мазмунини она тили курилишининг илмий талкини, грамматикани ўрганишдан иборат деб ҳисобладик. Натижада ўкувчи 750 дан зиёд грамматик тушунча ва таърифларга дуч келиб, турли ҳажм ва мураккабликдаги кўплаб топшириқларни бажарса-да, аммо оғзаки ва ёзма саводхонлиги сезиларли ўзгармаяпти. Ўкувчиларнинг кўпчилик кисмида ижодийлик, мустакил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулуни нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмалари ҳамон паст савияда колиб келмоқда»<sup>1</sup>.

Ўкувчиларнинг сўровнома саволларига берган жавоблари, тест назорати, улардан олинган ёзма ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, морфологияга доир билим, кўникма ва малакаларида кўйидаги каби камчиликлар мавжуд:

1. Терминларга доир:
2. Таъриф ва қоидаларга доир:
3. Грамматик воситаларга доир:
4. Оғзаки ва ёзма нутқига доир:
5. Нутқ маданиятига доир:

Юкорида санаб кўрсатилган камчиликларнинг содир бўлишида концепция талабларининг бажарилмаслиги, стандартда белгиланган микдорий ва сифат кўрсаткичларига эришилмайтганлиги, «Она тили» дастур ва дарслекларини такомиллаштириш эҳтиёжи мавжудлиги билан изохланиши мумкин.

### Боб юзасидан хулосалар

1. 8-синфда она тили ўқитиш методикасига доир амалга оширилган тадқиқот ишларида, яратилган методик адабиётларда синтаксисни ўрганиш жараённида морфологиядан 5-7-синфларда ўтилганларни (ўкув йили бошида тақрорлашни инобатга олмаганда) тақрорлаш масалалари маҳсус ёритилгани йўқ. 90-йилларгача бўлган даврда бу ишлар, асосан, ўкув йили бошида морфологияга доир айрим мавзуларни тақрорлашдан; шунингдек, синтаксисга доир мавзу мазмунига яқин морфологияга доир билимларни хотирага тушириш, уларга доир мисоллар келтиришдан иборат бўлди. Истиклол йилларида тил ҳодисаларини ўрганиш ва тақрорлашда индуктив асосидаги иш усусларига устувор аҳамият

<sup>1</sup> Фуломов А.К., Нематов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Ўқитувчилар учун методик кўлланма-Т., «Ўқитувчич», 1995. – 4-бет.

2. Таъриф ва қоидаларга доир:

3. Грамматик воситаларга доир:

Берилди, натижада амалий машқ ва топшырыларга көнгөрк  
ажратылды, грамматиканы үрганиш билан боғыл мешк ва  
(айникса, морфологик таҳлил) камроқ бажариладыган булди.

2. Шуни хам эслатиши лозимки, синтаксисни ўрганиш морфологиядан ўтилган тушунчаларни хотирага туширеш майлумот таркибида шу тушунчаларга мурожаат этилишинде 8-синф «Она тили» дарслигини ўрганиш шуни кўрсатдики, синтаксисни тушунчаларни англатиши учун морфологияга мурожаат микасиган кейин бу ишлар заруриятга қараб рўёбга чиқарилгандаги 8-синфдаги ўзув юрим чорақлари бўйича қилинган мурожаатлар бир хил эмас. Агарим (28-31-, 35-39-дарслар) такрорлашда узилишлар юзага келтирилсин.

3. Морфологиядан ўтилгандарни тақорлашда үкүвчилардың көмекчілігінен кеңінен польжуваны мүмкін. Олардың анықтамаларынан және олардың мәдениеттегі рөлдерінен көрініс алынады.

## 2-боб. СИНТАКСИСНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА МОРФОЛОГИЯНИ ТАКРОРЛАШ МАЗМУНИ ВА ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

### 2.1. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни янги педагогик технологиялар асосида такрорлашга доир ёндашув ва тамойиллар

Тадқиқот ишимиз олдида турган методик муаммоларни ҳал этишга киришиш ибтидосида тил ҳодисаларини такрорлаш билан боғлиқ ёндашув ва принципларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд методик адабиётларда тил материалларини ўргатишда амал қилиниши лозим бўлган ёндашув ва тамойиллар ҳақида сўз юритилган. Чунончи, истиколол даврида Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Ғуломов, Ҳ.Неъматов, Р.Сафарова, Т.Ғаниев, Ш.Юсупова, И.Тошев, Ш.Йўлдошева, Н.Йўлдошева, Н.М.Дадажонова, Ҳ.Курбонова, Т.Зиёдова, М.Мирмахсудова, Ф.Ҳ.Аминова ва бошқа бир катор методист олимларнинг тадқиқот ишларида, яратган қўлланмаларида тилга олинган. Синтаксисни ўрганишда морфологияни такрорлаш жараёни ҳам муайян ёндашув ва тамойиллар асосида ташкил этилиши кераклиги аник.

Она тили таълимида коммуникатив ёндашувга алоҳида аҳамият берилади. Ушбу ёндашувга кўра она тилини муомала-аралашув тақозо этадиган, ахборот олиш эҳтиёжи талаб қиласидан даражада ўрганиш ва эгаллаш, шу тилнинг чинакам соҳибига айланиш зарур.

Филологик мақсад билан нутқ ўстириш мақсади бирлигини таъминлаш принципи коммуникатив ёндашувнинг амал қилиш йўсинини ифода этади. Филологик мақсад – морфология ва синтаксис курсини ўзлаштириш бўлса, нутқ ўстириш мақсади – ўрганилган тил ҳодисаларидан – тилнинг бой имкониятларидан мумкин қадар тўликрок фойдаланиб нутқ маҳсулини яратишдир.

Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш ўқувчиларнинг реал билимларини хисобга олиш принципига курилган тақдирдагина ўзлашиб кетган морфологик тушунчаларни ўзлаштириш учун беҳуда уринишдек вакт исрофгарчилигининг олди олинади.

Узлуксиз она тили таълими мобайнида ёшлар нутқ маданиятини талаб даражасида эгаллашлари керак. Шунга доир БҚМ ларни мунтазамлик, узвийлик асосида эгаллай борадилар. Улар босқичма-босқич аник, таъсирчан, лўнда фикр баён қилишни ўрганадилар. Бу соҳада синтаксис курси алоҳида аҳамият касб этади: ўқувчилар ўзбек тилининг синтактик

курилиш хусусиятларидан қанчалик күп хабардор бўлсалар, матн яратишдаги саводхонликлари шунчалик ортади.

Ўқувчилар асосий синтактик тушунчалар билан 5-синфдаёқ танишадилар. Бу синфларда морфология курси ўрганилиб, деярли ҳар бир сўз туркумини ўтиш жараёнида унинг синтактик вазифаси кўрсатилади, яъни синтаксис морфология курсига ҳамроҳлик қилиб боради ва 7-синфда морфология курси якунланади, 8-синф она тили дарсларида эса бунинг акси кузатилади. Чунки энди синтаксис курси ўтилади, морфология эса синтаксис учун курилиш материали вазифасини ўтаб, шу орқали икки курснинг нутк маданиятини шакллантириш йўлидаги ҳакиқий интеграцияси бошланади, бу ҳолат гапнинг ранг-баранг вариантлари, гапларнинг бир-бирига хилма-хил боғланишлари турли-туман ифода воситаларини жамлаш, улардан услугуб талабига кўра ўринли фойдаланиш ҳисобига содир бўлади. Дарҳақиқат, тил соҳаларининг синтаксисда бирлашиши мураккаб интегратив фаолиятдан далолат беради.

Морфологияни ўрганиш жараёнида сўзнинг гапдаги синтактик вазифасини кўрсатиш, кези келганда ўқувчилардан сўраб туриш том маънода синтактик курилишларни ўрганишнинг нокулай йўли эди. Шунинг учун синтактик курилишни асос қилиб олиб, унинг ифодаланиш хусусиятлари билан кенгрок ва чукуррок танишиш мақсадида морфологиядан 5-7-синфларда ўтилган маълумотларга тез-тез мурожаат этиб туриш йўли интеграция (бир бутун қилиб бирлашириш; ўзаро боғлаш) учун энг мақбул деб ҳисоблаш даркор.

Синтаксисни морфология билан интеграциялаш орқали икки курсга алоқадор тил ҳодисаларининг бир-бирини ўрганишга ёрдам бериши ҳам таъминланади. Натижада иккала курс билан боғлиқ терминлар ўзаро тақкосланади, фарклари яна ҳам ойдинлашади, улар билан боғлиқ таснифларда аниклик яккол кўрина бошлади.

Она тили дарсларида билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнини ижодий-амалий машқлар билан интеграциялаш, матн яратиш амалиётидаги эса бошқа ўкув фанлари билан боғланиш ҳам кўзда тутилмоғи зарур. Буни Т.С.Томина интеграциялашган дарс-практикумлар тарзида тақдим этади. У бундай дейди: «Агар таълим борасида бир неча ўкув фани мазмуни интеграциялашган бўлса, ўқувчиларнинг креативлигини ривожлантириш учун зарур бўлган воситалар мажмуи сифатида тушуниладиган бундай дарсларнинг ижодий имкониятлари гоятда юкори бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

Она тили дарсларида ижодкор шахсни камол топтириш асосий мақсадлардан бири саналади. Маълумки, тил ўрганиш соҳасида амалий нуткий фаолият кўп нарсани ҳал қилиб беради. Оз гапирадиган, кўп вақтини телевизор, компьютер экрани каршисида ўтказадиган ўқувчининг

<sup>1</sup> Томина Т.С. Творческий потенциал интегрированного урока-практикума // Начальная школа. – 2007. № 1. - С. 77.

нутки ўсмай бир нутгатда котиб колгандай бўлади. Бундай шароитда ўкувчи ўз нуткини синтактик жиҳатдан бойитишга канча кўп интилса, мазмунли гапиришга ҳаракат қилса, у шунча кўп ютукларга эришади. Демак, 8-синф она тили дарсларида синтаксисни морфология билан интегратив асосда ўрганиш, бунда ўкувчиларнинг ижодий нуткий фаолиятига кенг имкон бериш муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз она тили таълими тизимида турли хил матнлар асосида ўрганиладиган бой лексик ва грамматик материаллар ўз навбатида ўкувчиларнинг нутк маданиятини ривожлантириш, бадий дидини юксалтириш, уларни ахлоқий камолот сари етаклаш, миллий маънавият сохиби этиб тарбиялаш учун хизмат килади. Зоро, бугунги она тили дарслари уч йўналишни ўзида мужассамлаштиради:

- 1) ўзбек адабий тилининг конун-коидаларини ўрганиш;
- 2) мулоқот маданиятини эгаллаш;
- 3) сўз ишлатиш санъатини забт этиши.

Юкоридаги уч йўналиш таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги она тили дарслари таркибига кирган «Она тили», «Риторика»<sup>1</sup> ва «Русская словесность»<sup>2</sup> ўкув фанлари мазмунини бир кадар ўзида акс эттиради, интеграциялайди.

8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш икки курсни (морфология ва синтаксис курсини) интеграциялаш тарикасида амалга ошади. Лекин баъзи мавзуларда алоҳидаликларни ажратиш зарурияти ҳам кўринади. Бундай алоҳидаликлар мавзунинг қайси жиҳатларига эътиборни кўпроқ қаратиш, нималарни мустаҳкамлаш ва такрорлашга кўпроқ вакт ажратиш кераклиги билан боғлик. Ушбу масала таълим мазмунига дифференциация асосида ёндашиш кераклигини англаатади.

Билимлар соҳасидаги дифференциациялаш (фарқлаш) тушунчаси, грамматик категориянинг белгилари, термин, таъриф ва коида, грамматик воситалар маъноси ва вазифаси (функцияси) доирасида амалга оширилади. Грамматик тушунча терминда мужассамлашади. Терминлар категориялар ва уларнинг таснифида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, тил ҳодисалари бўлимларга ажратилади: фонетика, лексикология, морфология, синтаксис ва бошқалар.

Ҳар бир бўлимни ифода этувчи тил ҳодисаси ўз таснифига эга. Ҳар бир морфологик категорияга система сифатида қаралиши шундан.

<sup>1</sup> Ипполитова Н.А. Риторический аспект реализации методов обучения // Русский язык в школе. – 2007. № 2. – С. 16-21.

<sup>2</sup> Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 5 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001; Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 6 класс». – 2-е изд., стереотип. – М.: Дрофа, 2001; Альбеткова Р.И. Методические рекомендации к учебнику «Русская словесность. От слова к словесности. 7 класс». – 3-е изд., стереотип. – М., Дрофа, 2002.

Ўкувчилар системани ички бўлинишлари ва таснифларига кўра ўрганишдан ташқари, уларни фарқлай билишлари ҳам талаб этилади.

Дифференциация асосида ёндашув (фарқлаб ёндашиш) таълим мазмунига ҳам алокадор. Чунончи, тил ўрганишда таъриф ва коидалар доимо ёнма-ён келади. Лекин улар бир-биридан кескин фарқ қиласидан тушунчалар. Таъриф терминнинг изохи, коида тил ҳодисасини қандай қўллаш кераклигини тушунтирувчи йўрик. Таъриф термин маъносини англаш учун зарур. X.Курбонова она тили таълими мазмунининг янгиланиш тарихи ҳақида муошаҳада юритиб, «Таърифни билиш, аминизки, грамматикани грамматика учун ўрганишга олиб боради», деган фикрни илгари суради. Дарҳакиат, таъриф эмас, балки факат коидагина тил ҳодисасини нутқда қандай қўллаш лозимлигини тушунтира олади. Шунинг учун она тили ўқитувчиси ўз эътиборини морфологиядан ўтилган таърифларни такрорлашга эмас, балки коидаларни хотираға тушириш ва унга нутқ амалиётида амал қилиш вазиятини юзага келтириш сари қаратмоғи мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи терминни унуглан бўлса, эслатилиши биланоқ унинг нима эканлигини ёдга келтиради. Тил ҳодисасини термин ёрдамида таҳлил қилишнинг ўзи шундан далолат беради. Шунинг учун ҳам «Она тили» дарсларидан берилгани каби «Фонетика нималар ҳақида маълумот беради?», «Унли товушлар деб нимага айтилади?» каби такрорлаш учун мўлжалланган саволларга камрок тўхталиш тўғри бўлади.

Она тили дарсларидан БКМ лар устида олиб бориладиган ишларга ҳам фарқлаб ёндашиш талаб этилади. Т.И.Газееванинг «Совершенствование орфографических навыков при повторении изученного» деган мақоласида такрорлаш даражаси ва кўлами бир қадар кенгрок кўрсатилган. Муаллифнинг фикрича, такрорлаш ўрганилган материални хотирада тиклаш, шунингдек, хотираға туширилаётган тушунчалар, таърифлар, коидалардан фойдаланишга асосланган амалий топширикларни яна бир карра бажариш имконини беради<sup>2</sup>. Шу нутқай назардан ёндашганда, такрорлаш ўтилганларни бир сидра эсга туширишнинг ўзи эмас, балки ўзлаштириш сифатини саклаб туриш демакдир.

Билимда тил ҳодисасининг нима эканлиги, белгилари, таснифи ва қўлланиши юзасидан маълумот акс этади. Ана шу билимларни ўзлаштириш ва улардан нутқ амалиётида фойдаланиш жараёнида қўникма ва малакалар шакллантирилади. Бунда икки хил мақсадга эришиш мумкин:

1) назарий маълумотларни онгли равишда эгаллашни таъминлаш (филологик билимларни шакллантириш);

<sup>1</sup> Курбонова X. Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари. Пед. фан.номзоди ... дисс. – Т., 2005. – 72-бет.

<sup>2</sup> Газеева Т.Н. Совершенствование орфографических навыков при повторении изученного // Русский язык в школе. – 1988. № 1. – С. 13.


2) нутқ маданиятини ривожлантириш учун замин яратиши.

Морфология курсида ёрдамчи сўзлар, турли хил қўшимчалар ҳақидаги билимлар нутқ маданиятини ривожлантириш учун замин яратади. Таълим мазмунига фарқлаб муносабатда бўлиш билимларнинг ушбу гурухига устувор аҳамият бериш кераклигини асослаш имконини беради.

Демак, 8-синф она тили дарсларида синтаксисни морфологиядан фарқлаш, морфологияга доир билимларни назарий ва амалий аҳамиятига кўра ажратиши, билим, қўнимка ва малакаларга дифференциациялаш асосида муносабатда бўлиш таълим жараёнининг самарадорлигини оширишига ёрдам беради.

Морфологияни такрорлашда синтаксис мавзуларига боғликларни хисобга олиш тамойили мухим саналади. Таъкидлаш жоизки, навбатдаги синфда куйи синфларда ўтилган мавзулар мунтазам равишда такрорлаб борилиши керак. Лекин ушбу мавзуларнинг, улардаги тил ҳодисаларининг амалий аҳамияти, функцияси бир хил эмас. Агар грамматик материаллар сирасига терминлар, таъриф ва қоидалар, ифода воситалари киришини назарга олсак, у ҳолда ана шу унсурларнинг ҳар бири такрорланиши керак. Шубҳасиз, ушбу лисоний бирликлар бир хил усууллар билан хотирага тушириб борилмайди, чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва мавқега эга. Оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш учун ўқувчи нуткида ишлатилмай қўйган ифода воситалари биринчи навбатда хотирада тикланиши керакки, она тили ўқитишдан кўзланган мақсад ҳам шу. Терминлар, қоидалар ифода воситаларини ўргатиши, маъноси, вазифаси ва кўлланиш хусусиятларини ўқувчилар ёдига тушириш учун хизмат қиласди. Таърифлар терминларнинг изохи сифатида шу терминлар англашилмай турганда аскотади. Аён бўладики, терминлар, таъриф ва қоидалар, ифода воситаларини такрорлаш бир хилдаги куч ва гайратни талаб этмайди, балки фарқлаб ёндашиш кераклигини кўрсатади. Буни куйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин:

#### 2.1.1-чизма



Чизмадан кўриниб турибдики, тақрорланадиган лисоний материаллар орасида ифода воситалари биринчи даражали мавқега эга. Зеро, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқи синтактик курилмалар қатори янгидан янги ифода воситалари хисобига боййиди ва ривожланади. Ўқувчилар нутқини ўстириш деганда ана шу ривожланиш назарда тутилади. Ўз навбатида ифода воситаларини ўрганиш баъзан тегишли терминларни ишлатишга ундаиди ва ҳоказо. Тақрорлаш жараёни билим, кўникумка ва малакаларни мустаҳкамлашдан, шунчаки хотираада тиклашдан ташкари, уларни чуқурлаштиришни ва кенгайтиришни ҳам, нуткни ривожлантиришни ҳам талаб киласи.

Она тили таълими мазмуни ва методларида синтактик тушунчалар, нутк маҳсули бўлмиш матн яратиш масалаларига алоҳида эътибор бериш кераклиги аён бўлиб колди. Чунки XXI аср бошларида ҳам синтаксис курсини ўрганиш тартибида жиддий ўзгаришлар кузатилаётгани йўқ: 5-синф синтаксисга бағишиланган «Муқаддима» бўлимидан бошланиб, 8-синфда содда гап, 9-синфда кўшма гап синтаксиси ўрганилади. Бир қарашда маъқул изчиллик. Лекин бундай изчилликда узвийлик, узлуксизлик кўринмайди. 5-синфдаги «Муқаддима» бўлими орқали танишиладиган содда гап ҳақидаги маълумотлар билан 8-синфда ўтиладиган «Содда гап» курси орасида салкам 2,5 йиллик узилиш бор. Худди шунингдек, 5-синфдаги «Муқаддима» бўлими орқали танишиладиган кўшма гап ҳақидаги маълумотлар билан 9-синфда ўтиладиган «Кўшма гап» курси орасида салкам 3,5 йиллик узилиш бор.

5-синфда ўрганилган синтактик термин ва тушунчалар куйидагилардан иборат (2.1.1-жадвалга қаранг).

Дарсдан дарсга узвийликни таъминлаш тақрорлашнинг самарали бўлишида мухим омил саналади. Масалан, 1-2-дарсларда нутқ услублари эсга олинса-ю, 3-дарсдан бошлаб сўз туркумларини тақрорлашга ўтиб кетилса, услуб муаммоларига бошқа қайтилмаса, узвийлик ҳам, узлуксизлик ҳам таъминланмаган бўлади.

Табиийки, тақрорлашда маром, меъёр бўлмоғи, узлуксизлик ҳамда узвийликка эришилмоғи даркор. Маром лойихалаш, узвийликни жорий этиш асосида амалга оширилади. Меъёрлаш эса режалаштириш орқали таъминланади. Режалаштириш воситасида узлуксизлик учун мустаҳкам пойдевор яратилади.

Она тили дарсларини янги педагогик технология даражасида ташкил этиш ўқувчиларда юқори самара билан БКМ ларни шакллантириш, уларнинг нутқ маданиятини ўстириш, мустақил фикрлаш кўникумларини ривожлантириш, ўз устида ишлаш одатларини тараққий эттиришдан ташкари, улар билан акс алоқа ўрнатиш, яъни таълим олганлик сифатини тутгри назорат килиб боришини ҳам ўз ичига олади.

Такрорлашда умумийдан хусусийга, бошланғич умумлашмалардан конкрет таъриф ва қоидалар томон бориш ва яна умумийга қайтиш принципиға амал қилиш лозим. Бу ўринда дедуктив усулга устувор аҳамият берилади.

### 2.1. 1-жадвал

#### 5-синфда ўрганилган синтактик термин ва тушунчалар

Синтактик термин ва тушунчалар	5-синфда	6-синфда	7-синфда
сўз бирикмаси	+	+	-
гап	+	+	-
дарак гап	+	-	-
сўрок гап	+	-	-
буйруқ гап	+	-	-
хис-хаяжон	+	-	-
истак гап	+	-	-
тенг боғланиш	+	-	-
тобе боғланиш	+	+	-
гап бўлаги	+	+	-
эга	+	+	-
кесим	+	+	-
от кесим	+	-	-
феъл кесим	+	-	-
садда гап	+	+	-
садда йигиқ гап	+	-	+
садда ёйик гап	+	-	-
тўлдирувчи	+	+	-
аниқловчи	+	+	-
сифатловчи аниқловчи	+	-	-
каратқич аниқловчи	+	-	-
аниқланмиш	+	-	-
хол	+	+	-
уюшиқ бўлакли гап	+	-	-
уюшиқ бўлаклар	+	-	-
уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўз	+	-	-
ундалма	+	-	-
ундалмасиз эга	+	-	-
қўшма гап	+	-	-
қўчирма гап	+	-	+
қўчирма гапли қўшма гап	+	-	-
муаллиф гапи	+	-	-
диалог			

8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш учун дарслик берадиган имкониятлар билан такрорлаш эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш принципи мухим аҳамият касб этади.

Шунингдек, нутк ўстириш эҳтиёжлари билан такрорлаш эҳтиёжлари ўртасидаги номосликларни ҳисобга олиш принципидан келиб чиқилади.

Такрорлашда баъзан грамматик шаклларни бирор жиҳатдан бирлаштиришга ёрдам берувчи граммемаларга мурожаат этиш маъсадга мувофиқдир. Граммема – ҳам мазмун планига, ҳам фикр баён килиш планига эга бўлган икки томонлама грамматик бирлик. У мазмун планида муайян морфологик категорияни, масалан, II шахс маъноси ёки жўналиш келишиги маъносини ифода этади. Шу нуткай назардан граммема шаклий (формал) кўрсаткичларнинг муайян комплекси билан тавсифланувчи шакллар қаторидир. Масалан, II шахс граммемаси ёзасан, ёз, ёзяпсан, ёздинг, ёзгансан, ёзарсан ва бошқа шакллар қаторида ўз ифодасини топган. В.А.Черевань морфологик категорияга граммема нуткай назаридан таъриф сифатида А.В.Бондаренконинг куйидаги фикрини келтиради: «Морфологик категория граммема тушунчаси орқали тавсифланиши ва бир-бирига карши кўйиладиган граммемалар тизими сифатида белгиланиши мумкин»<sup>1</sup>.

Ишимизнинг биринчи бобида дарсликлар таҳлили орқали синтаксис мавзулари юзасидан берилган маълумотлар, машқ ва топшириклар қайси морфологик тушунчаларни такрорлаш имконини юзага чиқариши мумкинлиги, 5–7-синфларда қайси тушунчалар ўрганилганлиги масалаларига аниқлик киритиб олган эдик. Энди бевосита такрорлаш билан боғлик таълим мазмунини тадқиқ этишга киришамиз. Бунда 8-синфда 5–7-синфларда морфологиядан ўтилган қайси материалларни қачон ва канча, қайси йўллар билан такрорлаш кераклигини аниқлашимиз лозим бўлади.

## 2.2. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни янги педагогик технологиялар асосида такрорлаш имкониятларини кенгайтириш (таълим мазмуни)

Она тили дарсларида такрорлаш учун ажратиладиган таълим мазмунни, айни нимани такрорлаш масалалари борасида О.Розиков, А.Гуломов, Ҳ.Нематов, М.Омилхонова, Г.П.Соколова, Д.Н.Богоявленский, Е.Я.Никитина, Т.С.Томина, М.Омилхонова, Й.Абдуллаев, Ш.Юсупова, Л.А.Тростенцова, Г.А.Богданова, В.П.Озерская, М.Мирмахсудова, Ҳ.Курбонова, А.Бобомуродова,

<sup>1</sup> Черевань В.А. Обучение школьников 2-4-ых классов морфологическим категориям с использованием оппозиционного анализа. Автореф. дис...канд. пед. наук. – М., 1983. – С. 10.

Н.Йўлдошева, Т.Юсупова ва бошқа методист олимлар фикр юритганлар. Бу хақда «Методика русского языка», «Ўзбек тили ўқитиш методикаси», «Повторение по русскому языку в вечерней школе», «Повторение и обобщение при подготовке к экзаменам по русскому языку» ва бошқа методик кўлланмаларда гапирилган.

Она тили ўқитиш методикасида таълим мазмунини белгилаш хусусида талай ишлар амалга оширилган. Айникса, янги мавзууда таълим мазмунни ўзининг барча зарурий кирралари билан яққол ажралиб туради. Лекин ўтилганларни такрорлаш билим, кўнкима ва малакалар (БКМ лар) бир дарсда эсга олиш мумкин бўлган ҳажми жиҳатидан янги мавзу билан тенгликка даъво қила олмайди. Зеро, такрорланадиган материаллар ўзга тарзда гурухланиши керак.

5-7-синфларда морфологиядан қандай билимлар берилганлиги, қандай кўнкима ва малакалар устида иш олиб борилганлиги дастур ва дарслерлар мазмунидан маълум. Шунинг учун мустақил сўзлар ёки ёрдамчи сўзлардан бирини олиб, унинг таркибиға кирувчи тушунчаларни, эгалланган кўнкима ва малакаларни аниқ режа асосида такрорлаш мумкин. Г.А.Богданованинг фикрича ҳам, ўтилганларни сўрашда «аниқ режалаштирилган тизим бўлиши керак»<sup>1</sup>. Афсуски, она тилидан бундай тизим яратилганича йўқ. 8-синфда йил давомида куйи синфларда морфологияга доир ўтилган маълумотлар (асосан, терминлар, айрим коидалар) шунчаки такрорланади.

Адабиётларда тизим тушунчаси кўпроқ «педагогик тизим» тушунчаси билан боғлиқ равища тушунтирилган. Педагогик тизим олдиндан белгиланган хислатларга эга шахсни шакллантиришга ташкилий, мақсад сари йўналтирилган ва мўлжалли педагогик таъсирни вужудга келтириш учун зарур ўзаро боғланган воситалар, методлар ва жараёнларнинг муайян йигиндиси деб талкин килинади<sup>2</sup>. Ундай бўлса, *методик тизим* сифатли она тили таълим минни таъминлашга йўналтирилган ташкилий, мақсад сари қаратилган ва мўлжалли методик тадбирлар ишлаб чиқиш учун зарур ўзаро боғланган таълим шакллари, воситалари, метод ва усуллари йигиндиси деб таърифланиши мумкин. «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» китобида «такрорлаш системаси» бирикмаси ишлатилади. Табиийки, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт талабига кўра она тилини ўқитиш мақсадларининг ўзгариши муқаррар равища башорат қилинаётган таълим натижаларига элтувчи методик тизимларнинг алмашинувига олиб келади. Зеро, бугун ана шу жараён кечмоқда.

Она тилини ўқитиш мақсадлари ўзгариши, алмашиниши биланок муқаррар равища методик тизимларнинг алмашинуви содир бўлади.

<sup>1</sup> Богданова Г.А. Опрос на уроках русского языка: Кн. для учителя: Из опыта работы. – М., «Происвещение», 1989.

<sup>2</sup> Боголюбов В.И. Инновационные технологии в педагогике // Школьные технологии. № 1. – С. 43.

Методик тизим икки блок кўринишида тақдим этилиши мумкин: дидактик вазифалар блоки (ўкувчилар – мақсадлар – мазмун) ва таълим технологияси блоки (методик жараёнлар – ўқитувчилар – ахборот технологияси – ташкилий шакллар).

В.И.Боголюбов тавсия этган чизмага кўра педагогик тизимни лойихалашда куйидаги босқичлар шаклида амал қиласди: «мақсадларни англаш – объектив шарт-шароитларни таҳлил қилиш – педагог ва таълим олувчиликнинг субъектив имкониятлари – педагогик прогноз». Шундан кейин «башоратдан фарзга, гояга ва ўйлаб кўйилгандарга, улардан эса конкрет ўкув-тарбиявий ва ўкув-билим вазифаларига ҳамда, ниҳоят, таълим методлари, усуслари ва ташкилий шаклларини танлашга ўтиш юз беради»<sup>1</sup>. Методик тизимни лойихалашда ҳам шунга риоя этиш мумкин.

Нимани тақрорлаш керак деган саволга кимdir терминларни, кимdir кўшимчаларни, яна кимdir таъриф ва коидаларни деб жавоб кайтарап. Лекин саволга бериладиган аник жавоб «Она тили» дарсликларида тавсия этилган иш турлари асосида сингдириладиган БКМ лар кўзда тутилганлигига қараб топилади.

Терминларни ўзлаштириш меъёрларига кўра ўкувчилар тил ҳодисаларини номига қараб топа олишлари, аниклай билишлари, кўрсатишлари, уларни бир-биридан фарқлашлари; тил ҳодисаларининг ўзи асосида, яъни «таҳлил пайтида грамматик термин-тушунчаларни ўз хотирасидан»<sup>2</sup> ёдга келтиришлари; «сўз шаклини, сўз бирикмасини, гапни, мураккаб синтактик бутунликни кўриб туриб тегишли термин-тушунчаларни ёдига келтирган ҳолда мустақил мушохада» юритишлари<sup>3</sup> лозим.

Тил ҳодисасининг кайси категорияга мансублигини аниқлаш учун эса ўкувчилар уларнинг фарқли белгиларини билишлари зарур. Таҳлилда йўл кўйиладиган хатолар ана шу соҳадаги етишмовчиликдан далолат бера олади.

Тақрорлашга доир таълим мазмунини белгилашда дарсликларда тавсия этилган машқ ва топширикларнинг турлари географияси асосида ҳам муайян хуносалар чиқариш мумкин. Масалан, 5-синф «Она тили» дарслигига<sup>4</sup> морфологик терминларга доир БКМ ларни мустаҳкамлаш учун куйидаги каби иш турлари тавсия этилган:

–мустақил ва ёрдамчи сўзларни ўзаро фарклаш;

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган макола. 43-44-бетлар.

<sup>2</sup> Йўлдошев Р., Абдуллаев Й. «Она тили» давлат таълим стандартини амалиётта жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т., РТМ, 2002. – 8-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ona tili: Umumiyot ta'lim muktabalarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Sobirov, V.Qodirov va boshq. – T., «Ma'naviyat», 2004.

—сўзларни уларга бериладиган сўроқлар асосида гурухларга ажратиш.  
Хар бир гурухни умумий бир термин билан кандай номлаш мумкинлигини айтиш;

— «савол ва топшириклар» рукни остида берилган саволларга жавоб бериш, топширикларни бажариш;

— таъриф ва қоидалар.

**Сўзларнинг сўроқларини такрорлашга доир:**

— сўзларга сўроқ бериш, сўроқ оладиган ва олмайдиган сўзларни аниклаш.

**Сўз туркumlари англатадиган маъноларни, гапда бажарадиган вазифасини такрорлашга доир:**

— бир ёрдамчи сўз иштирокида иккى хил гап тузиш ва маъносини изохлаш;

— маъно асосида (масалан, жой билдирувчи) сўзлар топиш, сўроқларни айтиш;

— бирор маънодаги сўзларни топиш, улар иштирокида гаплар тузиш, сўроғини аниклаш;

— сўзлар англатган маъносига кўра гурухларга ажратиш;

— гапларни ўқиб (ёки кўчириб), топшириқ шартига кўра сўзларни қайси гап бўлаги бўлиб келганлигини аниклаш, тагига чизиҳ;

Грамматик воситаларга доир БКМ лар куйидагиларда ўз ифодасини топади: сўз ёки гап таркибидан кўшимчани (ёки ёрдамчи сўзни) таний ва ажратана олиш, бир-биридан фарқлай билиш, маъносини изохлаш, сўз таркибида (мустақил сўз билан келган ҳолатда) сўроғи ва гапдаги вазифасини айта олиш, сўз бирикмаси ёки гап тузатгандан, матн ярататгандан «урганилган грамматик воситалардан имконият доирасида фойдаланиш», яъни нутқда кўллай билиш.

Бунда, тавсияларда таъкидланганидек, «Сўз ва грамматик воситаларни танлай олиш, услубий талабларга амал кила билиш, фикрни ифодалашнинг энг мақбул шаклидан фойдалана олиш нутқнинг ривожланганлик даражасини баҳолашнинг асосий ўлчовлари бўлиб майдонга чиқади»<sup>1</sup>.

5-синф «Она тили» дарслигида<sup>3</sup> сўз шаклига (грамматик воситаларга) доир БКМ ларни мустаҳкамлаш учун қуйидаги каби иш турлари ҳавола килинган:

— сўзларни ўзгартириш (масалан, бирлиқдаги отларни кўплик шаклга айлантириш);

<sup>1</sup> Йулдошев Р., Абдуллаев Й. «Она тили» давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т., РТМ, 2002. – 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ona tili: Umumiyotta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov va boshq. – Т., «Ma’naviyat», 2004.

-нұқталар ўрнига ... құшимчасини қүйиш;  
-берилған құшимчаларнинг маъносини тушунтириш;  
-... құшимчаларини топиб, изохлаш;  
-сұзнинг ёзилишига зәтибор бериш, құшимчалар имлосини изохлаш;  
-сұзға құшимча құшиб, намунағидек ёзиш ва юз берган ўзгаришни изохлаш;  
-гапларни ўкиш, сұз шаклини ўзгартыриш (масалан, сифатларнинг даражаси).

Қоидаларга доир БКМ лар куйидагилар: тил ходисасининг ишлатилишини тегишли қоида билан тушунтириш (изохлаш), құлланиш ҳолатлари ҳақида назарий мушоҳада юритиш.

Нутқ ўстиришга доир:

- қайси сұзлар билан гапни бошлаб бұлмаслигини айтиш;
- сұзлар иштирокида гаплар тузиш;
- нұқталар ўрнига мос келадиган ёрдамчи сұзарни (...) қүйиб гапларни (сұз бирикмалари) ўкиш ёки құчириш;
- «адабиёт» дарслигидан топширикқа мос келадиган гаплар топиб құчириш;
- сифатларни (...) тушириб, матнни ўқиб күриш. Фарқини аниклаш, сифатларнинг нұтқдаги аҳамияти ҳақида гапириш;
- сифатларни (...) улар боғланып келған сұзлар билан құчириш;
- матнга сарлавҳа топиш;

5-синф «Она тили» дарслигидаги иш турларидан келиб чиқиб, 8-синф она тили дарсларида морфологияни тақрорлашда терминларни ҳам, сүрек сұзларни ҳам, сұз түркүмлари англатадиган маъноларни, гапда бажарадиган вазифасини ҳам, сұзларнинг шақлини (құшимчаларни) ҳам, нутқ ўстиришга доир ишларни ҳам тақрорлаш керак деган хулоса келиб чиқади. Демек, ана шу йұналишнинг ҳар бири бүйича ўкувчиларнинг БКМ лари савияси назорат ишлари орқали аникланиши, нималар ўзлаштирилгани, нималарда қийинчиликлар мавжудлігини қайд килиб борилиши, шуларни назарда тутган ҳолда навбатдаги вазифалар бслгиланиши мақсадда мувофиқдір.

Сұз түркүмлари бүйича ўтилған тушунчалар (терминлар) тақрорланадиган бўлса, ўқитувчининг кўлида аниқ рўйхат бўлмоғи даркор. Масалан, амалдаги «Она тили» дарсликларидан ажратиб чиқишилизга қараганда, 5-7-синфларда от юзасидан қуйидаги тушунчалар (терминлар) ўрганилади:

*От, атоқли от, турдош от, отларнинг маъно гурухлари, сұзларнинг (исмларнинг) муносабат шакллари, нарсанинг номи, белгининг номи, миқдорнинг номи, номлар ўрнида алмашиб келувчи сұзлар;*

*атоқли отларнинг турлари: жой номлари, ташкилот, корхона, муассаса номлари, тарихий сана ва байрам номлари, сув ҳавзалари;*

*турдош отларнинг турлари: шахс отлари, нарса отлари, ўрин-жой отлари, фаолият-жараён отлари; аниқ ва мавҳум отлар;*

*отларнинг (исмларнинг) лугавий шакллари: отларда сон шакллари, сон шакллари, бирлик сон, кўплик сон; келишиклар: келишик қўшимчалари, бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналии келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқши келишиги, -нинг қўшимчасининг тушиб қолиши; эгалик қўшимчалари; отларнинг кичрайтириши ва эркалаш шакли;*

*отларнинг тузилишига кўра турлари: содда от, қўшима от, жуфт от, такрорий от, қисқартма от, ясама отлар;*

*отнинг синтактик вазифаси.*

Ўқитувчининг кўлида ҳар бир сўз туркуми бўйича ана шундай рўйхатлар бўлган тақдирдагина режалиликка эришиш мумкин. Бунда ўрганилмаган морфологик тушунчаларга мурожаат этишдан сақланиш, ушбу тушунчани киритиш учун зарурият туғилганда эса уни аввал изоҳлаб бериш имконияти туғилади.

Сўз туркумлари таснифининг ўзида қатламланиш кузатилади. Чунончи, сўз туркумлари (мустакил сўз туркумлари: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш; ёрдамчи сўз туркумлари: кўмакчи, боғловчи, юклама; модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлидий сўзлар), уларнинг фарқли белгилари биринчи (юқори) қатламни ифода этади. Таснифнинг кейинги кўринишлари навбатдаги қатламларни ҳосил киласди. Буни биз қуидаги жадвал шаклида намойиш этишимиз мумкин (2.2.1-жадвалга қаранг):

## 2.2.1-жадвал

### Сўз туркумлари билан боғлиқ тушунчалардаги қатламланиш

Қатлам	Морфологияга доир билимлар
1-қатлам	Сўз туркумлари ва уларнинг фарқли белгилари.
2-қатлам	Сўз туркумларининг маъновий гурухлари. Кўмакчилар, боғловчилар, юкламаларнинг тўлиқ рўйхатлари.
3-қатлам	Морфологик шакллар: Отларда кўплик. Эгалик қўшимчалари. Келишиклар, келишик қўшимчалари. Сифат ва равишларда дараҷа. Феълларда замон, шахс-сон, майл, нисбат қўшимчалари. Сифатдош, ҳаракат номи, равишдош. Феъл шакллари.
4-қатлам	Сўз туркумларининг ясалиши, тузилишига кўра турлари.
5-қатлам	Сўз шаклларининг услубий қўлланиш жиҳатлари.

8-синфда синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологик тушунчаларни такрорлаш ишлари 1-қатламдан бошланиб, аста-секин

навбатдаги қатламларга ўтиб бориш тариқасида уюштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Методист олим А.Ғуломов таъкидлаганидек, «Мактаб она тили курсининг турли бўлимлари орасидаги ўзаро боғланишни аниқ билиш ва ҳисобга олиш ўқитувчига ўтилганларни ҳар бир бўлимнинг ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яна ҳам самарали, системали тақрорлаш ва мустаҳкамлашни ташкил қилишга имкон беради. Масалан, ўқитувчи мустакил сўзларни ўргатиш жараёнида бундай сўзларнинг синтактик вазифалари ҳақидаги маълумотларни, синтаксисни ўргатишда эса сўз туркумлари ҳақидаги маълумотларни (курсив – бизники) тақрорлаш имкониятига эга бўлади<sup>1</sup>. Муалиф ўтилаётган янги ўкув материалини олдин ўрганилган материал билан», «ўрганилаётган материални кейинчалик ўрганиладиган материал билан» боғлаш мумкинлигини кўрсатади. Бу фикрлар алоҳида кимматга эга.

«Ўзбек тили ўқитиш методикаси» қўлланмасида тақрорлаш тизими очиб берилмаган. Унда «ҳали ўтилмаган мавзу мазмуни ва характер эътибори билан ўтилаётган мавзуга жуда якин бўлса, материални ўқитувчи ўкувчиларга маълум даражада эслатиши ва шу билан уларни ўрганиладиган мавзуни ўзлашиборишига олдиндан тайёрлаши мумкин» деган ғоя ўз аксини топган<sup>2</sup>. Шубҳасиз, ушбу тадбир тақрорлаш эҳтиёжларининг бир қисминигина камраб ола олади. Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигига 17-дарс «Сўз бирикмаси (хосил бўлиши ва грамматик маънолари)» мавзусига бағишлиланган. Китобда ушбу мавзу *от, отли, феъл, феълли тушунчалари билан боғлик равища баён этилади*<sup>3</sup>.

Синтаксис ҳақида маълумот берадётганда тилга олинган морфологик тушунчаларни тақрорлаш, ўкувчилар хотирасида тиклашга доир материаллар, машқ ва топшириклар берилмаслиги ушбу термин-тушунчалар яхши ўзлашган деб ҳисоблаш натижаси бўлса керак. Масалан, от кесимнинг от, сифат, сон, олмош, равиш, модал сўз билан ифодаланиши кўрсатилар экан<sup>4</sup>, ушбу сўз туркумлари йил бошида хотирага туширилган, кейинги дарсларда уларга бир неча бор мурожаат этилганлиги назарда тутиладиган бўлса, улар юзасидан қайта-қайта бажариладиган тақрорлаш ишлари учун зарурият йўклиги ўз-ўзидан аён

<sup>1</sup> Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари: Она тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Т., «Ўқитувчи», 1992. – 30-бет.

<sup>2</sup> Ғуломов Э., Расулов И., Рустамов Х., Мирзаҳмедов Д. Ўзбек тили ўқитиш методикаси: Университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари студентлари учун қўлланма. – Т., «Ўқитувчи», 1975. 44–45-бетлар.

<sup>3</sup> Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T., Cho'lon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 27–29-бетлар.

<sup>4</sup> Номи кўрсатилган дарслик, 59-бет; Abduraimova M. va b. Ona tili. 8-sinf o'qituvchi metodik qo'llanmasi. – T., Cho'lon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 69-бет.

бұлади. Лекин бундай ёндашув ҳам бир томонлама саналади. Чunksи масалага бундай қараң синтаксис ҳакида маълумот берәётганды тилга олинмаган морфологик термин-тушунчаларни тақрорлаш тақдирини ҳал килиб бера олмайды.

Диссертациямизнинг биринчи бобида келтирған таҳлилимизга күра, умуман 8-синф «Она тили» дарслигида морфологиядан тилга олинган терминлар рүйхатини берғанмиз. Үкитувчи күлидаги ана шу түлик рүйхат асосида иш олиб борғанда, нималар үзлашғану, ҳали яна нималарни тақрорлаб туриш зарурлигини кузатиши, яғни БҚМ лар мониторингини юритиши осон бўлади.

8-синф она тили дарсларида морфологияни тақрорлаш тизимини яратишида биринчи навбатда синтаксис мавзуларига боғлиқликни хисобга олиш зарур.

1. Аксарият ҳолатларда синтаксисга оид билимларни морфологияга доир тушунчалар кўмагисиз тушунтириш ва уларнинг үзлаштирилишини таъминлаш қийин, баъзан бунинг иложи ҳам бўлмайди.

2. 9-синфни битирудук ёшлар билиши учун «Она тили» давлат таълим стандартида белгиланған, талаб қилинған билим, кўникма ва малакалар сирасида морфология ҳам бор. Синтаксисни ўрганиш жарапёнида морфологияни тақрорлашни яхши йўлга кўймаслик оқибатида 5-7-синфларда маълум микдордаги терминлар ва ушбу терминлар англатган тушунчаларни ўкувчилар онгига сингдириш борасида қилинған сайд-харакатларнинг бир қисми зое кетади: терминлар, улар англатган тушунчаларнинг маълум бир қисми унутилади. ДТС талабларини бажариш учун ҳам 8-9-синфларда морфологияни, унга доир барча терминларни мунтазам тақрорлаб бориш даркор.

3. Синтаксис курсини ўргана бошлаган ўкувчилар синтаксисга доир тушунчаларни 5-7-синфларда ўрганилган морфологияга оид тушунчалар билан қоришира бошлайдилар. Табиийки, синтаксисни морфологиядан фарқлаш учун ҳам иккала курсга оид терминлар (улар ифодалайдиган тушунчалар) тез-тез үзаро таққослаб турилиши керак.

4. Синтаксис мавзулари морфологиядан ўтилганларни умумлаштириш хусусиятига эга. Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигида ўрин ҳолининг ифодаланиши юзасидан шундай изоҳ берилади: «Ўрин ҳоли макон-замон (жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш) келишикларидағи сўзлар ёки кўмакчи отлар ва ўрин равишилари билан ифодаланади»<sup>1</sup> деганда жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги отлар, от-кўмакчили отлар, ўрин равишилари кабилар жамланади. Бу ерда морфологияга доир тушунчалар функцияси ва семантикасига кўра бир ерга жамланади.

<sup>1</sup> Qodirov M., Ne'matov N. va b. 8-sinf uchun darslik. – T., Cho'lpion nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 82-бет.

5. Синтаксис курсини ўтиш жараёнида морфологиядан олинган айрим билимлар кенгайтирилади ва чукурлаштирилади, ўкувчиларнинг улардан нутқда фойдаланиш кўникма ва малакалари янада мустаҳкамланади. Масалан, ўрин ҳоли юзасидан берилган маълумот оркали жўналиш, ўринпайт, чиқиш келишиклари макон-замон келишиклари эканлиги грамматик келишикларга (бош, қаратқич, тушум келишиклари) киёсан тушунтирилади.

6. Синтаксисни ўтиш жараёнида гапнинг умумий қурилиши тўгрисида сўз юритилса, морфологик тушунчалар ўкувчиларни гап булакларининг ифодаланиш хусусиятларидаги функционал-семантик ранг-барамглик билан куроллантиришга йўл очади.

Грамматика кўпроқ ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш учун хизмат қилиши керак экан, ана шу эҳтиёж машқ жараёнида амал килиш керак бўладиган қоидаларни эслашга ундаиди. Бу масалада методист олима М.Мирмаксудованинг куйидаги фикрига тўлиқ қўшилиш жоиз: «Грамматик терминларни шунчаки ёдда саклаш даражасида эмас, балки матн яратиш фаолиятида амалда фаол қўллай билиш - тил ҳодисалари, уларнинг қўлланиш хусусиятлари юзасидан назарий мушоҳада юритиш ҳамда, бизнингча, ўз нутк маҳсули бўлмиш матнни созлашнинг муҳим омилидир. 5-9-синфларда 400 га яқин грамматик терминлар ўрганилади. Бу терминларнинг маълум бир қисми тегишли мавзуни эслатиб туриш имконияти оркали тил ҳодисаларини нутқда тўғри ишлатиш қоидаларига йўл очиб беради»<sup>1</sup>.

Морфология билан синтаксис доимо ёнма-ён ўрганилади. Эслатиш жоизки, синтаксис курси 5-синфдан бошлаб ўрганилади. 5-синф «Она тили» дастурининг I бўлими («Муқаддима») синтаксисга бағишиланади. Кейинги бўлимларни ўтишда, 6-7-синфларда морфология бўлимларини ўрганиш жараёнида бирор туркумга оид сўзнинг синтактик вазифаси кўрсатиб турилади.

8-9-синфларда синтаксисга доир мавзуларни ўзлаштириш билан параллел равиша морфология ҳам тақрорланар экан, «Она тили» ДТСи талабларининг бекаму-кўст бажарилиши назарда тутилади. Таълим сифати унинг мазмунига бевосита боғлиқ. Таълим мазмунининг ўкувчилар билими мулкига айланиши учун эса ўқитиш сифати таъминланмоғи лозим. В.В.Комаров берган тушунтиришга кўра, «Сифат охирги маҳсулот эмас, балки ушбу маҳсулотнинг стандартта мослигини аниқлаш имконини берадиган воситадир, холос. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сифатли маҳсулот қиммат эканлиги ва чиройлилиги билан характерланиши шарт эмас, лекин у кўзда тутилган мақсадларга албатта

<sup>1</sup> Мирмаксудова М. Номи кўрсатилган диссертация, 4-бет.

мос булиши мухимдир»<sup>1</sup>. Бу ерда айтилмоқчи бүлган мақсад – таълим сифатининг истеъмолчи эҳтиёжларига мос келиши. Она тили таълимида эса давлат буюртмасининг ижроси асосий мақсад булиб майдонга чиқади, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган талабларнинг бажарилиши билан уйғунлашади.

«Она тили» ДТСи талабига кўра 9-синфни битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига куйидаги талаблар кўйилади: «Фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, боғланишли нутқ, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчалар, уларнинг мухим белгиларини билиб олишлари, изохлай билишлари ва шу тушунчалар билан боғлик грамматик терминларни ўзлаштиришлари»; «...сўз туркумларини, мустақил сўз билан ёрдамчи сўзни, сўз билан сўз бирикмасини, сўз бирикмаси билан гапни, гап бўлакларини... бир-биридан фарқлай олишлари»<sup>2</sup> зарур. Шунинг учун ҳам 8-, айниқса, 9-синфда 5-7-синфларда ўтилганларни такрорлашга шу кадар катта аҳамият берилади.

Эслатиш жоизки, синтаксисга доир мавзуларни ўтишда морфологик термин-тушунчаларни, энг мухими, нутқ ўстириш учун хизмат қиласиган қоидаларни ўкувчилар хотирасида тиклаб туришнинг ўз қийинчиликлари бор. Бу қийинчиликларни куйидагича гурухлаш мумкин:

1. Синтаксисга доир тушунчалар билан танишиш, уларни ўзлаштириш юзасидан бажариладиган ишларнинг кўп вақт олиши.
2. 8-синф «Она тили» дарслигида синтаксисга доир мавзулар таркибида (машқ, топширик, «Билиб олинг» рукни остидаги мълумотларда) айрим морфологик терминларни ҳам такрорлаш зарурлиги.
3. Машқ ва топширикларда морфологияяга доир терминларни эслаб айтиш вазифаси бор бўлса-да, уларнинг ёдга олишни такрорлаш жараёни билан боғлаш ўқитувчилардан алоҳида маҳорат талаб этиши.
4. Дарсликда ишлатилмаган терминларни ажратиш, уларни такрорлаш ишини дарслар бўйича режалаштириш муайян изланишларни такозо килиши.
5. Морфологияяга доир мавзуларда ўрганилган қоидаларни оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш жараёнида эсга олиш йўлларини белгилаб олиш ўкувчилар нутқида йўл кўйилаётган тургун ва типик хатоларга боғлик эканлиги.

<sup>1</sup> Комаров В.В. Формирование содержания дополнительного образования детей в аспекте управления качеством образования // Бюллетень программно-методических материалов для учреждений дополнительного образования детей (региональный опыт). – 2005. - № 5. – С. 2-5.

<sup>2</sup> Давлат таълим стандартига шарҳ: Она тили // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. – Таълим тараққиёти. Ахборотнома, 1-максус сон. – Т., «Шарқ», 1999. – 52-53-бетлар.

Йил бошида такрорлаш учун асосий маълумотларни ажратиш максади билан 8-синф «Она тили» дарслиги таҳлил килинди. Таҳлил шуни кўрсатдикси, дарсликда синтаксисга доир мавзуларни ўрганиш жараёнида йил бошида такрорлаш учун мўлжалланган мустакил сўз туркуми, ёрдамчи сўз туркуми, ундов, тақлид ва модал сўзларга кўп маротаба мурожаат этилган, 61-дарсда «Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли» мавзуси муносабати билан ўрин ва пайт равиши, 62-дарсда «Равиш ҳоли ва даражада-микдор ҳоли» мавзусида микдор равиши тилга олинган, лекин олмошнинг маъно турларига оид (6-дарс) тушунчаларга таяниш учун зарурият бўлмаган. Аксинча, аксарият мавзуларга доир қоидаларда феъл ва феъл шакллари тушунчаларидан фойдаланилган. Шунга кўра ҳам олмошнинг маъно турлари ўрнига феълга доир энг муҳим маълумотларни (феъл майллари, нисбатлари, кўмакчи феъллар, феъл шакллари – харакат номи, сифатдош, равишдош) ўқувчилар хотирасида тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Олмошнинг маъно турларини эса кўпроқ матн яратиш эҳтиёжлари билан боғлаб такрорлаган маъқул.

Шунга кўра ҳам йил бошидаги такрорлаш билан боғлиқ таълим мазмунидаги кейинчалик, яъни синтаксисни ўрганиш жараёнида тилга олинмайдиган олмошнинг маъно турлари ўрнига якин орада дуч келинадиган феъл, феълнинг майл ва нисбатлари, феъл шакллари билан боғлиқ мавзуни режалаштириш максадга мувофиқдир.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, 8-синфда ўтиладиган синтаксисга доир мавзуларнинг морфология билан боғланиш жиҳатларига эътиборни кучайтирган ва чукурлаштирган ҳолда уларни тушунтириш масалалари ҳакида ҳам ўйлаш лозим. Масалан, равишдош турлари, шакллари, уларда вергулнинг ишлатилиши каби масалалар такрорлашнинг янгилик унсурига эга бўлган ҳолатини ифода этади. 8-синфда бундай мавзулар кўплаб топилади.

Ҳамонки, 8-синф «Она тили» дарслиги билан ишлаш жараёнида морфологиядан ўтилганларни такрорлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурият экан, даставвал такрорлаш пайтими ва синтаксис мавзуларига боғланиш даражасига кўра турли ҳолатларни белгилаб олишни лозим кўрдик.

Она тили дарслари йил бошидан режалаштириллади (моделлаштириллади), лойиҳаланади, натижалари мўлжалланади, ташхис орқали максадга кай даражада эришилганликни назорат килиш ўз ифодасини топади. Бир синф доирасида бу қўйидаги манзарани ташкил этади:

- 1) «Муқаддима» – йил бошида такрорлаш;
- 2) мавзу билан бевосита боғлаб такрорлаш (табиий такрорлаш);
- 3) янги мавзуни якуний, умумлаштирувчи такрорлаш;
- 4) мавзу билан бавосита боғлаб такрорлаш (сунъий боғланиш);
- 5) мавзу билан боғламаган ҳолда такрорлаш;

6) оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш жараёнида такрорлаш.

Йил бошида такрорланадиган мавзулар дастурда белгиланади, дарсликда алоҳида дарслар, масалан, 5-синф «Она тили» дастури ва дарслигида, юкорида таъкидлаганимиздек, «Муқаддима», 8-синф «Она тили» дарслигида 7 мавзу ажратилади.

8-синфда морфологияга доир айрим мавзуларни йил бошида **такрорлаш** билан «Синтаксис» курсини ўрганишга муайян пойдевор яратилади. Ана шу пойдеворнинг мустаҳкамлиги янги мавзуларни англаш ва ўзлаштириш сифати ва самарадорлигини белгилаб беради. Такрорлаш дарслари ўқитувчилар учун янгилик бўлмаса-да, янгилangan таълим мазмуни ва методлари шароитида нимани, нима мақсадда (қайси мақсад сари йўналтирган ҳолда), қанча, качон, қандай килиб, қайси замонавий метод ва усулларни, педагогик технологияни қўллаб деган саволлар туғилиши табиий.

Нимани такрорлаш кераклиги борасида Г.П.Соколованинг қўйидаги фикри эътиборга лойик: «Йил бошида такрорлаш дарсларининг асосий вазифаси – ўқувчилар қуи синфларда олган ва ўқитувчи бундай кейинги ишларида таянадиган асосий маълумотларни хотирада тиклаш<sup>1</sup>». Ана шу асосий маълумотларни ажратиб олиш 8-синфда таълим мазмунини такомиллаштириш, такрорлаш дарсларини уюштиришнинг мухим омили хисобланади.

Йил бошида нималарни такрорлаш кераклиги масаласи шу билан қисман ҳал этилган бўлиши мумкин. Қисманлиги шундаки, ҳали морфология бўйича қуи синфларда ўтилган мавзуларнинг қайси жиҳатларига устувор аҳамият бериш зарурлиги аниқ эмас. Ушбу масалани тўғри ечиш учун синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологик тушунчалар нима муносабат билан тилга олинганига эътибор қаратиш лозим. Таҳлил асосида қуидагиларни ажратиш имконияти туғилди:

1) аксарият ҳолатларда синтактик ҳодисанинг ифодаланишини кўрсатишда (масалан, отли сўз бирикмаси, феълли сўз бирикмаси каби);

2) камдан-кам ҳолатларда синтактик бирлик билан морфологик бирликни ўзаро таққослашда (масалан, сўз бирикмаси ва кўшма сўз, сўз бирикмаси ва турғун боғланма /ибора/ каби).

Синтактик категориянинг ифодаланиши морфологик термин асосида тушунтирилар экан, ўқувчи шу терминга таяниб тегишли сўз туркуми ёки сўз шаклини хотирасига тушириши, мисоллар орасидан тегишли сўзни таний олиши, яъни ажратса билиши керак. Бундай билим сўз туркumlарига доир таснифни билиш, уларни уч белгисига кўра (маъноси, морфологик белгиси, синтактик вазифаси) фарқлай олиш замирида юзага келади. Сўз туркумларини шариллатиб айта билган ўқувчи уларга мисоллар келтира

<sup>1</sup> Соколова Г.П. Обобщающее повторение. Повторение в начале года // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. – С. 19.

олиши ёки берилган мисоллар орасидан күзда тутилган сүзни топишга ҳам қодир булиши керак.

Синтактик ходиса тушунтирилаётган пайтда морфологик термин аталади, яни үкувчи уни хотираға тушириш вазиятига тушмайды. Терминні унуган бұлса, үқиган ёки эшигтан захотиәк дархол эсга олади. Шундай бұлгач, йил бошида тақрорлаш өзбек тәсілдерінде ассоциацияның морфологияға доир терминларни тақрорлашгагина эмас, балки жадваллар ёки башқа воситалар ёрдамида берилған терминларға таяниб мисол келтириш, матндан тегишли сүзларни топиш, уларни тақлил қилишга каратылмоғи мақсаддаға мувофиқидір.

Д.Н.Богоявленский тұғри изохлаганидек, «...грамматик фактлар ва ходисаларни таниш учун тақлилнинг умумий йұналиши – шакл ва маънони ажратиши кераклиги – аллакачон автоматлаштирилған булиши мүмкін, айни пайтда ҳаракатнинг ижроциклының қисмі – ушбу вазифами амалга оширувчи ақлий операциялар – яна бир неча муддат онгнинг назорати остида колади»<sup>1</sup>. Тұғри, үкувчи бирор сүз түркүмінде доир мисол келтириш лозим бұлғанда әслаб айтиш одатта айланған сүзлардан фойдаланады, бу сүзларнинг қайси түркүмге мансублиги үзлашиб кетген бұлади. Лекин илгари машқларда учрамаган сүзлар уни бир оз үйлантириб қўйиши мүмкін.

Тақрорлаш бирор мавзуни тақрорлаш жиҳати билангина қимматли бұлмай, мавзуни мустақил англаш усулини тақрорлаш жиҳати билан ҳам қимматлидір. 8-синфға келиб үкувчиларнинг фикрлаш қобилияты анча кувват олған, ривожланған бұлади. Агар 5-6-синфларда маълум қийинчиликтер үйгөттөнген материаллар энди содда ва равшан бўлиб туюлади<sup>2</sup>. Шунинг учун мавзуларни бирмунча чукурлаштирган ҳолда тақрорлаш керак.

Л.А.Тростенцованинг фикрича, үкувчилар «сүз түркүми» тушунчасини үзлаштирилар, деганда уларнинг сүз түркүмларини тасниф қилиш асосида ётган принципларни әслаб қолғанликларигина эмас, балки у ёки бу сүзни ушбу белгилар йиғиндисини назарда туттан ҳолда «сүз түркүми» га киритиш ҳаракатини бажаришнинг умумлашған малакаларини эгаллаганликлари ҳам тушенилади<sup>3</sup>. Она тиля үкув фанининг қурай жиҳати шундаки, V-VII синфлар мобайнида үкувчилар ҳар гал бирор сүзни у ёки бу «сүз түркүми» га киритишни ўрганадилар. (Башқа фанларда бундай эмас.) Бунда сүзларни түркүмларга ажратиши жараёни

<sup>1</sup> Богоявленский Д.Н. Повторение как совершенствование умственной деятельности учащихся // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. – С. 8.

<sup>2</sup> Никитина Е.И. Повторение курса русского языка в VIII классе // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. – С. 57.

<sup>3</sup> Тростенцова Л.А. Повторение морфологии в V и VI классах // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. – С. 129–130.

кечади. Дарвоке, ёлғиз отнинг ўзи (сифат, сон ва бошқалар бўлмаганда) сўз туркуми бўлмас эди, жами мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар йигилган ҳолатда сўз туркумлариридир. Булар ёрдамида билимлар *тизимга солинади* ва *умумлаштирилади*, *такрорлашга мажмуавий ёндашилади*.

Эслатиш жоизки, билим олиш маълумотларни шунчаки қалаштириб билиб бориш эмас, балки, Э.Р.Сукиасян айтганидек, «...*билимларни уюштириш – уларни тартибга солинган жараён*», «...*билимларни уюштириш – уларни тартибга солиш, «токчаларга» кўйиб чикиш, хотирага улардан керакли пайтда ва зарур ўринларда фойдаланиш мумкин бўладиган қилиб олиб киришдир*»<sup>1</sup>.

Шунинг учун хам сўз туркумларига доир билимларни такрорлаш юзасидан олиб бориладиган ишлар юкоридаги мақсад учун хизмат қилмоғи, ўкувчиларни шу йўналишдаги фаолият усуллари билан куроллантироғи лозим.

Н.В.Борисова, Е.Ф.Глебова, Т.И.Чижоваларнинг таъкидлашларича, бир томондан, бир-бирини такозо этадиган (шартлайдиган), иккинчи томондан, тилни амалий згаллаш учун таянч ҳисобланадиган маълумотларни ажратиш юкори синфларда ўрганилганларни такрорлашнинг бош вазифасидир<sup>2</sup>.

Ҳар бир ўқитувчи ўкувчиларнинг ақлий фаолияти устидан раҳбарлик килишни кай тарзда режалаштириш кераклигини билиб олмоғи даркор:

1) топшириқни бажариш учун тақозо этиладиган билимларнинг ҳамма мажмуини аниқ тасаввур қилиш;

2) кўзланган ишни амалга ошириш учун шу иш жараёнида ўкувчилар бажаришлари мумкин бўлган барча ақлий ҳаракатлар тизимини кўра билиш (такқослаш, таҳлил қилиш, синтезлаш, тасниф этиш ва ҳоказолар);

3) ҳаракатлар тизимини ҳар бирининг мақсади муайян вазифани ҳал этиш бўлган айрим-айрим операцияларга бўла билиш<sup>3</sup>.

Демак, бирор туркумга мансубликни аниқлаш кўникумаларини шакллантиришда топширикларни устувор фикрлаш операцияларига мослаб тузиш мақсадга мувофиқдир: қўйидаги икки сўзни киёсланг, берилган сўзларни гурухларга бирлаштиринг каби.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида йил бошида такрорлаш ишини тўғри уюштириш таълим мазмунидан ташқари, ҳосил қилинадиган кўникумалар мундарижасини пухта тайин этиб олишни тақозо киласди.

<sup>1</sup> Сукиасян Э.Р. Организация знаний в структуре информационной культуры личности // Школьная библиотека. – 2006. № 1. – С. 9.

<sup>2</sup> Борисова Н.В., Глебова Е.Ф., Чижова Т.И. Общие вопросы повторения по русскому языку в старших классах вечерней (сменной) общеобразовательной школы // Повторение по русскому языку в вечерней школе: (Сб. статей из опыта работы). Пособие для учителей. Сост. Т. И. Чижова, Л. Ф. Беженкова. – М., «Просвещение», 1981.

<sup>3</sup> Соколова Г.П. Обобщающее повторение. Повторение в начале года // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. – С. 37.

Е.Я.Никитинанинг тавсия этишига кўра, юкори синфларда фикрлаш операцияларининг иккитаси етакчи ўринга чиқади: такъослаш (лингвистик тушунчалар, таърифлар, қонунлар, қоидалар), бунинг натижасида билимларнинг янги унсурлари туғилади ва умумлаштириш (айрим ҳодисалардаги умумийликни топиш, уларни умумий ва моҳиятан мухим белгилари асосида бирлаштириш)<sup>1</sup>.

К.Д.Ушинский йил бошидаги тақорорлашни бақувват дараҳтнинг узишига ўхшатади: йил сайн янги шоҳлари чиқади, илдизларини эса ўғонлаштириб, мустаҳкамлаб боради<sup>2</sup>.

Ўкувчилар айрим сўзларнинг қайси туркумга мансублигини «бетидан» танийдилар. Масалан, *стол*, *парта*, *китоб* ва бошқалар. Мавхум тушунчаларни англатувчи сўзларда эса кийналадилар. Бундай пайтда уч гурух аломатларга эътибор бериш талаб этилади: маъно, морфологик кўрсаткич, синтактик вазифа.

Мавзу билан бевосита боғлаб тақорорлаш (табиий тақорорлаш) кўлам жихатдан энг тор шакл хисобланади. Бунда янги мавзуга алоқадор (дарсликда бор ёки йўғ-у, мавзу тақозо этадиган) энг керакли билимларгина тилга олинади. Лекин ушбу жараён икки хил ташкил ётилиши мумкин: ҳали мавзу ўтилмасдан туриб тақорорлаш; мавзуни ўтиш билан боғлаб, ҳар бир коидадан олдин тақорорлаш. Бундай тақорорлаш мавзулар орасидаги узвийликни таъминлайди, янги тушунчани очишга ёрдам беради. У методикада *йўл-йўлакай тақорорлаш* деб юритилади<sup>3</sup>. 8-синфда айрим синтактик тушунчалар морфология билан боғлаб тушунтирилар экан, морфологик терминлар тилга олинганда, ушбу герминиларнинг ўкувчилар хотирасида бор ёки йўклигига эътибор берилади, зарурият сезилганда, қиска тақорорлаш ўтказилади. Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигининг 18-дарсида «Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш шакллари» мавзуси ўтилиб, тобе сўз, ҳоким сўз, оҳанг, битишув, бошқарув, мослашув, аникловчи, тўлдирувчи, белгили шакл, белгисиз шакл тушунчалари ўрганилади. Шу билан боғлиқ равишда келишик қўшимчаси, эгалик қўшимчаси, кўмакчи, қараткич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чикиш келишиги ва бошқа морфологик тушунчаларга мурожаат этилади. Ўқитувчи ўкувчиларнинг келишикларни билмаётгандигини сезсангина, уларни эсга тушириш чорасини кўради. Агар эътиборсизлик килса, тақорорлаш ишини умуман ўтказмайди.

<sup>1</sup> Никитина Е.И. Повторение курса русского языка в VIII классе // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. - С. 60.

<sup>2</sup> Соколова Г.П. Обобщающее повторение. Повторение в начале года // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. - С. 19.

<sup>3</sup> Е.А.Баринова, Л.Ф.Боженкова, В.И.Лебедев. Методика русского языка. Под общей ред. Е.А.Бариновой. – М., «Просвещение», 1974. – С. 235.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, 8-синфда ўтиладиган мавзуларни морфология билан боғланиш жиҳатларига эътиборни кучайтирган ва чукурлаштирган ҳолда тушунтириш имкониятлари изланадиган бўлса, масалан, кесимнинг феъл билан ифодаланишини маълум қилиш баробарида унинг замон, майл, нисбат шаклларини тилга олиш мумкин бўладиган вазият юзага келтирилса, мавзу билан боғланган ҳолда такрорлаш кўлами ортади. Эслатиш лозимки, ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткида кўмакчили биринчиларнинг қисмларини мажхул нисбат шаклида қўллаш, кераксиз ўринларда шарт майлдаги феълдан кейин вергул ишлатиш ва бошка шу каби камчиликлар тез-тез учраб туради. Бу масалалар 8-синфда янги мавзу сифатида ўрганилмайди, бинобарин, янгилек унсури аралашган тақрорлашдан фойдаланиш айни муддаодир.

Равишдош турлари, шакллари, уларда вергулнинг ишлатилиши каби масалалар тақрорлашнинг янгилик унсурига эга бўлган ҳолатини ифода этади. 8-синфда бундай мавзулар кўплаб топилади.

Мавзу билан бавосита боғлаб тақрорлаш (сунъий боғланиш) хотирланиши зарур бўлган тил ҳодисаларининг дарсда ўтилмайдиган жиҳатлари билан боғлаб, шу жиҳатлар билан алоқадорликда ташкил этилади. Масалан, синтаксисни ўрганишда морфологияга мурожаат этилар экан, ушбу икки курсга алоқадор тушунчаларни ўзаро фарқлаш билан боғлик юмушларни бажариш айни муддаодир. Бу ўринда М.Омилхонованинг қўйидаги хуносалари мухимдир: «Ўкувчилар кўпинча сўз туркumlари билан гап бўлакларини аралаштирадилар. Бу хол морфология ва синтаксис бири-бири билан боғлик бўлса ҳам, грамматиканинг алоҳида бўлимлари эканлигини фаҳмлай олмаслик, фарқлай олмаслик оқибатида содир бўлади<sup>1</sup>. Бунда уюштириладиган тақрорлашнинг мавзуга даҳлдор жои мавжуд бўлса ҳам, унга алоқадорлиги бавосита, яъни маҳсус тарзда, сунъий уюштирилганликда бўлади.

Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигидаги<sup>2</sup> 51-дарсда «Эга ва унинг ифодаланиши» мавзуси ўтилади. Эгани топиш машқи муносабати билан *шахс-сон қўшимчаси* тилга олинади. Эганинг ифодаланиши юзасидан берилган назарий маълумот бош келишик, эгалик қўшимчаси, кўплик қўшимчаси, от, олмош, сон, сифатдош, сифат, равиш, ҳаракат номи, тақлид сўз, модал сўз тушунчалари асосида баён қилинади. Лекин ушбу маълумотда ўкувчилар учун кийинлик туғдирадиган жиҳатлар йўқ, чунки 5-7-синфларда ҳар бир сўз туркумини ўтиш жараёнида унинг гапда қайси бўлак вазифасида кела олиши, яъни синтактик белгилари ҳам ўрганилади. Шунга кўра ҳам 8-синфда эга ва унинг ифодаланиши мавзусига умумлаштирувчи дарс сифатида қараш мумкин. Бунинг устига сўз

<sup>1</sup> Омилхонова М. Маҳтабда содда гап синтаксисини ўргатиш. – Т., «Ўқитувчи», 1977. – 4-бет.

<sup>2</sup> Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T., Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. 66–67-бетлар.

туркумларининг таснифи бу даврга келиб сўз туркумлари тушунчалари  
расидаги шартли катламланишга кўра 1-катлам тушунчаларини ифода  
тиб, улар тўлиқ ўзлаштирилган бўлиши табиий.

Равишнинг эга вазифасида ишлатилиши унинг бир маъно турига кўра  
содир бўлади. Шунинг учун равишнинг маъно турларини ўкувчиларнинг  
хотирасига тушириш, уларнинг фарқлари, кўлланиши, ясалишини эсга  
ониш мақсадга мувофиқдир. Шу ниятда дарсда мавзу билан бавосита  
боглаб такрорлаш ўтказилади. Бу иш 140-машкни бажариш жараёнида  
амалга оширилади. Машқ шартида сифат ва сифатдошнинг эга вазифасида  
кўлланишига мисоллар келтириш талаб этилган. Ўкувчилар вазифани  
бажариб бўлганларидан кейин уларга шу машқ шартига қўшимча килиб  
равишнинг эга вазифасида кўлланишига мисоллар айтиш суралади.

Ўқитувчи ўкувчиларга куйидаги каби саволлар билан мурожаат  
килади:

—Сиз келтирган мисолда равишнинг қайси маъно туридан  
фойдаландингиз?

—Равишнинг яна қандай маъно турлари бор?

—Равишнинг тузилишига кўра қандай турлари бор?

Ўкувчиларнинг билимларида камчиликлар якъол кузатилган  
холатларда равиш ҳакида 6-синф «Она тили» дарслигининг 152-159-  
дарсларида берилган назарий маълумотларни кўздан кечириш имконини  
берувчи лингвистик матн тақдим этилади.

## RAVISH

Harakat-holatning bajarilish tarzi, payti, o'rni, daraja-miqdori kabi  
belgiarini bildiruvchi va qanday? qachon? gayer? qancha? singari so'roqlarga  
javob bo'luvchi so'zlar ravish deyiladi.

Ravishlar tub va yasama ravishlarga bo'linadi. Yasama ravishlar qo'shimchalar  
qo'shish, asos qismni juft va takror qo'llash yo'li bilan hosil qilinadi.

Tuzilishiga ko'ra ravishlarning sodda, juft va takroriy turlari farqlanadi.

-cha, -lab, -larcha, -ona, -an, -chasiga qo'shimchalari ot, sifatga qo'shilib ravish  
yasaydi.

Tubdan, to'satdan, qo'qqisdan, rostdan, birdan, kechalari, avvallari,  
so'ngra.

Bu kabi ravishlarda -dan kelishik qo'shimchasi, asos qisin bilan mustahkam birikib,  
hozirgi kunda ajralmas holga kelgan.

## RAVISHLARNING MA'NO TURLARI

Ravishlar ma'nosiga ko'ra holat, payt, o'rni, miqdor-daraja, maqsad-sabab  
ravishlariga bo'linadi.

Ataylab, atayin, noiloj, noilojlikdan, jo'rttaga, qasddan kabi ravishlar  
maqsad-sabab ravishlari hisoblanib, ularning miqdori u qadar ko'p emas.

## Holatlar ravishlari

Harakat-holatning qanday holda bajarilganligini bildirgan va *qanday? qay holda? qay tarzda?* so'roqlariga javob bo'luvchi ravishlarga holat ravishlari deyiladi.

Holat ravishlariga *jim, yayov, chindan, qo'qqisdan, to'satdan, piyoda, majburan, tasodifan, astoydil, eskicha, qatorasiga, birma-bir, yakkama-yakka, yonma-yon, basurja, arang, zo'rg'a, mardlarcha* singari so'zlar kiradi.

## Payt ravishlari

Harakat-holatning bajarilish yoki bajarilmaslik paytini bildirib, *qachon?* So'rog'iga javob bo'luvchi ravishlar payt ravishlari sanaladi.

Payt ravishlariga *endi, hozircha, so'ngra, hanuz, hamisha, doimo, hamon, dastlab, erta-indin, qishin-yozin, kecha-kunduz* kabi ravishlar kiradi.

## O'r'in ravishlari

Harakat-holatning bajarilish yoki bajarilmaslik o'rnini bildirgan va qayer? So'rog'iga javob bo'luvchi ravishlar o'r'in ravishlari hisoblanadi.

O'r'in ravishlariga *olg'a, ichkari, tashqari* singari so'zlar kiradi.

## Miqdor-daraja ravishlari

Harakat va holatning bajarilishidagi miqdor-darajani bildiradigan va *qancha?* So'rog'iga javob bo'ladigan ravishiar miqdor-daraja ravishlari deyiladi: *sal, picha, xiyol, oz, ko'p, kam, ancha* kabi.

Ўкувчилар юкоридаги лингвистик матнни кўриб чиқсанларидан сўнг мустаҳкамлаш ишлари бажарилади. Бунда кўйидаги каби машқ ва топшириклардан фойдаланилади:

1. Берилган рaviшларнинг маъно турини айтиш ва изоҳлаш, сўз бирикмалари ва гаплар тузиш: *qasddan, astoydil, hamon, olg'a, picha*.

2. Равишларнинг маъно турлари ҳакида ўқитувчи берган саволларга лингвистик матннаги таърифлардан фойдаланиб жавоб қайтариш.

3. Ўкувчиларнинг рaviш ҳакида ўзаро савол-жавоблари.

4. Равиш ва унинг тузилиш ва маъно турлари ҳакида гапириб бериш.

5. Берилган гапдан рaviшни топиб, уни морфологик таҳлил қилиш.

Бундай такрорлашда ўкувчиларнинг билимларидағи кемтиқ ўринларни тўлдириб улгурганликларига қараб баҳо қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

8-синфда мавзу билан бавосита боғлаб такрорлашни ташкил этиш мумкин бўлган дарслар кўп. Масалан, 54-дарсдаги «Эгасиз гаплар. Шахси номаълум гаплар» мавзусини ўтишда бўлишсизлик олмошлари эга вазифасида келганда бундай гапларни ҳам шахси номаълум гаплар сифатида қабул килишларини назарда тутиб, олмошларнинг маъно турлари такрорлаш айни муддаодир.

Юкоридаги каби такрорлаш ишлари дарс мазмунини ўкувчиларнинг билимларини тиклаш хисобига бойитиш учун хизмат килади.

Мавзу билан боғламаган ҳолда такрорлаш ҳар дарсда маълум вакт ажратиб бажарилади ва ўзининг катта кўламлилиги билан ажралиб туради.

Чунончи, 5-7-синфларда ўтилган 400 дан ортиқ терминни хотирлашнинг уш мунтазамлиликни, салмокли иш турларини такозо этади. Ваҳолонки, терминлар билан бирга қоидалар, зарур бўлгандан, таърифлар, ифода поситалари ҳам эсга олиниши керак. 8-синфда синтаксис курсининг асосларини ўрганиш жараёнида морфологияга доир 5-7-синфларда ўтилган тушунчалар, ҳосил килинган кўникма ва малакаларнинг оз қисми мавзу билан боғланган ҳолда, аксарият қисми эса айни мавзулар билан боғланмаган ҳолатда такрорланади, қайтариш шу йўл билан гъаминланади. Бундай такрорлаш аналитик-синтетик фаолиятни такозо этади.

Маълум бўладики, 8-синфда дарслинка учрашига қараб 100 га яқин морфологик терминни такрорлаш имконияти мавжуд. Синтаксис бўлимларини тушунтириш ва ўргатиш жараёнида тилга олинмаган бошқа морфологик тушунчаларни такрорлаш мавзу билан боғланмаган ҳолда ташкил этилади. Бу ишда она тили ўқитувчиси жонбозлик кўрсатиши кераклиги ўз-ўзидан келиб чиқади.

8-синф «Она тили» дарслигининг 76-дарсида «Гап ургуси (мантикий ургу)» мавзуси ўтилаётган пайтда феъл шаклларини такрорлашга вакт лжратилиди. Ушбу тил материаллари охирги марта 52-дарсда ўкувчиларнинг хотирасига туширилганини назарда тутиб, бу гал уларни ҳам такрорлаш, ҳам нутқ амалиётида қўллашга эътибор каратилади. Бунда семантикага асосланган жадвалдан фойдаланиш лозим бўлади. Чунончи, феъл шаклларининг маънолари ҳақидаги жадвал дарсга олиб кирилади (2.2.2-жадвалга қаранг):

#### 2.2.2-жадвал

#### Феъл шаклларининг маънолари

Феъл шакли	Маъноси	Мисол
-са керак	Тахмин, чама маъносини билдиради.	Бугун ҳаво очик бўлса керак.
-(б)бўлади (бўлмайди)	Иш-харакатни бажариш мумкин ёки мумкин эмаслиги маъносини англатади.	Бу ишни эртага қолдириб бўлмайди.
...		

Жадвал асосида аввал гаплар, сўнгра матн тузиш ишлари бажарилади. Феъл шаклларининг ҳар бирига бадий асарлардан 1-2 тадан мисол топтириш, уларни ифодали ўқиш ўкувчилар нутқ маданиятини ўстиришга ёрдам беради.

Оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш жараёнида такрорлаш синтаксис ва морфология бўйича эгалланган БКМ ларни амалий зарурият билан хотирлаш тарзида кечади. Бунда ўкувчиларнинг оғзаки ёки ёзма

нүткідеги хатоларни ўтилган коидалар асосида тузатиш билан бөглиқ ишлар, шунингдек, ифода воситалари бойлиги устидаги юмушлар күзде тутилиши керак. Айни пайтда бу билимлар бойитилади ҳам.

Максус тақрорлаш якуний, умумлаштирувчи тақрорлашдан ҳажм жиҳатдан каттароқ материални қамраб олади. Якуний тақрорлаш бұлиб охирда ўтказилиб, шу бўлимда ўтилганлар доираси билан чекланса, максус тақрорлаш бир ёки бир неча синф доирасидаги ўтилганлар асосида ташкил этилади.

8-синф она тили дарсларида синтаксис курсини ўрганиш жараёнида морфологиядан 5–7-синфларда ўтилганларни тақрорлашдек маъсулиятли вазифа ўқитувчилардан ҳақиқий ахволни ўрганишни, янги педагогик технология тақозосига кўра таълим мазмуни ва методларига доир қурбига етган даражада изланишда бўлишни талаб киласди.

Морфология ва синтаксис ёнма-ён яшайдиган тил сатҳлари. Иккаласи матн яратиш коидаларини эгаллаш учун хизмат қилмоғи лозим.

Она тили дарсларида синтаксис курсини ўрганиш йўналишлари таҳлил килинди. Прагматикага, нутқ маданиятига эътибор камлиги кўрсатилди.

Она тили таълими мазмунида грамматик терминлар билан бөглиқ ютуқ ва камчиликлар аён бўла борди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, синтаксисга доир тушунчани англатища морфологиядан ўтилганлар тилга олинган холатларда морфологияни мавзу билан бевосита боғлаб тақрорлаш (табии тақрорлаш) имконияти туғилади. Одатда ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида янги мавзуни ўрганиш кайси морфологик тушунчаларга асосланишига эътибор бермоғи лозим. Бунда ўқувчиларнинг ушбу тушунчаларни ифодаловчи терминларни унуган-унутмаганликларини чамалаб кўради ёки илгариги йиллардаги кузатишлари асосида баҳолайди. Терминлар яхши ўзлашиб кетган ёки ўзлашмаган (унутилган) бўлиши мумкин. Шубҳасиз, яхши ўзлашган терминлар (масалан, от, сифат, сон, феъл ва б.) тақрорлашни талаб этмайди. Ўзлашмаган (унутилган) терминлар (олмош, равиш, кўмакчи ва б.) янги мавзуни тушунтиришдан олдин эсга олиниши керакки, шу йўл билан ўқувчиларда янги дарсни англаш учун пухта пойдевор вужудга келтирилади.

Юкорида баён этилганлар асосида 5-синфда «Синтаксис ва пунктуация» бўлимини ўтилганларни морфологияни тақрорлаш юзасидан олиб бориладиган ишларни кўриб чиқайлик.

Бошланғич синфларда сўз туркumlари бўйича ўтилганларни тақрорлаш 5-синфда синтаксисга доир тушунчаларни онгли равишида ўзлаштириш учун замин яратади: ўқувчилар синтаксисга доир назарий

<sup>1</sup> Мирмаксудова М. Номи кўрсатилган диссертация.

мәйлумотларни морфологик терминлар туфайли тушунмасдан туриш кийинчилигидан халос бўладилар, машқ ва топширикларни тушуниб бажарадилар, нутқ ўстиришга доир кўрсатмалардан тўғри фойдаланишга ёришадилар.

Сўз туркумлари юзасидан олинган билимлар, ҳосил қилинган кўнилмаларни такрорлашда анъанавий усуллардан (саволларга жавоб бериш, берилган сўзларнинг сўроклари ва қайси туркумга мансублигини айтиш, таҳлил каби иш турлари) ташкари, ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилади.

Албатта, ўқитувчи савол ёки топшириқ бериб, ўқувчилар жавоб қайтаришлари ёки топширикни бажаришларини кутиш ва бунга эришиш сўзларнинг сўроклари ва қайси туркумга мансублигини эсга олиш имконини беради. Лекин бу жараёнда ўқувчи таълим обьекти бўлиб колаверади, мустақиллик намоён килмайди. Айрим ўқитувчилар ўқувчиларнинг бир-бирларига савол бериб, жавоб қайтаришлари усулидан ҳам кенг фойдаланадилар. Бунда саволлар ҳам, жавоблар ҳам ёд бўлиб кетади.

5-синф «Она тили» дарслигида тил ходисасини кузатиш, назарий маълумотни мустахкамлаш учун машклар ва топшириклар тавсия этилган. Ўқитувчи ана шу машқ ва топширикларни бажариш жараёнида берилган ёки тузилган гаплар асосида сўз туркумлари бўйича ўтилганларни такрорлаш юзасидан кўшимча иш турлари ташкил этиши фойдалидир. Бунда назарияни амалиёт билан (гапларни таҳлил қилиш, гаплар тузиш) боғлаш учун имконият туғилади.

Дарсларда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ўқувчиларни янада фаоллаштириш учун хизмат қиласди. Бунда бошлангич синфларда ёк таниш бўлиб кетган Кластер, Зиг-заг ва бошка усулларга мурожаат этиш кулайроқ. Бу усуллар Ҳ.Бокиеванинг «Ҳар дарсда ҳамкорлик» мақолосида бирмунча кенг ёритилган. Муаллифнинг баён этишига кўра<sup>1</sup>, Кластер усулида ўқувчилар дедуктив методга хос равишда якка тартибда ёки гурухларга бўлинниб ишлайдилар. Бунда уларга қуидаги умумий савол берилади: «Сўзларни маъноларига кўра қандай гурухларга бўлиб ўргандик?» Жавоблар қуидаги тартибда доскага ёзиб борилади<sup>2</sup>: Шахс. Нарса. Белги. Ҳаракат. Микдор.

<sup>1</sup> Бокиева Ҳ. Ҳар дарсда ҳамкорлик // Бошлангич таълим. – 2008. 2-сон. – 28-бет.

<sup>2</sup> Биз Ҳ.Бокиева тавсия этгани намунани сўз туркумларини такрорлашга мослаштириб ўзgartириб бердик.



Ҳосил бўлган тармоқланиш (тасниф) ўз навбатида кўрсатмалилик вазифасини ҳам бажаради.

5-синфда сўз туркumlарини такрорлаш умумлаштирувчи-такрорлаш усулида ташкил этилади. Бунда Зиг-заг усулини қўллаш ҳам маъқул қўринади. Ҳ.Боқиеванинг масалаҳат беришича, синф б қишидан иборат гурухларга бўлинниб, ҳар бир гурухдан бошқарувчи ажратилади. Бошқарувчи ўз гурухига берилган топшириқ (масалан, «Белгини билдирадиган сўз туркуми қайси?...») буйича аъзолар билдирган фикрларни тўлдириб, тартиба солиб туради. Гурухлар топширикни бажариб бўлгач, кайтадан гурухланади. Аввалги гурухдан ўтганлар ўзлари бажарган топшириқ асосида билгандарини ўткозлашадилар. Нихоят, такрорланган билимлар юзасидан тақдимот ўтказилади.

Дарсларда «Тез юрар», «Бешинчиси (олтинчиси,...) ортиқча» каби ўйинлар ташкил этилади. «Тез юрар» ўйини саволларга З сония ичida жавоб кайтариш шарти билан ўтказилади. Натижада ўқувчиларнинг назарий мушоҳадалари жадаллашади. Ўйиннинг аҳамияти шундаки, тил ҳодисасининг таснифий белгиларидан ташқари, қўлланиш хусусиятлари ҳам қамраб олинади.

Умумлаштириш-такрорлаш юзасидан олиб бориладиган ишларда тил ҳодисасидан нутқда фойдаланишга ундовчи машқларга ҳам ўрин ажратилади. Бунда машқ шартларида морфологик терминлар қатнаштирилади. Масалан, берилган гапларда отлардан олдин сифат келтириб ёзиш, берилган гаплардаги сифатларни бошқа сифатлар билан алмаштириб ўкиш, берилган гапларга сон кўшиб ўкиш ва кўчириш; берилган гаплардаги нотўғри ёзилган феълларни тўғри кўчириш ва бошқалар. Ўқувчилар от, сифат, сон, феъл терминларини билсалар, вазифани билиб бажарадилар.

Таҳлил машқлари ўқувчилардан мисоллар асосида сўз туркумларига доир терминларни мустақил равишда эслаб айтишни талаб этади. Бундай вазиятда терминни нутқда ишлиши учун имконият тутгилади. Масалан, берилган гаплардаги отларни аниқлаш ва уларнинг қайси келишикда эканлигини айтиш, келишик қўшимчасининг имлосини тушунтириш.

Баъзан сўз туркумларига доир терминлар асосида сайланма луғат диктанти ўтказиш мумкин. Бунда ўқувчилардан синтаксисга доир терминларни тушириб колдириш талаб этилади.

Хуллас, бошлангич синфларда сўз туркумлари бўйича ўтилганларни такрорлаш 5-синф ўқувчиларининг синтаксисга доир назарий маълумотларни морфологик терминлар туфайли тушунмасдан туриш кийинчилигидан халос этади, машқ ва топширикларни, нутк ўстиришга доир кўрсатмаларни тўғри бажаришлари учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Энди «Кесим» мавзусини ўрганиш жараёнида феъл ҳакида ўтилганларни такрорлаш юзасидан ўз мушохадаларимизни баён этамиз.

8-синф она тили дарсларида асосан содда гап синтаксиси ўрганилади. Ана шу жараёнда 5-7-синфларда морфология бўйича олинган билим, эгалланган кўникма ва малакаларни тиклаш, шу мақсадда уларни такрорлаш мухим ўрин тутади. Лекин методик адабиётларда кўпинча бундай мақсад кўйилмайди.

М.Омилхонова «Кесим» мавзусини ўтишда кесим ҳакида қуий синфларда ўрганилганларни такрорлаш ва кенгайтириш кераклигини айтиб, куйидагиларга тұхталишни тавсия килган:

- унинг феъл, сифат ва отдан ташқари, сон, олмош, равиш, ибора, ажралмас бирикма билан ифодаланиши;
- кесимнинг турлари: феъл кесим, содда феъл кесим, мураккаб феъл кесим;
- от кесим, содда от кесим, мураккаб от кесим ва уларнинг ифодаланиши;
- мураккаб кесим таркибида боғламанинг күлланиши;
- нутқда кесимнинг турларидан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, «Кесим» мавзусини ўтишда феъл ҳакида қуий синфларда ўрганилганларни такрорлаш ва кенгайтириш умуман кўзда тутилмаган.

«Кесим» мавзусига 2 соат ажратилган. Бу вақт ичида янги билимлар қатори феълга доир ўтилганларни хотирага тушириш ишлари хам бажарилмоғи даркор. Лекин феъл морфологиянинг энг катта бўлимлари сирасига киради. Зоро, ушбу мавзу кўлами кенг: терминлар хам, улар билан боғлик тушунчалар хам талай. Бу ерда феълнинг маъновий турухлари, бўлишли ва бўлишсиз феъллар, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, феъл замонлари, феъл нисбатлари, феъл майллари, феълнинг функционал шаклларидан харакат номи, феълнинг тузилишига кўра турлари каби тушунчалар эсга олиниши зарур бўлади. Лекин 2 дарс мобайнида буларни такрорлаб улгуриб бўлмайди, чунки такрорлаш ҳамма вақт БКМ ларни

<sup>1</sup> Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш.– Т., «Ўқитувчи», 1977.– 58-бет.

тиклаш, шу аснода қўшимча равища янги билимларни маълум қилиш тариқасида кечади.

«Кесим» мавзусини ўтишда феълга доир БКМ ларни тиклаб олиш учун меъёрлаш биринчи галдаги вазифа бўлиб майдонга чиқади. Чунки икки ўкув соати ичидаги феъл хақида 5-7-синфларда ўтилганларни тўлик тақорорла бултуришнинг сира ҳам иложи йўқ. Шунинг учун уларнинг бир қисми мавзудан олдин, бир қисми мавзуни ўтиш жараёнида, бир қисми кейинги мавзулар билан, масалан, бир бош бўлакли гаплар муносабати билан қайтариш мўлжалланмоғи мақсаддага мувофиқлар. «Кесим» мавзусини ўтишдан илгари тақорорлаш «истиқболли тайёргарлик»<sup>1</sup> тавсифида бўлади. Бунда феълга доир БКМ ларнинг бир қисмини тақорорлаш ишлари анча олдиндан бошланади. Натижада янги мавзу ўтиладиган дарсга меъёрланган қисми олиб қолинади. Бошкача айтганда, феъл хақида ўтилганларни тақорорлаш бир неча мавзу доирасида амалга оширилади. Мавзулар билан бу тарика боғлаш прогностика қилиш ва лойиҳалашга бориб тақалади.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида содда гап синтаксиси ўрганиш жараёнида 5-7-синфларда морфология бўйича олинган билим, эгалланган кўникма ва малакаларни тиклаш, шу мақсадда уларни тақорорлаш ишларини маромлилик, меъёрлилик, узлуксизлик, узвийлик асосида режалаштириш, лойиҳалаш мухим ўрин тутади.

### **2.3. Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияга доир билим, кўникма ва малакаларни тақорорлашнинг шакл, восита, метод ва усувлари**

Таълим бериш самарадорлиги узоқ ўтилганларни дарсда ва дарсдан ташқари тадбирларда вакти-вакти билан қайтариб бориш жараёнида фойдаланиладиган метод ва усувларнинг нечоғлик мақсаддага мувофиқ ва тўғри танланишига боғлиқлар. Танланадиган метод ва усувлар тақорорлашдан кўзда тутиладиган мақсад ва вазифаларга бориб тақалади. 8-синфда морфологик тушунчалар синтаксис юзасида ўрганиладиган мавзулар доирасида лисоний мушоҳада юритиш, яъни лингвистик фаолият кўрсатиш учун зарур бўлади. Бунинг учун ўкувчилар морфологияга доир терминларни тушунишдан ташқари, улардан ўз таҳлилий нутқларида фойдалана олишлари лозим. Сўз (термин) маъносини, қоида мазмунини тушуниш рецептив нутқий фаолиятга хос бўлса, ёд олиш даражасида эслаб қолинган назарий маълумотларни савол-жавобларда номустакил ишлатиш репродуктив нутқий фаолиятни ифода этади. Мустакил яратилаётган нутқ маҳсулида, аникроғи, назарий

<sup>1</sup> Лисенкова С.Н. Ўқиши осон бўлганда // Педагогик изланиш. – Т., «Ўқитувчи», 1990. – 81-бет

мушоҳада юритиши чоғида термин ва қоидаларни ишлатиш эса маҳсулдор, ижодий нуткий фаолиятни билдиради. Такрорлаш метод ва усуллари ана шу нуткий фаолият орқалигина тил ҳодисалари устидаги ишларни ўкувчилар фаоллигига ташкил этиши имконини бериши мумкин.

Она тили дарсларида ўтилганларни такрорлашда қуидаги метод ва усуллардан, иш турларидан фойдаланилади.

Янги мавзу юзасидан бериладиган назарий маълумотда тилга олинган морфологик термин-түшунчаларнинг таърифини, таснифий белгиларини **эслатиш**. Бу усул тил ҳодисасини ўкувчилар хотирасига тушириш мақсадини кўзда тутади. Масалан, сўз биримаси билан кўшма сўзнинг фарқини англатишга бағишлиган дарсда ўкувчилардан кўшма отлар (кўшма сифатлар ва бошқа сўз туркumlари) ҳакида нималарни билишлари сўралади, уларнинг имлоси ҳакида гапириб бериш талаб этилади, мисоллар топтирилади. Ўқитувчи айтилган фикрларни умумлаштиради.

**Машқ ёки топшириқни бажсариши.** Ушбу усулда дарсда ўкувчилар хотирасига туширилган тил ҳодисасини машқ материаллари орасидан топши, аниқлаш, изохлаш, таҳлил қилиш каби юмушлар адо этилади. Масалан, 8-синф «Она тили» дарслигидаги 112-машқда шеърни ифодали ўқиш, феъл кесимларни аниклаб, қайси грамматик шаклда эканлигини айтиш сўралган. Ўкувчилар «лол қолган», «териб келган», «айтиб берган» феълларини аниклаб, уларнинг ўтган замон феъли шаклида эканлигини таъкидлайдилар, тузилишини (кўшма феъллар эканлигини) изохладайдилар.

**Савол ва топшириқлар устида ишилаш.** Ушбу иш тури энг кенг тарқалгани саналиб, ундан деярли ҳар бир дарсда фойдаланилади. Бунда кўпроқ таърифлар, таъриф асосида терминлар эсга олинади, баъзида гина қоидалар текширилади. Масалан, «Қайси туркум сўzlари билан ифодаланган кесимлар от кесим хисобланади?», «Гап эгаси қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?» каби.

**Тестлар.** Тестлар ўкувчиларнинг морфологик терминларни, морфологик шаклларни, ифода воситаларининг маъноларини қанчалик билиш-бilmасликларини ялпи текшириш имконини беради.

**Морфологик таҳлил.** Ушбу метод ўкувчиларнинг тил ҳодисаси ҳакида олган тизимли билимларини аниқлаш ва тўлдириш учун хизмат қилади. Масалан, *ақлли* сўзи таҳлил қилинади экан, ўкувчи унинг сифат сўз туркуми эканлиги, маъносини, ясама эканлигини, шунга кўра ҳам нисбий сифат саналишини, қайси сўзга боғланишини, гапдаги вазифасини айтади.

**Ўйинлар.** Бугунги кунда «Ақлий хужум» ва бошқа кўпгина ноанъанавий, ўйинли усуллар кўлланмокда (Улар ҳакида ишимизнинг биринчи бобида тўхталиб ўтганмиз.)

Такрорлаш метод ва усулларини танлаш ва дарсда кўллаш конкрет тил ҳодисаси, унинг ўкувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасига боғлик.

И.А.Зимняя фаолиятнинг ички курилиши ҳақида гапириб, ҳаракатни фаолият бирлиги, унинг хужайраси деб, операцияни эса ҳаракатни амалга ошириш усули, мөхияти деб талқин қилади<sup>1</sup>. Бунда қайси фаолият усулидан фойдаланиш маъкул эканлиги ўкувчилардан сўраб аникланади, охирида ўқитувчи бу ҳақдаги ўз хулосасини маълум қилади. Бундай тартиб ёшларда ўқиб ўрганиш учун мотив пайдо қилади, уларни ўzlари бажармоқчи бўлган аклий меҳнат усуллари тўғрисида ўйлаш, бу усулларни такомиллаштириб бориш сари ундейди.

Аклий ва нуткий фаоллик нуткий фаолият замиридагина юзага чиқади. Она тили дарсларида бу нарса таҳлил қилинаётган тил ҳодисаларини изоҳлаш, ўзига хос хусусиятлари билан боғлик айрим ҳолатларни тушунтириш, уларнинг кўлланиши юзасидан далиллар келтириш, хулосалар чиқариш, тилнинг бой имкониятларини ифода этувчи бирликларни қайдлаш ва улардан нутқ маҳсулини яратиша ўринли фойдаланиш ҳақида ўйлаш ва амалий ҳаракат қилишда яккол намоён бўлади.

Берилган мисоллар орасидан бирор тил ҳодисасини топиш, аниклаш, ажратиш талаб этилган машқ шартида морфологик термин акс этиб, у ташқаридан (дарслик муаллифи ёки ўқитувчи томонидан) киритилади. Бундай иш турларида терминни шунчаки кўриб туриб ёки эшишиб тушуниш, яъни рецепция жараёни кечади. Рецепция жараёнида ўкувчи терминни англайди, лекин шароит тақозо этмагани учун оғзаки ёки ёзма нутқида ишлатмайди.

Ўқитувчи савол бериб, ўкувчилар жавоб кайтаргандарига саволдаги сўзларни, жумладан, морфологик терминни такрорлаб айтиш, яъни репродукция жараёни кечади. Ушбу жараёнда талаффуз механизmlари ишга тушади, холос.

Ўкувчилар бир-бирларига ўзлашиб кетган саволларни бериб, жавоб олганларида ҳам шундай бўлади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, тил ҳодисасини изоҳлаш, тушунтириш жараёнидагина мустақил аклий ва нуткий фаоллик намоён бўлади.

Энди қайси метод ва усулларни кўллагандага ана шундай фаолликка эришиш мумкинлигини бирма-бир кўриб чиқиш зарур бўлади.

Ўқитувчининг баёни методи кўлланган дарсда ўкувчилар пассив тингловчига айланадилар. Сухбат методида эса ўқитувчи савол берувчи, ўкувчилар эсда олиб қолинган гаплар билан жавоб берувчилар ролида қатнашадилар.

Осон қоидаларни дарсликдан мустақил ўкиш жараёнида ўқиб идрок этиш, яъни рецепция (идрок этиш), қоидани гапириб бериш – репродукция

<sup>1</sup> Зимняя И.А. Педагогическая психология. Изд. 2-е, доп. и перераб. – М., Логос, 2003. – С. 41–45.

(кайта ифода этиш) устун туради. Бу ерда аклий фаоллик нисбий, нуткий фаоллик йўқ дараражада бўлади.

Машк бажариш ва шу машк асосида индуктив ёки дедуктив йўл билан хулосалар чиқаришда ўкувчиларда аклий ва нуткий фаоллик кузатилади, лекин ушбу жараёнда улар етарлича мустакил бўлмайдилар. Чунки ўқитувчининг йўл кўрсатиш мақсадидаги саволлари бунга етарли имкон бермайди.

Ўқитувчининг муаммоли саволлари ўкувчиларни ўйлашга, излашга ундаиди. Бу ерда аклий фаоллик ортади. Бир-икки ўкувчининг жавоби эса синфнинг нуткий фаоллигига путур етказади.

Модулли таълим кадамлар шаклида бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи ўзининг муаммоли ёки оддий саволлари билан ўкувчиларни мақсад сари йўналтиради. Аён бўладики, бунда ҳам ёшлардаги аклий фаоллик юкори бўлиб, нуткий фаоллик нисбий бўлади.

Турли хил беллашувларда кўпинча ўкувчилар маълум тайёргарлик асосида эслаб қолинган савол ва жавоблар билан қатнашадилар. Бунда билимлар синови содир бўлади. Қувноклар ва зукколар клубида гурух аъзолари ўртага қўйилган саволга ўз жавоб варианtlарини таклиф этадилар, уларни мухокама киладилар. Ушбу жараён иштирокчиларнинг нуткий фаоллигига ўтади. Лекин эътироф этиш керакки, бундай беллашувлар кўпинча таниш тил ҳодисалари асосида ташкил этилади. Бинобарин, жавоблар илгари ўрганилган назарий маълумотларни эслаб айтиш тариқасида бўлади.

Ноанъанавий усууллар сирасидаги блиц ўйинида ҳам гурухлар маълум топширик оладилар ва уни ўз аъзолари билан биргаликда бажарадилар. Лекин бу ерда нуткий фаоллик жуда оз намоён бўлади.

Кластер ўйинида кўпроқ сўзлар (терминлар) устида ишланади.

Тахлил турларида ҳам баъзан репродуктив нуткий фаолиятга яқинлашувчи, баъзан мустакил назарий мушоҳада юритишини талаб этувчи ҳолатлар мавжуд бўлгани учун такрорлашнинг самарали методлари сифатида талқин қилиниши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай илмий тушунча билиш натижаси сифатида пайдо бўлади. Масалан, Е.С.Антонова тушунтирганидек<sup>1</sup>, тилшунос матндан тил фактларини кузатади, ушбу фактлар асосида тил ҳодисалари ўртасидаги алокадорликларни аниклайди, зиддиятли ўринларни ажратади, айrim қонуниятларни ажратади, тушунча (таъриф) шаклидаги хулосани шакллантиради, тил ҳодисасига ном беради (термин билан атайди). Болаларга тадқиқотчи ролини таклиф этиб, дарсда тадқиқ этиш вазиятини вужудга келтираётган ўқитувчи ҳам шу йўлдан боради.

<sup>1</sup> Антонова Е.С. Как организовать исследование на уроке русского языка. 2007. С. 3–8.

«Ёш тилшунос олим» ўйинини ўйнаётган ўкувчилар тил ҳодисасини кузатиш асосида англаш кийин бўлган жиҳатларини ўқитувчидан сўрайдилар, ўз тахминларини ўртага ташлайдилар ва ниҳоят, тўпланган маълумотлардан таъриф ёки коида гузадилар, яъни уларни билим ҳолига келтирадилар: аввал тил бирликларидағи умумий томонларни ва фарқларни топадилар, тушунчанинг мухим белгиларини аникладилар, умумлаштирадилар ва холоса чиқарадилар, яъни таърифни айтадилар. Келтириб чиқарилган холосани навбатдаги босқичда дарсликдаги таъриф билан таққослаш ўкувчиларда ўз кучига бўлган ишончни мустахкамлайди, бу ҳол уларни беҳад руҳлантиради. Бошқача айтганда, тадқиқот олиб бориш методи татбик этилганда ўкувчилар ақлий ва нутқий жиҳатдан фаол иштирок этадилар, улар тил ҳодисаларини кузатиш асосида таъриф ва коидаларни «кашф этиш» фаолияти билан шуғулланадилар.

Бу ўринда Е.С.Антонованинг куйидаги холосаси ўринли: «Ўкувчилар ўзларининг нутқий баёнларини – харакатларини англаб етиш учун дарс давомида рефлексив тўхтамлар қиласидилар ва алгоритмга тушаётган «қадам» лари – усуllibарини қайдлаб борадилар. Ушбу харакатлар алгоритми моҳиятнан лисоний таҳлил саналади. Шундай қилиб, лисоний таҳлил «кимдир ўйлаб топган» эсдалик бўлмай, ўкувчиларнинг дидактик материал билан олиб борган реал харакатларининг табиият натижасидир. Улар тайёр режанинг англанмаган моддалар тўпламини ёдда олиб қолмайдилар, балки нутқий намуналар билан ишлаш усулини эслаб қоладилар<sup>1</sup>. Мавзуни тақрорлашда ушбу усул ақлий ва нутқий фаоллик асосида билимларни тез ва сифатли ёдга келтириш жараёни ва имконини тезлаштиради.

Тадқиқот олиб бориш методи кўпроқ индуктив кечади ва бугунги кунда узлуксиз она тили таълими жараёнига сингиб кетган индуктив методнинг туб моҳиятини ифода этади.

Хуллас, узлуксиз она тили таълими сифати ва самарадорлигини оширишда, хусусан, 8-синфда содда гап синтаксисини ўрганиш жараёнида морфологияни тақрорлашда фойдаланиладиган метод ва усуllibар ўкувчиларнинг ақлий ва нутқий фаоллигини таъминламоғи, нутқий фаолиятнинг маҳсулдор, ижодий тури билан характерланмоғи даркор.

Бир катор руҳшунослар (С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, кейинроқ А.А.Смирнов, Е.Н.Кабанова-Меллер, Н.А.Менчинская, Л.М.Шварц ва б.) Л.С.Виготский илгари сурган фаолият концепцияси нутқай назаридан туриб фаолиятни амалга оширишда, хусусан, ўкув масалаларини ечишда ўкувчи фойдаланадиган усулга шу фаолиятнинг бир бўғини сифатида қараш керак деган холосага келганлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Номи кўрсатилган мақола, 3-бет.

<sup>2</sup> Богоявленский Д.Н. Повторение как совершенствование умственной деятельности учащихся // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы). Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. - С. 10.

«Ақлий хужум», методист олима М.Абдураимованинг таъкидлашича, ўкувчиларга мустакил фикрлаш имконини берувчи усул бўлиб, бунда савол, тоширик ёки муаммо ўтилган ёки янги ўзлаштирилаётган мавзу бўйича ўртага ташланади<sup>1</sup>. «Танқидий фикрлаш», кичик гурухларда ишлаш усуллари баҳс-мунозара жараёни билан боғланади.

8-синфда умуман она тили, хусусан содда гап синтаксисини ўрганиш муваффакияти маълум даражада ўкувчилар морфологиядан қуи синфларда олинган билим, ҳосил қилинган қўникма ва малакаларни қандай ўзлаштирганликлари, ўтилган материалларни қай савияда эслаб қолганликларига боғлик. Чунки, бир томондан, ўқитувчи илгари ўрганилган мавзуларни ўкувчилар хотирасида тиклаб туриш ҳакида доимо қайғуришига тўғри келади, иккинчи томондан, ёшлар янги синтактик бирликлар билан танишиш чоғида морфологик тушунчаларга дуч келадиларки, таъриф ва қоидалар шу тушунчаларга таяниб баён қилинади. Бундан ташқари, назарий мушоҳадалар пайтида морфологик терминлар билан иш кўрилади.

8-синфда морфологиядан қуи синфларда олинган билим лар, ҳосил қилинган қўникма ва малакаларни тўлиқ такрорлашдан кузатилган асосий мақсад шундан иборатки, содда гап синтаксиси билан морфологик тушунчаларга таяниб кенгрок ва чукурроқ танишишни таъминлаш, иккинчидан, ўтилганларни ўкувчилар хотирасида тиклаш борасида 7-9-синфлар оралиғида юзага келадиган узилишни йўқотиб, она тили таълимидағи узлуксизликка эришиш мумкин.

Хар бир синфда такрорлаш дарсларида билимларни таснифий тизимларга солиб ўзлаштиришнинг яхлит жараёни сифатида таҳлил турларидан фойдаланилади. Лекин 8-синфда таҳлил, жумладан, морфологик (сўз туркumlари ёки бирор сўз туркуми бўйича) таҳлил ўтказиш ўз кийинчиликларига эга. Чунки мазкур иш тури ёрдамида бир, икки, ҳатто уч ўкув йили муқаддам ўтилган мавзуларни, шу мавзулар орқали олинган билимларни, ҳосил қилинган қўникмаларни такрорлаш тақозо этилади. Лекин 8-синфда она тили ўқитиши методикасида ушбу муаммо етарлича ишлаб чиқилмаган<sup>2</sup>. Морфологик таҳлилни ташкил этиш учун, аввало, сўз туркumlари бўйича нималарни такрорлаш қераклигини ўқитувчининг ўзи аниқ тасаввур қилиши, ўкувчилар уларни қайсиdir манбалар ёрдамида эслашлари зарур. Тўғри, 5-7-синфлар «Она тили»

<sup>1</sup> Abduraimova M. va b. Ona tili. 8-sinf o qituvchi metodik qo'llanmasi. – T.: Cho'lpox nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. – 6–7-бетлар.

<sup>2</sup> Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. – Т., «Ўқитувчи», 1977; Обучение русскому языку в 8 классе: Метод.указания к учеб.: Пособие для учителя / В.В.Бабайцева, Г.К.Лидман-Орлова, Ю.С.Пичугов и др.; Под ред. В.В.Бабайцевой. – З-е изд., испр. и доп.– М., «Просвещение», 2001; Никитина Е.И. Повторение курса русского языка в VIII классе // Повторение на уроках русского языка (сб.ст. из опыта работы): Пособие для учителя. – М., «Просвещение», 1978. - С. 56–79.

дарсликларининг электрон вариантлари ўқитувчининг ҳам, ўкувчиларнинг ҳам меҳнатини енгиллаштириши мумкин эди.

Тахлил пайтида қайси морфологик тушунчалар қамраб олинмаётганлигини белгилашда 5–7-синфлар «Она тили» дарсликларида тақдим этилган билимлар ҳажмидан келиб чикишимиз керак. Бундан ташқари, 5–7-синфлар она тили давлат таълим стандарти талабларини ҳам назарда тутиш лозим. Масалан, 5–7-синфлар она тили давлат стандартида ёрдамчи сўзларнинг маъновий гурухларини ўрганиш кўзда тутилган, шу синфлар «Она тили» дарсликларида ҳам мавзулар ажратилган. Демак, 8-синфда уларни ўкувчиларнинг хотирасига тушириш шарт.

Шундай қилиб, машқлар асосида ёки улар доирасидан ташқарига чиққан ҳолда тўлик тахлил ўтказиш учун ўқитувчи ҳам, ўкувчилар ҳам у ёки бу мавзу (морфологик категория) бўйича ўрганилган материаллар ҳажми хақида етарлича аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Масалан, от юзасидан тахлил ўтказиш пайтида (яхлит бир концентр) шу сўз туркуми бўйича ўтилганларнинг ҳаммасини ёдга тушириш даркор.

Зоро, тахлил турлари орқали ўкувчилар ўзбек тили грамматикаси бўлимлари ҳақида бир бутун тасаввурга эга бўладилар, шунингдек, ёш тилшуносларга хос лингвистик тахлил малакаларини эгаллайдилар. Ўкувчиларни лингвистик тахлил усувлари билан куроллантириш она тили ўқитишининг асосий максадларидан бири экан, бу йўналишдаги ишлар узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик асосида амалга оширилмоғи лозим.

5-синф «Она тили» дарслигига<sup>1</sup> мавзуларни тақрорлаш учун асосан тахлил қилиш усули тавсия этилган: 43-, 48-машқларда (48-машқнинг 2-топшириғида) эга, кесимни топиб тагига чизиш; 45-, 46-, 47-, 61-, 62-машқларда чизмалар тайёрлаш, ёки факат чизма берилиб, шу асосда гап тузиш топширилади. 91-, 92-машқларда мустақил ва ёрдамчи сўз туркumlарини аниклаш, 146-машқда ўзак ва қўшимчаларни аниклаш, чизмасини тайёрлаш керак бўлади.

6-синф «Она тили» дарслигига эса<sup>2</sup> сўз таркиби юзасидан тахлил 27-, 29-, 30-, 31-машқларда кўлланилса, 35-машқда феълларнинг хосил бўлиш усулига кўра турларини; 54-машқда феъл нисбатларини, 408-машқда равишларни маъновий гурухларга ажратишни, 436-машқда отларни, 442-машқда сифатларни, 444-машқда қўшма сифатларни ясалишига кўра, 451-машқда сўз туркumlарига ажратиш жараённida тахлил қилиш усувлари кўлланилади.

<sup>1</sup> Ona tili: Umumiyot taʼlim mabʼublarining 5-sinfi uchun darslik / Mual. N.Mahmudov, A. Nurmonov, A.Sobirov va boshq. – T., «Maʼnaviyat», 2004.

<sup>2</sup> Ona tili: Umumtaʼlim mabʼublarining 6-sinfi uchun/ N.Mahmudov, A.Nurmonov, A.Sobirov, O.Nabiyeva.— T., «Tasvin» nashriyot uyi. 2005.

7-синф «Она тили» дарслигидаги<sup>1</sup> 7-машқнинг 3, 4, 5-топширикли-рида ўзак ва кўшимчаларга белги қўйиш орқали таҳлил килиш, 9-машқда феъл нисбатларини ажратиб жадвалга солиш; 21-машқда сифатларнинг грамматик шаклларини аниклаш, 114-машқда чизмага қараб гап тузиш ва гап бўлакларининг сўз туркумларини аниклаш, 113-машқда сўз туркумларини аниклаш, 162-машқда от-кесимни топиб, таҳлил килиш топширилади.

Такрорланадиган таълим мазмунига қатъий амал қилган холда таҳлил машқлари ташкил этилади. Бунда морфологик таҳлил бирор бир категорияга мансуб тил ҳодисасини (бутунни) қисмларга (ички бўлиннишларига) ажратиш, тил фактларини текшириш асосида таснифий тартиби келтириб чиқариш ва яна яхлитлаш жараёнини ифода этади. Ана шу жараёнда тушунчаларнинг илгаридан маълум, гоҳо ҳали ўрганилмаган кирраларини мустақил равишда тадқиқ этишга доир билим ва малакалар (изланиш усули) ҳам шакллантирилади.

Бундан ташқари, морфологик таҳлил сўз туркумлари юзасидан олинган билимларни мажмуавий такрорлаб бориш имконини беради, бирор морфологик категорияга кирувчи тил ҳодисасининг содда гап синтаксиси билан алоқадорлигини англаш, фарклаш ва белгилари ҳакида яққол тасаввур уйғотиш учун хизмат қилиши керак. Шунингдек, ўкувчилар морфология билан синтаксис бўлимлари орасидаги таснифий чегара хусусида аник тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Тўлиқ таҳлилга тил ҳодисасининг тоифавий белгиларини ҳам, уларнинг нутқ амалиётида қўлланиш хусусиятларини ҳам очиб берадиган коидаларни жалб этиш орқали эришилади. Чунки таҳлил грамматик терминлар ва коидаларни ўкувчилар хотирасида тиклашга ёрдам берибгина колмай, текширилаётган ёки тузилаётган гап, яратилаётган матн ёрдамида тил ҳодисаларининг қўлланишини ҳам эсга солиш имконини беради.

Такрорланадиган билимлар сирасида таърифлар ўзига хос ўрин тутади. Бизнингча, ўкувчи термин англатган тушунчани билмай қолган тақдирдагина таърифни эсга олади, яъни аксарият ҳолатларда уни маҳсус тақрорлашга зарурият сезмайди.

Л.А. Тростенцова морфологик таҳлилнинг моҳиятини куйидаги тарзда очиб берган: «Амалда дарсларда биз шуғулланадиган морфологик таҳлил (тўлиқ, қисман, сайланма) тушунчага келтириш амали хисобланади. Биз тақлиф этган ёндашувнинг амалдагидан фарки шундаки, биринчидан, ўкувчилар ҳар бир конкрет сўз туркумини ва унинг морфологик белгиларини янги, улар ҳали бажара олмайдиган таҳлил усулини изчил эгаллашга эмас, балки истаган сўз туркумини ва истаган морфологик

<sup>1</sup> Ona till: Umumta'lim mabitablarining 7-sinfi ucun darslik / N. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sobirov va boshq. – T., «Ma'naviyat», 2005.

белгини дархол тасниф қилишга ўрганишлари керак; иккинчидан, ўқитувчи ҳам, ўкувчилар ҳам, афтидан, у ёки бу сўзнинг қайси сўз туркумига мансублиги, унинг морфологик белгилари нималар эканлигини аниглаш учун қандай ҳаракат қилиш зарурлигини билиб олишлари лозим<sup>1</sup>. Аён бўладики, морфологик таҳлил моҳияттан тасниф билан шугулланишдан иборат. Таҳлил, бир томондан, таълим бериш, яъни тақрорлашни амалга ошириш, иккинчи томондан, назоратни йўлга кўйиш имконини беради.

8-синф она тили дарсларида қўйи синфларда олинган билим, кўникма ва малакалар турли йўллар билан тақрорлаб, назорат қилиб борилади. Бунда анъанавий усуллар (ялпи савол-жавоб, морфологик таҳлил ва б.) ва ноанъанавий усуллар (саёҳат, ўйинлар...) кўлланади. Лекин бу ишларда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларидағи бўшликларни назарда туттган холда аник бир морфологик тушунчаларни тақрорлаш кўпинча мақсад қилиб куйилмайди, аксарият ҳолатларда сўз туркумлари умумий тарзда кайтарилади.

Она тили дарсларида тақрорлаш мақсадлардан бири бўлса, ўтилганларни сўраш, назорат қилиш ана шу мақсадга етиш йўлида бир восита саналади. Лекин тан олиш керакки, тақрорлаш, сўраш, назоратни режали ўтказиша муайян кийинчиликлар мавжуд. Бу кийинчиликлар қуидагиларда ўз аксини топади: 1) нимани тақрорлаш, сўраш, назорат қилиш кераклиги аник мўлжал қилиб олинмайди; 2) назоратни амалга оширишдаги иш усуллари ҳам кўп эмас.

Одатда, ўқитувчилар морфологиядан қўйи синфларда нималар ўтилганлигини билганлари холда тақрорлашни шулар доирасида узоштиришни олдиндан режалаштирамайдилар, натижада тақрорлаш ҳам, назорат ҳам (баъзан тестлар асосидаги синовлар ҳам) тасодифий савол ва топшириклар ёрдамида ташкил этилади.

Тақрорлаща «Она тили» ДТСи талабларини ҳам назарда тутиш лозим. Унда БКМ лар сирасида тушунчаларни (масалан, мустакил сўз туркумларини ёрдамчи сўзлардан, отни сифатдан, морфологик тушунчаларни синтактик тушунчалардан ва б.) ўзаро фарқлай олиш алоҳида эътибор билан таъкидланади<sup>2</sup>.

Тақрорлаш, назорат ишларини амалга оширишдаги иккинчи жиҳат бу ишларни қандай усуллар ёрдамида бажаришдир. Одатда, дарсда узок ўтилганларни тақрорлаш, сўраш, назорат қилиш бир хил усуллар орқали ташкил этилади.

<sup>1</sup> Тростенцова Л. А. Обучение русскому языку в школе ТС0 как целенаправленный процесс (морфологический аспект).— М., «Педагогика», 1990. — С. 61.

<sup>2</sup> Давлат таълим стандартига шарҳ: Она тили // Умумий ўрга таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқудастури. · Таълим тараккиёти. Ахборотнома, I-максус сон. — Т., «Шарю», 1999. 52–53-бетлар.

Ўтилганларни тақрорлаш оғзаки ва ёзма, якка ва жамоавий (ялпи), жорий ва якуний, тигизлаштирилган ёки сайланма бўлиши мумкин. Г.А.Богданованинг фикрича, тақрорлаш турларини мохирлик билан кўшиб олиб борадиган, яъни ўқувчиларнинг БКМ ларини доимий назорат остига оладиган ўқитувчилар она тили таълимида юкори сифат натижаларига эриша оладилар<sup>1</sup>.

Одатдаги савол-жавоблар (бундай савол-жавоблар Ш.Юсупова тавсия этганидек, «Тез юрар», «Бу бизники» каби ўйинлар, айрим методист олимлар маъкул кўраётган «Ақлий хужум» каби иш турлари кўринишида бўлиши ҳам кузатилади) кўпинча дуч келган мавзулар асосида ўтади, режалилика деярли амал килинмайди. Тўғри, баъзан суҳбат мавзуси айтиб кўйилади. Лекин ўқувчилар томонидан бериладиган саволлар орқали мавзунинг қайси жиҳатлари эсга олинаётганига эътибор кам қаратилади. Энг ёмони, баъзан ўқитувчи ўзи савол берганда, айни биладиган болалар фаол бўладилар.

Якка тартибдаги назоратда (уй вазифасини сўрашда) эса асосан доска олдида 2-3 ўқувчининг жавоби тингланади. Бу пайтда ўтирганлар нофаол бўлади. Г.А.Богданованинг фикрича, буларнинг ҳаммаси ўқитувчига хар бир ўқувчининг реал билим савиясининг объектив манзарасини бера олмайди<sup>2</sup>.

Аслида, 8-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг куйи синфларда морфология бўйича олган БКМ лар савиясини мунтазам равишда ҳисобга олиб бу соҳадаги бўшлиқ, буш ва заиф томонларни аниқлаш ва ўз вактида бартараф этиб бориши мақсадида ўқувчиларга тегишли кўрсатмалар бериб туриш, айрим ўқувчиларга якка тарзда топшириклар ҳавола қилиш лозим. Ана шундай назорат чогида, Г.А.Богданованинг таъкидлашича, баъзан ўқувчилардаги хато мушоҳадалар ҳам кўзга ташланиб колади<sup>3</sup>. Тақрорлаш орқали бу хатолар ҳам бартараф этилади. Ўқувчиларнинг билимлари, қўнималари ва малакалари ҳақида аник тасаввурга эга бўлмай туриб иш усулларини танлаш, таълимни индивидуаллаштириш, юкори самарани таъминлаш мумкин эмас.

Дарсда тақрорлаш, назорат маҷбурият остида эмас, балки ўқувчиларнинг ўз билимларини синаш истаги билан ўтказилгани мақсадга мувофиқдир. Бунга эришиш учун эса бир-икки дарс олдин морфологиядан ўтилган мавзуларнинг қайси жиҳатлари, қайси қўнишка ва малакалар эсга олиб келиниши кераклиги маълум қилиб кўйилади. Назорат норасмий тарзда ташкил этилса, ўқувчиларнинг фаоллиги ортади.

Нихоят, тақрорлаш, назорат ишлари ўқувчиларнинг морфологиядан ўтилганлар юзасидан монологик тарзда фикр баён қилиши кўринишида ҳам

<sup>1</sup> Богданова Г.А. Опрос на уроках русского языка: Кн. для учителя: Из опыта работы. – М., «Просвещение», 1989. – С. 3.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

ташкыл этилгани маъкул. Бунда болаларнинг лисоний нутки чархланади, терминлар фаоллашади, ўқувчиларнинг фикрлаши тартибли бўла боради. Бунинг учун уларда доимий меҳнат қилиш керак деган тушунча ҳам қарор топади.

8-синфда содда гап синтаксисини ўрганиш жараёнида морфологиядан олинган БКМ ларни такрорлаш метод ва усуллари 5-7-синфларда фойдаланиладиган такрорлаш метод ва усулларидан бирмунча фаркланади. Афуски, 8-синфда такрорлашни ташкил этиш ва ўтказишга доир методик қўлланмалар ва тадқиқот ишларида асосан шу синфда содда гап синтаксиси бўйича ўтилган мавзуларни такрорлаш масалаларигина ишлаб чиқилган, синаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни такрорлаш масалалари эса кам ўрганилганлигича қолиб кетмоқда.

Морфологик тушунчалар 5-7-синфлар мобайнида ўрганилса-да, бу даврда ушбу тушунчалар билан танишиш ишлари синтаксис асосида олиб борилади. 8-синфда морфологияни синтаксис асосида ўрганишга нисбатан қарама-қарши жараён: синтаксисни морфологик тушунчаларга таняиб ўрганиш жараёни кечади. Агар 5-7-синфларда морфологияни синтаксис асосида ўрганиш ва такрорлаш жадаллик билан борса, 8-синфга келиб бу жадаллик сўнади, 9-синфдагина она тилидан давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўриш муносабати билан қайта куч олади.

Шундай килиб, 8-синфда морфологик тушунчаларни такрорлаш куйидагиларга кўра тақозо этилади:

- 1) бўш ўзлаштирилган, қисман унуглилган морфологик тушунчаларга асосланган назарий маълумотларни тушуниш;
- 2) ўқувчиларни синтактик ҳодисалар ҳакида мустақил мушоҳада юритишида морфологик тушунчалар билан иш кўришлари;
- 3) ўқувчиларнинг она тилидан олган БКМ ларни давлат таълим стандарти талаблари даражасида ривожлантириш;
- 4) ўқувчиларнинг 9-синфда давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўришларида узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;
- 5) 5-7-синфларда морфологиядан олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Ўтилганларни такрорлашда ўқитувчилар кейинги йилларда ноанъанавий, интерфаол усулларга устувор аҳамият бермоқдалар. Кузатишларнинг кўрсатишича, мазкур метод ва усуллар асрлар бўйи амалиётда текшириб кўрилган билимларни ўзлаштиришнинг яхлит жараёни сифатидаги грамматик таҳлилнинг, жумладан, морфологик таҳлилнинг ўрнини тўлиғича боса олмайди. Ушбу жараённинг моҳияти у ёки бу морфологик категория бўйича ўрганилган материални содда гап синтаксиси билан чамбарчас аллокадорликда тўлиқ қамраб олишнинг таъминланишида намоён бўлади. Ноанъанавий, интерфаол методлардан

фойдаланганда эса ўқувчилар бўш ўзлаштирган, ўзлари учун «кийин» морфологик тушунчаларни чеглаб ўтишга ҳаракат киладилар.

Морфологик таҳлилдан фойдаланиш масалалари 5-7-синфларда она тили ўқитиши методикасида, яъни морфологиянинг ўзини ўрганиш муносабати билан муфассал кўриб чиқилган. М.М.Мирмахсудованинг диссертацион тадқикот ишида грамматик таҳлилнинг изчиллик, осондан кийинга, оддийдан мураккабга, танишдан нотанишга қараб бориш принципларига асосланган қўйидаги турлари ажратилган:

- 1) бир кичик мавзу доирасидаги қисман таҳлил;
- 2) икки-уч кичик мавзу доирасидаги қисман таҳлил;
- 3) йирикроқ мавзу доирасидаги қисман таҳлил;
- 4) мавзувий гуруҳ (мустакил сўзлар, ёрдамчи сўзлар ва б.) доирасидаги тўлиқ таҳлил;
- 5) йирик мавзулар (морфология, лексикология, синтаксис каби) доирасидаги тўлиқ таҳлил;
- 6) бўлимлараро, сатҳлараро аралашиб тирадаги қисман таҳлил;
- 7) бўлимлараро, сатҳлараро аралашиб тирадаги тўлиқ таҳлил<sup>1</sup>.

8-синфда морфологик таҳлилни қўйидагилар муносабати билан ўткизиш мумкин:

- 1) 8-синф дарслигига берилган машқлар;
- 2) дарсликда берилган машқларга таянган (лекин улардан четга чиқмаган) ҳолда;
- 3) ўрганилаётган мавзу материалларидан узилган ҳолда.

8-синф «Она тили» дарслигидаги<sup>2</sup> аксарият машқлар синтактик тушунчани тушунтириш учун зарур бўлган морфологик терминларни, сўз туркумининг тури, маъноси ва гапдаги вазифасини тилга олиш мазмунидаги таҳлил учун имкон беради.

Масалан: 9-машқ, 2-топшириқ. Матндаги мустакил сўзларни туркумларга ажратинг ва ўзи боғланган сўз билан биргаликда кўчириб ёзинг.

Агар ушбу машқ доирасидан ташқарига чиқилмаса, чекланган морфологик тушунчаларни (мустакил сўз туркумлари, яъни от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш терминлари) такрорлаш мумкин. Башарти мазкур терминлар 2-синфдан бошлаб ўрганилиш ҳолати хисобга олинса, уларни 8-синфда такрорлашнинг ҳожати йўқ.

14-машқ. Берилган гаплардаги ёрдамчи сўзларни аниқланг, уларнинг қайси сўз билан боғланганини, қандай маъно ифодалаетганини ва гапда қандай вазифа бажараётганини тушунтиринг.

<sup>1</sup> Мирмахсудова М. Номи кўрсатилган диссертация, 86-бет.

<sup>2</sup> Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T., Cho'lpion nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uy, 2006.

Бу машқда эса ёрдамчи сўзларнинг учаласи (кўмакчи, боғловчи, юклама) тилга олинади, маънолари, гапдаги вазифаси эсга туширилади. Ёрдамчи сўзларнинг маъновий гурухларигина такрорланмайди. Машқ аралаш типдаги тұлғык таҳлилгә яқинлашади.

Отни морфологик белгиларига кўра текширишда куйидаги режага амал қилиш лозим бўлади:

1. От – сўз туркуми.

2. Турдош ёки атоқли от эканлиги.

3. Маъновий гурухлари:

–турдош отларнинг маъновий гурухлари;

–атоқли отларнинг маъновий гурухлари;

–отнинг конкрет ёки мавхум маъно ифодалаши.

4. Луғавий шакллари:

–сон шакллари;

–келишиклар;

–эгалик кўшимчалари;

–отларнинг бошқа шакллари.

5. Отларнинг тузилишига кўра турлари.

6. Отнинг синтактик вазифаси.

Бундай режаларга амал қилиш ўкувчиларнинг лингвистик фикрлашини тартибга солади, ҳар бир морфологик категория ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларнинг яққол бўлишини таъминлайди.

Айрим гаплар мисолида:

«Жаннат хола шошиб йўлакка югурди» гапидаги йўлакка сўзини ўкувчилар куйидаги тартибда морфологик таҳлил қилишлари мумкин:

Йўлакка – йўлак – от, турдош от, ўрин-жой маъносини англатади;

Отлар аник от ва мавхум отга бўлинади. Йўлак – аник от.

Йўлакка - бирлик сонда; жўналиш келишигига; сўз к ундоши билан тугагани учун -га кўшимчаси -ка шаклида кўшилган;

Отлар содда, кўшма, жуфт ва такрорий бўлади. Йўлак–содда от.

Гапда ҳол вазифасида келган.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, айрим синчков, изланувчан ўкувчилар йўлак сўзини ясама от деб изоҳлар экан, бунда -ак от ясовчи кўшимчасини ҳам ажратадилар.

Шубҳасиз, бир гапда от юзасидан ўтилганларнинг ҳаммасини бирваракай такрорлашнинг иложи йўқ. Шунинг учун ўқитувчи морфологик тушунчаларни бекаму кўст қамраб олишни таъминлаш учун маҳсус ажратилган гаплар мисолида морфологиядан ўтилган у ёки бу бўлимни тўлиқрок такрорлашни режалаштириши мақсадга мувофиқдир.

Ўкувчиларни келгусида ўzlари бажарадиган лингвистик таҳлилга тайёрлаш мақсад қилиб олинадиган бўлса, таҳлилни айрим олинган гаплардан ташқари, кичик-кичик матнлар асосида ўтказган ҳам маъкул.

Таҳлил пайтида қайси морфологик тушунчалар қамраб олинмаёттанилигини белгилашда 5-7-синфлар «Она тили» дарсلىкларида тақдим этилган билимлар ҳажмидан келиб чиқишишимиз керак. Бундан ташкари, 5-7-синфлар она тили давлат таълим стандарти талабларини ҳам назарда тутиш лозим. Масалан, 5-7-синфлар она тили давлдат стандартида ёрдамчи сўзларнинг маъновий гурухларини ўрганиш кўзда тутилган, шу синфлар «Она тили» дарсلىкларида ҳам мавзулар ажратилган. Демак, 8-синфда уларни ўқувчиларнинг хотирасига тушириш шарт.

Шундай килиб, машқлар асосида ёки улар доирасидан ташкарига чиқкан ҳолда тўлиқ таҳлил ўтказиш учун ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам у ёки бу мавзу (морфологик категория) бўйича ўрганилган материаллар ҳажми ҳақида етарлича аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Масалан, от юзасидан таҳлил ўтказиш пайтида (яхлит бир концентр) шу сўз туркуми бўйича ўтилганларнинг ҳаммасини ёдга тушириш даркор.

Ўрганилган билим ҳажмини аниклашда бир неча хил қийинчилик туғилади:

1. 5-7-синфларда морфологиядан, хусусан, от сўз туркумидан нималар (қайси терминлар) ўтилганини аниқ билиш.

2. Қайси терминлар ўқувчиларнинг ёдида эканлиги, қайсиларини унугтганликлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

3. 8-синф «Она тили» дарслигидаги қайси машқ асосида морфологик таҳлил ўтказилса, терминларни тўлиқрок қамраб олиш мумкинлигини билиш.

4. Унугтланган терминлар кўп бўлса, дастлабки таҳлилда уларнинг қанчасини қамраб олиш мумкинлиги ва бошқалар.

8-синфда морфологик таҳлил содда гап синтаксисини ўрганиш жарапёнида амалга оширилгани учун ҳам кўпинча ўтилаётган синтактик тушунчани аниклашдан морфологияга қараб борилади. 56-машқ бунга мисол бўла олади. Бу ерда аввал сўз бирикмалари кўриб чиқилади, ҳоким ва тебе сўзлар ажратилади, шундан кейин ифодаланиши изоҳланади.

Ўқитувчи морфологик тушунчаларни бекаму кўст қамраб олишни таъминлаш учун бирор гап мисолида морфологиядан ўтилган у ёки бу бўлимни тўлиқ такрорлашни режалаштиради, бунинг учун тўлиқ таҳлил ўтказишга ҳаракат қиласди.

Тўлиқ таҳлил ўтказиш 5-7-синфларда қайси ҳажмдаги билимлар ўрганилганлиги билан боғлик. Таҳлил ушбу ҳажмдан камрок асосида ўтказилса, такрорлашнинг кисман бўлишига олиб келади. Ушбу ҳажмдан ошириб юборилса, яъни янги (5-7-синфларда ўрганилмаган) тушунчалар жалб этилса, кўшимча қийинчиликлар уйғотади, оқибатда ўқувчиларнинг кизиқишилари ва фаоллиги пасаяди, амалга оширилган морфологик таҳлилга қўйиладиган баҳога таъсир этади ҳамда уларнинг ушбу муҳим иш турида катнашишга бўлган иштиёқини йўқка чиқаради.

Шундай килиб, 8-синфда ноанъанавий, интерфаол методлари қатори ўтказиладиган морфологик таҳлил содда гап синтаксисини ўрганиш жараёнида морфологиядан олинганд БКМ ларнинг бор ҳажмини ўкувчилар хотирасида тиклашда мухим ахамият касб этади.

Булардан ташқари, 8-синфда морфологияни такрорлаш ишларини қайси савияда ташкил этиш кераклиги масаласини ҳал этишда биринчи навбатда уларга бўлган эҳтиёж нималарда намоён бўлишини ҳам ҳисобга олмок лозим: 1) морфологик тушунчани (терминни) англашга бўлган эҳтиёж; 2) нутқий вазифаларни ҳал этишда морфологияга доир таъриф ва қоидалардан фойдаланиш эҳтиёжлари.

Номаълум морфологик тушунчага эга бўлган таъриф ва қоидани тушуниш учун морфологик тушунчани (терминни) англаш биринчи даражали рол ўйнайди. Уларни такрорлашда бугун ноанъанавий методлар, интерфаол усулларга устувор ахамият берилмоқда. Назаримизда, булар қатори амалиётда текшириб кўрилган анъанавий метод ва усулларга, хусусан, билимларни ўзлаштиришнинг яхлит жараёни сифатидаги морфологик таҳлил ўтказишга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

### **Боб юзасидан хуносалар**

Синтаксисга доир мавзуларни ўтишда морфологияга доир терминларни, шу терминлар билан боғлик тушунчаларни, энг мухими, нутқ ўстириш учун хизмат қиласидиган қоидаларни ўкувчилар хотирасида тиклаб туришнинг ўз қийинчиликлари бор. Бу кийинчиликларни куйидагича гурухлаш мумкин: синтаксисга доир тушунчалар билан танишиш, уларни ўзлаштириш юзасидан бажариладиган ишларнинг кўп вақт олиши; 8-синф «Она тили» дарслигига синтаксисга доир мавзулар таркибида (машк, топширик, «Билиб олинг» рукни остидаги маълумотларда) айрим морфологик терминларни ҳам такрорлаш зарурлиги; машк ва топширикларда морфологияга доир терминларни эслаб айтиш вазифаси бор бўлса-да, уларни ёдга олишни такрорлаш жараёни билан боғлаш ўқитувчилардан алоҳида маҳорат талаб этиши.

Она тили дарслари йил бошидан режалаштирилади (моделга солинади), лойиҳаланади, натижалари мўлжалланади, ташҳис оркали мақсадга қай даражада эришилганликни назорат килиш ўз ифодасини топади.

## **З-боб. СИНТАКСИСНИ МОРФОЛОГИЯ БИЛАН БОГЛАБ ҮРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

### **3.1. Морфологияни синтаксис мавзулари билан бевосита ва бавосита боглаб тақрорлашга доир нутқий машқлар тизими**

Синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологиядан 5-7-синфларда олингандар билимларни тақрорлаш ва ўқувчилар хотирасида тиклашга самарали равишда муваффак булишнинг ўзи бу ишлардан кутилган широрвард мақсадга эришиш, тадқиқот олдида турган муаммоларни тўлиқ ҳал этиш учун кифоя қила олмайди. Аслида морфология синтаксис юзасидан бериладиган назарий маълумотларни аниқ ва түғри тушунишдан ташкари, биринчи навбатда оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш учун хизмат килиши даркор. Ўқувчилар нутқини ривожлантирумасдан, тилимизнинг бой имкониятларини улар нутқига олиб кирмасдан туриб якуний мақсад саналмиш нутқ маданиятини кутилганидек шакллантириш қийин. Шунга кўра ҳам тадқиқот олдида турган навбатдаги вазифа синтаксисни ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини *морфологик воситалар билан бойитиш* муаммоларини кўриб чиқишдан ва ҳал қилишдан иборат деб ҳисобладик.

Она тили дарсларида тил ходисаларини ўрганиш орқали ўқувчилар нутқини ўстириш масалалари М.Асқарова, Н.Махмудов, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, Р.Абдулаҳатова, Р.Иногомова, Р.Қаюмова, А.Сайфуллаев, Б.Мирзахмедов, Ф.Азизов, Ш.Юсупова, Н.Сатторова, Н.Йўлдошева, Н.Шукруллаев, Т.Зиёдова, И.Тошев, Х.Курбонова, М.Мирмаҳсудова, Т.Юсупова, Ш.Йўлдошева ва бошқа бир катор методист олимларнинг тадқиқот ишларида, методик қўлланмаларида ёритилган, айрим илмий мақолаларда кўриб чиқилган. Шубҳасиз, нутқ ўстириш деганда, ўқувчиларнинг сўз ва ифода воситалари бойлигини ошириш, гап тузиш кўнимкамларини ривожлантириш, боғланишли нутқ ўстириш, матн яратишга ўргатиш кабилар тушунилади.

Маълумки, ҳалк таълимининг ривожланиши жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа омиллари ва шарт-шароитлари билан белгилаб берилади. Йирик олима И.А.Зимняя таълим соҳасидаги туб ўзгаришлар унинг маданият билан кўпроқ алокадор эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Бундай ёндашув ўзбек методист олимлари томонидан ҳам

<sup>1</sup> Зимняя И.А. Педагогическая психология. Изд. 2-е, доп. и перераб. – М., Логос, 2003. – С. 41-45.

ишлиб чиқилган. Она тили ўқитиш концепциясига кўра умумий ўрта таълим босқичи нутқ маданиятини шакллантириш босқичи деб эътироф этилганлиги<sup>1</sup>, дарсларда нутқ маданиятини ўстиришга бунчалик катта аҳамият қаратилаётганлиги ёшларнинг умумий маданий камолотини таъминлаш зарурияти билан изоҳланади.

Одатда, ҳар бир инсоннинг нутқи тилнинг қонун-қоидаларини хис этиш, яъни тил ҳисси асосида амалий ривож топади. Бу жараён одамлар орасида фикр баён қилишдаги, мулоқотдаги ўз ютукларидан қувониш, фикр ифодалашдаги хатолар туфайли муваффакиятсизликлардан қуюниш тарзида кечади. Профессор Н.Махмудов таъкидлаганидек, «Сўзга ошуфталиқ, сўзнинг остини ҳам, устини ҳам кўра олишга интилиш, нутқнинг латифлигидан, нутқдаги сўзларнинг фавқулодда уйғуналигидан завқланиш, она тилида таъсирили нутқ айта олувчига, хитобат санъати соҳибига айрича ҳавас билан караш ўзбекнинг азалий урфларидандир»<sup>2</sup>. Ана шу ҳавас ўкувчини ҳам сўз санъатини эгаллаш сари ундейди. «Гап билмаслик» эса давраларда кишининг яккаланиб колишига, кўпроқ сукут сақлаб ўтиришга сабаб бўлгани учун ҳам нутқий нўнокълик сабаблари хақида ўйлашга мажбур этади. Айрим болаларнинг мактабгача таълим муассасасида узок вакт нутқий нофаол бўлиши, оиласда кам гапириши, мактабда она тили дарсларида кўпроқ гапириш, мулоқотда бўлиш тарзидаги нутқий машқларга эътибор ва имкониятнинг камлиги, бошка ўкув фанларида айрим ўкувчиларнинг янги мавзуни ўзлаштирмаганлик, билимларни эгаллашдаги қийинчиликлар туфайли сўзлаб бериш топширикларидан ўзини олиб қочиши каби ҳолатлар ёшларнинг бундан кейинги хаётида ўзининг салбий асоратини намоён этиб туради. Шунинг учун ҳам ўкувчиларни ўзидаги яхши гапира олмаслик билан боғлик камчиликларни тузатишга, яхши гапириш эҳтиёжини хис этиш вазиятига тушириб, ўқиб-ўрганишга интилиш пайдо қилиш лозим. Тили байрон болаларга, тенгдошларига этиб олиш истагида ўз нутқини ўстиришга бўлган ҳаракатлар бирданига самара бера қолмайди. Равон, чиройли сўзлаш учун йиллар, узоқ машқлар керак.

Г.В.Ейгернинг таъкидлашича, «Нутқ равон, қийинчиликларсиз амалга ошганда, тил ҳисси англашган ҳолда намоён бўлмайди. Лекин нутқий механизмда тўсиқ – товуш, сўз, сўз бирикмасини талаффуз қилиш қийинчилиги, сўз танлаш, гап тузишда, идрок этилаётган элементларни таний олишда қийинчилик пайдо бўлиши биланок бу механизм сўзли элементлар мантикий муносабатларидан изтироб чекиш қўринишида амал кила бошлайдики, бу нарса баъзан жумла тўғри чиқмаган ҳолатларга дуч келганда ўзидан қаноатланмаслик эмоционал реакциясида ифода

<sup>1</sup> Ўзбек мактабларида она гили таълими концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. - № 1. - 8-13-б.

<sup>2</sup> Махмудов Н. Тил. – Т., «Ёзувчи», 1998. – 3-бет.

төпиди»<sup>1</sup>. Бундай ҳолат таъсирчан сўзлаётган нотиқни тинглаётгандага ҳам содир бўлади: тингловчи ўзи шундай сўзлай олмаслигини билган ҳолда афсус-надоматлар чекади. Аксинча, чиройли нутқ уни ҳамиша ром этиб келади.

Нутқ маданиятининг эгалланиши тўғри сўзлаш, керакли сўз ва ибораларни тез ва тўғри танлаш, жумлада ўринли ишлатиш, мазмундор ва таъсирчан сўзлаш билан боғлиқ нутқий фаолиятнинг юзага чиқариб турилишига боғлиқ. Киши ўз сўз бойлигини ошириш, чиройли жумлалар тузиш ҳакида қанча кўп ўйласа ва шунга эришиш йўлидаги фаолиятида ўз нутқига қанча кўп сайқал бериб борса, унинг мулоқот маданиятида ижобий ўзгаришлар яққол сезила бошлайди. Лекин ҳамма ҳам чиройли гапириш маҳоратини эгаллайвермайди. Тўғри, равон, сухбатдошини бирор нарсага ишонтириб гапириш малакасини эгаллаш эса қўпчилик орасидаги мулоқотнинг асосий шартидир. Ишонтириб, мантиқий асосли килиб сўзлаш эса ўз навбатида, фикрлар жараёнининг мантиқий жиҳатдан тўғри кечишига боғлиқ.

Ўқувчида чиройли сўзлаш учун эҳтиёж бўлиши керак. «Оптимизация речевого воздействия» китобида нутқий фаолият, амалий ҳаракат ва нутқий эҳтиёж ўртасидаги фарқлар куйидагича очиб берилади: «Фаолият таркибида нутқ ҳаракат ўрнини эгаллайди. Бинобарин, нутқни яратиш усули, яъни операция пировардида фаолиятнинг содир бўлиш шарт-шароитларига алоқадор ҳамда яна такрор фаолиятда намоён бўладиган бевосита мулоқот шароитига боғлиқдир. Шу боисдан, ниҳоят, эҳтиёж – бу нимагадир муҳтожлик, инсонга ўз фаоллигини оширишга туртки берувчи нарса, эҳтиёж инсоннинг хар кандай фаолияти замирида ётади.Faолият назарияси тушунчасини нутққа нисбатан татбиқ этиб чиқариш мумкин бўлган энг муҳим хулоса – бу нутқнинг бевосита мақсадгагина эмас, балки мотивга – нутқий мақсадга кўра эришиш кутилган муддаога эга эканлигидир»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам киши тўғри сўзлашдан ташқари, таъсирли қилиб, нимагадир ишонтириб гапиришга интилади. Бунда унинг ўзлигини, сўзлашдан кўзлаган мақсадини бошқалар олдида намойиш қилиш ҳакида ўйлади.

Ўқувчиларнинг нутқий камолоти кўп жиҳатдан она тили дарсларининг тўғри, самарали ташкил этилишига боғлиқ. Эътироф этиш керакки, оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш масалаларига эътибор кучайтирилган ҳолда янгиланишга юз тутган она тили таълими мазмунида янги билим, кўнікма ва малакалар силсиласида уларни такрорлаш ҳам амалий йўналишда ташкил этилиши кераклиги, нутқ маданиятини янада ривожлантиришга ҳисса бўлиб кўшилиши зарурлиги ўз-ўзидан аён

<sup>1</sup> Ейгер Г.В. Механизмы контроля языковой правильности высказывания. – Харьков, «Основа», 1990. – С. 12–13.

<sup>2</sup> Оптимизация речевого воздействия. – М., «Наука», 1990. – С. 12.

ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам дарслар мазмунини режалаштиришдаёк (ёки дастур талабларини белгилаш чоғидаёк) амалий йўналганлик, ўқувчилар нутқини бойитиш сари қаратилганликка бўлган эътибор кучаймокда. Ана шундай йўналишни «Обучение русскому языку в 8 классе» қўлланмасида (Ю.С.Пичугов тайёрлаган бўлимда) кўриш мумкин. Унда нутқ ўстириш ишлари дарсликнинг назарий маълумотлари, машқлари асосида дарслар бўйича режалаштириб чиқилган<sup>1</sup>.

8-сinf она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқини синтактик курилишлар билан бойитиш нутқ ўстириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири саналади. Синтактик курилишлар икки жиҳатдан муракаблашиб боради: 1) содда гап синтаксисига доир курилишлар; 2) гап бўлагининг ифодалиниш хусусиятлари.

Бизнингча, 5-9-синфлар она тили дарсларида синтаксис ва у билан боғлиқ ҳолда морфология шундай изчилликда ўрганилиши керакки, бу изчиллик ўқувчилар нутқининг тўғрилигини, равонлигини, мантиқий талабларга жавоб беришини таъминлаган ҳолда улар нутқини синтактик курилиш жиҳатдан дарсдан дарсга бойитиб, нутқ маданиятини, ёшларда маданиятлиликка ҳамоҳанг равиша миллий маънавиятни шакллантириш имконини берсин. Бунинг учун 5-7-синфларда морфология билан боғлаб синтаксисни шунчаки тилга олиш, 8-9-синфларда эса синтаксис билан боғлаб морфологияни шунчаки такрорлаш эмас, балки таълимнинг ижтимоий жамият, институт сифатидаги вазифаси ҳам амалга ошсин. Зоро, она тили таълимида босиб ўтилган йўлга бир назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, жамиятнинг барча соҳаларида бўлгани каби ҳалқ таълимида туб ислоҳотлар бошлаб юборилди. XX асрдаги индустрιал жамиятдан индустрιалдан кейинги, жадал ахборотлашаётган, миллий маънавият тарбияси устувор бўлган жамиятга ўтиш жараёнига қадам қўйилди. Бугунги кунда ҳалқ таълими давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, унга ижтимоий институт деб қараладиган бўлди.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, она тили дарсларида ҳар бир ўқувчининг оғзаки нутқини ўстириш машқларига ҳам етарли ўрин ажратиш лозим. Бу ишлар фанларни интеграциялаш асосида бошқа ўқув фанлари дарсларида ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Она тили дарсларида ўқувчилар турли хилдаги мавзуларда бир эмас, бир неча жумла билан оғзаки ҳикоялашни, бунда нутқий равонликни намоён этишни машқ қилишлари керак. Даствор тутилиб-тутилиб, тўхтаб-тўхтаб сўзлайдиган болалар бора-бора кутилган даражага

<sup>1</sup> Обучение русскому языку в 8 классе: Метод.указания к учеб.: Пособие для учителя / В.В.Бабайцева, Г.К.Лидман-Орлова, Ю.С.Пичугов и др.; Под ред. В.В.Бабайцевой. – 3-е изд., испр. и доп.– М., «Просвещение», 2001. – С. 143-155.

чириша бошлайдилар. Бундай машкларни ўтказишининг асосий шарти ҳаголар, узокроқ ўйлашлар учун ўкувчини койимаслиқдир.

Албатта, ҳар бир дарсда синфда ўтирганларнинг ҳаммаси оғзаки баёнда иштирок эта олмайди. Лекин ўқитувчи бу жараённи режа, аввалдан тузиб чиқилган рўйхат асосида бошқариб бориши мумкин.

Хуллас, она тили дарсларида ҳар бир ўкувчини ўзидағи яхши гапира олмаслик билан боғлиқ камчиликларни тузатишга, яхши гапириш оҳтиёжини хис этиш вазиятига тушириш, шу мақсадда бошқа иш турлари катори оғзаки ҳикоялашга ҳам муносиб ўрин ажратиш даркор.

Она тили дарсларида ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш, уларни матн яратишга ўргатиш ишлари нутқ маданиятини эгаллаш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Бу жараён қўпинча матн асосида морфологиядан ўтирганларни такрорлаш орқали синтактик курилмалар табиатини англаш, морфологик жиҳатини яна ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ўрганиш, шу йўл билан боғланишли нутқа доир ўз билимларини бойитиш мазмунида кечади. Ваҳолонки, алоҳида олинган гапларда ана шу мазмуний яхлитликни, боғланишлиликни кузатишнинг иложи йўқ даражада.

Юқорида айтилган мақсадларни рўёбга чиқаришда, дастлабки тажрибалар тасдиқлаганидек, амалдаги 8-синф «Она тили» дарслигидаги матнлардан ижодий фойдаланиш, уларга доир топширикларни бирмунча мураккаблаштириш мумкин. Зеро, матннинг тузилишини ўрганиш тил ходисаларини матн таркибida, боғланишли нутқда ишлатилган ҳолатида яққол кузатиш имконини беради. Матн яратишнинг ўз ўрганиш объектлари бўлганидек, матннинг синтактик курилишини, морфологик ифодаланиш жиҳатларини ўрганишнинг ҳам ўз объектлари бор. Ушбу объектлар ундаги мазмуний бутунликнинг талаби билан тил ходисаларини танлаб ишлатиш хусусиятларига бориб тақалади.

«Обучение русскому языку в 8 классе» кўлланмасида Ю.С.Пичугов томонидан тавсия этилган режалаштириш асосида<sup>1</sup> биз 8-синф «Она тили» дарслиги имкониятлари доирасида морфология билан боғлиқ ишларни кўйидаги тартибда қайта мўлжаллаб ишлаб чиқдик, баъзи мавзуларда кенгрок тавсиялар беришга ҳаракат килдик.

Сўзларнинг ўзаро боғланиши мавзусида сўз қўшилмаси ҳақида айтиб ўтилган. Ўқитувчи нутқ ўстириш мақсадида сўз қўшилмасининг хосил бўлишидаги кам ўрганиладиган усуllibарига ҳам тўхталиши мумкин. Масалан: *келди-ю, кетди; ...*

23-дарсда «Сўз бирикмаси ва қўшма сўз» мавзуси ўтилади. Дарсликда мавзу юзасидан берилган машқ материалларида ўкувчиларни сўз

<sup>1</sup> Обучение русскому языку в 8 классе: Метод.указания к учеб.: Пособие для учителя / В.В.Бабайцева, Г.К.Лидман-Орлова, Ю.С.Пичугов и др.; Под ред. В.В.Бабайцевой. – 3-е изд., испр. и доп.- М., «Просвещение», 2001. – С. 143–155.

бирикмаси ва қүшма сүзни бир-бираидан фарқлашга ўргатиш асосий максад килиб олинган. Бунга сабаб сифатида Д.Анданиёзованинг қуидаги хулосасини келтириш мумкин: «Күшма сүзлар худди сүз бирикмасига ўхшаш усул билан ясалади. Ҳатто компонентлар орасидаги синтактик боғланиш ҳам тарихан иккаласида ўхшаш»<sup>1</sup>. Дарслидаги мисолларда асосан қўшиб ёзиладиган қўшма сүзлар келтирилган. Бу ерда бир нечта кичик-кичик матн танлаб, шу матнлар таҳлилида ажратиб ёзиладиган қўшма сўзларни, шунингдек, жуфт ва такрорий сўзларни, қисқартма отларни ҳам бериш; уларнинг сўз бирикмасидан фарқини англишидан ташқари, гаплардан бир кисми қўшма сўз билан ифодаланган сўз бирикмаларини топтириш; шу колипдаги сўз бирикмалари туздириш, гаплардаги ажратилган содда сўзларни қўшма сўзлар билан алмаштириш, қўшма, жуфт, такрорий сўзлар, қисқартма отларни қатнашириб аввал сўз бирикмалари, сўнгра гаплар туздириш талаб этиладиган машклар бажаришни қўшимча равишда тавсия этган бўлардик. Бу каби машклар ўкувчилар нутқини ўстириш учун хизмат килади, сўз бирикмаси тушунчасини яна ҳам чукурроқ ва кенгроқ англашларига ёрдам беради.

28-дарсда «Сўз бирикмаси ва турғун боғланма» мавзуси юзасидан, 23-дарсда бўлганидек, ўрганилаётган тил ходисаларини ажратиши, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқни тушунтириш; берилган сўзларни аввал сўз бирикмаси, сўнг турғун боғлама сифатида қўллаб, гаплар тузиш, никоят, 82-машқ шартига кўра гаплардаги сўз бирикмаларини аниқлаш, бунда турғун боғланмаларнинг сўз бирикмасида бир сўз (бўлак) сифатида келаётганига аҳамият бериш талаб этиладиган машклар ҳавола килинган.

Нутқ ўстириш вазифаларига кўра 82-машқ шартини бирмунча кенгайтириш зарурга ўхшайди: ўкувчилардан берилган гапларда «турғун боғланма – сўз», «сўз – турғун боғланма» қолипли сўз бирикмаларини аниқлаш ва ажратиб ёзишини сўраш; матнда ишлатилган турғун боғланмани сўз билан алмаштириш; матндан ажратиб кўрсатилган сўзни ибора билан алмаштириш; ёзма ишлардаги турғун боғланмани ишлатишга доир ҳатони топиш ва тузатиш; бирор мавзуда матн тузиш ва унда турғун боғланмаларни ишлатишни сўраш фойдалидир.

82-машқда келтирилган гаплардан қуидаги турғун боғланмали сўз бирикмалари ажратилади: эти бориб суюгига ётишган им; шарти кетиб, парти қолган им; тарвузи қўлтишидан тушиб кириб келди; қокъсан қозикдек қотиб қолдим; оғизига талқон согандай ўтироди; роса пўстагимни қоқишиди. «Меҳмон жойига ўтироди-ю, аммо кўнгли жойига тушмади» деган 5-гапда «кўнгли жойига тушмади» турғун боғланмаси якка қўлланган, шунинг учун

<sup>1</sup> Анданиёзова Д. Сўз бирикмаси ва қўшма сўзнинг айрим ўхшаш ва фарқли жиҳатлари // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар (Республика илмий-амалий анжумани матераллари). II кисм. – Т., ТДТУ, 2006. – 44-бет.

сўз бирикмаси ажратилмайди. (*Меҳмон сўзига боғланиш учун бу сўз -нинг шаклида такрор ишлатилиши ёки ўрнида унинг сўз келиши керак.*)

82-машқ муносабати билан шуни ҳам эслатиш жоизки, «чиқиб келди», «кириб келди» каби қумакчи феълли бирикувлар ҳам сўз бирикмасида бир сўз ўрнида кўрилади. Мавзу юзасидан берилган маълумотда бу масала ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Нихоят, сўз бирикмаси синонимияси устида ишлашни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маънодошлиқка эътибор бериш мумкин. Масалан, маънодош сўзлар, тузилиши ҳар хил бўлган сўзлар, сўз ва турғун ибора маънодошлиги, келишик қўшимчаси билан қумакчи маънодошлиги кабилар устида олиб бориладиган ишлар пировардида ўкувчилар нутқини ўстиришда катта натижалар беради. Шунингдек, маънодош сўз бирикмалари маъноларини изоҳлашга ҳам вакт ажратиш лозим бўлади.

Тасвирий ифодаларни ҳам турғун боғланмалар билан тенглаштирган холда бир сўз ўрнида кўриш мумкин. Ўқитувчи юкоридагиларга қўшимчা равишда тасвирий ифода қатнашган гапларни сўз бирикмаларига ажратиш ва бошқа машқ турларини оз-оздан синфда ёки уй вазифаси сифатида бажартириш мумкин. Зоро, бундай машқлар ҳам нутқ ўстириш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

32-дарсда сўз бирикмасини таҳлил қилиш намунаси келтирилган. Унда ҳоким сўз ва тобе сўзнинг кайси сўз туркуми билан ифодаланганини изоҳланг деган жумла ҳам бор. Бу ерда сўз бирикмасидаги қисмларнинг турғун боғланма, тасвирий ифода, ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар, жуфт ва тақрорий сўзлар билан ифодаланишини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Кичик-кичик матнлардан фойдаланиш ўкувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстиришга хизмат киласди.

33-37-дарсларда гап, гапнинг ифода мақсадига ва тузилишига кўра турлари; 39-40-дарсларда солда гап ҳақида маълумот, гапнинг бўлакларга ажратилиши ўрганилади ва мустахкамланади. Ушбу жараёнда, табиийки, ўкувчиларга гап тузиш топшириб турилади. Бунда улардан таъсирчан ва мазмундор гаплар тузишни талаб этиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

41-дарсда «Кесим ва унинг ифодаланиши», 42-дарсда «Феъл кесим ва от кесим», 43-дарсда «Содда кесим ва мураккаб кесим», 44-дарсда «Мураккаб от кесимларнинг турлари», нихоят, 45-дарсда «Кесимнинг бирикмалар ва иборалар билан ифодаланиши» мавзулари ўтилади. 131-машқ боғдан келсанг, тоғдан келади; юлдузни бенарсон уради; айбини бўйнига олган эмиши; кўнглига қилинган сизмайди ибораларини кесим вазифасида қўллаб гаплар тузиш шартига эга. Нутқ ўстириш мақсадида шунга қўшимча равишда иборалар топиб ишлатиш талаб этилгани маъқул. Шунингдек,

<sup>1</sup> Бундай гаплар тузиш билан боғлик айрим муаммолар А.Эргашеванинг илмий мақолаларида ёритилган [Қаранг: 177; 178; 179].

кесимнинг тасвирий ифодалар билан ифодаланишига ҳам ўрин ажратиш жоиз. Кесим ибора билан ифодаланганда кандай услубий бўёқ касб этишига эътиборни тортиш жоиз бўлади.

Бадиий матнда хозирги-келаси замон феъли ўтган замонда бўлиб ўтган воқеалар тасвирида ишлатилиши мумкин. Масалан, «Ахийри Қаҳҳор ўтмиш ҳакидаги бу китобни ёзди ҳам. Лекин асар факат ўтмиш ҳакида эмас. Сўнгги боблар адаб болалигининг коронги миңтақаларига ёруғ нур бўлиб киради» парчасида («Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» китобидан, 12-бет) киради феъли хозирги-келаси замон шаклида, лекин у ўтган замон маъносини англатади. Феъл замонларининг бу тарзда кўчишини факат матнлар оркали кузатиш мумкин.

Мураккаб кесимли гаплар тузиш машқлари ҳам ўқувчилар нутқини грамматик шакллар ҳисобига бойитиш имконини беради. Дастрлаб мураккаб от кесимли гаплар устида иш олиб борилади. Бунда «ҳаракат номи + керак (зарур, лозим, даркор)» бирикмасидаги от кесимларга алоҳида эътибор берилади. Мураккаб от кесимли гаплар устида ишләётганда боғламали ва боғламасиз гаплар мазмуни устидан кузатиш ишларини олиб борган маъкул.

Мураккаб феъл кесимлар сирасида кўмакчи феълларнинг хизмати ўзига хос. Кўмакчи феълли бирикувлар семантик ва функционал жиҳатдан энг бой тил ҳодисалари сирасига киради. Д.Сайдованинг «5–7-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини кўмакчи феъллар билан бойитиш» мақоласида айтилган куйидаги фикрлар тадқик этилаётган масалага аниклик кирига олади: «5–7-синф ўқувчилари ёзган иншоларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар аксарият ҳолатларда бажарилган иш-ҳаракатларни аниқ, воқеа-ҳодисаларни тугал идрок этиб, шу идрок таъсирида хукм юритадилар, бунинг натижасида баёнда ғайритабий кескинлик акс этади. Буни феъл шаклларида кўриш мумкин: кўпинча турдим, топширдим, гаплашдим каби узил-кесил бажарилган иш-ҳаракат ўз ифодасини топади.

Болалар нутқида бирмунча дағалликка ўхшаб кетадиган кескинликни 5–7-синфларда ҳам юмшатиш сари интилиш оз кузатилади. Бундай юмшатишлар кўпинча иш-ҳаракатнинг бошланиш пайтини кўрсатиш, тўсатдан содир бўлганига ишора қилиш кабиларда намоён бўлади, холос...»<sup>1</sup>. Албатта, кетди феълини кетиб қолди, кетаверди тарзida кўмакчи феъллар билан ишлатиш кескин айтиладиган фикрни юмшатиш имконини беради, ҳаракатни аниқ ифодалаш оркали мазмуннинг ёрқин ифода этилишини таъминлайди.

Тажриба дарсларида кесим билан боғлиқ мавзуларни ўтиш жараёнида феъл шаклларини кенгрок хотирага тушириш яхши натижалар берди. Бунда

<sup>1</sup> Сайдова Д. 5–7-синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма нутқини кўмакчи феъллар билан бойитиш. // Uzluksiz ta’lim. - 2004. № 2. – 26-бет.

«-(и)ш мумкин» ва «-са бўлади», «-моқчи бўлди» ва «-гиси келди», «-(а)р» ва «-са керак» шаклларининг бир-бираига якин маънно ифодалashi, «-(и)ш мумкин», «-моқчи бўлди», «-(а)р» шакллари кўпроқ китобий нуткка, «-са бўлади», «-гиси келди», «-са керак» шаклларининг кўпроқ сўзлашувга хос эканлиги англатилди. Шу муносабаг билан турли кўринишдаги маънодош кесимларнинг кўлланишига доир машқлар ўтказиш мумкин бўлди.

Эгали ва эгасиз гаплар ўтилаётганда расмий-идоравий услугга хос матнларда аник ва мажхул нисбатдаги феълларни кузаттириш мақсадга мувофиқдир.

75-дарсда «Гап бўлаклари тартиби» мавзуси ўрганилади. Ушбу мавзунинг нутк ўстириш учун аҳамияти бенихоя катта. Айни пайтда айрим морфологик термин-тушунчалар, морфологик шаклларни гап таркибида кўлланиш хусусиятлари орқали такрорлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратади.

Тилнинг қонун-қоидаларини ўрганиш нутк маданиятини изчил ошира боришининг муҳим омилидир. Айниқса, турли хилдаги нутк маҳсулларини вужудга келтиришга доир услубий қоидаларни эгаллаш фикрни синтактик жиҳатдан тўғри шакллантиришда фоятда катта аҳамият касб этади. Бундай қоидалар фикрни матн даражасида ифодалаш учун мустахкам замин вужудга келтиради. Матн яратиш турли хил мураккабликда гаплар тузиш, бу гапларни ўзаро грамматик ва мантиқий жиҳатдан боғлаш, жумлаларга коммуникатив ниятни сингдириш каби талай вазифаларни ўз ичига олади. Гап тузишдаги асосий қийинчиликлардан бири эса маълум маънода гапда сўзлар тартиби билан боғлиқдир. Одатда, «Ўзбек тилидаги гап бўлаклари катъий тартибга эга эмас», «...бўлаклар тартибини хоҳлаганча ўзгартириш мумкин», деб қаралса-да, тартибнинг бундай эркинлиги «мазмунан бир хил», лекин «услубий жиҳатдан кескин фарқ» киласидан<sup>1</sup> гапларни юзага келтиради. Бунда одатдаги тартиб, ўзгарган тартиб, инверсия тушунчалари амал киласиди. Э.Киличевнинг таъкидлашича, «Гапда сўзлар тилнинг қонун-қоидалари асосида бирикади ва шу қоидага мос ҳолда муайян изчилликда жойлашади. Ўзбек тилида ҳар бир гап бўлагининг ўзига хос ўрни бор. Бу ўрин матнда ўзгартириб кўлланиши ҳам мумкин. ІШунга кўра гап бўлакларида тўғри ва тескари тартиб фарқланади. Тескари гартибда гапнинг асосий мазмунни сакланиб қолади, бироқ ҳар бир тартиб ўзгариши мазмунга, унинг оттенкасига, услубий ҳолатига таъсир киласиди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т., «Ўқитувчи», 1984. – 49–50-бетлар.

<sup>2</sup> Киличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси: Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўкув-кўлланмана. – Т., «Ўқитувчи», 1992. – 124-бет.

Гапда сўзларнинг одатдаги тартибига кўра эга ўзига боғланган сўзлар билан кесимдан аввал, кесим ўзига боғланган сўзлар билан эгадан кейин келади. Эгага асосан аникловчи, кесимга эса тўлдирувчи ва ҳол тобеланиб келади. Масалан: **Саодатхон ёмғирдан ялтираб турган катта тош йўлдан ўтиб мактаб томонга бурилганда, тўрт кўчанинг ҳаммасидан мактаб томонга оқиб келаётган болаларни кўрди** (С.Зуннунова).

Н.Х.Ортикова ўзининг «Гап тузилишида аникловчининг ўрни» мавзусидаги тадқикот ишида гап бўлакларининг ажратилиши ҳакида бундай дейди: «*Тўлдирувчи кўпроқ феъл билан боғланади ва унинг бошқарув схемасини юзага чиқаради.* Айни шу схемада энг кучли бошқарилувчи элемент бўлган воситасиз тўлдирувчи феълнинг ўтимлилик категорияси билан мос келувчи гапнинг мазмуний жиҳатдан мажбурий бўлаги саналади. Ҳол гапнинг кучсиз бошқарилувчи ёки бошқарилмайдиган бўлаги хисобланади»<sup>1</sup>. Демак, тўлдирувчининг турлари феълнинг ўтимлилик ва ўтимсизлик жиҳати билан шартланади. Феъл-кесимга боғлангани учун ҳам тўлдирувчи ва ҳол гапда одатдаги тартибга кўра ундан олдин жойлашади ва эгага нисбатан муайян ўринга кўйилади.

Тадқиқотчи аникловчининг гапдаги ўрни масаласида янгича қарашларга суюнади: «Гарчи аникловчи гапда ўзига хос коммуникатив вазифа бажарса ва феъл семантикаси билан чамбарчас боғланган бўлса-да, тобе бўлак сифатида от билан ифодаланган гап булагининг ички структурасига киради»<sup>2</sup>. Шунга кўра ҳам аникловчи эганинг гапдаги ўрнига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Гапда тўлдирувчи ва ҳолгина эгага нисбатан одатдаги ва ўзгарган тартиб масаласида маълум таъсирда бўлади.

Одатдаги тартибда тўлдирувчи ва ҳолнинг гапдаги тартиби ўзгариши тиљшунослиқда муайян даражада ёритилган. Бунда шахсни билдирувчи воситасиз тўлдирувчи воситали тўлдирувчи ёки ҳолдан олдин келиши, предметни билдирувчи воситасиз тўлдирувчи эса воситали тўлдирувчи ёки ҳолдан кейин жойлашиши тан олинган. Бошқача айтганда, гап булагининг шахсни билдирувчи от ва предметни билдирувчи от билан ифодаланишига кўра фарқлар эътироф этилган.

Ҳолнинг турлари ҳақида гапирганда эгага нисбат бериш билан боғлик мушоҳадаларни учратиш мумкин. Айни шу масала тиљшуносликнинг бир қадар чигал мураккаб соҳаси саналади. Чунки кўпгина адабиётларда одатдаги тартибдаги ўзгаришларни эмас, балки ўзгарган тартиб ёки инверсия билан боғлик жиҳатларга тўхталиш одат тусига кирган.

<sup>1</sup> Ортикова Н.Х. Гап тузилишида аникловчининг ўрни. Филол. фан. номз ... дисс. автореферати. – Фарғона, 2005. – 6-бет.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган автореферат, 7-бет.

Маълумки, пайт ва ўрин ҳоллари бевосита гапдаги ҳаракатга алоқадор бўлса, улар кесимдан олдин, яъни эга билан кесим орасида ўринлашади. Аммо ҳолнинг ушбу турлари англатган маънолар матндан бутун абзацга тегишли бўлса, гап бошида эгадан олдин жойлашади. Баъзан ҳолнинг бошка турлари (масалан, сабаб ва максад ҳоллари) абзац билан боғланмаган ҳолда гап бошида, эгадан олдин ўрин олиши мумкин.

Бадиий асарларни ўрганиш шуни кўрсатдики, одатдаги тартибга кўра пайт ва ўрин ҳолларининг ҳам абзацга дахли бўлмаган ҳолда гап бошида, яъни эга олдига кўйилиши кузатилади. Саида Зуннунованинг повест ва хикояларидан<sup>1</sup> олинган куйидаги мисоллар бунинг яккол исботидир: *Бу мактабга директор бўлиб келмасдан олдин Саодатхон шаҳардаги ўрта мактабларнинг бирида илмий мудир эди. Муюлишга келганда Салимова Саодатхоннинг қанча қисташига қарамасдан, уйига ўтиб кетди.*

Юқоридаги гапларда *Саодатхон, Салимова сўзлари* эга вазифасида бўлиб, пайт ҳолидан кейин жойлашган. Буни одатдаги тартиб деб хисоблаш керак. «*Бу мактабга директор бўлиб келмасдан олдин Саодатхон шаҳардаги ўрта мактабларнинг бирида илмий мудир эди*», «*Муюлишга келганда Салимова Саодатхоннинг қанча қисташига қарамасдан, уйига ўтиб кетди*» гапларида одатдаги тартибга кўра пайт ҳоли мантикий ургу олмаган ҳолда бўлади. Юқоридаги гапларда тартиб ўзгартирилмаса ҳам, пайт ҳоли ёки бошқа бўлаклар оҳанг билан ажратилганда, мантикий ургу олади. Ўзгарган тартибдагина файриодатий қўлланган гап бўлагининг мантикий ургули эканлиги шу тартибга кўра аникланиш имконияти кўпроқ бўлади. Келтирилган гапларда ўзгарган тартиб туфайли пайт ҳолининг ургули эканлигига ишора қилиш учун уни кесим олдига олиб келиб кўйиш керак.

Аксарият ҳолатларда *равишдош билан ифодаланган* равиш ҳоли гапда ўзига тобе сўзлар билан ёйик ишлатилиб, эга билан кесим орасида жойлашади. Одатдаги тартиб учун шу ҳолат қоидалаштирилган. Масалан:

*Комилжон тракторни тўхтатиб қўйиб, раиснинг олдига чопди* (С.Зуннунова). Ушбу гапда ёйик келган равиш ҳоли (*тракторни тўхтатиб қўйиб*) эга билан кесим орасида жойлашган.

*Тожибой ака костюм устидан кийиб олган, ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган чопонини ечиб, илиб қўйди* (С.Зуннунова). Бу гапда *Тожибой ака сўзини кесимнинг* (илиб қўйди) олдига олиб келиб қўйиб бўлмайди. Чунки ечмоқ, илиб қўймоқ бир буюм билан килинаётган кетма-кет ҳаракатларни ифода этади.

*Тожибой ака бошини кўтариб, Саодатхонга каради-ю, жим бўлиб қолди* (С.Зуннунова). *Саодатхон бир қўлини столга тираганча киприк қоқмай* унга қараб тураверди (С.Зуннунова). Юқоридаги икки мисолда

<sup>1</sup> Саида Зуннунова. Повесть ва хикоялар. –Т., «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1957.

хам эга (Тожибай ака, Саодатхон) гап бошида ишлатилган, равиш ҳоллари эса эгадан кейин үринлашган.

Одатдаги тартибга кўра равиш ҳолининг (баъзи манбаларда тарз ҳоли) абзацга алокаси бўлмаган ҳолда гап бошида, яъни эга олдида келиш ҳолатлари тез-тез бўлмаса-да, кўзга ташланиб туради. Бу каби синтактик курилмалар Саида Зуннунованинг асарларида учрайди. Куйидаги мисолларда равишдошли биримма орқали ифодаланган ёйик равиш ҳоли гап бошида, эгадан олдин жойлашган:

Ўқитувчиларнинг энди жам бўлганини эслаб Нишонов мамнун жилмайиб кўйди (С.Зуннунова). Ушбу гапда «ўқитувчиларнинг энди жам бўлганини эслаб» – ёйик равиш ҳоли. Эга (Нишонов) шу ҳолдан кейин жой олган. У маъно ургусини олган эмас. Бундай тартиб, бир томондан, ҳар бир бўлакнинг маъносини бўрттирган, иккинчидан, гапнинг оҳангдорлигини, ритмикасини оширган. Эга олдинга олинганда эса иккита ҳолдан бирини иккинчисининг сабаби килиб кўрсатиш, ё санаш оҳангни билан айтишга тўғри келарди. Масалан: Нишонов ўқитувчиларнинг энди жам бўлганини эслаб мамнун жилмайиб кўйди.

Биринчи ҳолатда (аслиятда) нима учун мамнун жилмайиб кўйганлик, иккинчи ҳолатда кетма-кет ҳаракат: эслаганлик ва мамнун жилмайиб кўйганлик англашилади. Ёзувчи эгани кесимдан олдинга олиш орқали услугубий хосланишга, индивидуалликка эришган, гапдаги ритмика таъминланган.

Эшикни худди бир нарсани пойлагандек секинлик билан очиб, Обидов кириб келди (С.Зуннунова). Бу ерда эга (Обидов) кесим олдига қўйилган. Уни гап бошига олганда, жумлада қандайдир гализлик сезлади: Обидов эшикни худди бир нарсани пойлагандек секинлик билан очиб, кириб келди. Шундай килинганда ритмикага хам путур етарди: Обидов / эшикни / худди бир нарсани пойлагандек / секинлик билан очиб, / кириб келди.

Саида Зуннунованинг асарларидан олинган юқоридаги каби мисолларни давом эттириш мумкин: Уларнинг жим ва мамнун ўтирганларини кўриб, Саодатхон ўзининг сухбати уларда яхши таассурот қолдирганини сезди. Мактабдан пальтосини елкасига ташлаганча Саодатхон чиқди. Уларнинг ичиди девор тагида бўйини қисиб, ерга қараганча ўнинчи синф ўкувчиси Одил турарди. Бир тартибда экилган ўрискор ва шафтологор оралаб, Саодатхон ва бир тўда ўкувчилар боқса кириб боришиди.

Кўриниб турганидек, бадиий матнда ифодалиликни, ширадорликни ошириш, ритмикани вужудга келтириш ниятида гапда сўзларнинг одатдаги тартибидан фойдаланиб услугубий ўзига хосликлар таъминланishi мумкин. Лекин одатдаги тартиб доирасида равишдошли биримма билан ифодаланган ёйик равиш ҳолини, шунингдек, ҳолнинг бошқа турларини эгадан олдин жойлаштириш усули бу усулнинг синтактик курилмалар

бойлигига кириш-кирмаслиги нұқтаи назаридан янада чуқуррок тахлил ва талқынларни тақозо этади.

М.Омилхонованинг «Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиши» номли құлланмасида<sup>1</sup> содда гапли қурилмаларни ифодали үкиш, түғри талаффуз қилиш масалалари чизмалар келтирилган ҳолда мұфассал ёритилған. Бизнинг мәксадимиз содда гап синтаксисини ўрганиш методикасини ишлаб чикиш бұлмагани, синтактик қурилмаларни морфологик жиҳатдан бойитиш асосий эътиборимизда эканлигини билған ҳолда талаффуз масалаларини четлаб үтишни лозим топдик.

Гапнинг уюшик бұлаклари билан боғлиқ мавзулар 8-синф «Она тили» дарслигининг 82-87-дарсларда тақдим этилған. Дарслиқда «Гапнинг уюшик бұлаклари ҳакида маълумот» (82-дарс), «Уюшик кесим» (83-дарс), «Уюшик эга» (84-дарс), «Уюшик ҳол» (85-дарс), «Уюшик тұлдирувчи. Уюшик аникловчи» (86-дарс), «Уюшик бұлакли гапларда умумлаштирувчи сүз» (87-дарс), «Мустаҳкамлаш дарси» (88-дарс), «Ижодий баён ва унинг тахлили» (89-90-дарслар) мавзулар берилған. Ушбу мавзулар ҳам нутқ үстириш нұқтаи назаридан катта ахамиятта эга.

Комил инсон тарбиясида унинг нутқ мәданиятини эгаллаши, ранг-баранг нуткий вазиятларда коммуникатив жиҳатдан лаёқатлы бұлиши, бунинг учун эса гапнинг (синтактик қурилмаларнинг) турли күринишиларини юзага келтира олиши, үзіда туғилған ниятга мос келадиган нутқ маҳсулини (матнни) яратып билиши керак.

Сұхбатдошга тез, аник, ният орқали күзланған мазмунда етиб борадиган, баёнидаги ширадорлиги билан ёқадиган гаплар тузиб айтиш ёки өзиш учун тил қоидаларидан мукаммал фойдаланиш, амалий тил сезирлигига эга бўлиш тақозо этилади. Айникса, уюшик бұлакли гапларнинг ҳар қандай күринишиларини түғри тұза олиш кераклиги фикрни ихчам, лўнда ифодалашнинг мұхим омили саналади.

Ўзбек тилида ҳар бир гап бўлаги айрим мустасно ҳолатларни эътиборга олмаганды уюшик ҳолда келған сұзлар билан ифодаланиши, бу сұзлар ўзаро семантика майдон доирасида хилма-хил воситалар билан боғланishi мумкин. Ўз нутқини синтактик жиҳатдан ранг-баранг қилиш ниятида бўлған нотиқ ана шу мустасно ҳолатларни ҳам, боғловчи воситаларнинг ишлатилиш хусусиятларини ҳам билиши, улар билан боғлиқ қоидаларга амал қилиши даркор.

Лекин бир гап бўлаги доирасида ўзаро уюша олмайдиган сұзлар ҳам мавжудлик сабабларини тушунтирадиган қоидалар ҳам бор. Бундай сұзлар айрим маъно нозикликларига кўра ўзаро турли усууллар билан боғланади. Лекин бундай сұзларда ўзига хос чегаралар ҳам бор. Масалан, умумийликни билдирувчи сўз билан конкрет маънени англатувчи сўз

<sup>1</sup> Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиши – Т., «Ўқитувчи», 1977.

уюшиқ бўла олмайди. Шу чегараларнинг мавжудлиги туфайли ҳам ўкувчилар яратган матнларда айни уюшиқ бўлакли гапларга доир хатолар кўп.

Уюшиқ бўлаклар юзасидан берилган машқ ва назарий маълумотларда ўкувчиларда саволлар түғдирадиган ўринлар бор. Масалан, «Берилган гап жуфтликларида нечтадан аникловчи ва тўлдирувчи борлигини аниқланг» деган шарт остидаги машқда «Саъдулла ва Жўрабекларнинг катта, ёргу хонасига кирдик» гапида ўкувчилар икки хил уюшган аникловчиларга дуч келадилар:

- 1) уюшиқ қаратқичли аникловчилар (*Саъдулла ва Жўрабекларнинг*);
- 2) уюшиқ сифатловчили аникловчилар (*катта, ёргу*).

Ўкувчилар уюшиқ сифатловчили аникловчиларни ажратадилар, лекин уюшиқ қаратқичли аникловчиларни айтишга иккиланадилар.

Уюшиқ аникловчилар қатори, уюшмаган аникловчилар ҳам бўлади.

Уюшиқ бўлакларнинг шаклланиши ҳам ҳар хил:

- 1) келишик қўшимчасини уюшиқ бўлакнинг ҳар бирiga ва факат охиргисига қўшиш;
- 2) кесимни шакллантирувчи воситалар (от кесимлардаги шахс-сон қўшимчалари, модал сўзлар) факат сўнггисига қўшилиши.

«Ўзбек тили грамматикаси» китобида уюшиқ бўлакларнинг ўзаро боғланиши, бунда сўзларнинг грамматик жиҳатдан шаклланиши, назаримизда, муайян ихчамлик билан қўйидагicha тушунтирилади:

1. Уюшиқ бўлаклар ифодалаган нарса-предметларга алоҳида диккат килингандা, уларнииг ҳар бир компоненти грамматик формант олади. Бундай вактда уюшиқ бўлакнинг ҳар бир компоненти логик ургули бўлади ва кучли тарькид билан айтилади...

2. Уюшиқ бўлак компонентлари ўзига оид сўзлар билан ортиқ даражада кенгайиб келса, уюшиқ бўлакнинг ҳар бир компоненти грамматик формант олиши мумкин...

3. Грамматик формантнинг уюшиқ бўлакларнинг ҳар бирiga ёки факат охиргисига қўшилиши боғловчиларнинг турига, уларнинг кўлланиш хусусиятига ҳам боғлиқдир. Масалан, уюшиқ бўлаклар такрорланувчи боғловчилар билан боғланганда уюшиқ бўлак компонентларининг ҳар бири, билан боғовчиси орқали боғланганда эса факат охирги компоненти грамматик формант олади...

4. Уюшиқ бўлакларнинг гапдаги ҳоким бўлак билан бўлган муносабатида галма-галлик ёки олдинма-кейинликни билдирадиган сўзлар ишлатилгандা, уларнинг ҳар бир компоненти грамматик формант олади: *Тўхта хола рўмолининг учи билан оғзини ётиб, бўзарган ҳолда аввал ўртоқларига, кейин раисга қаради* (А.Қаҳҳор). Бунда аввал ва кейин

сўзлари уюшиқ бўлакларниг ҳар икки компонентида жўналиш келишиги формасининг қўлланишига сабаб бўлган»<sup>1</sup>.

Куйидаги машқ турлари бажарилишини қўшимча равища тавсия этиш мумкин: Гапдан ажратилган сўз асосида уюшиқ бўлаклар тузиш. Гапнинг уюшиқ бўлакларида кўплик, эгалик ва келишик қўшимчаларининг ишлатилиши. Уюшиқ бўлакли гаплар тузиш. Уюшган ва уюшмаган аникловчили гапларда интонация устида ишлаш. Уюшган ва уюшмаган аникловчили гаплар тузиш. Уюшган ва уюшмаган аникловчиларнинг турли нутқ услубларидаги роли устидан кузатиш. Уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўзли гаплар интонацияси устида ишлаш. Уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўзли гаплар тузиш. Уюшиқ бўлакларда такрорланувчи боғловчиларнинг услубий ролини кузатиш.

91-92-дарсларда ажратилган бўлакли гаплар ўрганилади. Бунда ажратилган бўлакнинг қайси гап бўлак маъносини изохлаб келаётганини, шаклини аниглаш, бунинг қандай шакл эканлигини айтиш ва хулоса чиқариш; бир грамматик маънонинг ҳар хил воситалар ёрдамида ифодаланиши мумкинлиги туфайли, ажратилган бўлак билан у изохлаб келаётган бўлак шаклан фарқ қилиши мумкинлигига эътибор каратиш; берилган гапдаги бирор бўлакни изохлаш йўли билан ажратилган бўлак қўшиш; изохланаётган бўлакнинг қайси гап бўлаги вазифасида келганини аниглаш, шу вазифага мос, лекин шаклан фаркланувчи ажратилган бўлак ўйлаб топиш ва тушунтириш жоиз.

Куйидаги машқ турларини қўшимча равища бажариш мумкин: Ажратилган ҳолнинг маъносини аниглаш. Кўмакчили от билан ифодаланган ажратилган ҳолли гаплар тузиш. Ажратилган бўлакли гаплардан матн тузища фойдаланишга доир машқлар. Синонимик ажратилган ва ажратилмаган иккинчи даражали бўлакли гаплар тузиш. Ҳол маъно оттенкаси бўлган ажратилган аникловчилар маъносини кузатиш. Шундай аникловчили гаплар оҳангига эътибор бериб ўқиш.

93-дарсда «Киритмалар», 94-дарсда «Киритма гаплар» мавзулари берилган.

Киритмали гапларни ўқиб, маъноси ва ифодаланишини изохлаш. Гапдаги киритмани маънодоши билан алмаштириш. Нотўри ишлатилган киритмани – йўл кўйилган хатони тузатиш. Гаплар тузища ёки матн яратиша киритмалардан фойдаланиш.

Кириш бўлак ва киритма гапни синонимик алмаштиришга доир бажариладиган машқлар ҳам ўқувчилар нуткини ушбу синтактик курилмалар билан самарали бойитиши имконини беради.

Хуллас, она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш, уларни матн яратишига ўргатиш жараёни синтаксисга доир ҳар

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. – Т., «Фан», 1975. – I том.– 610-б.; II том. – 1976. – 164-бет.

бир мавзуни ўтаётиб, матн асосида морфологиядан ўтилганларни тақрорлаш орқали синтактик курилмалар табиатини англаш, морфологик жиҳатини яна ҳам кенгрок ва чўқуррок ўрганиш, шу йўл билан боғланишли нуткқа доир ўз билимларини бойитиш мазмунида кечиши лозим.

Бадиий матнда услубий ўзига хосликлар ифодалилик, ширадорликни ошириш, ритмикани вужудга келтириш ниятида гапда сўзларнинг одатдаги ва ўзгарган тартибидан фойдаланган ҳолда таъминланади. Она тили дарсларида ҳам бу масалага ана шу нуткай назардан ёндашиш, адабий асарлардан олинган парчалар асосида ўқувчиларни кенгрок таништириб бориш жоиз.

Ююшиқ бўлакли гапларнинг ҳар қандай кўринишларини тўғри тузা олиш кераклиги фикрни ихчам, лўнда ифодалаш талаби билан изоҳланади. Ҳар бир гап бўлагининг (айрим мустасно ҳолатларни эътиборга олмаганда) ююшиқ ҳолда келган сўзлар билан ифодаланиши, бу сўзлар ўзаро семантик майдон доирасида хилма-хил воситалар билан боғланишини ўрганиш ўз нутқини синтактик жиҳатдан ранг-баранг қилиш ниятида бўлган ўқувчилар учун муҳим аҳамият касб этади.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш деганда лингвистик мавзуларда ўзаро сухбатлаша олиш, хикоя қила билиш ҳам кўзда тутилади. Ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида олиб борилаётган ишлардан бири синтаксисга доир янги мавзуни қоидалардан эмас, балки бевосита машқ материаллари таҳлилидан бошлаш йўли танланган экан, дарсни ўқитувчининг йўналтирувчи саволларига жавоблар олиш тарзида эмас, аксинча, ўқувчиларнинг кузатишлари, ўзларида туғилган саволларига жавоб олишлари ёки топишлари мазмунида ташкил этиш тўғри бўлади. Баъзан ҳатто «Ақлий ҳужум» усули қўлланганда ҳам муаллимнинг фаоллиги, тинмай саволлар ёғдириши кузатилади. Бугун модул методида ҳам ўқувчиларнинг саволлар беришларига устувор аҳамият берилмоқда.

Янги дарсларда лингвистик матнларга ҳам ўрин ажратилмоқда. Рус тили дарсларидан бундай матнлар дастлаб ўқувчиларни дарслик билан мустақил ишлашга ўргатиш мақсади билан киритилган<sup>1</sup>. Бугун бундай матнлардан ўқувчиларнинг илмий нутқини ўстириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Илмий нутқ ўстириш борасида Н.В.Ломанованинг тажрибаси дикқатга лойикдир. Унинг «Шестиклассники пишут сочинения на лингвистические темы» деган мақоласида<sup>2</sup> лингвистик мавзудаги

<sup>1</sup> Ембулаева Т.Е. Работа с учебными лингвистическими текстами / Русский язык в школе. – 1990. № 3. – С. 3-9; Сидоренков В.А. Приемы самостоятельной работы с лингвистическим текстом / Русский язык в школе ж. – 1988. № 6. – С. 27-30.

<sup>2</sup> Ломанова Н.В. Шестиклассники пишут сочинения на лингвистические темы / Русский язык в школе. – 1988. № 3. – С. 48-50.

иншолар мавзуси, мазмунни, ўтказиш усуллари хакида сўз юритилади. «Равиши» мавзусида иншо ёзиш учун ўқувчилар аввал шу мавзуни тақрорлаш максадида дарсликларни, кўшимча адабиётларни вараклаб чикқанлар, ўз тасаввурларига эрк бериб, фантазияларини ишга солиб иншо ёзганлар.

Ўқувчиларнинг бирор сўз туркумига доир 5–7-синфларда ўрганилган билимларни буш ўзлаштирганликлари аник сезилиб турганда, лингвистик матнларга мурожаат этиш айни муддаодир. Бундай матнлар куйидаги йўллар билан тайёрланади:

1) 5–7-синфлар «Она тили» дарсликларида тегишли мавзу юзасидан берилган маълумотларни айнан келтириш асосида;

2) ушбу дарсликлarda тегишли мавзу юзасидан берилган маълумотларни кенгайтириб, айрим янгиликлар қўшиб келтириш асосида;

3) ўзбек тили грамматикасига доир китоблар ёки рисолалардан тегишли мавзу юзасидан парча келтириш асосида.

«Ёрдамчи сўзлар» мавзуси юзасидан тақрорлаш дарсида 7-синф дарслигида берилганига кўра<sup>1</sup> (56–69-дарсларда) боғловчилар юзасидан ўрганилган қуйидаги маълумотлар лингвистик матн сифатида тақдим этилиши мумкин:

### BOG'LOVCHIIAR

Gapning uyushiq bo'laklarini va qo'shma gap terkibidagi sodda gaplarni o'zaro bog'lash uchun xizmat qiluvchi yordamchi so'zlarga bog'lovchi deyiladi. Masalan: *va, ammo, lekin, biroq, chunki, yo... yo..., dam... dam..., goh... goh... singari*.

*Bilan ko'makchisi ba'zan uyushiq bo'laklarni bog'lab kelganda bog'lovchi vazifasini bajaradi: Qalam bilan daftар oldim.*

*O'zaro tobe bog'lanuvchi so'zlarni bog'lab kelganda ko'makchi vazifasini bajaradi: Qalam bilan yozdim.*

### BOG'LOVCHILARNING VAZIFASIGA KO'RA TURLARI

Vazifasiga ko'ra bog'lovchilar teng va ergashtiruvchi bog'lovchilarga bo'linadi.

#### I. TENG BOG'LOVCHILAR

Uyushiq bo'laklar va gaplarni o'zaro bog'lab keluvchi bog'lovchilar teng bog'lovchilar hisoblanadi.

Teng bog'lovchilar uyushiq bo'lak va gaplarni bog'lash bilan birga, ular o'rtaсидаги мазмунни муносабатни ham ro'yobga chiqaradi. Shunga ko'ra teng bog'lovchilar quyidagi turlarga bo'linadi:

1) biriktiruv bog'lovchilari: *va, hamda, bilan, ham*,

2) zidlov bog'lovchilari: *ammo, lekin, biroq, balki*,

<sup>1</sup> Ona till: Umumta'llim mabktablarning 7-sinfi ucnun darslik / N. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sobirov va boshq. T., «Ma'naviyat», 2005.

3) ayiruv bog'lovchilari: *yo... yo, goh ... goh, dam... dam, bir ... bir, ba'zan ... ba'zan, xoh ... xoh.*

4) inkor bog'lovchisi: *na ... na.*

**Sof va vazifadosh bog'lovchilar**

Bog'lovchilar ham xaddi ko'makchilar siagari sof va vazifadosh bog'lovchilarga bo'linadi.

Faqat bog'lovchi vazifasini bajaruvchil yordamchi so'zlar sof bog'lovchilar sanaladi: *va, lekin, ammo, biroq* kabi.

Bir o'rinda bog'lovchi, boshqa o'rinda ko'makchi, yuklama yoki modal so'z vazifasida keluvchi yordamchilar vazifadosh bog'lovchilar sanaladi.

Masalan, *bilan* ham ko'makchi, ham bog'lovchi; *ham, na...na* ham bog'lovchi, ham yuklama; *-u (-yu), -da* yordamchilari ham yuklama, ham bog'lovchi; *balki* ham bog'lovchi, ham modal so'z vazifasini bajaradi.

**Biriktiruv bog'lovchilari**

Uyushiq bo'laklarni va uyushiq gaplarni o'zaro biriktirib keluvchi bog'ovchilar biriktiruv bog'lovchilar hisoblanadi.

Biriktiruv bog'lovchilariga *va, hamda* sof bog'lovchilari, *bilan* ko'makchi-bog'lovchisi, *-u (-yu), -da, ham* yuklama-bog'lovchilar mansubdir. Bulardan *ham* bog'lovchi vazifasida takror holda qo'llaniladl.

*-u (-yu), -da* o'zi qo'shilayotgan so'zdan chiziqcha bilan ajratiladi, lekin uyushiq bo'laklar o'rtasiga vergul qo'yilmaydi.

**Ayiruv bog'lovchilari**

O'zaro bog'lanayotgan bo'lak yoki gaplardan birini bosbqasidan ayirib ko'rsatuvchi bog'lovchilar ayiruv bog'lovchilar hisoblanadi. Masalan, *yo..., yo, yoki, goh..., goh..., dam..., dam..., ba'zan..., ba'zan ..., bir..., bir* kabi.

Takror qo'llanuvchi ayiruv bog'lovchisi oldidan yozuvda vergul qo'yiladi.

**Zidlov bog'lovchilar**

O'zaro zidlik munosabatida bo'lган uyushiq bo'laklar yoki gaplarni bir-biriga bog'lab keluvchi *ammo, lekin, biroq* bog'lovchilar zidlov bog'lovchilar sanaladi.

*Balki* so'zi ko'pincha zidlov bog'lovchisi vazifasida qo'llaniladi. Masalan: *Bu jarang-jurung ovozlar uning g'ashini keltirmas, balki xayolini chalg'itib, unga orom bag'ishlardi.* (M. Karim)

Yozuvda zidlov bog'lovchilaridan oldin vergul qo'yiladi.

**Inkor bog'lovchisi**

Uyushiq bo'lak va gaplarni inkor ma'nosini yuklagan holda bog'lovchi *na..., na..*, yordamchisi inkor bog'lovchi sanaladi. Bunda gapning kesimi tasdiq shaklida bo'ladi.

**Yakka va takror bog'lovchilar**

Bog'lovchilar qo'llaailishiga ko'ra yakka va takror bog'lovchilarga bo'linadi.

*Va, ammo, lekin, biroq, chunki, yo kabi bog'lovchilar yakka, yo..., yo...; dam..., dam...; goh..., goh... bog'lovchilari esa takror bog'lovchilar sanaladi.*

## **II. ERGASHTIRUVCHI BOG`LOVCHILAR**

O'zaro tobe munosabatida bo'lgan gap bo'lagi va gaplarni bog'lash uchun ishlataladigan bog'lovchilar ergashtiruvchi bog'lovchi sanaladi.

*Chunki, ya'ni, agar, garchi singari so'zlar ergashtiruvchi bog'lovchilardir.*

Ergashtiruvchi bog'lovchilarning turlari	Vazifasi	Misollar
Aniqlov bog'lovchisi	Gap bo'laklarini va gaplarni tobelantirib bog'laydi	Ya 'ni
Sabab bog'lovchilari	Gaplarni o'zaro tobelantirib bog'-laydi, ular o'rtasidagi sabab ma'nosini ifodalaydi	Chunki, negaki
Shart bog'lovchilari	Gap bo'laklari va gaplarni tobelantirib bog'laydi, ular o'rtasidagi shart ma'nosini ifodalaydi	Agar, basharti, garchi

### **Sabab bog'lovchilari**

*Chunki, negaki bog'lovchilari sabab bog'lovchilari hisoblanadi.*

Yozuvda bu bog'lovchilardan oldin vergul qo'yiladi.

### **Aniqlov bog'lovchisi**

*Ya'ni bog'lovchisi aniqlov bog'lovchisi sanaladi. Yozuvda ya'ni bog'lovchisidan oldin doimo vergul qo'yiladi.*

### **Shart bog'lovchilari**

*Agar, agarda, basharti, garchi singari bog'lovchilar shart bog'lovchilari hisoblanadi.*

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида синтаксисни морфология билан боғлаб ўрганиш жараёнида ўқувчилар нуткини морфологик шакллар билан бойитиш мазмуни ва усулларини жорий этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

### **3.2. Синтаксисни морфология билан боғлаб ўрганиш жараёнида матн устида олиб бориладиган ишлар**

Методист олимлар грамматикани унинг амалий аҳамиятини таъминлаган ҳолда ўрганиш, «ижодий нутқ соҳиблари»ни тарбиялаш зарур деган фикрда яқдилдирилар. Бу борада Н.Махмудов, А.Нурмонов,

Х.Неъматов, А.Ғуломов, М.Қодиров, Н.Сатторова, Х.Курбонова, Н.Йўлдошева ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари, методик қўлланмалари, рисолалари алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги йилларда матн синтаксисини ўрганишга бағишиланган методик изланишларга эътибор кучайди. Ўзбек мактабларида рус тили ўқитиш бўйича Е.М.Сорокина, Г.Уринова, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитиш соҳасида М.Рихсиева, она тили дарсларида ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш масалалари устида Н.Қосимоваларнинг тадқиқот ишлари майдонга келди, Т.Зиёдованинг қатор мақолалари эълон килинди. «Таълим жараённида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзусига бағишиланниб ўтказилган ўзбек тили доимий анжуманинг тўртинчи йигини тезислари босилиб чиқди. Лекин умуман олганда, она тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш борасида бажарилган тадқиқот ишлари озлигини таъкидлаш жоиз.

Матн устидаги ишларни уч йўналишда ташкил этиш она тили таълими методикасидаги янги жиҳатлар сифатида шаклланмоқда:

- 1) матн таҳлили асосида сўз ишлатиш санъатини ўрганиш;
- 2) матн таҳлили асосида мулоқот маданиятини ўстириш;
- 3) матн тузиш устидаги ишлар.

Матн таҳлили асосида сўз ишлатиш санъатини ўрганиш рус тилини она тили сифатида ўқитиш таркибида ўкув фани унсури тариқасида амал қила бошлади. Бунга, аввалги бобларда таъкидлаб ўтганимиздек, «Русская словесность» дарслклари ва уларга доир яратилган методик тавсиялар ёркин мисол бўла олади.

Матн таҳлили асосида мулоқот маданиятини ўстириш борасида Россия мактабларининг она тили дарсларида «Риторика» дарслкларининг амал қилаётгандиги далил саналади. Ушбу дарслкларга доир методик тавсиялар ҳам<sup>1</sup> ишлаб чиқилган.

Юкорида тилга олинган уч йўналишда яратилган методик адабиётларга таянган ҳолда 8-синфда матн билан ишлаш жараённида морфологиядан ўтилганларни такрорлаш масалаларини ёритишга ҳаракат килдик.

8-синф она тили дарсларида морфологик воситаларнинг жанр ва услуб талабига кўра қай тарзда танланганини кузатишида, уларни тўғри қўллашга ўрганишда матн ва унда акс этган синтактик қурилмалар катта куляйликлар яратади. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис)» китобининг А.Нурмонов қаламига мансуб кисмida берилган изохга кўра синтаксис ёпишиштирмоқ, бирлаштиштирмоқ маъносини англатиб,

<sup>1</sup> Ипполитова Н.А. Русский язык и риторика как учебные дисциплины // Русский язык в школе. – 2006. № 2. – С. 3-6.

унинг ўрганиш обьекти учтадир: 1) сўз бирикмаси синтаксиси; 2) гап синтаксиси; 3) матн синтаксиси<sup>1</sup>.

М.Йўлдошев матннинг курилиши тўғрисида шундай дейди: «Матн камидаги иккита гапдан тузилган мураккаб синтактик бутунлик. Гаглар ўзаро турли синтактик алоқа воситалари ёрдамида бирикади. Уларга тақорорий бўлаклар, олмошлар, хиазматик конструкциялар, замон ва макон ифодаловчи бирликлар, кесимларнинг замон шакллари, модал сўзлар каби турли лексик-грамматик бирликлар киради»<sup>2</sup>.

А.Е.Куманяева яхлит матн тузиш ҳакида сўз юритар экан, Н.А.Наполнованинг қуйидаги фикрини тилга олади: «...тил бирликларининг матн яратувчилик вазифаси деганда уларнинг матн ҳосил қилишда қатнаша олиши, матн «куришга» кодирлиги, матн пайдо қилишни шартловчи барча омилларни - коммуникатив ният, яхлит таг маъно, умумийояни – ҳисобга олиб, ҳамма кисмлари ва айрим гапларини бир бутунга айлантириб боғлай билишини тушуниш лозим»<sup>3</sup>.

8-синфда матнни лингвистик таҳлил қилиб бориш учун кенг имкониятлар вужудга келади. Бунда дарсликдаги матнларни ўкиб шунчаки ахборот олишгина эмас, балки ушбу ахборот қай тарзда ифода этилаётгани, тақдим қилинаётганига ҳам ўқувчиларнинг дикқатини тортиш зарур.

8-синф «Она тили» дарслигига келтирилган дастлабки матн сифатида «Мукофот ва жазо» ривоятидир. Унда Махмуд Фазнавийнинг отаси Сабуктегин ўзи кўрган тушнинг таъбирини аввал мунажжимдан, сўнгра окил вазиридан сўраши, уларнинг бир фикрни икки хил ифодалashi ҳакида гап боради. Дилозор, дағал сўзли мунажжим: «Шоҳим, сизнинг барча ёру дўстларингиз ўлиб кетади, сиз ёлғиз қолиб, кўп азоб чекасиз», – дейди. Шу таъбири учун жазо олади.

Оқил вазир бундай дейди: «Шоҳим, бу кутлуг туш сизга муборак бўлсин. Садақалар беринг, бандиларни зиндандан озод қилинг. Тангри сизни барча ёру дўстларингиздан узокроқ умр кўриш баҳтига муюссар киласди». Бу гапи учун вазир шоҳнинг мукофотига сазовор бўлади.

Мунажжим ўлиб кетмоқ феълини ишлатган, оқил вазир эса умр кўрмоқ феълидан фойдаланган, уни узокроқ сўзи билан бирикма ҳолида ишлатган. Демак, матн таҳлилида дарсликда талаб этилганидек унинг мазмуни бўйича хulosса чиқариш билан кифояланмай, ифода воситасини

<sup>1</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис): – Т., «Ўқитувчи», 1995. – 7-бет.

<sup>2</sup> Йўлдошев М. Матн бутунлигини таъминловчи воситалар // Йигирма биринчи асрда ўзбек тили таълими масалалари: «Ўзбек тили» доимий айхумани тўққизигич йигинининг материаллари (2007 йил 19-20 апрель). – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. - Б. 240-241.

<sup>3</sup> Куманяева А.Е. Изучение текстообразующей функции лексических средств в X-XI классах // Русский язык в школе. – 2005. № 6. – С. 9.

танлаш масаласига ҳам тұхталиш мақсадға мувофиқдир. Шунда матннинг таълимий аҳамияти ҳам рүёбга чиқади.

8-синф дарслигіда Ү.Хошимовнинг асаридан келтирилған парча (53-бет) үқилгач, куйидаги гаплар орқали морфологик тушунчалар, ифода воситаларининг кўлланиши таҳлил қилинади:

*Хурийдинг холаси қишлоқда туради. Шаҳардан автобусга ўтириб, уч соат юрілса, шундоқ тоз этагидаги қишлоққа кириб боршади.*

*Анвар –холасининг ўғли. У ҳам бешинчидә ўқыйди.*

Ўқитувчи шарт майдаги «юрілса» феъли «юрганды» деб ўзгартирилса, мазмунда қандай ўзгариш юз беришини ўкувчилардан сўрайди. Ўкувчилар «юрганды» дейилса, харакатнинг давомийлигига эътибор кучаяди. Ёзувчи эса бу ерда «атиги уч соат юрілса» деган маънода ҳаракат вақтини кисқа қилиб кўрсатишга эришган, натижада гапнинг давомида «шундоқ» сўзини ишлатиш орқали кишлоқнинг яқин масофада жойлашганлигига ишора қилиш мумкин бўлган.

*«Анвар –холасининг ўғли. У ҳам бешинчидә ўқыйди»* парчасида ўқитувчи ўкувчилар фаоллигини ошириш йўли билан биринчи гапдаги *Анвар сўзи ўрнида уни такрор ишлатмаслик учун иккинчи гапда у олмоши қўлланганини аниқлайди, уларнинг дикқатини сон туркумига мансуб бешинчи сўзининг «бешинчи синфда» бирикмаси ўрнида келгани, шу билан ёзувчи ифодада ихчамликка интилганига қаратади.*

Ёзувчи ва шоирларнинг ижод жараёнида сўз ва грамматик воситаларни танлаши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўкувчиларнинг матн яратишга доир билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга беҳад катта ёрдам беради.

Хуллас, матн синтаксисини ўрганиш морфологияни такрорлаш ва ифода воситаларини нутқий ниятга мос равища ишлатиш, фикр баён этишда ихчамликка интилиш, гапларни бир бутунликка бирлаштириш йўллари билан танишишда мухим аҳамият касб этади.

8-синф «Она тили» дарслигіда матн юзасидан морфологиядан ўтилганларни эслаш, такрорлашга ундовчи топшириклар ҳавола қилинган. Масалан: 9-машқдаги «Шарафли бурч» матнига доир берилган топшириқда ундаги мустақил сўзларни туркумларга ажратиш ва ўзи боғланган сўз билан биргаликда кўчириб ёзиш сўралган.

28-машқдаги «Ҳикмат» матни юзасидан «Матннаги равиш сўзларни ўзи билан боғланиб келган сўз билан биргаликда кўчириб ёзинг. Гап бўлаги сифатидаги вазифасини аниқланг», деган топширик тавсия этилган.

57-машқдаги «Ночорлик нимадан?» матни бўйича «Ажратиб кўрсатилган сўз бирикмалари даги тобе сўзининг ўрни ҳақида хулоса чиқаринг» топшириғи келтирилган.

71-машқдаги матн юзасидан «Матндаги бошқарув муносабатидаги сўз бирикмаларини ажратиб ёзинг ва хоким сўзларнинг туркумини айтинг», деган топширик берилган.

Аксарият матнларга доир топширикларда синтаксис бўйича ўтилаётган мавзуни мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Вазифаларнинг бундай бўлиши табиий, чунки ўрганилаётган тил ҳодисаси шуни тақозо этади.

Матнга доир топширикларда синтаксисга қўшимча равишда морфологияни ҳам оз-оздан тақрорлашга хизмат қилдириш учун тахлил кўламини бирмунча кенгайтириш талаб этилади.

«Шарафли бурч» матни сўз ишлатишдаги (фарзандлари ўрнида жигаргўшалари, оталари ўрнида падари бузрукворлари ва бошкалар) маҳоратдан ташқари, морфологик шаклларнинг кўлланишига эътиборни жалб этиш мумкин. Масалан, ушбу матн равишдош ва у билан боғлик равишда ишлатиладиган тиниш белгиларини эсга олиш имконини беради.

Матнда равишдошнинг -б (-иб) шакли кўмакчи феълли бириквларда (қайтиб келаётган, ўтиб кетишибди каби), ҳол вазифасида («бошини қўйи солиб» каби), равишдош ўрамлар<sup>1</sup> («отдан тушиб», «отларига миниб» каби) ишлатилган. Ўкувчилардан бундай равишдошларни аниклаб, қайси вазифада (кўмакчи феълли бириквуда етакчи феъл, гапда ҳол ёки қўшма гап таркибидаги содда гаплардан бирининг кесими) кўлланганлигини айтишлари кутилади. Албатта, қўшма гап турлари 9-синфда ўрганилади, шу боис 8-синф ўкувчилари эргаш гаплар ҳақида маълумотга хали эга бўлмайдилар. Равишдошнинг мазкур шакли тиниш белгиси (вергул) билан боғлик бўлганлиги учун бирор йўл билан икки ҳолатнинг фарқини англашиб зарурияти мавжуд:

1. Равишдошдан кейин вергул қўйилмайди.
2. Равишдошдан кейин вергул ишлатилади.

8-синфда ўкувчилар санаш оҳангি тушунчаси билан тиниш бўлганликлари учун ҳам шу тушунчага таяниб иш кўрган маъкул. Чунончи, равишдош санаш оҳангি билан айтилмаса, ундан кейин вергул қўйилмайди: «Булар ёнидан от чоптириб, чангитиб ўтиши инсонлик шаънига исноддир, наҳотки шуни ҳам билмассангиз?» гапида «от чоптириб», «чангитиб» сўзлари санаш оҳангি билан ўзаро ажратиб талаффуз килинади, шунинг учун улар орасига вергул қўйилади. Лекин «чангитиб», «ўтиши» сўзлари орасида санаш оҳангига йўқ. Шу сабабдан улар вергул билан ажратилмайди.

Ўқитувчи ўкувчиларнинг дикқатини матннинг биринчи гапига (Бир куни мавлоно Алишер Навоий мулозимлари билан отда узоқ тоф сайридан қайтиб келаётган экан) қаратиб, унинг кесими қандай ифодаланганини

<sup>1</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Номи курсатилган китоб, 128-бет.

аниклатади ва матннинг ташкилий жиҳатлари ҳакида қисқа маълумот беради.

Матн асосида морфологиядан ўтилганларни такрорлаш орқали синтактик курилмаларнинг табиати англанади, морфологик жиҳати яна ҳам кенгрок ва чукурроқ ўрганилади.

Эслатиш лозимки, ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида кўмакчили бирикувларнинг қисмларини мажхул нисбат шаклида қўллаш, кераксиз ўринларда шарт майлдаги феълдан кейин вергул ишлатиш ва бошқа шу каби камчиликлар тез-тез учраб туради. Бу масалалар 8-синфда янги мавзу сифатида ўрганилмайди, бинобарин, янгилик унсури аралашган такрорлашдан фойдаланиш айни муддаодир.

Л.А.Тростенцова ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган «Обучение русскому языку в 8 классе» методик тавсияларида таклиф этилаётган баён ва иншоларни грамматик топшириклар билан мураккаблаштириш маслаҳат берилади. Бу иш турини баён ёки иншо ёзилгандан кейин, матн яратилгандан сўнг ёзма ишлар таҳлили чогида ҳам давом этириш мумкин<sup>1</sup>. Шунингдек, ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқидаги типик хатоларни кўзда тутган ҳолда грамматик топшириклар тавсия қилиш мумкин. Ўкувчиларни мураккаблашган гаплар тузишга ўргатиш масалалари В.Е.Мамушиннинг «О становлении сложных и осложненных предложений в письменной речи учащихся» мақоласида<sup>2</sup> тажриба-синов натижалари асосида баён килинган. Лекин, масалан, гапларни равищдош, сифатдош, харакат номили бирикмалар билан мураккаблаштириш, қўшма гаплар тузишга доир машқлар жараёнида ихчам конструкциялар яратишга интилиш унутилмаслиги даркор.

Кейинги йилларда она тили, шунингдек, иккинчи тилни ўқитиши методикасида ўкувчиларга матн тузишга доир билим, қўникма ва малакаларини сингдириш, уларнинг таркибий элементларини ўргатишга бўлган эътибор кучайди. Ушбу йўналишда Е.М.Сорокина, Г.В.Урумбаева, М.М.Рихсиева ва бошқа методист олимлар томонидан тадқиқот ишлари амалга оширилган<sup>3</sup>. Зоро, бугун матн синтаксиси синтаксиснинг ўрганиш объектларидан бири сифатида эътироф этилган (Н.Махмудов,

<sup>1</sup> Обучение русскому языку в 8 классе: Метод.рекомендации к учеб. для 8 кл. общеобразоват. учреждений / Л.А.Тростенцова, Т.А.Ладыженская, И.А.Шеховцева. – М., «Просвещение», 2003. – С. 54.

<sup>2</sup> Мамушин В.Е. О становлении сложных и осложненных предложений в письменной речи учащихся / Русский язык в школе. – 1988. № 3. – С. 57-60.

<sup>3</sup> Сорокина Е.М. Обучение построению сложного синтаксического целого на уроках русского языка в узбекской школе: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Т., 1991; Урумбанва Г.Н. Лингводидактические основы обучения учащихся 7-9 классов сложному синтаксическому целому как базовой структуре русской монологической речи (на материале школ с каракалпакским языком обучения): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Т., 2001; Рихсиева М. Тълим рус тилида олиб бориладиган мақтаб-ларнинг ўзбек тили дарсларида ўкувчиларни матн тузишга ўргатиш методикаси. Пед.фан.номз. ... дисс. -Т., 1999.

А.Нурмонов)<sup>1</sup>. Бу холат мактабда она тилини ўқитиши мазмунида тегишлича акс этиб, уни ўқитиши методикаси ишлаб чиқила бошланди.

Матн синтаксисида мустакил гапларнинг боғланиши, бирикуви, шу боисдан эса – уларнинг бирикувини амалга ошириш учун хизмат киладиган морфологик воситалар дикқат марказига қўйилди. Морфологик воситаларни ушбу йўналишда такрорлай бошлаш учун 5–7-синфларда ўрганилган, биз кўриб чиқаётган масалага дахлдор мавзуларни белгилаб олиш зарур. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) отлар ёрдамидаги боғланиши;
- 2) олмош (олмош ёрдамидаги боғланиш);
- 3) боғловчилар.

Отлар мустакил гапларнинг ўзаро боғланишини амалга оширишда асосан матний синонимлар ёрдамида иштирок этади. Сифатлар эса – фикр предметининг муҳим белгиларини ажратиш асосида катнашади. Соңлар ўз умумлаштириш вазифасига кўра ишлатилади: ... учаласи... ва ҳоказолар. Мустакил сўз туркumlаридан олмошга матн яратиш вазифасида чикишдек муҳим вазифа хосдир. Мазкур мавзуни такрорлаш ишини олмошнинг маъновий гурӯхларини такрорлашдан бошлаш жоиз. 7-синф дастури ва «Она тили» дарслигида берилishiiga кўра<sup>2</sup> ушбу мавзу 12–27-дарсларда ўрганилади.

Дарсликда олмошларнинг вазифаси аниқ ажралиб турадиган қўйидаги таъриф берилади: «Бошқа сўзлар, шунингдек, сўз бирикмаси ва гап ўрнида алмашиниб қўлланувчи, уларга ишора қилувчи ёки сўрок билдирувчи сўзлар олмош ҳисобланади»<sup>3</sup>. Гарчи таърифда гапларнинг олмош ёрдамида ўзаро боғланиши кўрсатилмаса хам, олмош гапни алмаштириб келиши мумкинлигини эслатишнинг ёлғиз ўзигина ушбу сўз туркуми ёрдамида гапларнинг боғланиши ва матн яратилиши ҳақида маълумот беради, таърифдан буни англаб етиш қийин эмас.

8-синфда «Олмош» мавзусини такрорлабгина қолмай, ўқувчиларнинг айrim олмошлар матн структурасида мустакил гапларни боғлаш учун хизмат килиши ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш ҳам зарур. Буни якъол кўрсатиш учун матн танлаш ва ўқувчиларга уни ўқиб, мустакил гапларни боғлаш воситаси вазифасини бажараётган олмошларни топишни таклиф этиш керак.

Боғланишли матн тузиш иши 8-синф ўқувчиларидан уюшик бўлакларнинг бирикувига доир муайян билим, кўнишка ва малакаларни содда гап соҳасидан матн синтаксиси соҳасига кўчиришни таталаб этади. Масалан, морфологик воситаларнинг қўлланишини гапнинг уюшик

<sup>1</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Номи кўрсатилган китоб, 7-б.

<sup>2</sup> Она тили: Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik / N. Mahmudov, A. Nutmonov, A. Sobirov va boshq. – T., «Maʼnaviyat», 2005.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган дарслик, 14-бет.

бұлаклари соҳасидан құшма гап таркибидаги содда гаплар соҳасигагина эмас, балки матн таркибидаги мустақил гапларни туташтириш соҳасига ҳам күчиришда үз ифодасини топади.

8-синфда олмош, боғловчилар каби айрим морфологик категорияларни такрорлаш ишини ташкил этар ва үтказар эканмиз, гапнинг уюшик бұлаклари ва мустақил гапларни боғлаш воситаларининг ишлатилишини күрсатишида тәккөслаш методидан фойдаланишга алохida эътибор бердик.

Т.Кудратовнинг таъкидлашича, «Ҳар бир гапда нисбатан тугалланган қандайдир фикр ифодаланган бўлади. Аввалги гапларда ифодаланган фикрни кейинги гапда ифодаланган фикр, одатда, ё ривожлантиради, ёки улардан келиб чиқадиган фикрларни хулосалайди. Шундай экан, кейинги гапни олдинги гап билан тўғри боғлаш мухимдир. Гаплар бир-бирлари билан хилма-хил синтактик воситалар орқали боғланади. Баъзан улардан тўғри фойдалана олмаганлик кўзга ташланади»<sup>1</sup>. Бундай ҳолатлар баъзан гапларнинг үзаро мантиқий боғланишига путур етказади. Муаллиф үз кузатишлари асосида гапларнинг бирикувидаги мантиқийликнинг бузилишига куйидагиларни киритади:<sup>2</sup>. Гапларни бир-бирига боғлашда юз берадиган хатолар. 2. Бир фикрдан бошқасига ўтишда юз берадиган хатолар. 3. Матнни абзацларга бўлишда хатоларга йўл қўйиш. 4. Матнни мантиқий шакллантириш, синтактик қурилмаларни танлашда юз берадиган хатолар<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, морфологик категорияларнинг ҳаммаси ҳам гапнинг уюшик бұлаклари ва мустақил гапларни үзаро боғлаш учун бир хилда қўлланавермайди. Шу нуқтаи назардан уларни куйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1) Факат гапнинг уюшик бұлакларини боғлашда ишлатиладиган морфологик воситалар;

2) Гапнинг уюшик бұлаклари ҳам, мустақил гапларни ҳам үзаро бириктиришда қўлланиладиган боғланиш воситалари.

3) Факат құшма гаплар қисмларини боғлашда ишлатиладиган айрим морфологик категориялар.

Боғловчи ва юкламаларнинг қўлланиши үзига хосдир.

Ўзбек тилида *ва*, *ҳам*, *ҳамда* бириктирув боғловчилари гапнинг уюшик бұлакларини ҳам, құшма гап таркибидаги қисмларни ҳам боғлайди. Лекин улар матн таркибиде мустақил гапларни бириктиришда деярли қўлланмайди.

Аксинча, *лекин*, *аммо*, *бироқ*, *шунинг учун*, *чунки* ва бошқа шу каби бириктирув ва эргаштирувчи боғловчилар бажарадиган вазифасига кўра тўла-тўқис мос келади. Улар гапнинг уюшик бұлакларини боғлашда ҳам,

<sup>1</sup> Кудратов Т. Нутқ маданияти асослари. –Т., «Ўқитувчи», 1993. – 62-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

матн таркибида мустакил гапларни бириктиришда ҳам құлланади. Масалан: *Сүбәдайынан тошбақалар ҳам бор. Лекин улар балиқ, құрбақа, чуvalчанг каби жониворлар билан овқатланади.*

-ку, -да, -ми, -а ва бошқа юкламалар – құшимчалар матн таркибида мустакил гапларни боғлаш учун ишлатилмайды. Лекин сүз-юкламалар (*фақат, нақотки, токи* ва бошқалар) ана шу вазифани бемалол адо эта олади: ...*Токи одамлар мени құрмасин.*

Матн ҳосил қилувчи морфологик категориялар сирасида кириптамаларни, кирипта гапларни құрсатиш мүмкін.

5-7-синф «Она тили» дарсلىкларида тақдим этилган таъриф ва қоидалар хамма вакт ҳам мустакил гапларнинг үзаро боғланишига ишора қиласкермайды. Масалан, 7-синф «Она тили» дарслигининг 56-дарсида берилген таърифға күра боғловчи шундай түшунтирилади: «Гапнинг уюшиқ бұлактарини ва құшма гап таркибидаги содда гапларни үзаро боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сүзларға боғловчи дейилади»<sup>1</sup>. Бу ерда мустакил гапларнинг үзаро боғланишига бевосита ишора килинаётгани йүк. Ушбу материални тақрорлашда мазкур таърифни айрим боғловчилар мустакил гапларни үзаро боғлаш учун ҳам хизмат килади, деб түлдириш маъқул қўринади.

Зидлов ва айирув боғловчилари, *на..., на* инкор боғловчиси мустакил гапларни үзаро боғлашда ишлатилади.

Тилга олинган боғловчиларнинг ушбу хусусиятлари боғловчиларнинг қўрсатилган ҳар бир тури юзасидан келтирилган таърифларда ўз аксини топган. Масалан, айирув боғловчиларнинг таърифида (61-дарс) айтилишича, «Үзаро боғланаётган бұлак ёки гаплардан бирини бошқасидан айриб қўрсатувчи боғловчилар айирув боғловчилари хисобланади»<sup>2</sup>.

7-синф «Она тили» дарслигининг олмош, боғловчилар ҳақидаги айрим таърифларида гапларнинг үзаро боғланиши түгрисида гапирилишини хисобга олиб, 8-синфда мустакил гапларни үзаро боғловчи морфологик воситалар, уларнинг матн яратищдаги вазифалари юзасидан тасаввурларини чукурлаштириш ва кенгайтириш имконияти туғилади. Бу маъдумотлар таққослаш усулида мисоллар билан намойиш қилинади. Масалан:

Берилган гапларни ўқинг. Улардаги фарқларни қўрсатинг:

Тол устида порлаб турган лампочкадан ерга ола-була ёруғлик тушарди, лекин шундай бұлса ҳам бу ерда бемалол ҳат ўқиш мүмкін зди.

Тол устида порлаб турган лампочкадан ерга ола-була ёруғлик тушарди. Лекин шундай бұлса ҳам бу ерда бемалол ҳат ўқиш мүмкін зди (С.Назар).

<sup>1</sup> Ота тили: Umumtaitim maktabalarining 7-sinfi ucnun darslik, 68-бет.

<sup>2</sup> Номи қўрсатилган дарслик, 75-бет.

Ўкувчилар чап томонда берилган гапни ўқиб, бу гапда леким боғловчиси құшма гап қысмларини боғлаётгандыгини, ўнг томондаги гапни ўқиб, ушбу боғловчи мустақил гапларни ўзаро бириктираётгандыгини айтадилар.

Құшимча рациональда күйидеги каби машқлар тавсия этилиши мүмкін: Берилган құшма гапни мустақил содда гапларга бўлинг. Берилган гапларни мос боғловчилар билан тўлдиринг.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида морфологик воситаларнинг жанр ва услуб талабига кўра қай тарзда танланганини кузатишида, уларни тўғри кўллашга ўрганишда матн ва унда акс этган синтактик қурилмаларни таҳлил қилиш, мустақил гапларни боғловчи воситаларга ўкувчилар эътиборини қаратиш нутқ ўстириш, нутқ маданиятини эгаллашнинг мухим омили саналади.

### 3.3. Ўкувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш мақсадида синтактик қурилмалар устида олиб бориладиган ишлар

Тадқиқотнинг навбатдаги – якуний вазифаларидан бири 8-синфда синтаксисни ўрганиш жараёнида ўкувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш билан боғлик рациональда морфологияни тақрорлаш муаммосини ҳал этишга бағишиланиши изланишимизнинг мантикий давоми саналади. Агар магн устида ишлаш жараёнида гапни гапга боғловчи морфологик воситалар билан танишиш, уларни эгаллаш масалаларига устувор аҳамият берилса, нутқ маданиятини эгаллаш босқичида ўкувчилар тил ходисаларни нутқ одоби доирасида танлаш ишлатиш вазиятига тушадилар, тарбия топганликни намоён этган ҳолда фикр баён этиш ва фикр алмашишини машқ қиласидилар.

Кейинги даврларда хорижий тилшунослардан Б.Н.Головин, Л.Г.Смирновалар нутқ маданиятига бағишиланган монографик тадқиқотлари билан чиқдилар. Ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти Н.Махмудов, Р.Кўнғуров, Э.Бегматов, А.Абдуллаев, Ё.Тожиев, Т.Курратов ва бошқа тилшунос олимларнинг дикқат марказида бўлди. Она тили ўқитиш методикасида нутқ маданияти масалалари М.Омилхонова, Й.Абдуллаев, А.Ғуломов ва бошқа бир қатор методист олимлар томонидан ёритилди, Х.Курбонова, Н.Йўлдошева, Н.Қосимоваларнинг тадқиқот ишларида тилга олинди. Олдинги номзодлик диссертациямиз ва методик кўлланмамииз<sup>1</sup> бош бўлакларни ўрганиш муносабати билан айрим хуносалар баён этилди.

<sup>1</sup> Юсупова Т. Гапнинг бош бўлакларини ўрганиши жараёнида ўкувчилар нутқини ўстирипнинг лингвометодик асослари: Пед. фан.номзоди ... дисс. – Т., 2005; Гапнинг бош бўлакларини ўрганиш жараёнида ўкувчилар нутқини ўстириш. – Т., 2006.

Она тили дарсларида синтаксисни ўрганиш жараёнида морфологияни тақрорлаш нутқ ўстиришга йўналтирилган, бунда матн яратишга ўргатиш устувор аҳамият касб этган экан, пировард натижа – тақрорлашдан кўзланган самарадорлик нутқ маданиятининг шаклланишида ўз ифодасини топиши лозим.

Морфология курсида тушунчаларни англатиш учун хизмат киладиган материаллар (терминлар, таърифлар) кейинчалик нутқ маданияти устидаги ишларга ўтиш имконини берадиган филологик билимларни шакллантириш ва шу орқали нутқ ўстиришнинг амалий масалаларини ҳал ўтиш мақсадини кўзда тутади. Ёрдамчи сўзлар, турли хил қўшимчалар ҳакидаги билимлар эса нутқ маданиятини ривожлантириш учун замин яратади. Таълим мазмунига фарқлаб муносабатда бўлиш билимларнинг иккинчи гурухига устувор аҳамият бериш кераклигини асослаш имконини беради.

Л.Г.Смирнованинг «Культура русской речи» китобида таъкидланишича, «Нуткнинг бойлиги аввало сўзловчининг умумий маданияти билан, унинг фикрлаш кобилияти билан белгиланади. «Тил бойлиги фикрлар бойлигидир» – деб ёзган эди Н.М.Карамзин. Катта лугат бойлигига эга бўлган, ушбу сўзлардан уларга хос турли хил маъно бўёқларини хисобга олиб фойдалана биладиган, хилма-хил синтактик курилмалар, оғзаки нутқ интонацияси соҳиби бўлган инсон нутқи бой саналади. ...Нутқ бойлиги нуткнинг бошқа барча коммуникатив сифатларини белгилаб беради<sup>1</sup>. Дарҳакиқат, нутқи бой нотикнинг сўзи дикқат билан тингланади, эшитувчидаги яхши таассурот қолдиради, фикрлари ёркин, таъсирчан, аниқ қабул қилинади.

Нуткнинг ифодалилиги нутқ маданиятини эгаллашда мухим аҳамият касб этади. Самимият билан гапириш кўп жиҳатдан сўзлаш оҳангига, самимият ифодалашга ёрдам берувчи лексик ва грамматик воситаларни танлаб ишлатишда намоён бўлади. Масалан, «кетларинг» билан «кетинглар» ифодаси ўргасида катта фарқ бор: биринчисида сұхбатдошли менсимаслик, унга кўпол муносабатда бўлиш натижаси бўлса, иккинчиси самимий муомала акс эттирилаётгани туфайлидир. Л.Г.Смирнова уқтирганидек, «Тингловчи ёки китобхонларнинг дикқатини жалб этувчи, қизикишини баркарор ушлаб турувчи нутқ структурасидаги хусусиятларга нуткнинг ифодалилиги деб аталади. Қолиплар, шаблонлардан холи, «тил модаси» кетидан кўр-кўрона эргашилмаган образли, жонли, эмоционал нутқ ифодали саналади<sup>2</sup>. Муаллиф оҳанг равонлигига катта эътибор беради: «Идрок этиш учун нуткнинг хушоҳанглилиги – кулоқка хуш ёқадиган талаффуз талабларига мослиги, сўзларнинг товуш томонларини

<sup>1</sup> Смирнова Л.Г. Культура русской речи. – 2-е изд. – М., ООО «ТИД «Русское слово – РС», 2005. – С. 9.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган китоб, 11-бет.

хисобга олиб танланганлиги каби сифатлари мухимдир»<sup>1</sup>. Шунга кўра ҳам синтаксисни ўрганиш жараёнида гапларни, матнни ифодали ўкишга, сўзлаётган пайтда ифодалиликка алоҳида эътибор берилади. Айниқса, сўзларни қулоққа хуш ёқадиган тарзда ижобий бўёкли тил воситалари, морфологик шаклларда қўллаш, гапиришда самимилик, жумлаларни айтишда равонлик мухим аҳамият касб этади. Содда гап синтаксисига доир гап қурилмаларини ифодали ўкиш масалалари методист олим М.Омилхонова томонидан яратилган методик қўлланмаларда кенгрок ёритилган<sup>2</sup>.

Овоз ёқимлилиги хушмуомалалик билан боғланади. А.С.Киселева ўзининг «Обучение словесной вежливости на уроках русского языка» маколасида одам ўзига қандай салом берилаётганига, қўрсатган яхшилиги учун қандай сўзлар билан миннатдорчилик билдирилаётганига бефарқ эмаслигини эслатар экан, бундай дейди: «Чинакам хушмуомалаликни тарбиялаш – бу аввало инсонга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, яхшиликни тарбия топтиришдир»<sup>3</sup>. Муаллифнинг фикрича, ўкувчиларимизни хушмуомала қилиб тарбиялашда ўқитувчининг дарсдаги самимий сўзлари, ўкувчилар гап тузганда «Энди шу гапни қандай қилиб хушмуомалалик билан айтиш мумкинлиги ҳакида ўйланг ва уни ўзгартириб айтинг» деган топшириклари мухим рол ўйнайди. Шунда бола сўз танлаб ишлатиш вазиятига тушади.

Д.Сайдованинг «5-7-синф она тили дарсларида ўкувчиларнинг ёзма нутқини кўмакчи феъллар билан бойитиши» маколасида айтилганидек: «Нутқ маданиятини эгаллаш йўлидаги ҳаракат фикр ифодалашда сухбатдош билан ўргадаги вазиятни самимишлостиришга интилиш, одобахлоқ доирасида андиша билан сўзлаш, ўз гапини фақат яхши сўзлар воситасида ўтказишга ҳаракат қилишни талаб этадиган машқларда амал қиласи. Кескин хукм ўрнини ҳаракатларга модал ва бошқа хил муносабатлар билан алмаштириш, яъни ўкувчиларда самимий мuloқot мухитини ифодаловчи тил ҳодисаларини қўллаш малакаларини шакллантириш устида иш олиб борилади. Бунга эса мuloқot жараёнига самимият баҳш этувчи грамматик маъноларни ўрганиш, чунончи, кўмакчи феълли бирикувлардан фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Зоро, айни шундай бирикувлар грамматик маъноларга жуда бойдир. Бу маъноларни билиш ва уларга нутқ жараёнида мурожаат этиш, шубҳа йўкки, сўзловчининг фикр дунёсини бениҳоя бойигади»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш. – Т., «Ўқитувчи», 1991; Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиши. – Т., «Ўқитувчи», 1977; IV синфда «Синтаксис ва пунктуация»ни ўтиши // Она тили ўқитиш самарадорлигини ошириш. – Т., «Ўқитувчи», 1973.26–74-бетлар.

<sup>3</sup> Рихсиева М. Номи кўрсатилган диссертация, 27-бет.

<sup>4</sup> Сайдова Д. 5–7-синф она тили дарсларида ўкувчиларнинг ёзма нутқини кўмакчи феъллар билан бойитиши. // Uzluksiz ta’lim. - 2004. № 2. – 27-бет.

Хушоҳанглиликка синтактик курилмаларда гап бўлакларининг ифодаланиши, уларнинг ихчам, сиқик бўлиши кераклиги, синтагмаларнинг мусикийлиги, оҳангдорлигини таъминлаш оркали ҳам эришилади.

Содда гап синтаксисини ўрганиш ҳам, шу жараёнда морфологияга доир билим, кўникма ва малакаларни такрорлаш, чукурлаштириш ҳамда кенгайтириш ҳам нутқ маданиятини шакллантириш мақсади учун хизмат килиши лозим. Ёшларнинг нуткини ўстириш, уларга нутқ маданиятини сингдириш ишлари маълум даражада нутқ услублари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари устида мунтазам равишда олиб бориладиган ишлар сифати ва самарадорлигига боғлиқ.

Кузатишлар ва ёзма ишлар таҳлилидан маълумки, бугунги кунда она тили дарсларида ўкувчиликнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш соҳасида эришилаётган натижалар талаб даражасида эмас. Буни ўкувчилар нуткида йўл кўйилаётган куйидаги каби услубий хатолар кўплигидан ҳам билиш кийин эмас: а) сўз ишлатишдаги хатолар; б) грамматик воситаларни кўллашдаги нуқсонлар; в) сўзлашувда китобийга хос, китобийда сўзлашувга хос сўз ишлатиш ва жумла куриш (гапириш ва ёзиш) билан боғлиқ камчилликлар.

Ўкувчилар нуткидаги бу ва бошқа хатоларнинг сабабларига куйидагиларни киритиш мумкин:

а) адабий тил меъёрларини, қонун-қоидаларини яхши билмаслик (меъёрга амал килмаслик, уни бузиш);

б) ишлатилаётган сўзларнинг маъноларини ва уларнинг бирикиш имкониятларини билмаслик;

в) синонимик қатордаги сўзларни ишлатишдаги услубий хосликлар хақидаги тушунчага эга эмаслик;

г) фикр мақсадига мос равишда, услугуб талабига кўра грамматик воситаларни танлай олмаслик.

Нутқ услублари юзасидан бериладиган маълумотлар, бажариладиган машклар биринчи навбатда узлуксиз она тили таълими жараёнда 8-синфга қадар амалга ошириладиган ишларни назарда тутиши, қолаверса, таълим натижасида эришиладиган даражани ҳисобга олиши керак. 5-7-синфларда нутқ услублари амалий ўрганилади. Айрим мақолаларда бу даврда дастлаб бадиий услугуга таяниш, кейинроқ илмий (китобий) услуг хусусиятларини англата бориш деган ғоя илгари сурилмоқда<sup>1</sup>. Бундай йўл тутишнинг зарурлиги шу билан изоҳланадики, турли услубларга хос

<sup>1</sup> Эргашева А. Она тили дарсларида ўқитувчиларнинг грамматик воситалар услубий хослигини ҳисобга олишлари // «Ёш истиқболли педагог ва илмий кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш муаммолари: Республика илмий семинари. 27-28 май 2004 йил. Тошкент, 2004. – 192-194-б; Оғзаки ва ёзма нуткини ўзаро боғланишида ўстириш // Ўзбек тили таълими жараёнда фанлараро боғланиш масалалари “Ўзбек тили” доимий анжумани саккизинчи йигинининг материаллари. 2005 йил. 21-22 апрель. –Т., 2005. – 103-104-б.

фарқларни билмаган ўкувчилар учун бадиий услугуб сўз ва грамматик воситаларни нутк вазиятига ва шароитига мос равища эркин ишлатиш имкониятини беради.

8-синфга келиб ўкувчилар нутк услублари билан кенгрок танишадилар. Шу синф «Она тили» дарслигига<sup>1</sup> (2-дарсда) берилишига кўра, ёшлар адабий нутк ва унинг услублари, илмий матн, адабий нутк, шева, бадиий услугуб, илмий услугуб, расмий-идоравий услугуб ҳакида тушунча хосил қиласидилар. 75-дарсда услугубий юқ, оғзаки нутк, бадиий нутк услуги хусусидаги фикрлардан вокиф бўладилар.

Умумий ўрта таълимнинг «Она тили» давлат таълим стандартида билим, кўнирма ва малакаларга нисбатан белгиланган талаблар орасида «боғланишли нутк, нутк услублари, стилистикага оид тушунчалар, уларнинг муҳим белгиларини билиб олишлари, изохлай билишлари ва шу тушунчалар билан боғлик грамматик терминларни ўзлаштиришлари»<sup>2</sup> кераклигини кўриш мумкин.

Ўкувчи услубларни дастлаб қуидаги белгиларига кўра ўзаро фарқлайдилар: бадиий адабиёт асари бўлса, бадиий услугуб; илмий асар – илмий услугуб; конун, фармон, қарор – расмий-идоравий услугуб. Бунда матнларнинг шаклига эътибор қаратилади. Лекин таълим жараёнида бу билангина кифояланиб бўлмаслиги аник. Зоро, бадиий услугуб ва илмий услугуни бир-биридан фарқлаш учун лексик ва грамматик материалларнинг ишлатилиш хусусиятлари юзасидан тегишли маълумотлар берилиши лозим бўлади.

8-синф «Она тили» дарслигидаги 2-дарсда 4-машқдан сўнг айрим лексик ва грамматик воситаларнинг услугубий қўлланиши ҳақида жуда кисқа маълумот бериб ўтилади. Масалан, ўкувчиларга қуидаги мазмунда изох берилади:

Кўчма маънодаги сўзлар, бўёқдор маънодош сўзлар, шевага хос сўзлар бадиий услугуда кенг ишлатилади. Илмий услугуда маънодош сўзлардан деярли фойдаланилмайди. Терминлар маънодош бўлмайди. Грамматик воситалар ҳам, чунончи, янглиг, мисоли каби кўмакчилар бадиий услугуга хос бўлиб, илмий нуткда учрамайди.

Юкоридаги каби изохлар ёрдамида морфологик тушунчалар шунчаки такрорланмайди, балки амалда, нуткий амалиётда қўллаш жиҳатлари янада мустаҳкамланади, шу муносабат билан янги билимлар ўрганилади, кенгайтирилади ва чукурлаштирилади.

Бу ҳақдаги маълумот 39-машқдан кейин, 40-машқдан аввал берилади. Бошқача айтганда, иншога тайёргарлик кўриш боскичида тушунтирилади.

<sup>1</sup> Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-mafbaa ijodiy uyi, 2006.

<sup>2</sup> Давлат таълим стандартига шарх: Она тили // Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. – Таълим тараққиёти. Ахборотнома, I-максус сон. – Т., «Шарқ», 1999. – 52-бет.

Бу нарса ўкучилар ёзадиган иншоларнинг ширади, мазмунли чикиши учун зарур.

«Обучение русскому языку в 8 классе» китобида ҳам юқоридаги фикр алоҳида уқтирилади: «Ўқувчилар амалий машклар жараёнида матн, услугуб, нутқ типи, матнда гапларнинг ўзаро боғланиш воситалари ва бошка шу каби тушунчалар ҳакида олган билим, қўникма ва малакаларини чуқурлаштирадилар. Энг муҳими, ўз билимларидан матн яратишда фойдаланишга ўрганадилар»<sup>1</sup>. Китобда берилган тавсияларга кўра, VIII синфда синтаксисни ўргатиш дарсларида услугублар устида қуйидаги ишлар олиб борилади: 1) V-VII синфларда ҳар бир услугубнинг системлилиги тўғрисида олинган билимларни такрорлаш ва мустахкамлаш; 2) ўрганилаётган синтактик воситаларнинг услугубий хусусиятлари ҳакида янги билимлар бериш; 3) боғланишли нутқ ўстириш режалаштирилган услугубдаги боғланишли матн яратиш юзасидан тайёрлов ишлари<sup>2</sup>.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг нуткини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш тилнинг қонун-коидаларини ўзлаштириш қатори ифода воситаларининг ўзини мукаммал, баркамол эгаллашни ҳам такозо этади. Киши ифода воситаларини канча кўп билса, нутқ шароитига мос равишда уларни танлаб ишлатиш имкониятлари шунча кўп бўлади. Ушбу бой имкониятлардан унумли фойдаланиш эса услугубиятга доир элементар билим, шу билим доирасида мустахкам қўникма ва малакаларни такозо этади. Ифода воситаларини қўллаш нутқ маданияти ва амалий услугубиятни эгаллаш асносида муваффакиятли кечади.

Нутқ маданияти адабий тил меъёрларини ўзлаштириш орқали фикрни тўғри, аниқ, ифодали баён этиш малакасини англатади. Услубият эса «Обучение русскому языку в 8 классе» қўлланмасида таъкидланишича, нутқнинг функционал услубларига мувофиқ, фикр баён килиш шароити ва мақсадлари, мулокот вазиятига кўра тил воситаларини танлаб ишлатиш коидаларини ифода этади<sup>3</sup>. Нутқ маданиятининг фикрни ифодали баён этиш элементи услубият билан боғланади. Айтиш мумкинки, она тили дарсларида ўқувчилар нутқ маданиятини тил меъёрлари қатори, нутқ услублари билан таниша бориш орқали ҳам эгаллайдилар.

Ифода воситаларини танлаш уларни билишдан ташқари, услугубий коидалар билан куролланишни ҳам такозо этади. Масалан, талай манбаларда юз сўзининг ижобий ва салбий бўёқдаги маънодошлари ҳакида гапирилади. Лекин уларни нутқ шароити ва коммуникатив мақсад,

<sup>1</sup> Обучение русскому языку в 8 классе: Метод.указания к учеб.: Пособие для учителя / В.В.Бабайцева, Г.К.Лидман-Орлова, Ю.С.Пичугов и др.; Под ред. В.В.Бабайцевой. – 3-е изд., испр. и доп.- М., «Просвещение», 2001. – С. 119.

<sup>2</sup> Номи кўрсатилган китоб, 112-бет.

<sup>3</sup> Номи кўрсатилган китоб, 111-бет.

мулоқот вазиятига мос равишда ишлатиш учун айрим мисоллар келтиришнинг ўзи кифоя қилмайди, балки услугубий қоидаларга ўхшаш изоҳлар кўмаги зарур бўлади. Шуни ҳам эслатиш жоизки, услугубий қоида ўқиб-ўрганишни талаб этса, изоҳ ўкувчини тўғридан-тўғри амалга килишга ундейди.

Ифода воситаларини билиш уларнинг тўлиқ рўйхатларидан хабардорликка бориб тақалади. Лекин, афсуски, 8-синф она тили дарсларида булаётганидек, агар кўмакчилар тақрорланаётган бўлса-ю, учтўрт кўмакчини эсга олиш билан ўтиб кетилса, ифода воситаларининг тўлиқ рўйхати эътибордан четда қолади, аксинча, бундай дарсда назарий маълумотларни тақрорлаш устун туради, яъни мақсад факат назарий материалга қаратилади, ифода воситалари иккинчи даражали бўлиб қолади.

Тил ҳодисаларининг ҳаммаси ҳам ифода воситаси бўлавермайди. Масалан, от сўз туркуми ўтилаётганда отларнинг тўлиқ рўйхатини бериб бўлмайди, чунки отларнинг ўзи грамматик маъно англатувчи ифода воситалари эмас. Шунингдек, маънодош сўзларнинг ҳам тўлиқ рўйхати билан танишишнинг сира ҳам иложи йўқ. Биз ифода воситалари деганда сўзни грамматик жиҳатдан шакллантириш учун хизмат киладиган шаклларни тушунамиз. Масалан, кўмакчилар шундай воситалар сирасига киради.

Методист олима Г.Ахророва «Кўмакчили бирикмаларни ўргатиш методикаси (Ўзбек тили мисолида)» кўлланмасида кўмакчиларнинг кўйидаги тўлиқ рўйхатини берган:

«Соф кўмакчимлар: билан, учун, каби, сингари, янглиғ, туфайли, сайин, мувоғиқ, ичра, сари, қадар, узра, оид, орқали.

Феъл кўмакчилар: караб, қарамай, кўра, оша, қарамасдан, бўйлаб, тортиб, қилиб, яраша, қараганда, бошлаб, қаратса, этиб, бўлиб, «келганда, деганда» (А.Н.Кононов, 1960, 310-бет).

Сифат кўмакчилар: бошка, сабабли, ташқари, ҷоғли, қарши, бўлак, ортиқ, зиёд.

Равиш кўмакчилар: кейин, сўнг, илгари, олдин, аввал, бўйича, асосан, бурун, биноан, нари, бери, бўён, «нисбатан» (Т.Рустамов, 1991. 25-бет).

От-кўмакчилар: томон, томонидан, ич, уст, олд, ён, орка, ўрта, атроф, ост, таг, тепа, хузур, рўпара, ҳақида, хусус, юзасидан, «соясида, қош, ўрнида, кетида, бўйида, қаторида, боисида, борасида, сифатида, бобида, асно, суратида, жиҳатдан» (Т.Рустамов, 81-90-бетлар)<sup>1</sup>.

Ифода воситаларини, хусусан, кўмакчиларни тўлиқ эслаш шунинг учун ҳам зарурки, киши ўзи билган нарсаси асосида ўзгалар нуткини

<sup>1</sup> Ахророва Г.П. Кўмакчили бирикмаларни ўргатиш методикаси (Ўзбек тили мисолида). – Т., ДЮИ, 2003.

кузатар экан, тил ҳисси орқали муайян хulosалар чиқаради: унинг нутқда ишлатилиш ўринларини ўргана боради.

8-синф «Она тили» дарслигига дастлаб ёрдамчи сўзларни йил бошида такрорлаш учун алохида дарс ажратилган (4-дарс). Шундан сўнг ёрдамчи сўзларга, хусусан, кўмакчиларга яна бир неча дарсда мурожаат этилади. Чунончи, «Сўз бирикмаларида сўзларнинг ўзаро бириш усуллари» мавзуси муносабати билан 18-дарсда, ҳол ва тўлдирувчи билан боғлик мавзуларни ўтишда (60-63- ва 68-70-дарслар), дарслардаги машқларда келтирилган мисоллар асосида кўмакчилар устида узлуксизлик ва узвийликда иш олиб борилади. Бунда ўкувчилар ўз нутқида кам ишлатадиган, услугубий хатоларга йўл қўядиган ифода воситаларига алохида аҳамият берилади. Масалан: Ўз уйим деб ўйлама, уй ортида одам бор (22-машк), Хадича хола бундан олти ой бурун келганда, бир кийик беҳи олиб келган эди (26-машк), ...Абдурахмон Жомий Алишер Навоий ижоди хусусида шундай деб ёзган... (30-машк), Йигит оқимга карши сузид, ариқнинг бошига етди (80-машк).

Ифода воситаларининг тўлиқ рўйхати асосида уларни шунчаки бир марта хотирага туширишнинг ўзи камлик қиласи. Масалан, кўмакчиларни бир дарсда эслаш билан иш битмайди. Уларнинг нофаол қисмини ҳам тегишли нутқ шароитида тўғри қўллаш ҳам зарур. Аммо истаган кўмакчини дуч келган гапда ишлатиш мумкин эмас. Чунки уларнинг бир қисми фақат бадиий нутқда қўлланилади. Шунинг учун, бир томондан, машқ ва топшириклар мураккаблашиб бормоги, иккинчидан, услугубий шархлар берилмоғи даркор. Айниқса, ифода воситаларидан саналмиш кўмакчиларни услугубий тушунтириш ва изохларга мурожаат этмай туриб ўргатиш мумкин эмас. Ҳар бир кўмакчининг ўз ўрни, ўз вазифаси, аъмоли бор. Кўмакчилар лексик-грамматик аснодаги ифода воситалари сирасига кириб, кўплари услугубий бўёқдор, китобий саналади.

Айтилганларга кўра такрорлаш турли даражада амалга оширилади:

- 1) грамматик воситаларни шунчаки эсга тушириш (рўйхат билан танишитириш);
- 2) сўзлашув нутқида ишлатилмайдиган грамматик воситаларга ургу берган ҳолда такрорлаш (масалан, янглиғ, узра, ичра, борасида, асносида ва б.);

3) ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида фаоллашиб улгурмаган грамматик воситаларни мустаҳкамлаш (масалан, ҳузурида, хусусида, юзасидан, қошида, боисидан, борасида, бобида ва б.);

4) грамматик воситаларни уларнинг услугубий хосланган ҳолда ишлатилишини тушунтириш йўли билан эсга тушириш (хусусан, бадиий услугба нисбат берган ҳолда изоҳлаш);

5) грамматик воситаларнинг услугубий қўлланишига доир машқлар бажариш (масалан, икки хил услубда берилган грамматик воситаларни

изохлаш, гапдан ажратилган грамматик воситани бадий услугда кўлланадиган восита билан алмаштириш ва б.);

6) матн яратиш даражасидаги машқлар;

7) назарий таҳлил.

Такрорлашни бу хилда ташкил этиш, бир томондан, ўқувчилар нутқини мунтазам кузатиш ва ўрганишни талаб этади, иккинчи томондан эса аста-секин услугбий қоидаларни эгаллаш билан боғлана боради. 8-синф «Она тили» дарслигининг 2-дарсида «Адабий нутқ ва унинг услублари» мавзуси ўтилади. Бу ерда услуг ҳақида бундай дейилади: «Адабий нуткнинг муайян соҳадаги мулокот учун мослаштирилган, бир катор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб турадиган кўринишлари – услублари мавжуд»<sup>1</sup>.

Ўқувчилар илк бор адабий нутқ услубларининг турлари (бадий услуг, илмий услуг, расмий-идоравий услуг) билан шу дарсда назарий танишадилар.

«Бадий услуг бадий адабиёт, яъни бадий асарларга хос бўлиб, унда бадийлик, ифодалилик, таъсирчанлик кучлидир.

Илмий услугга мантиқлилик, аниклик, илмий терминларнинг кенг кўлланилиши хос бўлиб, барча илмий асарлар, жумладан, мактаб дарслклари ҳам шу услубда ёзилган.

Расмий-идоравий услуг ўзига хос нутқ услубидир. Барча конунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, турли ҳужжатлар, иш қоғозлари, идораларро ёзишмалар ва шу кабилар расмий-идоравий услубда ёзилади. Расмий-идоравий услубда гаплар ихчам ва аниқ бўлади. Бу услубда қарор қилинди, инобатга олинсин, ижро учун қабул қилинсин, тасдикланади каби қолиплашган сўзлар ва сўз бирикмалари кенг кўлланилади», – дейилади 8-синф «Она тили» дарслигига (6-бет).

Ушбу маълумот уч машқ тури билан мустаҳкамланган.

Машқ. Матнларни ўқинг. Уларнинг ҳар бири адабий нуткнинг қайси услубига хослигини аникланг.

Ўқувчилар матннинг қайси услугга мансублигини шаклан фарқлайдилар: бадий асардан парча – бадий услубда, илмий мақола – илмий услубда, иш қоғози – расмий-идоравий услубда.

Машқ. Саволларга жавоб беринг. (Бунда ўтилган назарий маълумот мустаҳкамланади.)

Машқ. Ёзма манбалардан илмий ва расмий-идоравий услубдаги матнларга иккитадан мисол (парча) топиб ёзинг.

Кейинги дарсларда ўқувчиларнинг услуг турлари юзасидан олган билимлари улар орасидаги асосий фарқларни лексик ва лексик-грамматик материаллар мисолида чуқурроқ англатиши мумкин. Шуни ҳам унутмаслик

<sup>1</sup> Qodirov M., Ne'matov H. va b. 8-sinf uchun darslik. – T.: Cho'lpion nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uy, 2006. – 6-бет.

керакки, илмий услуб билан расмий-идоравий услуб мұайян, лекин нозик тағовуттарға зәға бўлса-да. бу фарқларни англаш кийин, чунки улар яккол кўзга ташланиб турмайди. Аксинча, бадиий услуб билан юкоридаги икки услуб орасидаги айрманни пайқаш жуда осон. Бу фарқ бўёқдор маънодошларни нейтрал маънодошлардан ажрата олиш асосида содир бўлади.

Илмий услуб билан бадиий услуб хусусиятларини англаш амалий машқлар жараённида янада чукурлашади. Шу максадда илмий услубда ёзилган матнни таҳрир қилиб, бадиий услубда баён этиш, аксинча, бадиий услубдаги матнни илмий услубда бериш талаб этиладиган машқлар бажариш фойдалидир. Масалан, 8-сinf «Она тили» дарслигининг 18-дарсида берилган бадиий услугуга хос «Она юрт соғинчи» матнини олайлик:

### ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ

*Ватан нима ўзи! Ватан – она алласи таралган, бешигинг излари чизилган замин. Аждодларинг кўмилган қабристон, ота-онангнинг излари қолган кўчалар, сенинг лаҗсангда сўзлашадиган, қош-у кўзи худди сенинг кабилар яшайдиган қадрдан ер – Ватандир!*

Ўкувчилардан бири ушбу матнни илмий услубда куйидаги тарзда баён этди:

### ЮРТИМИЗ

*Ватан – бу биз тузилган жой. Бу ерда аждодларимиз яшаган, улар шу ерга кўмилган. Кўчаларида ота-онапаримиз юрган. Бу ерда одамлар ўзбек тилида, унинг у ёки бу ишларни сўзлашади. Уларнинг юз тузилиши ёцир-ёрига ўхшаш.*

Тўғри, ҳамма ўкувчиларнинг машқни бир хилда бажариши мумкин эмас. Лекин улар бадиий услугуга хос сўз кўлланишлари (замин, худди сенинг кабилар), синтактик қурилмалар (хис-ҳаяжон гаплар) ўрнида илмий услугуга монанд нейтрал сўзлардан, дарак гаплардан фойдаланиш кераклигини англаб етганининг ўзи эришилган таълимий натижани ифода этади.

Шундай килиб, 8-сinf она тили дарсларида ўкувчиларнинг нуткини ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш учун иложи борича ифода воситаларининг тўлиқ рўйхатлари асосида морфологияни такрорлаш ишларини ташкил этиш, услубий кўлланишига доир изохлар бериб бориш, нутқ шароитига мос равища ишлатилишини ўрганишга бўлган эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

8-сinfда ўкувчилар нутқ услубларининг асосий жиҳатлари билан танишишлари, ёзма нуткида мавзуга, асосий ғояга мувофик услуб турларидан фойдалана билишлари керак.

Хуллас, синтактик қурилмаларни морфологик жиҳатдан бойитиш нутқ маданияти, нутқ услублари юзасидан берилган маълумотлар бериш,

уларни ўрганишда алоҳида олингап гаплар эмас, балки кичик-кичик матнлар танлаш, таққослаш усулидан фойдаланиб услубий таҳлиллар ўтказиш, ўкувчиларнинг матн яратиш билан боғлик ижодий ишларига кенгрок ўрин ажратиш мақсадга мувофиқдир.

### Боб юзасидан хулосалар

8-синф она тили дарсларида ўкувчиларнинг оғзаки ва ёзма нуткини ўстириш, уларни матн яратишга ўргатиш жараёни синтаксисга доир ҳар бир мавзуни ўтаётib, морфологиядан ўтилганларни такрорлаш орқали ўкувчилар туза оладиган синтактик курилмаларни ҳали фаоллашмаган грамматик воситалар билан бойитиш, уларни яна хам кенгрок ва чуқуррок ўрганиш, шу йул билан боғланишли нутқка доир билимларни сингдириш мазмунида кечиши лозим.

Айрим синтактик курилмалар морфологик воситаларнинг кўлланиш хусусиятлари, чунончи, гапда сўзларнинг одатдаги ва ўзгарган тартиби, уюшиқ бўлакларнинг айрим ифодаланиш ва боғланиш қоидалари туфайли услубий хосланиб, равонлик, ифодалилик, таъсирилилк ва ширадорликни оширади, ритмикани вужудга келтиради, бинобарин, уларни ўрганиш нутқ ўстиришнинг муҳим омилига айланади.

Матн синтаксисида мустакил гапларнинг боғланиши, шу боисдан эса уларнинг бирикувини амалга ошириш учун хизмат киладиган морфологик воситалар дикқат марказига кўйилгани керак. Морфологик воситаларни ушбу йўналишда такрорлай бошлаш учун 5-7-синфларда ўрганилган мавзуларнинг имкониятларидан келиб чикиш зарур. Чунончи: 1) отлар ёрдамидаги боғланиш; 2) олмош (олмош ёрдамидаги боғланиш); 3) боғловчилар.

Боғланишли матн тузиш иши 8-синф ўкувчиларидан уюшиқ бўлакларнинг бирикувига доир муайян билим, кўнишка ва малакаларни содда гап соҳасидан қўшма гап соҳасигагина эмас, балки матн синтаксиси соҳасига кўчиришни тақозо этади. Бунда гапнинг уюшиқ бўлаклари ва мустакил гапларнинг боғланишида ишлатиладиган воситаларни мисоллар асосида таққослаш методидан фойдаланиш лозим.

Ёшларнинг нуткини ўстириш, уларга нутқ маданиятини сингдириш ишлари маълум даражада нутқ услублари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари устида мунтазам равишда олиб бориладиган ишлар сифати ва самарадорлигига боғлик.

Нутқ маданияти, услубий талаблар юзасидан берилган маълумотларни ўрганишда алоҳида олингап гаплар эмас, балки кичик-кичик матнлардан фойдаланиш, услубий таҳлиллар ўтказиш, ўкувчиларнинг матн яратиш устида машқ қилишларига кенгрок ўрин ажратиш мақсадга мувофиқдир.

## АМАЛДАГИ 8-СИНФ «ОНА ТИЛИ» ДАРСЛИГИДА СИНТАКСИСГА ДОИР МАВЗУЛАРНИ ЎТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ РАВИШДА МОРФОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ТАКРОРЛАШГА ДОИР РЕЖА-ТАВСИЯЛАР

Амалдаги 8-синф «Она тили» дарслигига синтаксисга доир мавзуларни ўтиш билан боғлиқ равишида морфологик тушунчаларни тақрорлашнинг ўрни ва қилинадиган ишларни хар бир дарс бўйича аник кўрсатишга ҳаракат килдик. Бунда бутун эътиборни синтаксисни ўрганиш дарсига эмас, балки шу дарснинг қайси қисмида морфологиядан шималарни тақрорлаш, қай тарзда тақрорлаш кераклигига қаратдик.

Дарсликда берилишига кўра I-дарс кириш сұхбатига багишлиланган. Бу дарсда «Мукофот ва жазо» матни устида иш олиб борилиб, бир фикрни турли сўзлар ёки ишоралар воситасида турлича ифодалаш мумкин деган хулоса чиқарилади.

5-топшириқни бажаришдан аввал ўқувчиларга куйи синфларда ўтилган «Лексикология» («Сўзшунослик»), «Морфология» бўлимлари бўйича мавжуд жадваллар намойиш этилади. Бундан мақсад – сўзнинг ўз маъноси, кўчма маъно, маънодош, шаклдош,... мустақил сўзлар (от, сифат, сон,...), ёрдамчи сўзлар (боғловчи, кўмакчи, юклама), модал сўзлар, тақлидий сўзлар тушунчаларини терминларга кўз югуртириб чиқиши йўли билан эслатиш. (Хар бир тушунчага алоҳида-алоҳида тўхталиш, савол-жавоб ёки бошқа иш турлари ўтказиш бу дарснинг вазифаси эмас.)

Юқоридаги ишларга кўпи билан 5 дақика вақт сарфлаш мумкин.

Шундан сўнг 5-топшириқ ва бошка иш турлари бажарилади.

Терминларни бир силда эсга олиш рецептив нутқий фаолият билан боғланади. Бунда сўз маъноси уни кўриш ёки эшитиш орқали ёдга тушади. Жадваллар идрокни яна-хам яққол килади.

Тилшуносликнинг бўлимларини дедуктив усулда ўқувчилар кўз олдида гавдалантириш мақсадида дарсга қуйидаги чизмани олиб кириш мумкин (4.1.1-чизмага қаранг).

Тилшунослик сатҳларини тасаввур қилиш хар бир тил ҳодисасининг таснифий белгиларига жой топиб бориш учун зарур. Шунда ўқувчи нима сабабдан тақрорлаш керак деган саволга амалий заруриятдан деб жавоб бера оладиган бўлади. Синтаксисни ўрганишдаги амалий зарурият – бериладиган назарий маълумот мазмунини тўлиқ тушуниш ва тушунтира билиш, тилшуносликда тутган ўрнини англашдир.

2-дарсда адабий нутқ ва унинг услублари ўрганилади. Ўқувчилар дарслик материали орқали адабий нутқ ва адабий тилнинг фарқини билиб оладилар. Дарсликда услубларни ўзаро фарқлашнинг осон йўли – ташки аломатларига эътибор бериш йўли танланган. Бадиий адабиёт асари бўлса,

бадий услугб, илмий асар – илмий услугб, конун, фармон, қарор – расмий-идоравий услугб.

#### 4.1.1-чизма

### Тилишүнослик бўлимлари



Аслида нутқ услубларини ўзаро фарклаш учун асос бўладиган билим – биринчи навбатда лексикологияга оид тушунчалардир. Қолаверса, бир услуб иккинчисидан феъл шаклларига кўра ҳам муайян тафовутлар ҳосил килади. Шундай экан, ушбу 2-дарсда мавзу билан бавосита боғлаган ҳолда феъл шаклларини такрорлаш лозим бўлади.

1-дарсда 2-дарс эҳтиёжини кўзлаб такрорлаш ташкил этилади.

Нутқ услубларида морфологик воситалар ҳам ўзига хос кўлланиш хусусиятига эга.

2-дарсда 4-машқдан сўнг айрим сўз ва грамматик воситаларнинг услубий кўлланиши ҳакида жуда киска маълумот бериб ўтилади. Масалан, кўчма маънодаги сўзлар, бўёқдор маънодош сўзлар, шевага хос сўзлар бадий услубда кенг ишлатилиади. Илмий услубда маънодош сўзлардан деярли фойдаланилмайди. Терминлар маънодош бўлмайди. Грамматик воситалар ҳам масалан, янглиғ, мисоли каби кўмакчилар бадий услугба хос бўлиб, илмий нутқда учрамайди.

Ушбу тушунтириш ишларига 5-7 дақиқа вакт сарфланади.

Нихоят, феълнинг майл, нисбат шакллари жадваллар асосида ўқувчилар хотирасига туширилади. Илмий нутқда кўпроқ мажхул нисбатдаги феъллар ишлатилиши, баённомаларнинг «қарор килинди» кисми буйруқ-истак майлнинг III шахс бирлик шаклида бўлиши каби ҳолатлар эслатилади.

Навбатдаги 3–7-дарсларда сўз туркumlари тақрорланади (4.1.1-жадвалга қаранг).

3-дарс бевосита мустакил сўз туркumlари юзасидан ўтилганларни тақрорлашга бағишиланади.

7-машкни бажаришдан аввал сўз туркumlари акс этган жадваллар асосида мустакил сўз туркumlари, ёрдамчи сўз туркumlари, модал сўзлар, тақлидий сўзлар яхлит тасниф сифатида эсга туширилади.

4. 1. 1-жадвал

### 3–7-дарс материаллари

Мавзулар, синтактик терминлар	Машк ва топшириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар	Эслаб айтиш зарур бўлган тушунчалар	Қўшима равишида тақрорлаш мумкин бўлган морфологик тушунчалар
<b>3-дарс. Мустакил сўз туркumlари. (Синтактик вазифа.)</b>	Мустакил сўз туркуми. От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш. От сўзлар. От ўрнида кўлланувчи сўз туркуми.		Феълнинг замон, шахс-сон, майл, нисбат қўшимчалари.
<b>4-дарс. Ёрдамчи сўз туркumlари.</b>	Ёрдамчи сўз туркуми. Кўмакчи, боғловчи, юклама. Мустакил сўз туркуми.	Кўмакчи-ларнинг турлари. Боғловчи-ларнинг турлари. Юклама-ларнинг маъно турлари.	Мустакил сўз туркуми. От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш. Сифат даражалари. Сифатнинг маъно гурухлари
<b>5-дарс. Ундов, тақлид ва модал сўзлар.</b>	Ундов, тақлид ва модал сўз. Мустакил сўз туркуми, ёрдамчи сўз туркуми.	От.	Мустакил ва ёрдамчи сўзларга кирмайдиган сўзлар.
<b>6-дарс. Олмошнинг маъно турлари.</b>	Олмошнинг маъно тури. Кишилик олмоши, ўзлик олмоши, кўрсатиш олмоши, сўроқ олмоши, белгилаш олмоши, булишсизлик олмоши, гумон олмоши.		Содда олмошлар, қўшма олмошлар, жуфт олмошлар, тақорий олмошлар
<b>7-дарс. Равишининг маъно турлари. (Синтактик вазифа, гап бўлаги, хол.)</b>	Равиш сўзлар. Равишининг маъно тури. Холат равиши, миқдор-даражада равиши, ўрин равиши, пайт равиши. Ясама равишилар.		Сифат билан равишини фарқлап. Содда равиши, қўшма равиши, жуфт равиши

7-машк бир сидра оғзаки бажарилади. Бундан мақсад – ўкувчиларнинг сўзларни туркумларга тўғри ажратса олиш-олмасликларини аниқлаш. Агар улар муайян қийинчиликлар хис эта бошласалар, мустақил сўз туркумларининг сўроклари акс этган жадвал асосида киска амалий иш ташкил этилади. Бунда отлар ким ёки *нима* сўрокларига жавоб бўлади, предметни билдиради. Олмошлар бевосита предмет, белги, миқдор, иш-харакат англатмайди, уларга ишора қиласди. Шу каби изоҳлар бериб ўтилади. Сифатнинг (чиройли, яхши...) баъзан равиш ўрнида вазифадош сифатида ишлатилиши, лекин равиш саналмаслиги эслатилади. Таклидий сўзларнинг ҳам *нима?* сўроғига жавоб бўлиши, аммо улар предметни билдирамаслиги, товуш ва бошқаларни англатувчи тақлид асосида вужудга келган сўзларни ифода этади.

Сўзларни туркумларга ажратишдаги қийинчилик шунда кўринадики, мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ташқари, ундов сўзлар, модал сўзлар, таклидий сўзлар ҳам борлигидир. Улар на мустақил сўзларга ва на ёрдамчи сўзларга кирмайди, яъни мустасно тарикасида алоҳида туркум сўзлари сифатида тасниф килинади. Буни ўкувчиларга яққол англатиш учун қуидаги чизмага мурожаат этишга тўғри келади (4.1.2-чизмага қаранг).

#### 4.1.2-чизма

### Сўзларнинг туркумлар бўйича таснифи



Аён бўладики, мустақил сўзлар ва ёрдамчи сўзлар ички бўлиннишларга эга, лекин ундов сўзлар, модал сўзлар, таклидий сўзлар бундай бўлиннишларга эга эмас.

З-дарсда сўз туркумлари таснифини ўкувчиларга бир сидра эслатиш мақсад қилиб қўйилар экан, юкоридаги расмдан фойдаланилади, бу билан вактни иқтисод қилишга эришилади. Зеро, кейинги қатор дарсларда ушбу таснифга бир неча бор мурожаат килинади, сўз туркумлари бир неча марта тилга олинади, айтмоқчимизки, таснif ойдинлашиб боради. Демак, дарсда от, сифат, сон, олмош ва бошқа сўз туркумларини тақрорлашда

узоқ тұхталиб қолмаслик лозим. Бу нарса дарсдаги асосий муддаога – сүз туркумларининг фарқли жиҳатларини хотирада тиклашга тез үтиш имконини беради. Айникса, кейинги дарсларда мустакил ва ёрдамчи сўзлар (ёрдамчи сўзларнинг маъно турлари эмас) кўп, ундов сўзлар, модал сўзлар, тақлидий сўзлар жуда кам тилга олинишини назарда тутадиган бўлсак, бу дарсда айни шу сўз туркумларига эътиборни кўпроқ каратиш даркор.

Кўриниб турганидек, 1-3-дарсларда сўз туркумларини такрорлаш умумидан хусусийга караб боради, хусусий билимлар эса умумийга келтириб турилади.

Шундан кейин 8-10-машқлар бажарилади, такрорлаш учун берилган саволларга жавоблар олинади. 11-машқ – уй вазифаси сифатида тавсия этилган.

Дарсда сўз туркумларининг умумий таснифи кўриб чикилади ва мустакил ҳамда ёрдамчи сўз туркумларидан ташқари ушбу туркумлар сирасига кирмайдиган ундов, тақлид ва модал сўзлар борлиги эслатилади, ўзига хос белгилари хакида кисқа маълумот берилади.

Бу иш куйи синфлар дарсликларида берилган маълумотлар мазмуни доирасида амалга оширилади.

Дарслик материаллари ушбу сўзлар туркумларини такрорлаш учун етарли.

10-машқни топшириклар шартига кўра тўлиқ бажариш қийин. Шунинг учун ушбу ишни 1-абзац мисолида бажарган маъкул.

4-дарс «Она тили» дарслиги материаллари асосида ўтилади. Лекин ўқувчиларда такрорлаш учун берилган саволларга жавоб қайтариш учун етарли билим ҳосил килиш мақсадида 14-машқни бажаришга киришишдан аввал қўшимча равишда ўқитувчининг ўзи тайёрлаган «Қўмакчиларнинг маъно ва вазифаларига кўра турлари», «Боғловчиларнинг вазифаларига кўра турлари», «Юкламаларнинг маъно турлари» жадваллари асосида ушбу материаллар кисқа изохланади.

Қўмакчилар, боғловчилар, юкламаларнинг маъно турлари дарсликда тилга олинмаган, аксинча, «Такрорлаш учун саволлар» ўқувчилардан шу сўз туркумларининг маъно турларини эслаб айтишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи тегишли жадваллар билан ёрдамга тайёр туриши керак.

Биринчи ва иккинчи чорак материалларида ёрдамчи сўзларнинг маъно турларига бошқа қайтилмайди. Шунинг учун 4-дарсни эсда қоладиган қилиб ташкил этиш лозим:

- 1) жадвални ўқувчилар орасида тарқатиш;
- 2) қўмакчилар, боғловчилар, юкламалар рўйхатини бериш ва шу рўйхат устида ишлаш.

Мавзу билан боғлаб ўтказиладиган бундай такрорлаш «эслатиш-танишишириш» деб номланиши мумкин. Бир томондан, қўмакчилар,

боғловчилар, юкламалар таснифи ўқувчилар хотирасига туширилади, иккинчи томондан, бевосита кўмакчилар, боғловчилар, юкламаларнинг нисбатан тўлиқ рўйхати билан танишиш содир бўлади.

Боғловчилар, уларнинг таснифи ҳақида ўтилганларни ўқувчилар хотирасида тўлиқ тиклаш мақсадида лингвистик матндан фойдаланиш тавсия этилади.

5-дарс ундов, тақлид ва модал сўзларни такрорлашга багишлиларни. Бу ўринда шунчаки хотирага тушириш эмас, балки бундай сўзларни мустакил ва ёрдамчи сўзлардан фарқлашга доир билим, кўнгина ва малакалар устида иш олиб бориш муҳимдир. (Шуни ҳам эслатиш жоизки, ўқувчилар бундай сўзларни нуткда бир қадар тўғри ишлата оладилар, лекин кўллаш ва имло билан боғлиқ хатоларга ҳам йўл қўядилар.

*Керак* модал сўзи сўзлашув нуткида кенг кўлланади. Китобий нуткда (услуб турларида) уни якин масофада зарур, лозим, даркор, шарт сўзлари алмаштириб, айримлари синонимик варианtlарни ҳосил киласди.

Дарсликнинг 6-дарс материаллари олмошларнинг маъно гурухларини такрорлаш учун мос. Лекин уларни содда олмошлар, кўшма олмошлар, жуфт олмошлар, такрорий олмошлар хисобига бойитиш лозим.

6-дарс грамматик топширикли дикгантдан бошланади. Шу мақсадда ўқитувчи олмош, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўз, модал сўз, тақлидий сўзлардан иккитадан танлаб, айтиб туриб ёздиради. Ўқувчилар бу сўзларни ёзив бўлганларидан сўнг уларнинг қайси туркумга мансублигини устига ёзив чиқадилар. Бу ишни жадвалга солиш, жадвал тўлдириш тарзида ҳам ташкил этиш мумкин.

Бунинг учун янги билим бериш мақсадида сухбат методи қўлланиб, аввал ўқувчилардан сўзлар тузилишига кўра қандай бўлиши сўраб аникланади ва омошлар ҳам тузилиши жихатидан шундай турларига бўлиниши эслатилади. Кузатиш учун мисоллар берилиб, кўшма, жуфт ва такрорий олмошларнинг имлоси ҳақида хулоса чиқартирилади.

Нихоят, икки-уч гапли матнлар берилиб, гап таркибидаги олмошни морфологик ва синтактик тахлил қилиш талаб этилади.

Ушбу дарс ҳам сифат билан равишнинг фарқини кўрсатиш, равишнинг тузилиши турлари: содда равиш, кўшма равиш, жуфт равишни эсга олиш билан тўлдирилади.

Навбатдаги 8–13-дарсларда иншо ва унинг турлари ўтилади (4.1.2-жадвалга қаранг).

8-дарсда берилган 30-машқ маълумотнома матни билан ижодий-тавсифий матн орасидаги фарқларни очишга қаратилган. «Билиб олинг» рукни остида берилган материалда бадиий-тасвирий воситалар тилга олинади. Шу муносабат билан, бир томондан, «Лексикология» бўлимида ўрганилган тушунчалар, иккинчи томондан, адабиёт дарсларида олинган билимлар хотирага туширилади.

31–33-машқларни бажариш мобайнида ўқувчиларнинг мавзуни тушунишларидағи қийинчиликлар, хатоликлардан келиб чиққан ҳолда күшимча изохлар, билимлар берилади, морфологиядан ўтилганлар тақрорланади.

8-дарсда бадий-тасвирий воситалар юзасидан олиб борилған ишлар 9-дарсда ҳам давом эттирилади.

Ушбу дарсда күмакчилар тақрорланади. Муайян күмакчилар (билин, учун каби) барча услугларда ишлатила олади. Баъзи күмакчилар китобий нутқка (илмий услугба, маълумотнома матнларига) хос (юзасидан, кўра, мувофиқ, биноан каби). Айрим күмакчилар (янглиф, сингари, мисли, мисоли каби) бўёқдор бўлиб, асосан бадий услубда қўлланади.

#### 4.1.2-жадвал

### 8–13-дарс материаллари

Мавзулар, синтактик терминлар	Кўшима радиша тақрорлаш мумкин бўлган морфологик тушунчалар
Ижодий матн. Иншо ва унинг турлари. 8-дарс. Маълумотнома матни ва ижодий тавсифий матн.	Бадий-тасвирий воситалар. Маълумотнома матнида бўёқдор сўзларнинг деярли ишлатилмаслиги.
9-дарс. Иншо – ижодий меҳнатнинг олий кўриниши. Иншо – ижодий меҳнат. (Таълимиy иншо, синов иншолари)	Бадий-тасвирий воситалар. Кўмакчиларнинг услубий қўлланиш хусусиятлари. Юкламалар.
10-дарс. Иншо турлари. (Адабий мавзудаги иншо, адабий-ижодий мавзудаги иншо, эркин мавзудаги иншо)	Бадий услубда кенг қўлланадиган морфологик шакллар. Грамматик воситалар рўйхати.
11-дарс. Адабий ва адабий-ижодий мавзулардаги иншолар. (Оддий ёзма тасвиirlар, ҳикоя, мактуб)	Бадий нутқда сифат ва радишларнинг жуфт ва тақорорий ишлатилиши. Бир сўзининг ишлатилиши. Бир нечта гапни морфологик таҳлил килиш.
12-дарс. Эркин мавзудаги иншолар.	Бир гапда бир кўшимча ёки ёрдамчи сўзларнинг кетма-кет ишлатилмаслиги. Бўлишсиз феъл шаклларининг ифодалиликни оширишдаги роли.
13-дарс. Иншога эпиграф танлаш. (Суроқ гап, ундов гап, ҳикматли сўз, макол, ибора, бадий парча)	Морфологик-синтактик таҳлил.

Юкламаларнинг баъзилари кучли ҳис-ҳаяжон ифодалайди (наҳотки, каби). Бундай юкламалар бадий услубда ишлатилади.

Айрим сўзлар (масалан, маънодош сўзлар, кўчма маънодаги сўзлар ва бошқалар) илмий услубда деярли ишлатилмаганидек, айрим грамматик шакллар ҳам илмий услубдан кўра кўпроқ бадиий услубга хосдир. Бу ҳақдаги маълумот 10-дарсда 39-машқдан кейин, 40-машқдан аввал берилади. Бошқача айтганда, иншога тайёргарлик кўриш босқичида тушунтирилади. Бу нарса ўкучилар ёзадиган иншоларнинг ширали, мазмунли чикиши учун зарур.

11-дарсда 42-машқни бажариш жараёнида ўкувчиларга кўшимча равишда асардан бадиий-тасвирий воситаларни топтириш мақсадга мувофиқдир.

Бир сўзининг ишлатилиши билан боғлиқ маълумот эсланади.

12-дарсда морфологик таҳлил учун 47-ва 48-машқ материаллари олинади.

49-машқни бажаришдан аввал ўкувчиларга бир гапда бир кўшимча ёки ёрдамчи сўз кетма-кет ишлатилган ва бундай камчилик бартараф этиб тақдим этилган гаплар таққослаш учун берилади.

13-дарсда морфологик таҳлил 51-машқ материаллари асосида ташкил этилади. 52-машқда режанинг моддалари ўқилгач, гапларнинг тузилиши таҳлил қилинади.

14- ва 15-дарслар. Ёзма назорат иши ва унинг таҳлили ўтказилади. Йўл қўйилган хато турларига караб морфологияга доир мавзуларни тақрорлаш ишлари амалга оширилади.

Навбатдаги дарсларда иккинчи ва учинчи қатлам таснифига кирувчи морфологик тушунчалар устидаги ишлар давом эттирилади (4.1.3-жадвалга қаранг).

16-дарсдан сўз бирикмасини кўмакчили бирикмадан фарқлаш юзасидан ўкувчиларга кўшимча билим бериш учун кулай имконият ва фурсат сифатида фойдаланиш мумкин.

Кузатишлардан маълумки, ўкувчилар 2-топшириқни бажаришда «кўприк устидан ўтиб турибди» бирикмасини ажратиш ўрнига «кўприк устидан» тарзида кўмакчили бирикмани айтишлари мумкин. Бундай хатонинг олдини олиш мақсадида машқдан аввал бу ҳақда мӯъжаз изоҳ бериб ўтиш лозим.

3-топширик шартига кўра берилган гаплардаги сўзлар ва, бизнингча, гап бўлаклари миқдорини аниқлатиш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўшимча равишда феъл шакллари ва кўмакчи феъллар юзасидан ўтилганларни тақрорлаш имконияти мавжуд. Бунга шундай сўзларнинг мавжудлиги ҳам асос бўла олади.

17-дарс сўз туркumlарининг маъновий гурухларини тақрорлаш имкониятини беради. 56-машқни бажариш сўз туркumlарини аниқлаш билан бевосита боғлиқдир. Лекин «Билиб олинг» деб берилган маълумот таркибида мисолларда отлашган (от сўзли бирикма бўлиб келган)

сўзларни аниқлаш ва қайси туркумга мансублигини айтишни сўраш лозим. Бу ўринда чуғур-чуғури, бештаси каби сўзларга алоҳида эътибор берилади. Тақлидий сўзларнинг отазифасида келиши таъкидланади.

57-машқ сўз бирикмаларининг ифодаланишини такрорлаш баробарида келишик қўшимчаларининг имлоси, эгалик қўшимчаси қўшилгандаги имло коидаларини эсга олиш учун замин яратади.

58-машқда феълли сўз бирикмасидаги феълларнинг шаклига (айникса, -са, -мас шаклларига) эътибор каратиш лозим.

**18-дарс,** 60-машқда кўзда тутилганидек (машқ билан боғлаб), қўшимчаларнинг турларини (сўз ясовчи қўшимча, шакл ҳосил қилувчи қўшимча, сўз ўзгартирувчи қўшимча) такрорлаш имконини беради.

61-машқка қўшимча равища кўмакчиларнинг тўлик рўйхатини камраб оладиган сўз бирикмалари берилади:

**4.1.3-жадвал**

### **16-20-дарс материаллари**

Мавзулар, синтактик терминлар	Машқ ва топонириклар шартларида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар	Кўшима равища такрорлаш мумкин бўлган морфологик тушунчалар
Синтаксис, оҳанг ва тиниш белгилари. 16-дарс. Синтаксис ҳақида умумий тушунча. (Гап, сўз, сўз бирикмаси, товуш, қўшимча, сўз бирикмаси синтаксиси, гап синтаксиси, тиниш белгилари, пунктуация, тил бирликлари) <sup>1</sup>	Сўз, ўзак	Сўз бирикмасининг кўмакчили бирикмадан фарки. Феъл шакллари (сифатдош, равишдош, харакат номи), кўмакчи феъллар. Икки сўзни ўзаро боғловчи воситалар рўйхати.
Сўз бирикмаси синтаксиси. 17-дарс. Сўз бирикмаси (ҳосил бўлиши ва грамматик маънолари). (Хоким сўз, тобе сўз, отли сўз бирикмаси, феълли сўз бирикмаси, бош сўз, аниқловчили бирикмалар,	От, отли, феъл, феълли	Мустакил сўз туркумлари. Отлашиш ходисаси. Кўшимчалар имлоси.

<sup>1</sup> Мавзулар, синтактик терминлар устунида дарсда ўрганиладиган, тилга олинадиган синтактик тушунчалар рўйхати берилди. Бундан максад шуки, синтактик тушунчалар салмоги кўп бўлса, бу дарсда морфологиядан ўтилганларни такрорлаш салмоги камалди.

тўлдирувчили бирикмалар, ҳолли бирикмалар)		
18-дарс. Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш шакллари. (Тобе сўз, хоким сўз, оҳанг, битишув, бошқарув, мослашув, аниқловчи, тўлдирувчи, белгили шакл, белгисиз шакл)	Келишик ва эгалик кўшимчалари, кўмакчи, каратқич, тушум, жўналиш, ўринпайт, чикиш келишиклари, от туркуми	Кўмакчилар (тўлик рўйхати), уларнинг турлари, маъновий гурухлари.
19-дарс. Тенг боғланиш ва тобе боғланиш. (Тобеланиш, сўз бирикмаси, сўз кўшилмалари)	Тенг боғловчилар,	Тобе боғланишни таъминловчи грамматик воситалар. Боғловчи, тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар. Бириктирув, зидлов, айирув, инкор боғловчилар, соф ва вазифадош боғловчилар, юклама-боғловчилар, кўмакчи боғловчиси, якка, такрор боғловчилар, аниқлов, сабаб, шарт боғловчилари.
20-дарс. Мустаҳкамлаш дарси.		Кўмакчи ва боғловчиларни фаоллаштириш.

Режа асосида гапирди, аризасига биноан ишдан бушатилди, эрталабдан бери кидиради...

62-машқ учун кўшимча материаллар бериш йўли билан ўқувчилар нутқида кам ишлатиладиган, кўпинча унудиладиган кўмакчилар фаоллаштирилади.

63-машқ -нинг ва -ни кўшимчаларининг тушиб колиш ҳолатларини такрорлаш учун хизмат килади. Айни пайтда ушбу иккала кўшимчанинг қайси сўз туркумларини ўзаро боғлашига тўхталиш мумкин.

19-дарс мавзуси билан бавосита боғланган ҳолда турли хил боғловчилар асосида тузилган грамматик топширикли диктантдан бошланади. Бунда танланган боғловчилар уларнинг маъно гурухларини тўлик хотирага тушириш имконини бериши керак. Ушбу диктант

ўкувчиларни янги мавзуни тушунишга, 66-машқни билиб изоҳлашга тайёрлайди.

67-машқни топширишдан олдин боғловчиларнинг тўлиқ рўйхати акс отган жадвал устида ишлаш мумкин.

Тенг боғланиш *ва*, билан боғловчилари мисолида берилган. Кўшимча равишда боғловчиларнинг бошқа турларини ҳам қатнаштириш мақсадга мувофиқдир. Масалан: *на сен, на мен; гоҳ у, гоҳ бу; ...*

20-дарс 16–19-дарсларда ўтилганларни мустаҳкамлаш ва такрорлашга бағишлиланади.

4-топширикни бажаришдан аввал кўмакчилар ва юкламалар тўлиқ акс отган жадваллар қайта кўриб чиқилади. «Ким кўп сўз бирикмаси ҳосил килади?» ўйинида машқларда учрамаган ҳолатларни хисобга олиш талаб этилгани маъқул.

21-дарс матнга мавзу танлаш масаласи билан боғланган. 72-машқ муносабати билан кўмакчиларнинг маъно турларини яна бир бор эсга олиш фойдаладан холи эмас. Бунда *соф кўмакчи, кўмакчи вазифасидаги сўз, от-кўмакчи, вазифадош кўмакчилар; мақсад маъноси, йўналиш маъноси, фикр мавзуси маъноси, ўҳшатиши, қиёслаш маъноси* тушунчаларига ўкувчиларнинг дикқати қаратилиши мумкин.

Матн устидаги ишлар муносабати билан бир гапнинг иккинчи гапга отни олмош (*у*) билан алмаштириш йўли билан боғлаш, сўз такоридан фойдаланиш, олмошларнинг (хар ким, кимдир) эга вазифасида келиб турли маъно англатиши ҳакида сұхбат ўтилганди, таҳлил орқали мустаҳкамланади.

22-дарсда сўз бирикмасини сўздан фарқлаш устида ишланар экан, 73-машқдан сўнг ўкувчиларга тасвирий ифода ҳакида ўтилганларни ёдга тусириш таклиф этиш, заруриятга караб қўшимча изоҳ бериш фойдали. Ўкувчилардан ўз мисолларини келтириш талаб килинади. Вақт имкониятига караб «Топкирлар беллашуви» ташкил этилади.

23-дарсда сўз бирикмаси ва кўшма сўз ҳақидаги янги мавзуни бошламасдан олдин шу мавзуга бевосита алоқадор бўлган сўз ясалиши, кўшма отлар ва кўшма феъллар (кўмакчили бирикувлар)нинг имлоси юзасидан ўтилганлар такрорланади. Чунки сўз бирикмаси билан кўшма сўз таққосланар экан, кўшиб ва ажратиб ёзиладиган кўшма сўзлар назарда тутилади ва улар ҳақидаги ўкувчилар тасаввuri аниқ ва тиник бўлиши керак.

24-дарсда назорат диктанти ўтилганди, морфологик шаклларга доир йўл қўйилган хатолар муносабати билан имло қоидалари такрорланади.

25-дарс. Тест топшириклари ечилади. 26- ва 27-дарсларда ёзма назорат иши ва унинг таҳлили ўтилганди. Йўл қўйилган хатолар турига караб морфологияга доир тушунчалар ва имло қоидалари такрорланади.

Иккинчи чоракнинг дастлабки 28–32-дарслари куйидаги мазмунда ташкил этилади (4.1.4-жадвалга қаранг).

#### 4.1.4-жадвал

#### 28–32-дарслар

Мавзулар, синтаксик терминлар	Машқ ва топшириклар шартла-рида ишлатилган морфологик термин-тушунчалар	Эслаб айтиш зарур бўлган тушунчалар	Кўшима равишда тақрорлаш мумкин бўлган морфологик тушунчалар
28-дарс. Сўз бирикмаси ва тургун боғланма. (Тил бирликлари)	Ибора (тургун боғланма), тушунча, лексик маъно,		Сўз ва ибора синонимияси. Гап бўлагининг ибора билан ифодаланиши.
29-дарс. Сўз бирикмалари занжири. (Сўз бирикмалари занжири, хоким сўз, тобе сўз)			Қараткичли бирикмалар занжири. Бир хил кўшимчали сўзлар занжири.
31-дарс. Сўз бирикмаси ва гап. (Кесим, кесимлик кўшимчаси,		Сўз туркumlари. Келишиклар.	Сифат даражалари, оддий даража, ортирима даража, озайтирма сифат (даража), кучайтирма сифат (даража), қиёсий даража. Ранг-тус, мазатъм, шакл-қўриниши(хажм), (хил) хусусият, аслий сифатлар, нисбий сифатлар, содда сифат, кўшма сифат, жуфт сифат. Феълнинг ноаниқ шакли. Боглама. Ҳаракат номи.
32-дарс. Сўз бирикмаларини тахлил қилиш. (Хоким сўз, тобе сўз, грамматик восита, битишув, бошқарув, мослашув, синтаксик тахлил,)	Сифат, равиш, феъл, тушум келишиги, от, қараткич келишиги, эгалик кўшимчаси.	Сўз туркumlари. Келишиклар.	Феълнинг замон, майл, нисбат, шахс-сон кўшимчалари.

**28-дарс** турғун боғланмаларнинг табиатини ўрганишга бағишиланган. Иборанинг (турғун боғланманинг) эга, кесим, тұлдиручи, ҳол вазифасида келиши үкувчилар эгаллашлари лозим бўлган жуда муҳим билим, кўнишка ва малакалар сирасига киради. Шунинг учун ҳам дарсда ана шу масалага кўпроқ эътибор қаратилади.

80-машқдаги гапларда иборанинг кесим вазифасида келган ҳолатлари ўз аксини топган. Шунга кўра ҳам ўқитувчи 81-машқдан аввал иборанинг турли гап бўлаклари вазифасида кела олиши акс этган жадвални дарсга олиб кириб, тегишли тушунтиришлар беради ва машқда тавсия этилган ибораларни эга, тўлдиручи ва ҳол вазифасида ҳам кўллаш кераклиги эслатилади.

83-машқда ҳам (матн тузиш) иборани турли гап бўлаклари вазифасида ишлатиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади.

**29-дарс.** Сўз бирикмалари занжирида қаратқич келишигидаги сўзларнинг ишлатилиши мисоллар асосида тушунтирилади. «Каримнинг отасининг хати», «шаҳримизнинг кўчаларининг чиройи» каби сўз бирикмалари занжири тузилмаслиги, бу ҳолат услубий ғализликка олиб келиши, бундай пайтларда «Каримнинг отасидан келган хат», «шаҳримиздаги кўчаларнинг чиройи» каби синтактик алмаштиришларни амалга ошириш зарурлиги мисоллар асосида үкувчилар онгига етказилади.

30-дарс матндан асосий фикрни ажратишга бағишиланади. Бу дарсда үкувчилар матнни таҳрир қилиш чоғида дуч келган қийинчиликларга қараб морфологиядан ўтилган айрим мавзулар такрорланади.

31-дарсда 95-машқни бажаришдан аввал мавзу билан боғланмаган ҳолда сифатнинг маъно ва тузилиш турларига доир ўтилганлар жадвал асосида қисқа такрорланади. Үкувчилардан берилган сўз жуфтликларидан сўз бирикмалари ҳосил қилиш ва гап тузиш жараёнида турли маъно ва шакллардаги сифатлардан ҳам фойдаланиш талаф этилади.

Машқни бажариш намунасида «Мактабга келишдан мақсад ўқишидир» гапи тузиб кўрсатилган. Бу ерда-дир боғламаси бор. Шу ўринда ушбу боғламани тушириб қолдирганда эга билан кесим орасида тире қўйилиши кераклиги эслатилади: «Мактабга келишдан мақсад – ўқиши».

Ниҳоят, феълнинг ноаниқ шакли ва ҳаракат номи ҳақида ўтилганлар үкувчиларнинг ёдига туширилади.

**32-дарс.** Топшириқда келтирилган гаплар микдори 2-3 та кўмакчили гаплар ҳисобига кўпайтирилади.

